



**Д.УРИНБАЕВА**

***Яқинларнинг  
юрагида  
яшайман***



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**Д.ЎРИНБАЕВА**

**Яқинларнинг юрагида  
яшайман**

(Таниқли тилшунос олим Бозорбой Ўринбоев хотирасига  
бағишланади)

**Самарқанд**

**УЎК: 619.616.993**

**63.3(5Ў-2)**

**Ў 80**

Ўринбаева, Дилбар

Д. Ўринбаева. Яқинларнинг юрагида яшайман. [Хотиралар] / - Самарқанд : “Zarafshon” нашриёти, 2016. - 208 б.

**КБК 63.3(5Ў-2)**

*Мазкур илмий рисола Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Antique Word Халқаро Илмий академиясининг академиги, филология фанлари доктори, профессор Бозорбой Ўринбоевнинг ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида устоз ва шогирдлари, қариндошлар томонидан айтилган фикр-мулоҳазалари қайд этилган. Воқеалар, маълумотлар (қариндошлар суҳбатидан, 60 йиллик, 70 йиллик, 80 йиллик юбилейида сўзланган нутқларидан) йиғиб тўпланган. Шунингдек, Б.Ўринбоевнинг кундалигидан чизгилар келтирилган.*

**Масъул муҳаррир:** филология фанлари доктори,  
профессор Б.Йўлдошев  
филология фанлари номзоди, доцент М.Турсунова

**Такризчилар:** филология фанлари филология,  
доцент А.Пардаев  
филология фанлари номзоди, доцент С.Юлдашева

Самарқанд вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Илмий кенгашининг 2016 йил 30 июнь 4/1-сонли йиғилиши томонидан нашрга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-5286-9-7**

Д. Ўринбаева  
© “Zarafshon” нашриёти. 2016.

Бу китоб падари бузрукворим  
юлдузи остида туғилди.  
Ва ҳурмат ила унинг хотирасига бағишланади.

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Яратганга беадад шукурлар бўлсинки, шундай маъсулиятли ишга қўл ўриб тугатмоқликка фармон берилган бўлса....

Инсоннинг тириклиги, унинг боқий умрини, таъбир жоиз бўлса, беш хислатга бўлган бўлар эдим. **Биринчиси**, у табиий обрў-сиймо ва салобатга эга бўлишидир. Китобимиз бош қахрамони ана шундай салобатли, обрў-сиймоли киши эди.

**Иккинчиси**, ишбилармонликда ўзгалардан ажралиб туриши. Айтишларича, у киши доим турли муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлини, ишнинг кўзини билган.

**Учинчиси**, ақл-заковатда ажралиб туриши. **Абу Азид Бастомий таъкидлашича: “Тириклик – илм билан бўлур, роҳат маърифатда бўлур ва лаззат – Яратганнинг зикрида бўлур”**. Бу ҳикматларни минг бор ўқиб, минг бор шарҳлайверсак, янги қирралари очилаверади. Чиндан ҳам илмли инсонлар қадимдан улуғланган. Олимларнинг кўп йиллик ҳаёт тажрибалари, кузатишлари ўқувчини соғлом фикрлашга, руҳан етук, маънан камол топишига кўмак беради. Уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, киши ҳаётда баднафслик, мол-дунёпарастлик, ўғрилиқ, юлғичлик, каззоблик каби ёмон иллатларни қоралашга, камтарин, оқил, сабр, қаноат, инсонпарварлик каби ажойиб фазилатларни улуғлашга ўрганади. Ушбу китобнинг қахрамонлари бу оила билан таниш, оила ҳам таниш бўлганларга, албатта, таниш... Бош қахрамон эса тирикликни илмда билган, роҳатни маърифатдан излаган, лаззатни Яратганнинг зикрида деб билган.

**Тўртинчидан**, оила-аҳли, фарзандлари, қариндош-уруғлари қалбида ўчмас из қолдиришидир. **Шоир Низомиддин таъкидлашича: “Агар номинг халқ орасида ҳурмат билан ёд этилишини истасанг, оилангнинг доимий роҳатини кўзласанг, болаларингга гўзал тарбия бер, бирор ҳунар эгаси қилиб этиштир. Уларнинг юриш-туришларини текшириб тур. Ёмон одамлардан узоқ бўлсинлар, яхшилар билан суҳбатдош**

**бўлиб, баҳра олсинлар”.** Бош қаҳрамоннинг бу хислатларини китоб ўқиб чиққандан сўнг хулосалайсизлар деб умид қиламан.

**Бешинчиси, мажнунлик. Буюк фақиҳ ва муҳаддис Абдуллоҳ ибн Маъсуд ёзишича: “Одамларни сўрайдиган ҳар қандай масалага фатво (жавоб) берадиган киши мажнундир”.** Доимо кимнингдир саволига жавоб бериш, кимнингдир бирор муаммосини ечиш, кимнингдир оғирини енгил қилиш у кишининг касбига айланган эди. Бир дақиқа ҳам тиним билмаган, бир лаҳза ҳам кимнингдир ўйи билан яшамаган кишини ким деб аташ мумкин? Мажнун!

Қаҳрамонимиз ана шундай инсонлардан бири эди. Чунки, эсимни танибманки, хонадонимиз доим гавжум, бир меҳмоннинг келиб, иккинчисини кузатганмиз. Энди билсам, ҳар бир келган кишининг оғирини енгил қилиб, даргоҳларидан норизо кеткизмаган эканлар.

Ана шу хислатларни ўзларида мужассам қилган китобимиз қаҳрамони менинг азиз ва меҳрибон дадажоним Бозор Ўринбоевдир. Ҳар гал дадажонимнинг хислатларини эсласам, худди тирилиб келгандай, рўпарамда тургандай бўладилар. Айтишларича, кўринишидан, ўзларининг салобатлари билан ҳар қандай инсонни чўчитсаларда, аслида, ниҳоятда қалби дарё инсон бўлиб, нутқининг равонлиги, билимининг теранлиги, босиқлик билан гапириши, ҳар кимни эшита олиши, ҳар қандай суҳбатдошни сеҳрлаб қўяр экан.

Бу китобни кутилмаганда туғилишига сабаб, балки дадажоним тўғрисидаги илиқ ва самимий фикрларнинг оқими бўлгандир, балки устоз, улуғ бир инсоннинг ўлими сабаб бўлгандир, балки ожиз ва гапга нуноқ фарзанднинг чираниши бўлгандир. Бундаги воқеалар унинг умри ўтган, фаолияти ривожланган, ижоди барқ ўрган дорилфунунлар - Самарқанд давлат университети, Жиззах давлат педагогика институтида кечади.

Дадажонимнинг умр йўлига назар солар эканман, менда қандай ижобий хислатлар бўлса, барчаси йиллар давомида онгимга сингишига мен учун азиз бўлган оила аҳлимиз сабабчидир.

Ҳаёт қанчалар гўзал, атрофимда меҳрибонларим, аяжоним, ака-укаларим, опаларим, оилам, фарзандларим бўлишмасин, барибир нимадир етишмайди. Айрим пайтларда ҳамма нарса

зерикарли ва маъносиз бўлиб қолади. Ўзимни кўйгани жой тополмай қоламан, шундай кезларда беихтиёр дадажонимнинг иш хонасига йўл оламан. Улардан қолган китобларни кўлимга оламан. Китобларини, матбуотда чоп этиб улгурмаган кўлёмаларини, кундаликларини мутоала қилар эканман, ажиб бир дунёга сайр этгандек ҳис қиламан, ўзимни.

Ўзбек тилшунослигининг чуқур мазмуни сингдирилган сатрлар мени оҳанграбодек ўзига тортади. Уларда дадажонимнинг кўл излари қолган. Уларни ўқиганим сайин, мен учун нотаниш бўлган, дадажоним айтиб улгурмаган тилшуносликнинг сирли оламини ҳис қиламан. Уларнинг нафасларини сезгандек, овозларини эшитгандек бўламан.

Ахир, бу китоблар, кўлёмалар дадажонимнинг ҳаётини мазмуни эди. Уларнинг барчасини неча бор ўз нигоҳларидан ўтказганлар. Ҳар гал суҳбатлашганимизда: “Сен менинг айтолмаган тилшунослик муаммоларини ёритгин! Дангасалик қилма!” – дер эдилар. Фарзандлар орасида менга билдирилган ишонч ва касбимиз туфайли бир-биримизга яқинлик сабаблидир, дадажонимнинг ҳаёт йўлига, илмий фаолиятига доир хотира китобини ёзишга журъат қилар эканман, бир нарсани англадим. Сен учун азиз инсон ҳақида нимадир ёзиш, бир томондан осондек туюлади, иккинчи томондан жуда машаққатлидир. Чунки, сен билган воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний ёритиб бериш масъулияти бўлса, бир томондан бошқа бировнинг кўлидан келмайди.

Буюк ёзувчи Марк Твен: “Инсон умри уч қисмга бўлинади. Биринчи қисми беғубор ёшлик, баркамоллик, орзу-ўйларга тўла бўлган даврдир. Қолган икки қисми эса, биринчи қисм ҳақидаги гўзал хотиралардан иборатдир”, - деган экан. Даджонимнинг ҳаётининг деярли уч қисмига ҳамроҳ бўлган аяжоним кўз олдимга келади. Жуфтидан айрилган бўтадай ҳамон бўзлайди. Узоқ йиллик хотира арқонининг охири йўқдек гўё... Ана шу изтиробларни мен тасаввур қилишим мумкин, холос... Шу сабабли, биз фарзандлар учун хотира ёзиш қийинлиги, сен билан инсон ҳаётининг бир қисминигина билишингдадир. Лекин, мен учун аён бўлган ҳақиқат шундаки, дадажоним Оллоҳ ярлақанган инсон эдилар. Ота-онасининг, устозларининг дуосини олган фарзанд ва шогирд эдилар, умрини беҳуда ўтказмасликни шиор қилган устоз эдилар. Ана шу фазилатлар мен билмаган бўшлиқни тўлдиришга ишонч ҳосил қилдим. Дадажоним умр дафтارينинг

айрим лавҳалари дўстлари, шогирдлари, оила аҳли, яқинлари хотирасида.

Китоб дадажоним Бозорбой Ўринбоевнинг ҳаёт йўлига, фаолиятига бағишланган. Воқеалар, маълумотлар (қариндошлар суҳбатидан, 60 йиллик, 70 йиллик, 80 йиллик юбилейида сўзланган нутқидан) йиғиб тўпланди ва рисола шаклига келтирилиб, Сизнинг ҳукмингизга тақдим этилмоқда. Мазкур китоб ўқувчини илмга бошқача кўз билан қарашга кўмак беради, деб умид қиламиз.

Шу ўринда, китобнинг яралишига ўз хиссаларини қўшган устозларга – Бекмурод Йўлдошев, Фармон Тошев, Маҳкамой Турсунова, Саодат Юлдашева, қариндошлар ва яқинларимга ўз ташаккуримни, чексиз эҳтиромимни билдираман. Меҳр ва самимийлик билан суғорилган мазкур китоб оилаларга янги фикр, янги ғоя, янги орзу-умид, дунёча қувонч ҳамда осмонларча кенг бахт улашишига ишонаман!

Шундай қилиб, сўз боши тугади. Китоб бошланди. Ҳикоялар бошланди.

*Чуқур миннатдорчилик ва чексиз меҳр билан –  
Сизнинг эрка қизингиз Дилбар.*

## ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЗАБАРДАСТ ВАКИЛЛАРИДАН БИРИ

2014 йил 24 ноябрь, соат 8.30. Тилшунос олим Ҳамид Неъматов таъбири билан айтганда, “тилшуносликнинг забардаст олимларидан бири”, дадажоним ҳаётдан кўз юмди. Ҳаётнинг ташвишими, ё кунт қилмасликми, ё бирор сабабми охириги кунлар дадажонимни сўроқлаб келаётган кишилар камайганлиги сабабли дадажоним “Мен энди ҳеч кимга керак эмасман. Ҳеч ким келмаяпти. Ким келди?” деб сўроқлаб турар эдилар.

Дадажон мана бугун қаранг. Сиз қанча одамга кераксиз! Сизни қанча одам сўроқлаб келди. Сизни охириги манзилга кузатиш учун келган тумонат одам кўчаларга сиғмай кетди. Транспорт қатнови тўхтаб қолди. Сизнинг меҳнатингиз, сизнинг ишингиз самарасини қанчалар одамлар қадрлашини кўраяпсизми? Сизнинг бир оғиз сўзингизга интиқ бўлаётганларни кўраяпсизми? Сизнинг дўстларингиз бизга ҳамдард бўлишмаяпти? Эшитаяпсизми?

Тўғри сизнинг ҳаётлигингизда кимнингдир ташвиши бўлгандир, кимдир кунт қилмагандир, чунки сизни мен ҳам ҳеч қачон кетишингизни тасаввур қилмаганман. Сиз доим ёнимда бўласиз деганман. Худди шундай ўша сиз кутган одамлар ҳам сизни доим ёнида ҳис қилишгандир.

Қаранг, дўстларингиз келолмасада, СМС ёзишмаяпти, кўнғирок қилишмаяпти:

Бугун умрини миллатимизнинг юксалишига бахшида этган Бозорбой акамнинг рихлатлари сабабли оиламиз ҳамдардлигини қабул қилинг! Жойлари жаннатда, руҳлари сизларга ёр бўлсин! Омин! Ҳамид Неъматов (Бухоро). 24.11.2014. 11:57.

Дилбар қизим, бандалик! Жойлари жаннатда бўлсин! Абдуҳамид Нурмонов (Андижон). 24.11.2014. 14:37.

Устоз, олийжаноб одам эдилар. Бандалик! Қанча одамларга ёрдам бердилар. Сизларга сабр. Жойлари жаннатда бўлсин! Носиржон Улуғов (Наманган). 24.11.2014. 16:00.

Устоз, маслаҳатгўй инсон эдилар! Бандалик! Жойлари жаннатда бўлсин! Шаходатхон (Андижон) 25.11.2014. 12.00.

Тоғлар чўкка тушди, бағри яроман, Бугун ўз умримга ўзим жазоман. Сиз ҳам ўзингизга хушёрроқ бўлинг,... Жумагул Сувонова.



Узр дадажон, бизлар йиғлолмадик. Бақириб-бақириб, айтиб  
йиғлолмадик. Демокчи бўлдик, аммо томоғимизга бир бурда  
нарса тикилиб на ўтиб кетди, на тушиб....

Сизга айтар сўзларимиз кўп эди:

Баланд тоғлар паст бўлди-я, дадажоним!

Кетганингиз рост бўлди-я, дадажоним!

Шамол келмай ўчди чироғим-а, дадажоним!

Вой, дадажоним, дадажоним!

Айтолмадик, айтар сўзимизни айтолмадик...

Бошимизда посбон, дадажоним,

Олдимизда сарбон, дадажоним,

Бузилган кўрғоним, дадажоним,

Вой, дадажоним, дадажоним!

Айтиб-айтиб йиғламоқчи эдик, йиғлолмадик...

Устозим, маслаҳатгўй эдингиз-а,

Устуним, соябоним эдингиз-а,

Ишонган тоғим эдингиз-а,

Вой, дадажоним, дадажоним!

Ҳамма нарсани ўргатган экансиз-у, йиғлашни ўргатмабсиз...

Тилшунослар сарбони эдингиз-а,

Шогирдларингиз суҳбатингиздан тўймади-я,

Касбдошларингиз қаторидан йўқотди-я

Вой, дадажоним, дадажоним!

Аммаларим айтгандай, юрагимиз тошдир, балки...

Ҳар ишда маслаҳатгўйим, дадажоним,

Ҳамиша дуогўйим, дадажоним,

Йиқилсам суянчиғим, дадажоним,

Энди кимга суянай мен, дадажоним, дадажоним!

Келган одамлар бизнинг сизга бўлган муҳаббатимизни  
йиғлашимиздан баҳолашар экан. Ўша баҳони ололмадик,  
дадажон! Доим “беш” оладиган фарзандларингиз “икки” олиб  
кўйди, дадажон!

Суннат ва Неъмат акамлар, Ҳикмат ва Исмат укамлар, опам  
ва мен, невараларингиз барчаси сизнинг кетишингизни ўйламаган  
экан.

## ШАЙХ ХУДОЙДОД ВАЛИГА ИХЛОС ҚИЛГАН ДАДАЖОНИМ

Учинчи кун Валибобога борганимизда эрталаб соат 6 бўлаётган эди. Паға-паға қор ёғаётган эди. Кечадан бери эзиб ёққан ёмғир охири қорга айланибди. Еру кўкни оққа ўрашга ҳаракат қилаётгандек, шиддат билан ёғяпти. Ҳали кўчада одам йўк. Машиналар ғилдираги остидан лой аралаш қор сачраганининг ва шамолнинг увиллаган товушидан бошқа ҳеч нарса эшитилмайди. Кўчанинг икки четида бизни кутиб олаётгандек дарахтлар таъзим бажо қилиб турибди.

Опам Гулнора, янгам, жияним Азизбек ва мен Суннат акамнинг машинасида Ғазира қишлоғи томон кетар эдик...

Опам:

-Дадажоним, ана шунақа ҳавони яхши кўрардилар. Шунақа ҳавода айланишни...

Ҳамма яна сукутда йўлда давом этди. Неъмат акамнинг машинасида ҳам укамлар етиб келишди. Валибобога борганимизда ҳаммаёқ оппоқ эди. Оппоқ қабр тумпайиб турар, ёнида экилган арча ҳам мунғайиб эгилиб қолганди. Ҳатто табиат ҳам бизга ҳамдарад эди. Қироат билан тиловат қилинди. Ҳеч қачон йиғлашни билмайдиган Исмаи укам ва Неъмат акам ҳам товушини чиқармай ерга қараб ўтирардики, ўтирган жойидан фақат елкаларини силкингани билинарди. Ҳамма индамай бири-бирига эргашиб чикди. Қайтаётиб дадажонимнинг 2004 йилда нашр этилган “Ғазирам салоҳияти” китобини эсимга тушди. Китобда Жомбой сўзининг таърифи, Ғазира қишлоғи ва ундаги бугун дадажоним учун сўнгги манзил бўлган Шайх Худойдоди Вали зиёратгоҳи ҳақида фикрлар билдирилган.

Шайх Худойдоди Вали зиёратгоҳининг ўнг томонида яна битта қабр кўтарилди. Айтишларича, ўша куни Жомбойда Валибобога бурилиш жойидан бутун қишлоқ сизни кутиб турган экан. Ўша ердан бутун қишлоқ аҳли сизни қўлларида кўтариб бориб, қабристонга сиғмай кўплари ташқарида қолган экан. Бу ҳаммаси сизнинг меҳнатингиз самараси эмасми? Бу ҳаммаси сизни қанчалар ҳурмат қилишлари ва сиз уларга қанчалар керак эканлигини билдириш эмасми?

Эсингиздами, 2007 йил 17 ноябрда Сиз, профессор Саидахмад Раззоқов, Комилхон Каттаев ташаббуси билан Шайх Худододи Вали зиёратгоҳида “Шайх Худойдод Вали ижодининг

маънавий-маърифий кадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти” мавзуидаги вилоят анжумани уюштирилган эди. Анжуманга тайёргарлик мақсадида ушбу зиёратгоҳда таъмирлаш ишлари ҳам бўлган эди. Анжуман материаллари тўплам сифатида нашр эттирилганди.

Доим айтардингиз, “Ўз яшаб турган жойнинг ва инсонларининг тарихини, авлод-аждодини билиш, уларга бўлган ҳурматдир”, - деб. Шунинг учундир, ушбу зиёратгоҳ тўғрисида бир неча рисола ва мақолаларни яратгандирсиз. Балки айнан ана шу зиёратгоҳда бобом, бийим, опам, синглим ва бошқа қариндошларимиз ётганликлари учун ихлосингиз баланд бўлгандир.

### **ОИЛА ШАЖАРАСИ**

2014 йил июнь ойлари эди. Дадажоним аяжоним билан биргаликда Жомбойга меникида бир неча кун турдилар. Одатда иккалалари ҳам ҳеч қаяққа бормас эдилар. Меникига келса ҳам бир кундан ошиқ турмас эдилар. Бу сафар бир ҳафта турдилар. Зерикмасинлар деб:

-Дадажон, ҳаётингиз ҳақида гапириб беринг, - дедим. Дадажоним анча индамай туриб, сўнг сўз бошладилар:

“Отам Ўринбой бобо манғит ва араблар авлодидан бўлган. Худойдоди Вали бобо қабристонининг энг юқори қисмида Худойдоди Валининг даҳмаси жойлашган. Даҳманинг орқа томонида 3 та қабр тоши мавжуд. Уларнинг бирига “Қучқорбой ибн Некбой, сана 1230 (1814 йил) вафот этган”, иккинчисига “Жонишбий ибн Ёрмамат, сана 1254 (1837 йил) вафот этган”, учинчисига “Қоплон бобо ибн Нурасадбой, сана 1322 (1903 йил) вафот этган” деб ёзилган.

Қабртошдаги кишилар Худойдоди Вали ва унинг авлодлари Амир Такииддин, Биби Ҳадияларга хизмат қилган кишилар бўлганлиги сабабли улар ҳам шундай ҳурматга сазовор бўлган.

Қоплон бобо ибн Нурасадбойдан икки фарзанд қолган: Бекча, Бобобек. Фарзандлари етти ва ўн бир болорли уйларда эшонларга хизмат қилган. Бекча Чучукойга уйланади ва ундан Мусаллам, Холбийи, Анорқул, Аҳмад, Бобоқул каби фарзандлари дунёга келади.

Бобобек Чучукойнинг синглиси Ширинойга уйланади ва хотини 8 ойлик хомиласи билан есир қолади. У

Жўраҳонхўжаникида хизматда бўлади. Шириной ўғил фарзандли бўлгандан сўнг Жўраҳонхўжанинг хотини Ёқутхон ўғли бўлмагандан шу фарзандни ўзига олиб тарбиялайди. Унинг номини Ўринбой (1900-1981) қўяди. Шунинг учун уни “Ўринбой сағир” деб аташган. Ўша пайтда Ёқутхоннинг ҳам Хамробуви деган қизи туғилган бўлади. Шунинг учун Хамробувининг сутига Ўринбой шерик бўлади.

Ширинойни эса, аммаваччалари арабларга турмушга беради. Араб бободан Қурбоной (фарзандлари: Маҳфират, Пўлат, Мақсад, Турғун), Маҳаррам (фарзандлари: Бердикул, Марзия), Зиннат (фарзандлари: Рустам), Рауп (фарзандлари: Олмос), Шарофат (фарзандлари: Мастура, Насиба, Зиёда, Нарзулла, Фарход, Нормурод, Гулрабо, Ойдин, Нафиса, Жўракул), Иззат (фарзандлари: Замира), Эргаш каби фарзандлари туғилади.

Ўринбой Улуғ Ватан уруши даврида Бакуда ишчи батальонда хизмат қилган. Оёғига рельс тушиб шишиб кетади ва юролма қолиб урушдан уйга қайтади. Ўринбой бобонинг Ботир (фарзандлари: Гулчехра, Шавкат, Назира, Манзура, Саида, Нурхон, Маъмура, Озода, Улуғбек, Қахрамон, Зокир), Бозор (фарзандлари: Суннат, Неъмат, Гулнора, Маърифат, Дилбар, Ҳикмат, Исмат), Зариф (фарзандлари: Илхом, Шухрат, Комил), Шариф (фарзандлари: Шароф, Шоиста, Фаррух, Зафар), Шокир (фарзандлари: Лазиза, Шоира, Динора, Надима, Ғолиб, Нодир) номли ўғиллари, Майрам (фарзандлари: Раъно, Раббим, Абдуалим, Раҳима, Абулвафо, Карим, Сожида, Абдували, Сайёра, Амир), Малика (фарзандлари: Мавжуда, Мавлуда, Султонмурод, Боходир, Бахтиёр, Обид), Муҳаббат (фарзандлари: Нодира), Малоҳат (Ҳилола, Нилуфар, Саодат) номли фарзандлари бўлади.

Онам эса, қийинчилик вақтида катта онам – Норбийи Раҳимбоева фарзандлари Хасан тоға (фарзандлари: Мастура, Муқаддам, Мусоқул, Хусан), Холбийи хола (фарзандлари: Абдураззоқ, Бойузоқ, Майрам, Жонузоқ, Ёшузоқ) ва онам Қудратой билан Ғиждувондан аравага мингашиб Жомбойга келган экан. Отаси Раҳимбой онам 3 ёшлигида ўлиб кетган экан. Ғазирадаги тепаликка келиб ўрнашган. Чунки Ғазирадаги мол бозори қадимдан, ҳатто, Буюк ипак йўлининг бир шаҳобчаси сифатида донғи кетган. Бозор тепаликнинг ёнида, Булунғур ариқнинг ёқасида жойлашган. Шунинг учун бўлса керак турли

шаҳарлардан очарчилик даврида одамлар кўчиб кела бошлаган. Шулардан ўқимишли, билимлиси Хасан тоға бўлиб мактабда ўқитувчилик қиларди. У кишининг бир қизиқ одатлари бўлган экан. Ким ўқиб келмаса, тирноғининг тагига игна санчаркан.

Очарчилик даври ҳамма ҳар ерга иш излаб кўчиб юрган давр эди. Жиззахдан Ҳамро совунгар ҳам икки қизи (Хосият, Онабийи) билан қишлоққа келиб қолади. Ўша пайтларда совунгарлар совун пишириши учун жуда кўп сув қўллаганлар. Совун пишувчи қурилма тепада жойлашганлиги сабабли сувни ташиб юқорига чиқаришган. Тепаликдан пастда эса Булунғур ариғи оқиб ўтган. Ҳамма сув олиш учун ариққа келган. Ҳамро совунгар Норбийи билан ана шу ерда танишиб қолиб турмуш қуришади. Улардан уч ўғил Нормамат (фарзандлари: Элмурод, Холмурод, Сайёра, Дўстмурод), Шермамат (фарзандлари: Муслима, Салима, Раҳима, Роҳила, Худойназар, Бойназар, Пирназар, Нурмамат, Мурод), Эрмамат (Замира, Фулом, Хафиза, Ҳамза, Наргиза, Мунира, Насиба, Равшан, Рустам, Шероз) туғилади.

### **ТАДБИРКОРЛИК МЕРОС**

Катта аммам Малика билан суҳбатлашдик. Гапираяпти-ю, тинмай йиғлаяпти: “Урушдан кейинги вақтлар... Қийинчилик даврлар эди. Ўша даврда сизлар ҳозир айтаётган тадбиркорлик кўл келарди. Ишнинг кўзини билиш керак эди. Онам бечора тўққиз болани тарбиялаши, ўқитиши ёки касб-хунарли қилиши керак эди. Ўшанда билмаган эканман. Бунча нарсани ўқимаган хотин қаердан билган экан? Ким ўргатган экан? Сўрамабман.... Онам ана шунақа тадбиркор эди. Отам урушда оёғига рельс тушиб, базўр юрадиган бўлиб қолган бўлса-да бригадирлик қиларди. Колхоз ерига жўхори, маккажўхори, буғдой, шалғом, лавлаги экардилар. Шунинг учун бўлса керак, ҳамма уй рузғор деярли онамнинг зиммасида эди.

Ғазира қишлоғидаги қадимдан энг катта бозори шундоққина уйимизнинг олдида бўлганлиги ҳам онамнинг тадбиркор бўлишига ундаган бўлса керак?! Айтишларича, бу бозор Ипак йўлида жойлашган экан. Ёшлигимиздан эсимда узоқдан кўнғирокнинг жиринглаган овози келарди. Биз “Туялар!” деб кўчага чопардик ва йигирма йигирма бештача туянинг орқасидан чангитиб чопиб бозоргача кузатардик. Туякашлар бир кун олдин

келиб бозорга жойлашарди ва туяларидаги қопларни саранжомлаб тахлаб қўярди. Қопларда ҳамма нарса – буғдой, туз, ун, совун-у мой ҳаммаси бўларди. Онам улардан савдо қилиб берар биз уйга ташир эдик.

Азалдан бу ерда якшанба куни катта бозор бўлади. Шанба куни бизнинг уйимизда иш қизғин бўларди. Кимдир ўтин ташиган, кимдир сигирларни подага олиб кетган, кимдир пастдаги булоқдан сув ташиган, кимдир томорқадаги сабзавотларни терган, хуллас, тўққиз фарзанднинг ҳаммасига каттадан кичигигача иш етарли эди. Онам ҳамманинг ишини тақсимлаб берардилар. Мен катта бўлганлигим учун хамир қилардим. Мавсумга қараб бирор нарса пиширардик: кади бичак, кўк сомса, филминди, нон, нишолда, сумалак ва ҳоказо. Якшанба куни эса, бозорда самовар қайнатардик ва пиширикларни сотардик. Бундан ташқари, сут, сариқ мой, сабзавотлар, мевалар, хуллас, хўжалигимизда нимани етиштирсак, ҳаммаси бозорга чиқарди.

Фарзандлар орасида Бозор доим йўқолиб қоларди. Подага жўнатсак, бирор сояда китоб ўқиб қолиб кетарди, сигирлар ўзлари кириб келарди. Томорқада пиёз ўташ, бодирингларни тагини чопиш керак бўлса ҳам, қўлидаги кетмонга суянганча бирор китобни қўлтиғлаб ўтирарди.

Кечқурун эса, сандал атрофида ўтириб ҳаммамиз пул санардик. Кичиклар танга, каттароғи бир рубль.... Сўнг онам пулларни бу ун ҳақи, бу нишолда ҳақи, бу болалар ҳақи деб ажратиб чиқардилар. Ва ҳар бир “ҳақ”ни ўз ўрнида ишлатардилар. Пул санаб бўлгандан сўнг ё мен, ё Марзия, ё Бозор дoston ўқир, қолганлар эшитарди. Варақлари сарғайиб, титилиб кетган иккита китоб бор эди: бири “Ширин ва Шакар”, бири “Алпомиш” достони. Кейинчалик Бозор қаерлардандир китоб топиб келарди ва биз қора чироқ остида ўқир эдик. Кечқурунлари китоб ўқишга қўни-қўшни ҳам чиқарди.

Эллигинчи йиллар эди, қишлоғимиздан биринчилардан бўлиб Ботир акам, Бозор акам ва яна уч йигит Самарқанд эрлар педагогика билим юртига ўқишга кетди. Онам бир бозор куни уларга усти бош олиб берди. Оёғига махси калиш, устига тун кийгизиб аравага мингаштириб шаҳарга жўнатди. Бир ҳафта ўн кунда ё Бозор акам, ё Ботир акам келиб кетарди. Шунгача биз зоғора нон, туршак, қанд курс, шалғом, лавлаги ғамлаб қуярдик.

Улар келгандан сўнг халтага солиб елкасига осиб жўнатарди. Аравакашлар келиб қолса аравада бўлмаса пиёда шаҳарга кетарди. Қиш кунлари анча қийналарди. Махси калиш билан тизза бўйи қор кечиб кетиш керак эди. У пайтлар этик, пайпоқ қаерда дейсиз...

Шундай бўлса-да, онам бизни ҳаммамизни ўқитди. Аввал онам акамларни ўқитди. Кейин Бозор акам домла бўлгач, бизни ўқитди.

Тўққиз фарзандни катта қилган онамнинг тадбиркорлигини ҳеч ким ўрганмабди. Ҳаммасини Бозор акам ўрганган. Ана шу тадбиркорлик онамдан акамга мерос қолган”.

Жиззах педагогика институтининг доценти М.Турсунпўлатов айтиб бердилар: “1973 йилда Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати билан 1974 йилда Жиззах давлат педагогика институти ташкил этилди. Шу институтнинг биринчи ректори сифатида 1974 йилдан 1992 йилга қадар фаолият кўрсатди.

Б.Ўринбоев ректорлик фаолияти давомида институтнинг эски биносини қайта қуришди ва айниқса ҳозирда Жиззах шаҳрида узукка кўзқўйгандек ярашиб турган янги биносини қуришда катта хизмат қилди.

Жиззах вилояти эндигина ташкил топган. Иш шунчалик кўпки, на ўқитувчида, на студентда, на ректорда тиним бор. Ўрда боғида ободонлаштириш ишлари бошланган. Кеча-ю кундуз бир маромда иш. Жиззах шаҳридаги институтнинг янги биносининг очилиши арафаси эди. Ҳаво салқин октябрь-ноябрь ойлари эди. Институт биносининг олдида дарахтлар экилди, йўлаклар қилинди. Шунда: “Нима қиламиз? Атрофга гуллар экиш керак, қандай қиламиз? Ўйланглар!” – дедилар-у, телефон гўшагини олиб Самарқандга қўнғироқ қилди. Шунда неча тўп гул кераклиги, неча пул бўлишини келишиб олдилар. Биз Самарқандга ўша захотиёқ йўл олиб айтилган гулларни олиб келдик. Эрталаб экиш учун одамлар шай туришди. Меҳмон келишидан икки соат олдин гулларни туваги билан экиб қўйдик. Меҳмонлар куз фаслида гуллар гуркираб ўсаётганидан ҳайрон қолишди. Ҳамма кетганидан сўнг гулларни туваги билан қайта қовлаб олиб яна Самарқандга элтиб бердик. Б.Ўринбоев ана шундай тадбиркор, ана шундай ҳамма муаммони жойида ҳал қила оладиган инсон эди.”

Дадажонимнинг дўсти Махмудхон Эшон бобо (Мухаммадиев) айтиб бергандилар:

1965-1967 йиллар Қарши давлат университетида доцент, кейин Самарқанд давлат педагогика институтида доцент, кафедра мудири, ўқув ва илмий ишлар проректори, ректори (1967-1974) бўлиб ишлади. 1973 йилда кўриқ Жиззах вилоятининг ташкил этилиши муносабати билан Жиззахда педагогика институтининг ташкилотчиси ва ректори сифатида фаолият юритди. Ўшанда кичкина икки қаватли бино беришди. Институтни таъминлаш ва иш бошлаш учун давлат томонидан бироз пул берилди. Аммо бу пул ҳеч нарсага етмас эди. Атрофда дарахт йўқ, дарахт экиш ва ўстириш учун сув йўқ. Бино, синф хоналари талабга жавоб бермайди. Ҳаммаёқ қум, ҳаммаёқ тикан. Нима қилиш керак?

Шунда қоровул бўлиб ишга кирган Мустафоқул акани чақирибдилар.

-Мустафоқул ака, битта кўй олиб келсангиз!! – деди. Сўнг институт биноси нарироғида жойлашган зиёратгоҳга шу ерлардаги катта ёшли, мўйсафид кишиларни йиғиб кўйни сўйдириб, ош қилдириб, маслаҳат қилдилар.

Бир томондан уларнинг маслаҳатлари, иккинчи томондан, дўстлари - 40 йил мактаб директори бўлиб ишлаган Махмудхон Эшон бобо, Қарши давлат университетида фаолият юритган Амир Хазратқулов, Ўзбекистонда Халқ артисти Таънаберди Қурбонов, узоқ йиллар обком раиси бўлиб ишлаган Одил ака, Наби Ўролов, Асил Рашидов, Суннат Имомовлар ёрдам кўлини чуздилар. Бири оҳак, бири сув келтириш учун зарур ашёлар, бири кўчат, бири буёқ билан таъминлади. Шунда ҳашар қилиб бино оқланди, буялди, синф хоналари жихозланди. Институт биносидан мемориалгача бўлган жойга кўчатлар экилди. Ўшанда Бозорбой ака тиззагача тупроққа ботиб кўчат экаётган эди. Бир киши келиб Ш.Рашидов чақираётганлигини айтди. Оёқларини чангини қоқиб, кўлларини ювиб чиқди. Шунда учта қора “Волга” русумли машинадан ўн кишилар чамаси одамлар тушди. Шуларнинг биридан Шароф Рашидов ҳам тушиб келди-да, Бозорбойни кучиб: - Балли, азамат! Агар сизга ўхшаган фидойи кишилардан ўнта бўлса, Жиззах гуллаб-яшнаб кетади.

Шогирдларидан Уроқов Ҳаким ака ҳам дадажоним ҳақида шундай илиқ фикрларни айтдилар: - Устозни 1977 йилда бизга “Тилшуносликка кириш” фанидан дарс ўтганда таниганман. Ўша



пайт институт янги очилган, эски бинода дарслар бўларди. Биринчи марта дарсга ректор кирар экан, - деса ҳаммани сушт босарди. Бир бўйи узун, кўзлари катта-катта, гавдали одам дарс бошлади. Пашша учса, эшитиларди. Ҳамма жим дарсни тинглади. Шунда домлани маҳортига тан берганман. Паст ва секин овозда гапираяптилар, аниқ ва тиниқ тушунарли қилиб бизга мавзуни етказганлар.

Институтни битираётган пайтимизда эса Бахмал қишлоғида институтнинг лагери бўлар эди. Талабаларни дам олиш учун лагерь ташкил қилгандилар. Ўша ерда ҳар бир факультет учун павилонлар қурилди. Хашар йўли билан лагерь вужудга келтирилди. Ўшанда талабаларнинг саломатлиги, дам олишини ўйлади. Шунда маблағ йўқ, бирор нарсани қуриш қийин бўлган даврда домланинг ташкилотчилик қобилиятига хавас қилганмиз. Ундан кейин Фориш туманида “Жилғача” лагери қурилди. Бу институт ўқитувчиларининг болалари учун эди. Вopсойда ҳам талабалар учун лагерь ташкил қилди. Кейинчалик эса институтнинг эски биносида профилактория ташкил қилди. Талабалар ва ўқитувчиларни соғлигини сақлаш учун шароит яратди.

### **ФИЛОЛОГ БЎЛИШИМГА САБАБ**

Дадажоним 60 йиллик юбилейларида интервью берганларида шундай сўзлаб берган эдтлар:

Отам билан онам болам ўқигин. Мана биз ўқимадик, лекин ўқимаганимиз учун кам бўлмадик. Худо берган ризқимизни териб юрибмиз. Отам арабча, кирилча ёзувни ҳам билар эдилар. Ўзи ўқиб ўрганган эди. Биз оилада ўн киши эдик. Шу ўн кишининг ичидан ўқишга, илм йўлига йўллаб юбордилар. Бошқа фарзандларининг ризқини қийиб, мени олим бўлишимни қўллаб қувватладилар. Мени Самарқандга эрлар билим юртига келтириб қўйдилар.

Ҳаётимда биринчи марта биттаси айтдики, “Дўстим, кел, сигарет чекишни ўргангин”, деди. “Ҳа, майли” деб энди сигаретни тутатиб турганимизда, худо раҳматли Бозорбоев деган домла бўлар эди. У кишининг ҳам худда мана шундай китоблари кўп эди. Шу киши келиб қолди, қўлимдан сигаретни олди-да, оёғининг тагига ташлаб эди ва “Эртага олдимга келгин”, деди. Ўша устоз қўлимга контур харита берди-да, ҳар кун буяб

келишни талаб қилди ва мен бутун дунёнинг харитасини ўргандим. Бу одамдан розиман, у киши менга “Ер тили”ни ўрганишимга, яъни луғат тузишимга таъсири бўлган деб ўйлайман. Сабабики, дунё харитасини ўша киши ўргатган.

Филология йўналиши бўйича энг биринчи устозим Абдужаббор Мухторов мени тилшуносликка қизиқтирди ва мен филолог бўлдим. Устоз 1957 йилда чиққан “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобни олиб келишни айтдилар. Олиб келганимиздан кейин гуруҳдаги талабаларга қисмларга ажратиб бўлиб бердилар. Ҳар бир талаба ўз бўлимлари юзасидан мулоҳаза ёзиб келиши топширилди. Менга “Феъл” бўлими тушган эди. Мен мулоҳазага “Мана бу жиҳатига эътибор берилмаган экан”, деганим учун “Сендан келажакда яхши филолог чиқади” деган эдилар. Шундан мен филологияга қизиқдим.

## ИНЪОМ ЭТИЛГАН ЭНГ КАТТА БАХТ

*Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё ажот,  
ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир.*

*Абдулла Авлоний*

Ривоят қилишларича: *Қадим замонларда Самарқанд бозорини жуда бой бир киши айланиб юрган экан. Тўсатдан у тепаликда жойлашган раста пештоқидаги “Ҳамма нарса сотилади” деган ёзувни кўриб қолибди. Бой ҳайрон бўлиб: - “Ҳой сотувчи, сенингча мана бу ердан, яъни сендан бахтни, бойликни ва омадни сотиб олсам бўлар эканда?” – дея сотувчидан сўрабди.*

*Бунга жавобан: “Биз фақат уруғларни сотамиз, уларни қаерга экаси, ул қандай ўсиб чиқади, улардан нима етиштирасиз, бу фақат сизга, мутлақ сизга боғлиқ”, - дебди сотувчи.*

Неча кунки, таниш-билишлар, ҳатто, танимаган одамлар ҳам йўқлаб келмоқдалар. Кимдир биз бирга ишлаганмиз дейди, кимдир устозим дейди... Гўёки экилган уруғлар энди ҳосилга кирди, ёки ҳосилга аввалроқ кирган-у улар сезмагандир..... Хуллас, дадажонлари ҳақида илиқ сўзларни кўп эшитишмоқда, улар. Ҳар бири ўз-ўзига савол беради: Дадажоним қанақа инсон? Дадажоним ҳақида нима биламан?

Ўйлаб кўришади-ю, лекин ҳеч саволга жавоб топа олмайдилар. Ҳеч нарса билмайдилар. Аммо “ёшлигимдаги бир

хотира кечагидай ёдимда.... - деб сўзлайди Дилбар. Биз кичкина эдик. Энг кенжаси мен. Икки акам ва икки опам. Кеч тушган эди. “Девори кўндаланг” маҳалласидаги уйимиз. Жуда файзли, жуда кенг, жуда кўркам. Билмайман, бир нимани эслатувчи ўша ёқимли хид. Ҳовлининг тўрида кичкина жуда иссиқ ҳаммом. Аяжоним бизни бирма-бир чўмилтириб берар, дадажоним эса катта сочикқа бизни ўраб оппоқ чойшаб тўшалган ўрнимизга келтириб ётқизардилар. Яна ҳаммамизни бирма-бир кўрпага ўраб пешонамиздан ўпиб кўярдилар. Ўша битта ўпич бизга қандайдир ғурур, қандайдир куч берарди. Мен кенжа бўлганлигим учунми, мени бошқача эркалардилар. Ёки ҳаммамизни бир хил эркалагандир, аммо менинг хаёлимда, мен у киши учун бошқача эдим. Дадажоним эрта-ю кеч ишда, эл хизматида бўлганлари учунми билмайман, деярли бир-биримизни кўп кўрмаганимиз учунми билмайман, дадажоним билан бўлган ҳар бир дақиқа бизнинг ҳар биримизнинг хотирамизда ўзгача бир тароват билан муҳрланиб қолган”.

Б.Ўринбоев шогирдлари С.Ҳамдамованинг “Ҳамиша сиз билан қоладиган бахт” номли рисоласида келтирилганидек, “Вақтингизни тўртга бўлинг: бири ўзингизга, бири фарзандингизга, бири – турмуш ўртоғингизга, қолганини ишга сарфланг”. Дадажонлари ана шу тамойилга амал қилган бўлсалар керак, фарзандларининг хотирасида кўплаб воқеалар муҳрланган.

Дадажонимнинг бир одатлари бор эди – доимо байрамларни табиат куйнида нишонлар эдик. Бу байрамларнинг қизиқлиги шунда эдики, кўкқисдан бизни “Туринглар, кетдик”, деб олиб чиқар, қаёққа боришимизни билмас, биз кичик бўлганлигимиз учун фақат “Ура, тоққа!” деб хурсанд бўлардик. Одатда “тоққа” борганда бирор ошналари бўлса шуларникига тушар, бўлмаса тўғри келган жойда жой қилар эдик. Ҳозир билсам, “тоққа” жуда узоқ бўлган жойларга эмас – буёғи Форишу Зомин, у ёғи Бахмал, Ургут, Жомбойгача бўлса-да, биз –ёш болалар учун бу бутун дунёни кўргандай гап эди.

Дадажонимнинг яна бир одати бор эди, доим айтар эдилар: “Олма биринчи гуллаганда оқар сувда чўмилиш тани сихатлик олиб келади”. Шунинг учун бўлса керак, биз кичиклигимиздан ҳали ҳаво совуқ бўлса-да, “тоққа” бориб сойда чўмилар эдик.

Эсимда бир гал Фориш тоғларига бордик. Йўл-йўлакай бизларга жойларни номини айтиб кетардилар: мана бу ерни

Андигон дейишади. Андигон – ўзбекларнинг анди қабиласи номи билан боғлиқ, яъни андилар демакдир. Номнинг иккинчи қисми гон эмас кан ёки кант бўлиши мумкин, чунки К – товуши интервокал ҳолатда (икки унли орасида) Г – товушига айланиш ҳоллари учрайди. Шундай экан Андигон анди – қabila номи ва гон (кан) – қишлоқ, андилар қишлоғи деб изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, - гон кўплик маъносини ифодалайди, деган фикр ҳам бор.

Мана бу ер Абай – биласизлар, машҳур қозоқ адиби Абай Қўнонбоев (1845- 1904) номига қўйилган.

Мана бу ер Саёт – чиғатой, кенагас, манғит қабиласининг бир уруғи саёт деб номланган. Бундан ташқари, бу сўз очувчи, миришкор маъноларига ҳам эга.

Бу ерни Размас дейишади. Бу сўзнинг ўзаги разма-буғча, тугун маъносида, разма соз эса, бирон ишга тайёргарликни кўриш деган маънодадир.

Ўша пайтда биз ёш бўлганимиз учун, бу гапларнинг ярмидан кўпини тушунмасак-да, дадажоним бизга тушунтириб кетардилар.

Ўшанда Фориш тоғларидан Пистали тоққа борган эдик.

Ҳа, дадажоним ватанни кўриш, саёҳат қилиш имон-эътиқодни мустаҳкамловчи бир восита эканлигини яхши билган эканлар.

## **КУН НИМАДАН БОШЛАНАДИ - ТАРБИЯ**

Болаларни кечқурун ухлатиш, эрталаб эса уйғотиш муаммо. Бу муаммо бугунги кунда кўпчиликни қийнайди. Эрталаб туриш, ювиниш, нонушта қилиш, кимнидир боғчага, кимнидир мактабга, кимнидир ишга жўнатиш ва ўзига ҳам ҳамма нарсага улгуриши керак. Аммо айрим нарсаларни эрталабки урф-одатга айлантирган оилаларда бу нарса унча муаммо эмас.

Эрталаб соат 6.00 да мусиқа жаранглайди. Бу дадажоним ва аяжонимнинг уйғонганлари... Ўша пайтда радиода гимн жаранглайди. Ҳамма биладик, туриш пайти бўлди. Бирма-бир жойидан туриб ўз эрталабки юмушларини қиладилар. Соат 7.00да кечикмай нонуштага келиш керак. Тушлик соат 12.00да, кечки овқат соат 7.00 да. Бу қонидани ҳам ҳамма биледи. Сўнг ким боғчага, ким мактабга, ким уйда қолиши, яъни вазифалар аниқланади. Ҳамма шунга биноан ўз юмушига кетади.

Бу ерда ҳеч бир теорема йўқ. Ҳаммаси оддий. Ҳар бир ҳаракат оила аъзоларининг бир-бирига мослаштирилган. Бу тартиб-қоида бир кун эмас, йиллар давомида шундай давом этган. Анъанага айланган... Шу пайтгача унинг анъанага айланганини ва тарбиявий аҳамиятини сезмаган эканман. Лекин қандайдир тарбиявий механизм ишлаган. Ана шу механизм оилани мустаҳкам, соғлом қилган. Энг яхши тарбиячи ақлли ва яхши гапларни гапирган эмас, балки ақлли ва соғлом ҳаёт тарзини ташкил қила олган киши, - деган фикрни ўқиган эдим. Дарҳақиқат, сўзларни қулоғимизнинг чеккасидан ўтказиб юборишимиз мумкин, аммо соғлом ҳаёт тарзи дуч келган тўсиқни енгади.

Маънавият, миллий дунёқараш ҳақида гапирар эканмиз, оиласида кучли ва ақлли анъаналарни йўлга қўйган ота-оналар фарзандларида бунга эҳтиёж сезилмайди. Чунки соғлом ҳаёт тарзини, ақлли анъаналарга бой хонадон фарзанди буни ҳаводан нафас олгандай олади.

Оиламиз анъаналаридан яна бири невар ва фарзандларнинг шеър ўқиши, бирор театрдан парча қўйиш, инсценировка тайёрлаш ҳар бир байрам, ҳар бир туғилган кунда бўлиб ўтарди. Янги йил арчаси олдида кимдир Қорбобо, кимдир Қорқиз, кимдир ялмоғиз, кимдир бўри, тулки бўлиб роль ўйнашади.

Дадажонимнинг 70 йиллик юбилейларида (2006 йил 7 май) неваралари - Султонпошшо, Дурдона ва Воҳид тўлқинланиб шеър ўқишганди. Улар лик тўла одамлар қараб турган катта залда қандайдир ғурур билан шеър ўқишганди. Ўшанда шеърни қофияси келишмаса-да, ёзишга ҳаракат қилган эдим:

Жайхундек жўш ўриб томирда қонинг,  
Ҳалол меҳнат билан ёниб ҳар онинг,  
Кўкка парвоз этдинг толмас шунқорим  
Таваллудингиз муборак , оппоқ дадажоним!

Улуғ Турсундек устоз сизга ўнг келди,  
Қалби олов шогирдлар сизга чўнг келди,  
Содик дўстлар давраси қўл келди,  
Таваллудингиз муборак , оппоқ дадажоним!

17 йил Жиззахда ишлаб чиндан бетиним,  
Мадад бўлди Сизга илғор фан, илм!

Шогирдлар дейди: менинг устозим!  
Таваллудингиз муборак , оппоқ дадажоним!

Яхши сўз ила дилни яйратдинг,  
Яхши боғбон бўлиб чўлда ҳам гул яратдинг,  
Шогирду, дўст-ёр билан меҳнат қилдинг,  
Таваллудингиз муборак , оппоқ дадажоним!  
Бахтингиз чошиб, Бодом аядек ёр дуч келди,  
Бор меҳнатин сизга бахш этди,  
Оилавий ҳаловат сизга қўл келди,  
Таваллудингиз муборак , оппоқ дадажоним!

7 фарзанд, 18 невара, 1 чеварага бахш этиб дил кўрингизни,  
Лутф айлаб яхшилиқ ила сўзингизни,  
Эл билан бўлган киши хор бўлмагай,  
Таваллудингиз муборак , оппоқ дадажоним!

Терлар тўкиб катта мактаб яратдингиз,  
Ҳалол меҳнат ила шуҳратга ботдингиз,  
Шу сабаб турмуш гаштин тотдингиз,  
Таваллудингиз муборак , оппоқ дадажоним!  
Шеърни ўқиган неваралар ҳозиргача ўша кунни эслаб  
юришади.

### **БУ ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ**

Дадажоним уйда меҳмон кутишни яхши кўрса-да, турли зиёфатларни қоралардилар. Бир қариндошимизнинг келини Замира янга бирор марака ёки йиғилишларда ўтириб қолсак айтадилар: “Домланинг бир гаплари ҳеч эсимдан чиқмайди: Зиёфатни қилишдан мақсадинг нима? Бойлигингни кўз-кўз қилиш ёки мақтанишми? Қадимдан туғилган кун ақиқа, мучал куни билан белгиланган. Шундан бошқа туғилган кунларни қилиш яхши эмас. Бола туғилгандан кейин қулоғига азон айтиш, бир ёшга тўлиши ва мучалини нишонлаш зарур. Бу ҳам қарз, ҳам фарз, - дердилар.

Шунинг учун мен ҳам шунга амал қилиб, ҳар йили болаларимни туғилган кунини қилмайман. Фақатгина мучалини катта қилиб нишонлаб берамиз”.

Дадажоним: Номлар ўз эгасини ҳимояловчи, ҳидоятга бошловчидир. Ном – инсон ҳамроҳи, у тиллардан тилларга кўчиб, дилларда яшайди, - дер эдилар. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир туғилган невараларига, фарзандларига ҳам ўзлари исм танлар эдилар. Бир вараққа бир неча исмларни, ёнига изоҳини ёзиб берар эдилар. Изоҳ бериб ўтардилар:

-Мана бу исмларни истаганларингни танланглар. Исм шундай бўлиши керакки, уни қисқартириб лақаб қилиб бўлмайдиган бўлсин.

Кейин ҳар бир исм кимларга қўйилган бўлса, уларни айтиб берардилар. Фалончи олим ёки ёзувчи, ёки бирор қариндошимизнинг номи шундай аталган бўлса, у ким бўлган, қандай одам, нима ишлар қилган ҳаммасини айтиб ўтардилар. Биз эса, у пайтлар “бўларни билиш бизга нима учун керак, бўлса бўлибди-да” деб ўйлардик.

Жаббор Омонтурдиевнинг дастхати билан “Маърифатнома” деган китобда ўқидим: “Дунёда инсоннинг барча кашфиётлари фарзандлари (ёзган асарлари, қурдирган ёки қурган бинолари, масжид, мадрасалари, йўлу кўприклари....) унинг номи орқали қолади. Охиратга дунёдаги барча амаллари акс этган “Номаи аъмол”и ҳам унинг номи орқали боради. Вафотидан кейин руҳига ўқиладиган оят, дуолар, қилинадиган садақа хайриялар ҳам унинг номи орқали етади. Яна таъкидлаш керакки, исмлар аввало, инсон учун яратилиб, осмондан туширилган экан, инсон - бирламчи, исмлар – иккиламчи. Номлар инсон орқали моҳиятлашади, абадийлашади, улуғланади<sup>1</sup>”.

Дадажоним ном қўйишда унинг тежамкорлигига, жарангдорлигига ҳам эътибор қаратардилар. Номлар қандайдир бир-бирига ўйқаш қўйиларди. Суннат, Неъмат, Гулнора, Маърифат, Исмат, Ҳикмат, Дилбар худдики, бизнинг номларимиз қофиялидай кўринади. Ном қўйиш бизда катта байрам бўларди. Чақалоқ туғуриқхонадан келгандан сўнг бир кун уйда тунайди. Келгуси куни эрталабдан ҳамма оила аъзолари йиғилишади. Ўша куни эрталабдан бўғирсоқ пиширилади. Дастурхон безатилади. Дадажоним эрталабдан пишган бўғирсоқларни ўқиб, чақалоқни қулоғига азон айтиб, унинг номини такрорлайдилар: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ас-

<sup>1</sup> Ж.Омонтурдиев. Маърифатнома. – Тошкент, 2013, 82-бет.

салату хайрун мин ал-навм. Ла Илаҳа иллалоҳ. Алҳамдуллилах ман мусулмонман. Сенинг исминиг Нуршоджон. Сенинг исминиг Нуршоджон».

Неваралар туғилди, чеваралар туғилди. Дадажоним ҳар бирининг номини айтдилар. Умрларининг охирида неваралари Нуршоджоннинг номларини ҳам ўзлари айтдилар.

Чақалоқни бир ҳафтадан сўнг бешикка белашади. Бунда аяжоним ҳаммани таклиф қиладилар. Яна юмалоқланган бўғирсоқ пиширадилар. Уларни мунчоқдай қилиб бир ипга тизадилар. Сўнг чақалоқни бешикка белашда ёнғоқ чақадилар. Турли қанд-қурслардан, пул сочалак қиладилар. Бундай тадбирга иложи борича болаларни кўпроқ чақирадилар. Болалар талашиб-тортишиб ким кўпроқ йиғарга тушади.

Исм билан мурожаат қилишда маълум маънода одатларга амал қилардилар. Масалан, хотин деб эмас, Бодомой, хоним деб, аяжоним эса хўжайин ёки домлажон, деб мурожаат қилардилар. Шунинг учун бўлса керак, ака-опалари ўз турмуш ўртоқларига ёки кишининг касби ёки хоним, бегим каби сўзлар билан мурожаат қилишади. Чунки исмларни тўғри ва чиройли қўллаш мулоқот ва муомаламиз бойлиги эканлигини, нутқимизга зеб берувчи восита эканлигини ўқтирганлар.

## **ҲАЁТ ҲИЙИН МАЙДОНИ**

*Ҳаётда кўп миқдордаги  
ҳийинчоқлар билан ўлган одам ютади.*

*Америкаликлар фикри*

Дунёда ҳийиндай байрамона кайфият ҳосил қилувчи ҳеч нарса бўлмаса керак. Болалик боғчада тугамайди. У инсон кўнглида бир умр қолади. Кичик ҳийинчоқлар ўрнини катта ҳийинчоқлар эгаллайди. У инсонларнинг кўнглидаги бўшлиқни тўлдириш учун хизмат қилади.

Болага ҳийинчоқ нима учун керак? Уни нимадир билан банд қилиш, тафаккурини шакллантириш учун, деб жавоб берамиз. Бола ҳийин билан банд, демак у нимадир ўрганаяпти. Кўнгли таскин топаяпти.

Ёшлик чоғларимдан бир нарсани жуда ҳаяжонланиб эслайман. Эсимда, ҳовлимизда ҳовуз бор эди. Ҳовуздан кичкина лаганчамга сув олиб, кўғирчоғимнинг кийимларини ювиб илардим. Ҳийинчоқларимни ҳаммасини чўмилтириб офтобга



курутишга кўяётгандим. Ҳовуз дарвозага қарама-қарши бўлганлиги сабабли дарвозадан кирган кишини биринчи мен кўрардим. Бир пайт эшик очилди. Кимдир орқама-кетин сумка, чемоданларни дарвозадан ичкарига қўйди-да қаддини ростлади. Кичкина бўлганлигим учунми ўша пайтда дадажоним шунчалик узун кўринган эдики, мен у кишини кучишга қандай кўлим етар экан деб, анграйиб қолгандим. Дадажоним эса, менга бир кулиб карадилар-да, сумкадан ниманидир излай бошлаганди. Бир пастдан сўнг:

- Дадажон, дадам келдилар! – дея ўйинчоқларни сувга улоқтириб қаршиларига чопдим. Дадам мени даст кўтариб олдилар-у, юзларимдан ўпиб қўйдилар ва менга кўғирчоқ бердилар. Энди билсам, ўшанда 1970 йил экан. Дадажоним «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган бўлиб, Москвадан келган эканлар. Кечагидай эсимда, ўшанда менга “Қизил шапкача” кўғирчоғини олиб келган эдилар. Кўйлаги ва шапкачаси қизил вильюрдан, енглари оқ матодан тикилган, оёғида ҳам оқ этикчаси бўлиб, юзлари юмшоқ, сочлари ипакдай майин эди. Кўзлари очиб ёпилар, киприклари қалин ва жуда майин эди. Менинг кўғирчоғим энг чиройли ва энг яхшиси эди. Нафақат кўчамиздаги дугоналарим, ҳатто опамларнинг ҳам ҳаваси келарди. Мен эса, “сенда бунақаси йўқ” деб мағрурланиб саллоно солиб юриб кетардим.

Катта бўлдик. Катта болага айландик. Болаликдаги ўйинчоқлар ҳам катталашди: ўқиш ва кўрқинчли хикоялар, бизнес ва орзу-ҳавас, жанжал ва севги, спорт ва маданият. Асосийси инсонни кўнглида бўшлиқ пайдо бўлмасин.

Дадажоним айтардилар, “Бекорчиликдан худо асрасин!”. Бу жумланинг маъносини тушунмаган эканман. Дадажоним ҳар биримизга катта ўйинчоқлар олиб берган эканлар. Ҳозир кўчамиздаги хотинлар сафсата сотиш ўйинчоғини ўйнаб бир-бирини дилини хира қилганда, менинг бунга вақтим йўқ. Эркаклар нима қиларини билмай, зерикиб ўтирганда ака-укаларимнинг ишдан қўли бўшамайди.

**Я.А.Коменский айтганидек, “Болалар ҳамиша нима биландир бажонидил банд бўладилар. Бу жуда фойдали. Шунинг учун унга халақит бериш эмас, аксинча, уларни доимо бирор иш билан машғул бўлишларининг чора-тадбирларини кўриш керак”.**

## АНЪАНАГА АЙЛАНГАН РАҒБАТ

*Ривоят қилишларича, Собит исмли йигит бир боғдан оқиб чиққан ариқда таҳорат оларди. Шу пайт кўзи сувда қалқиб келаётган қирмизи олмага тушди. У олмани тутиб, бир тишлади. Тишладию маззасини билган заҳоти хушёр тортди: “Нима қилиб кўйдим? Ахир бу олманинг эгаси бўлса керак?! Ўзимники бўлмаган нарсадан тотиндим, энди эгасини албатта рози қилишим керак!”*

*Йигит шу хаёл билан сув оқиб келаётган томонга юрди. Бироздан сўнг ҳосили кўплигидан шохлари сувга эгилиб турган олма дарахтларини кўрди. Кўлидаги тишланган олмага қараса, ўша дарахт мевасига ўхшайди. “Мен сўроқсиз тотинган олма шу боғдан экан”, деб ўйлади ва боғ эгасини чақирди. Чиқиб келган боғ соҳибига бўлган воқеани тушунтирди. Сўнг:*

*- Розилигингизни олмоқчи эдим, олманинг ҳақини бераман, гафлатда қолиб қилган хатойимни кечирингизни сўрайман, олмани менга ҳалол этсангиз, - деди.*

*- Уч йил менга ишлаб берасан, шундан кейин ўйлаб кўраман, олмани ҳалол этишинг бирдан-бир чораси шудир, - деди боғ эгаси.*

*Собит розилик билдирди. Бир лаҳзалик гафлат, сўроқсиз бир тишланган олманинг тўлови ўша боғдаги уч йиллик хизмат бўлди. Аммо бошқа иложи ҳам йўқ эди. Нима қилиб бўлса-да, олмани ҳалоллаб олиши керак!*

*Уч йил тўлган куни Собит бадавлат боғ эгаси олдига борди. Муҳлат тўлганини айтди:*

*- Ҳаққингизни ҳалолланг, энди мен кетай, - деди.*

*- Уч йил ўтгач ўйлаб кўраман, деган эдим. Ўйлаб кўрдим. Бироқ яна кичик бир шартим бор, шуни ҳам бажарсанг, кейин ҳаққимни ҳалол этаман: менинг бир қизим бор, кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ – юрмайди. Агар шунга уйлансанг, олмага рози бўламан, акс ҳолда рози эмасман, - деди боғ соҳиб.*

*Йигит унинг шартига кўнибди. Никоҳ ўқилибди, тўй зиёфати ўтибди. Куёв гўшангага кирса, сопна-соғ, ҳусни бинойидай келин ўтирибди. “Бу ерда бир янглишлик ёки ҳийла борга ўхшайди”, дея ўйлаган йигит қайномага учради:*

*- Отажон, менга кўр, тилсиз, мажруҳ қизим бор, деган эдингиз, холбуки соғ-саломат бу дунё гўзалини кўрдим, - деди.*

*Қайнота кулимсираб:*

*- Шундай, ўғлим, қизим ҳаромга қарамайди, шунга кўзлари кўр, ҳаромни сўзламайди, шунга тили йўқ, қўлини ҳаромга чўзмайди, шунга қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунга оёғи ҳам йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода айтдим. Чунки қизимга сен каби Аллоҳдан кўрқадиган, ҳаромдан ҳазар қиладиган бир солиҳ йигит ахтариб юрган эдим. Сенинг сўроқсиз тишланган бир луқма олма суви учун ҳалоллик сўраганигда орзуимдаги йигитни топганимга ишондим ва сени уч йил имтиҳон қилдим. Синовлардан ўтганингдан кейин ҳеч бир тараддудсиз қизимни сенга узатишга рози бўлдим, - деди.*

*Бу никоҳдан мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит дунёга келди, бу зот шундай тақволи ота – онадан тузилди. Имом Аъзам болалигида Қуръони каримни уч кунда хатм қилди. Югуриб бориб онасига: “Онажон, Қуръони каримни уч кундаёқ хатм қилдим”, деб қувонди. “Ўғлим, агар отанг ўшанда олмани бир тишламаганида Қуръонни бир кунда хатм қилган бўлардинг!” деди онаси.*

Йигитнинг ҳалоллиги ва сахийлигининг рағбатига хусни жамолига тенги йўқ қизга эришди. Инсон дунёга келибдими, қилган ҳар бир ишига рағбат олиб келади. Унинг қайси йўл билан амалга оширилиши турлича. Яхши иш учун яхши совға, ёмон иш учун ёмон.

Ҳар бир рағбат инсоннинг ўсишига имкон яратади. Агар сиз совға қилишда йўқотиш ҳиссини туйсангиз, у ҳолда ўсиш юз бермайди. Агар сиз совға қилишда меҳр, самимийликни туйсангиз, у ҳолда олувчига бахт ато этасиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир рағбат ўзи манфий ёки мусбат энергия ташийди.

Дадажонимнинг бир одатлари бор эди. Туғилган кун ва байрамларда китоб совға қилардилар. У китоб хоҳ ўзиники бўлсин, хоҳ бошқа муаллифники бўлсин, чиройли дастхатлари билан совға қилардилар. Ана шу куч, ана шу энергия бизларни ўқишга ундагандир.

“Оппоқ дадажоним, - деб сўзлайди Муҳаббат Бозорова (неваралари) – менинг ҳар бир туғилган кунимга китоб совға қилардилар. Китобнинг биринчи саҳифасига бирор шеър ёки

бундай деб ёзилган бўларди “Олманинг тагига олма тушади. Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўласан мендек”.

## ХАЁЛНИНГ ЭНГ ЮКСАК КЎРИНИШИ

*Хаёл таъсирчан одамни санъаткор,  
довюракни – қахрамон қилиб етиштиради.*

*А.Франс*

Хаёлнинг энг юксак кўриниши ижодий хаёлдир. Ижодий хаёл суришга тайёр бўлмаган инсон билимларини ўзлаштириб олишда муайян манбадан четга чиқа олмайди. Хаёли етарли даражада тараққий топмаган инсон бирор нарсани ўрганиши учун кўп куч ва вақт сарфлайди, аммо яхши натижага эришмайди. Шунинг учун баркамол шахс бўлиб етишишида кўпроқ болалардан ижодий хаёлни шакллантириш талаб этилади. Берилган расмлар ёки бирор бир мавзу асосида оғзаки ҳамда ёзма фикр билдириш, бирор ҳаракатни билдирадиган предметнинг номини ёки белгисини билдирадиган, унинг сон-саногини, миқдорини билдирадиган сўзларни ўзаро қиёслаб, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, умумлаштириш ва хулосалар чиқариш ижодий хаёл маҳсули ҳисобланади. Болада ижодкорлик бўлиши муҳим.

Ҳозирги кунда ақлли бўлиш етарли эмас, ижодкор бўлиш керак. Бирон талабни бекамикўст бажариш кўпчилик қўлидан келади, лекин талабни ўйлаб топиш, янглик киритиш, ишга ижод билан ёндашиш, янги йўлларни излаш, янги кўриниш топиш, янги усул қўллаш ҳаммага ҳам хос қобилият эмас.

Ҳамма бирдек ақлли бўла олмаслиги мумкин, лекин ҳар бир болада ижодкорлик қобилияти мавжуд. Фарзанд масаласи ҳақида гап кетганда, ота-оналарнинг ижодкорона ёндашмоқлари боланинг ривожини ва келажагини учун жуда муҳим. Ота-онанинг вазифаси боланинг интилишларини рағбатлантириш, иқтидорини тўла очиши учун имкониятлар яратиб беришидан иборат. Балким, боласини расм чизишни яхши кўради-ю, расм чизади. У келгусида мусаввир бўлмас, аммо санъат сирларини, гўзаллигини ўргансади. Ашула айтишни яхши кўрар, аммо келажакда кўшиқчи бўлмас, мусиқа жозибасини, мусиқий дунёқараши, иқтидори кенгайди-ку. Рус шоири А.С.Пушкин таъкидлаганидек: “*Зўр тасаввур буюк*

**билимни тақозо этади**". Шундай экан, боланинг қизиқиши поёнсиз. Ўша қизиқишлари асосида у кўплаб янги билимларни ўрганади, дунёқараши кенгаяди. Уларнинг қизиқишларини тўғри йўналтириш ва рағбат бериш эса ота-она масъуллигидадир.

Биз ҳам ёшлигимиздан шундай муҳитда катта бўлдик. Сўз сеҳрини дадажонимдан, муסיқа сеҳрини аяжонимдан ўргандик. Дадажоним ҳар бир байрам, ёки оила йиғилишлари, ёки туғилган кунларда ифодали шеър ўқирдилар, аяжоним эса ё рубоб, ё доиралари билан бирор куйни чалар биз жўр бўлардик. Эсимизни танибмизки, оиладаги ҳар бир йиғинда биз ҳам ё шеър ўқир, ё инсенировка қўйиб келганларни дилини хушнуд қилар эдик. Шунинг учун бўлса керак, мактаб даврларимизда Суннат акам ва Неъмат акам рубоб ва гитара чалар, Гулнора ва Маърифат опам қўшиқ айтарди. Ҳатто телевидениега чиққан эдилар. Маърифат эса, Самарқанд қурилиш ва меъморчилик институтида ўқиб юрган кезларда институтнинг "Улуғбек юлдузлари" ансамблининг солисти эди. Кейинчалик Маърифат тўйларда илтимос қилишса, қўшиқ айтарди.

"Эсимда, - дея гап бошлади Суннат акам, - биз ёш эдик. Ўшанда "Золушка" эртагини сахналаштирган эдик. Мен - қирол, қиролича - Гулнора, Золушка – Маърифат, шахзода – Неъмат, сеҳргар бола – Дилбар эди. Ҳикмат унда кичкина эди. Ҳали энди эмаклайдиган бўлган эди. Биз катта тераскага сахна қилдик ва кўчамиздаги болаларга 1 тийиндан билет сотиб таклиф қилдик. 10 нафарча бола йиғилди. Биз сахна асаримизни қўйдик. Қирол кираётганда барабан чалиб туриши керак, биз доира чалиб турамыз. Карнай-сурнай ўрнига рубоб ёки гитара чаламыз. Яна тезда сахнадаги ролимиз учун чопиб келиб актёр бўламыз. Хуллас, соат 6 да бошланган сахна кўринишимиз, 12 ларгача чузилиб кетгандан томошабин кўшни болаларнинг ота-оналари хавотирдан уйимизга келаверганди. Болалар эса, томоша тугамагунча, кетгилари келмаганди."

"Неъмат акам эслайдилар: - Маърифатни боши ёрилгани эсларингдами? Ўшанда худораҳматли бийим (дадажонимнинг оналари), аммамлар келган эди. Биз эса, билет сотиб қўйган эдик. Ҳозир эсимда йўқ, қандайдир немислар ҳақида сахна эди. Мен Гитлер ролини бажаргандим. Маърифат эса, асира эди. Суннат акам, Ҳикмат, Дилбар партизан эди. Хуллас, биз Гулнора билан Маърифатни қийнаб партизанлар қаерда эканлигини билишимиз

керак эди. Ролни шунчалик маҳорат билан бажарганмизки, Маърифатни бошини ёриб кўйганмиз. Унинг бошидан қон оқиб кетаяпти-ю, аммо дўстларини сотмаяпти. Ҳатто йиғламаган эди. Томошабин болалар эса, қойил қолганди. Биз эса, аяжонимдан гап эшитган эдик. Бийим Маърифатни чиқариб жароҳатига малҳам кўйиш билан овора, у эса “Менинг гапим қолиб кетди, тўхтанглар” дея саҳнага чопади. Аяжоним эса, ҳаммамизни тирқиратиб қувиб қолдилар”.

“Мени ёндирганларинг эсларингдами? – деб гап кўшди тоғам Махмуд Эшмуродов. Янги йилга тайёргарлик кўрдик. Мен – Қорбобо, Маърифат – Қорқиз, Дилбар – ялмоғиз бўлган эдик. Қорбобони кийимини аптекадан пахта олиб келиб, ялмоғизни кийимини қопдан опам билан тиккан эдиларинг. Ҳамма шеър ёдлаган, Қорбобони қопини ўзларинг ясаган ўйинчоқлар билан тўлдирган эдиларинг. Сизларнинг ўйинчоқлар учун уйда тухум ҳам, гугурт қути ҳам қолмаган эди. Гугурт чўпларини битта целофан халтачага солиб кўйиб, қутисини олиб қуйган эдиларинг. Сценарийни яхши ёзгандик. Ҳаммаси яхши кетаётган эди, шеър айтдиларинг совға олдиларинг, соат 12.00 га бонг ураётган пайтда сизлар “Бенгал чироқлари”ни ёқишларинг керак эди. Бир пайт қарасам, мен ёнаяпман. Ҳамма бир-бирини табриклаган, ҳамма ура-ура деб қичқираяпти, битталаринг серпантин отаяпсизлар, битталаринг “Бенгал чироқлари”ни ёқиб силкитаяпсизлар, мен эса ёнаяпман. Кийимни ечай десам, белбоғни шунчалик қаттиқ бошлабсизларки, ечилмайди. “Дод” деб кўчага отилганимдан кейин “Қорбобо ёнаяпти” деб ҳамма чопиб чикди. Менинг энгларим, ёқаларим, соқол, қош, шапкаларим пахтадан эмасми бир-бирига ўтиб гуруллаб ёнаяпман. Кимдир сув сепди, кимдир кийимимни ечмоқчи, аммо белбоғ ечилмади. Қорбобони кийимини йиртиб ечиб олгандик. Бўйним, қўлимнинг у ёғ, бу ёғи куйган эди”.

“Дадажоним қор олиб келганлари эсларингдами? – сўради Ҳикмат. Янги йил арафаси эди. Ўша йил умуман қор ёғмаганди. 3-синфларда ўқир эдим. Биз кўчамизнинг болалари билан уйдаги музлатгичнинг қорини олиб кўчага чопиб чиқардик ва бир-биримизга отиб яна уйга чопар эдик. Шунақа қилиб, қор бўрон ўйнардик. Аяжоним қойиб қолардилар. Биз қочиб кетардик. Кейин 31 декабрь куни дадажоним бир “КАМАЗ” қор олиб келиб

кўчага тўкдилар. Аяжоним ҳайрон: “Буларни қаердан топиб келдингиз?” –дея сўрардилар.

Биз эса хурсанд “Дадажон, қор бизгами, ўйнашгами, ўйнасак бўладими? Учқунни чақирсам бўладими? Ура-а-а!”. Бир пасда кўчамизнинг болалари йиғилишди, мазза қилиб қорбўрон ўйнагандик”.

## ЗИЁРАТ ФАХРИ

Ўтмишда дарвешу қаландарлар мамлакат бўйлаб муқаддас жойларни зиёрат қилиб мадад, руҳий қувват, маънавий озик олганлар.

Зиёрат тирикларни – ота-она, устоз, қариндош-уруғлари, беморларни ёки, умуман, турли манзилу маконларни, мамалакатларни бориб кўришдир.

Дадажоним ҳам зиёрат қилишни яхши кўрардилар. 3-4 ой ўтар ўтмас Имом ал Бухорий, Худойдои Вали, Шохи Зинда, Хазрати Хизр, Хўжа Дониёр каби Самарқанддаги ёки Бухоро, Тошкентдаги зиёрат жойларга бориб турардилар.

Бизлар ёш бўлганимизда тез-тез бизни, кейин невараларини олиб борардилар. Борган пайтларида ҳар доим ўша жой ҳақида янги ривоятлар айтиб берардилар.

Зиёрат жойга бораётганда кийинишга, яъни аёлларни боши ёпиқ, эркаклар калта шимда бўлмасликка эътибор қаратардилар. Зиёрат жойда болаларни у ёқдан бу ёққа чопиб, қий-чув қилиб бақириб, ёки йиғлаётган бўлса, хушмуомалалик билан “Уят бўлади” деб тушунтирардилар. Зиёрат жойда ёмон сўзларни айтмаслик, сукут сақлашни ўрганиш бундай ҳолатлар шу ердагиларни ҳурмат қилмасликка олиб келишини таъкидлардилар. Зиёратгоҳга борилганда, ўша азизнинг руҳига Қуръон ўқилиб дуои илтижолар қилинади. Оиламизда ўғил болаларнинг ёшлигидан Қуръон суралари ўргатилади. Шунинг учун биринчи синфдан неваралари Азизжон ҳам, Сайидбек ҳам, Бехзоджон-у Воҳиджон ҳам, Дилёрхон ҳам сураларни яхши билишади. Зиёратгоҳларга неваралар билан борганларида улар Қуръон бағишларди.

Дарҳақиқат, давлат раҳбарларининг бир-бирларининг юртларига келганларида, буюк давлат ва жамоат арбоблари дунё эътиборига тушган алломалар мақбаралари ёки ҳайкаллари ёнига гулчамбарлар қўйиши, таъзим қилиши, Давлат мадҳияси ижро

этилаётгандан ўнг қўлини кўксига қўйиб ўринларидан туриши – бу халқ тарихи ва бугунига иззат ва ҳурмат белгисидир. Бундай ҳолатлар инсонни ватанпарварликка ўргатади. Бундай инсон юртидан, Ватанидан, халқидан фахрланади; маънавий озиқ, рухий қувват олади.

## **ТҶЙ –ХАЛҚ МАРОСИМЛАРИДАН БИРИ**

“Дадажоним тўйларни ўтказишда ҳар бир кичик жиҳатларига ҳам эътибор қаратардилар, дея гап бошлади Неъмат акам. Катта чиқим эвазига ҳаддан ташқари шоҳона жихозлар, келин-куёвларни турли либосларда кўз –кўз қилишни ёмон кўрардилар. Деярли тўйларимизнинг барчаси уйда ўтказиларди. Дастурхонга ҳамма нарса меъёрида қўйиларди. Бундан ташқари, суннат тўйга бирор қариндошимизни уйлантирар, ёки бизни уйлантирганда бирор қариндошнинг ўғлини суннат тўйини қўшардилар. Тўйни мазмунли, тинч, кўнгилли ўтиши учун санъаткорлар ва бошловчиларни саралаб танлардилар”. Тўй ҳақида газетага мақола ҳам ёзган эдилар:

Тўй – базм-томоша ва зиёфат билан нишонланадиган халқ маросимларининг умумий номи. Ўзбекларда никоҳ тўйи, бешик тўйи, хатна тўйи, мучал тўйи, ҳовли тўйи ва бошқа турдаги тўйлар ўтказилади.

Тўйларни ўтказиш жараёнида инсонпарварлик, иззат-икром, меҳрибонлик, меҳмоннавозлик, иноқлик каби олижаноб фазилатлар ёрқин ўз ифодасини топади. Инсон зотини қадрлаш, ҳурматлаш ва улуғлашда тўйлар бекиёс қимматга эга. Тўй бир кишининг шахсий иши бўлмай, у кенг жамотчилик ташаббуси ва иштироки билан ўтадиган тантанадир. Шунинг учун тўйларни ўзига хос байрам тарзида ташкил этиш, уларни ҳар томонлама тартибга солиш, ихчамлаштириш, айниқса, бадий жиҳатдан бойитиш ҳозирги давр талабидир.

Тўйда ҳаётдан завқланиш, табиат инъомларидан баҳраманд бўлиш, шу билан бирга исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ортиқча дабдабазликка берилиб кетмаслик ҳақидаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган сабоқлар ҳам мужассамдир. Биз аждодларимизнинг тўй деб аталмиш бебаҳо меросига ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз зарур.

Тўй олдидан қариндошлар, дўстлар ва таниш-билишларга тўйхатлар бериб чиқилади. Тўйхатларнинг маъно-мазмунига



эйтибор бераяпмизми? Масалан, бир таклифномада «Висол оқшоми»га лутфан таклиф этамиз» деб ёзилган. Тўйхатда «Висол оқшоми» жумласи ўринсиз ишлатилган. Висол арабча сўз бўлиб, у севги алоқалари, етишув, эришув, ёр билан учрашув демак. Висол оқшоми – унаштирилган қиз билан йигит (куёв)нинг тўйгача, шариатга хилоф бўлмаган ҳолда, ўзаро яширинча учрашиб туриши «қаллиқ ўйини» жумласи маъносига мос тушади.

Таклифномаларда «лутфан таклиф этамиз», «лутфан таклиф қиламиз» деган жумлалар битилмоқда. Кўринишидан бу жумлалар жуда гўзал ва жозибали сезилади, лекин маъно жиҳатдан «лутфан таклиф қиламиз» қанчалик тўғри эканлиги ҳақида ўйлаб кўрганмизми? «Лутфан таклиф қиламиз» жумласи икки томонлама нотўғридир. Биринчидан, луғавий маъноси жиҳатидан «лутф» ва «таклиф» сўзлари бир-бирига зиддир. Чунки «лутф» - олижаноблик билан, юмшоқлик ва назокат билан қилинган эйтибор, муомалага айтилади. «Таклиф» - муҳокама қилиш, амалга ошириш учун тақдим этилган фикр билан кулфатга солиш, ташвишга қўйиш; айтув, чақириқ каби луғавий маънони билдиради. «Лутфан таклиф қиламан» жумласи луғавий маъносига кўра, лутф қилиб сизни ташвишга қўяман демакдир. «Таклиф» сўзининг ташвишга қўйиш маъноси кўпчилик томонидан унутилган, унинг фақат чақириқ маъносини назарда тутиб қўлламоқдалар. Иккинчидан, «лутфан таклиф» бирикмасининг чақириқ одобига зидлигидир. Тўй эгаси мезбон тўйга чақирилувчига мен сизга лутф қилиб меҳмонликка чақираман деса, бу одобдан бўлмади. Агар мезбон меҳмонга «лутфан марҳамат қилишингизни сўрайман» ёки «лутфан ташриф буюришингизни илтимос қиламан» деб мурожаат қилса, жумла мазмунан тўғри бўлади. Чунки «ташриф» сўзининг луғавий маъноси шарафлаш, юксалтириш демакки, у лутфан сўзи маъносига зид эмас.

Таклифнома бу қонунни бузиш воситаси эмас. Бизнинг фуқаролик паспортимизда Дилшод, Азамат, Воҳид, Хилола, Ҳуснора деб ёзилган. Давлат ҳужжатида бўлмаган жон, хон сўзларини исмларига қўшиб ёзамиз: Дилшоджон, Азаматжон, Воҳиджон, Хилолахон, Ҳуснорахон каби. Эркак ва аёллар исмига жон, хон сўзларини қўшиб ёзиш Фарғона водийсида устивордир.

Водийда Дилшоджон исмини Дилшод деб мурожаат қилсангиз атрофдагилар уни нега камситаяпсиз деб ҳайрон қоладилар.

## **МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН, РИЗҚИ КЕЛАР ТЕШИКДАН**

Бу мақолни такрор ва такрор айтган дадажоним меҳмон кутишни жуда яхши кўрардилар. Аяжонимнинг айтишларича, ҳар бир фарзандлари туғилганларида ошна-оғайнилари-ю, қариндошларини чақиртириб зиёфат қилиб берар эканлар. Маълумки, азалий қадриятларимиздан бири меҳмондўстликдир. “Меҳмон – Атои Худо”, “Меҳмонли уй баракали уй”, “Меҳмонсиз уй суви қуриган тегирмонга ўхшайди” дейдилар. Дарҳақиқат, меҳмон келган эшикдан, файз келади. Меҳмон келган эшикдан барака келади.

“Меҳмон кирмаган уйга фаришталар ҳам кирмайди”, - деб ёзади Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларидан Анас ибн Молик.

Ҳар қандай фикр замирида чуқур ҳаёт фалсафаси яширинган.

Ёшлигимиздан уйимизда ҳали Жомбойдан қариндошимиз, ҳали Нарпайдан қариндошимиз, ҳали Булунғур, Бухоро-ю Фарғона, Нукус-у Москвадан қариндошларимиз меҳмон бўлиб келарди. Шунчалик қариндошларимиз кўпмикан, қайси бири кимнинг қариндоши деб уйланиб қолардим? Унда кичик бўлганмиз. Фақат овқат қил, идиш-товоқ юв, уй йиғиштир.... Кўчада дугоналаримиз тўп ўйнаяпти, суҳбатлашяпти.... Бунақа пайтда меҳмон ҳам ёқмайди.

Улғайдик. Рузғор қилдик. Энди амин бўлдикки, ҳар бир ҳикматда олам-олам маъно бор. Қарияларимиз буларни бекорчиликдан уйлаб топмаган экан.

Нақл қилишларича, Иброхим алайҳиссаломни “меҳмонларнинг отаси”, деб аташар экан. У кишининг уйларида тўрт эшик бор эди, қайси эшикдан бирор киши келаркан, деб қараб ўтирар эканлар.

Уйимизда битта эшик бўлса-да, дадажоним ва аяжоним шу эшикдан ким келар экан, деб қараб турардилар. Бир куни Исмат укам айтиб берди:

Бир кун ишдан келсам, етти ёт киши чорпояда дадажоним билан чой ичиб ўтирибдилар. Одоб юзасидан саломлашдим. Бирга чой ичдик. Суҳбатлашдик. Намоз ўқиди. У киши кечқурун ётиб қолди. Меҳмонхонага жой солиб, ҳеч нарса керак эмасми?

деб сўраб ётдик. Эрталаб меҳмон нонушта қилиб чиқиб кетди. Кимлигини танимаганим учун дадажонимдан сўрадим:

- Дадажон, бу киши ким? Мен танимадим. Қаердан?

Дадажоним бир кулиб қўйдилар-да:

- Мусофир. Кеча танишдик. Нуротадан экан. Касалхонага иши тушибди. Кеча тушлик пайтида аянг билан ўтирган эдик. Эшик таққиллаб қолди. Пешин намозини ўқиб олиш учун кирган эди. Чақчақлашиб ўтириб мана бугун ўзинг кузатдинг. Мана, чорва бизнесининг ўзига хосликларини ўргандинг. Ҳайдар Хоразмий ёзган:

*Ярим товоқ ошқи, топарсан насиб,*

*Ярмини берки, есун бир зариб*

Барака топ, ўғлим!

Меҳмондўстлик оилада меҳр-муҳаббат, ҳурмат ва ишонч, саҳийлик ва ҳалоллик туйғуларини шакллантиради. Исрофгарчиликка йўл қўймаслик, шукроналикни ўргатади.

Дадажоним меҳмондорчиликка борганда ҳам айрим жиҳатларга риоя қилардилар. Бу амалларни қўлимизга қалам бериб бир бошидан ёздирмаганлар, ёки ёд олдириб ҳар куни такрорлашга ундамаганлар. Уни шундай моҳирлик билан сингдирганларки, биз фарзандлари ҳам шу амалларга риоя қилиб келамиз. Биринчи амал, мезбон кўрсатган жойга ўтириш. Иккинчи амал, нимани келтирса, ижирғанмай ейиш. Учинчи амал, мезбон хонадан чиққанда, уйни айланмаслик, рухсатсиз бошқа хоналарга кириш. Тўртинчи амал, мезбонга иш буюриш. Бешинчи амал, турли таомларни олиб келишни буюриш.

*XI аср ёзувчиси Махмуд ибн Муҳаммад меҳмонга хос бўлган одоблар ҳақида шундай ёзади: кимки меҳмонга таклиф этилса, рад қилмай бориш керак. Борганда эса уйнинг юқорисини кўзламай, уй соҳиби қаерни кўрсатса, ўша жойга ўтириш лозим. Кираётганда ва ўтираётганда таъзиму тавозеъни унутмасин. Ўзлари хоҳламай турган икки одамнинг орасига суқилиб ўтирилмайди, чунки уларнинг суҳбатига тўсқинлик қилади.*

*Меҳмон мезбонга иш буюрмасин. Чунки буюрган ишини бажариш уй соҳибига оғирлик қилиши мумкин. Агар меҳмондан қандай овқат қилиб бериш ҳақида сўралса, енгил овқатни танласин. Улуғ кишилар доимо шундай қилишган.*

Куз кунлари эди аяжоним, Неъмат акам, Гулнора опам, Азиз куёв ва мен биргаликда аввал Қаршига бордик. Қайтишда Умакайга кириб дадажонимнинг дўсти Махмудхон Эшон бобо (Мухаммадиев)никига кирдик. Шунда айтиб бердилар:

“Бозорбой меҳмондўст, кўнгли ва кўли очик инсон эди. 1964 йилда Бозорбой Ўринбоев бизга дарс ўтганди. Ўшанда у киши Самарқанд давлат педагогика институтида ишлар эди. Шундан буён биз Бозорбой билан ака-ука тутиндик. Бирор иш бўлса мен билан маслаҳатлашар, мен эса у киши билан маслаҳатлашардим. Узокдан келаётган бўлса бўлди, дарров танирдим. Чунки шундай баракали, улуғвор инсон эдики, кўчани тўлдириб келарди. Самарқандда, кейин 4 йил Қаршида, кейин 20 йилдан ортик Жиззахда ишлади. Ҳар бир маракаси, ҳар бир тўйига таклиф қиларди.

1964 йил 18 сентябрда «Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганда ҳам, кўп йиллик самарали илмий фаолияти учун «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнат ветерани» медаллари, «Ўзбекистон ва Иттифоқ халқ маорифи аълочиси», «Мустақиллик» нишонлари, Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиқлари каби кўплаб мукофотлар олганда ҳам ҳар бир яхши кунларини биз билан баҳам кўрарди.

Бозор Ўринбоевнинг илмий тадқиқот ишларига қизиқиши туфайли йирик тилшунос, адабиётшунос олимлар У.Турсунов, В.Абдуллаев, А.Сулаймонов, Ҳ.Бердиёров, Х.Дониёров, О.Икромов каби устозлардан билим сирларини мукамал ўрганди ва улар билан яқин алоқада бўлди.

Кўриқ Жиззах вилоятининг ташкил этилиши муносабати билан Жиззахда педагогика институтининг ташкилотчиси ва ректори сифатида фаолият кўрсатаётганда ҳам доим бир-биримизни кўллаб-қувватлардик. Ҳамма болаларимни ўқитиб берди.

Бозорбойда шижоат, дадиллик ва иродалик, истиқболга оғишмай интилиш каби хислатлар мужассам эди. Ана шу хислатларни ўзида мужассамлаштирган кишигина фаннинг нурафшон чўққисига тирмашиб чиқиши, ундан баҳра олиши ҳамда бошқаларни баҳраманд қилиши мумкин.

Бозорбойнинг 70 йиллик юбилейида сўзга чиқиб қуйидаги шеърни ўқиган эдим:

Илму фан уммонидан териб дуру жавохир  
Она тилим шуҳратин оламга қилиб машҳур,  
Чекиб не-не риёзат, битдингиз юзлаб китоб  
Улар умр йўлингиз ёритувчи нур-офтоб.

Қутлаб етмиш ёш билан, Бозорбой сизни,  
Тўн ёпар эгнингизга чин дўстингиз Маҳмудхон,  
Тилагим фарзандлару шогирдларга бўлиб бош  
Дўст-ёрлар даврасида кўринг яна олтмиш ёш.

Юбилейдан сўнг Бозорбойнинг дўсти Таънаберди Қурбонов  
кулиб:

- Эшон бобо, тадбирга қаттиқ тайёрланибсиз-да, энди сўрасак  
айтиб бера оласизми? – деди.

Биз тадбирдан чиқиб Бозорбойнинг уйида тадбирни давом  
эттираётгандик.

Мен ҳам кулиб кўйдим-у, яна айтиб берган эдим. Ўшанда  
хамма сўзга чиққан нутқ сўзлаганди. Мен ҳам йўл-йўлакай  
шеърни ёзгандим.”

### ГЎЗАЛЛИК НИМАДА?!

Тоғам Маҳмуд Шахобович Эшмуродов билан  
суҳбатлашганимизда, сўзини шундай бошлади:

*“Хусайн Воиз Кошифийнинг айтишича, гўзал феъл-  
атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси –  
яхшилиқ, иккинчи – инсофли бўлиш, учинчи – бошқа одамдан  
айб қидирмаслик, тўртинчи – бирор кишида ножўя ҳаракат  
кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчи – бир одам ўз айбига  
иқрор бўлиб узр айтса, узрини қабул қилиш, олтинчи –  
бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, еттинчи –  
фақат ўз манфаатинигина кўзламаслик, саккизинчи – очиқ  
юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчи – муҳтожларнинг  
ҳожатини чиқариш, ўнинчи – мулойим ва тавозеъли  
бўлишдир.* Ана шундай феъл-атвор эгаси поччам Бозор Ўринбоев  
эди.

Отам Шоббой бобонинг иккита хотини бўлиб мен, Ҳомид  
акам ва Анора синглим иккинчи хотинининг фарзандларимиз.  
Онам синглимга кўзи ёриганда вафот этгандан сўнг отам бизни  
биринчи хотининикига олиб келдилар. Биз шу ерда катта бўлдик.  
Мактабга борар вақтимда мени опам Бодом уйига олиб келдилар.

Шундан мен поччам Бозор Ўринбоевни танидим. Бу хонадон доим гавжум, ўзларининг қариндошлари, хотинининг қариндошлари бирин-кетин келиб кетарди. Назаримда, Жомбой ва Нарпай қишлоқлари шу уйга бири қўйиб, бири кетар эди. Шунча одам келиб кетар экан, ҳеч кимга хумрайиб қарамас, ҳеч кимга ёмон гапирмас эди. Доим бир одам ўз айбига иқроор бўлиб узр айтса, узрини қабул қилар, бошқаларнинг ҳожатини чиқарар, ўз манфаатини кўзламас, келадиганларга очик юзли, ширин сўзли, мулойим ва тавозеъли инсон эди.

Кечки овқат маҳалида доим менга “Тулпор, қандай? Ўқи!...Ўқишинг керак” дердилар. Бирор китоблари нашрдан чиқса, менга берардилар. Мен гарчанд илмий асарларга унчалик тишим ўтмаса ҳам, уларни ўқиб, тушунмаган жойларини сўрардим. Шундан бўлса керак, тилшуносликка қизиқдим. Ўрта мактабни битирганимдан сўнг “Қаерга кирсам экан?” дея хаёл сўриб юрсам, ўзлари олдиларига чақирдилар-да:

-Хуш, ким бўлмоқчисан?

-Тил-чи...

-Эй, тулпор! Сени рус тилига ўқитаман. Тилни билган кишининг қадри баланд бўлади.

Шундан сўнг мен Москва давлат университети рус филологияси факультетида ўқидим.

Замонлар ўтди. Поччам мени доим олдиларида олиб юрдилар. Жиззахга борганларида Жиззахда ишладим, Самарқандга келганларида Самарқандда ишладим. Мени уйлантирдилар. Мен поччамнинг маслаҳатлари билан иш тутиб, кам бўлмадим.

Поччам бўлган давралар жуда файзли бўларди. Чиройли шеърлар, ажойиб ҳикоялар айтиб ҳамманинг кайфиятини кўтарар эди. Дарсларида ҳам талабалар жим, ҳамманинг қулоғи домлада, кетма-кет айтилган гапларни исботи учун ҳаётий ҳикоялар келтириб маърузаларни усталик билан ўқирди”.

“Мен Бозорбой Ўринбоевни, - деб сўз бошлади Жиззах давлат педагогика институти доценти М.Турсунпўлатов, - 1964 йилдан бери биринчи курсга студент бўлгандан буён биламан. Б.Ўринбоев билан кўп пахта мавсумларида бирга бўлганмиз. Кейин у киши Самарқанд давлат педагогика институтида ишлаб юрган пайтларида бирга ишлашга муяссар бўлдик. 1973 йилда Жиззах вилояти ташкил этилди ва шу муносабат билан 1974

йилда Жиззах давлат педагогика институти ташкил этилиб, биринчи ректор сифатида Бозор Ўринбоевич тайинланди. Биз 1974 йилнинг 14 августидан бошлаб Жиззахга институтни ташкил этиш учун бирга келганмиз. Бу институтни ташкил қилиш машаққатли меҳнат замирида, жуда кўп ташвишлар асосида юзага келган. Чунки институтнинг биноси йўқ эди, ўша даврда СПТУнинг эски биноси институтга берилиб, то уни институт қилгунча, бевосита Бозор Ўринбоевнинг фаолияти катта эди. Мана ҳозирги энг кўркам, шаҳарнинг энг гўзал биноларидан бири бўлган институтнинг муҳташам биносини пойдевори ҳам Б.Ўринбоев қўйган. Ўша пайтда бир қизиқ воқеа юз берганди. Мен ўшанда студентлар қурилиш отрядининг бошлиғи эдим. Институтни пойдеворини қуришдан бошлаб иштирок этганман. Пойдеворини қураётган пайтда Республикамиз бошлиғи Шароф Рашидов, Жиззах вилоят биринчи ҳокими Э.Тоиров ва ректор Б.Ўринбоев – учаласи коржомада келиб, ҳамма қатори белкуракни олиб учаласи ҳам цемент қоришга тушиб кетган эди. Ҳозирги кассамиз жойлашган хонанинг пойдеворига капсула, яъни Ш.Рашидов, Э.Тоиров, Б.Ўринбоев имзоси билан ёзилган дастхат капсуласи қўйиб цемент қўйилган. Қурилиш ишлари бошланган ва бунда катта меҳнат, фидойилик ва машаққат ётади. Шунда Ш.Рашидов бизга бир нарсани айтиб берди: “Мен институтнинг янги биносини қуриш олдидан Б.Ўринбоевни чақириб айтдим: Институт биносининг лойиҳаси шундай бўлсинки, бу лойиҳа Ўзбекистонда бўлмасин. Б.Ўринбоев ҳамма билан маслаҳатлашиб, ўйлаб, бу институт лойиҳасини Латвиядан олиб келган экан. Ўша даврда ягона лойиҳа билан қурилган институт ҳозиргача ҳам бинонинг архитектураси ягона ҳисобланади”.

Ўринбоевнинг яна бир яхши хусусияти бор эди. У киши қаерда бўлмасин, қанақа бўлмасин доимо қалами тебраниб турарди. У киши раҳбар сифатида ректор бўлса-да, фаолиятида тилшунос сифатида ҳар куни 4-5-бет ёзиб турарди. Б.Ўринбоевнинг хати ниҳоятда чиройли, ниҳоятда гўзал эди. Шунинг учун ҳам ҳамма вақт эътироф этиладики, у киши ҳақиқий тилшунос-филологдир. Бундан ташқари, Б.Ўринбоев инсон сифатида гўзал одам эди. Б.Ўринбоев ишда, илмий тадқиқотларда ҳам, ташкилий ишларда ҳам жуда қаттиқ қўл эди. Ишда кўпгина ташвишлар бўлади, аммо инсонни рағбатлантира

олиши, инсонни кўнглини кўтара олишни, инсонни қилган меҳнати кўрсата олишни билар эди”.

## ТАБИАТНИ АРДОҚЛАГАННИ ҲАЁТ ҚАДРЛАЙДИ

*Ҳазрат Анасдан (розияллоҳ анху): Аллоҳ Расули (соллаллоҳу алайҳи ва салам) марҳамат этдилар: “Бир муслмон бир дарахт ўтқазса ёки бир уруғ экса, ўтқазган ва эккан бу дарахт ва уруғ мевасидан ҳар қандай бир қуш ёхуд инсон ёки ҳайвон еса, шу сабабли унга садақа (савоби) берилур” (Термизий ривояти).*

1975 йил сентябрь ойлари. Ҳаво салқинлашган, барглари сарғайиб, қушларнинг жанубга учиб кетиши, қув-қуви эшитиларди. Ўқувчилар пахта теримида... Мен мактабда синф ўқувчиларининг қайси бири пахтага чиққанлиги-ю, қайси бири чиқмаганлигини аниқлаш мақсадида уйма-уй соат 11 гача айландим. Кимдир тўғри тушуниб ёрдам берар, кимдир эшикни очмас, кимдир олдимда тақ этиб ёпиб қўярди. Уйга чарчаб кирдим-да, ҳали ҳаво ранг драп костюмимни ечмасимдан эшик тақиллади. Эшикни очсам, юқори қаватда турадиган форишлик, қорачадан келган, паст бўйли, жуда мулозаматли Жўракул Хонқулов кулиб турарди:

- Янго, тагин меҳмон келди, сизларни кутиб турибдилар, - деди.

- Ким?

- Кўпчилик....

Биз биринчи қаватда турардик. Подъезддан чиққанда эшикнинг икки томонига райҳон, турли анвойи гуллар экилганди. Райҳон ва гулларнинг турли навлари, турли ранглари кеча ёғган ёмғирдан сўнг товланиб чайқалиб турарди. Мен ҳам, хўжайин ҳам табиатни жуда севамиз шунинг учундир қаерда яшаган бўлсак, ҳамма ерда мевали дарахтлар, сабзавотлар, кўкатлар ва гуллар доимо экар эдик. Чиксам 5-6 эркак киши гуллар ва райҳонларни искаб, томоша қилиб юрган эканлар. Улардан Асил Рашидов, ёзувчилар Нормурод Нарзуллаев, Худойберди Тўхтабоев бизнинг уйда бўлмаган бўлса-да, уларни яхши танирдим. Жиззах шаҳар ҳокими Юрий Исломов, Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Набижон Ўралов, 16-мактаб директори



Турсунбой Холматов, Муқум Ҳасанов, Абулҳакимовлар эса бизникига тез-тез келиб турардилар.

- Ассалому алайкум, хуш келибсизлар!

- Ваалекум ассалом, хушвақт бўлинг! – деди бошида қора шляпа, эгнида қора плаш, оёғида яп-янги ялтироқ туфли кийган, оқ сарикдан келган кўзи қисикроқ, узун бўйли, кулиб турган Асил Рашидов. Сўнг менга юзланиб:

- Бу гуллар ва райҳонларни ўзингиз экканмисиз?

- Албатта.

- Ҳа, балли. Барака топинглар. Бу ерларда авваллари янтоқлар кўкариб ётарди. Сўнг пахта экилди. Мана энди, қаранг қандай гўзал! Бу райҳонларнинг навларини биласизми?

- Ҳа, мана буниси чинни райҳон, буниси қора райҳон, буниси эса сада райҳон.

- Гуллатибсизлар... Табиатни ардоқлабсизлар, сизлар ҳам ардоқда бўлингизлар. Балли ... – деди-да, пешонамдан ўпди.

Кўшнимиз Жўракул жуда уддабурон йигитда, меҳмонларни кўрганидан дарров хўжайинни чақириб келишга кетган экан. Бизнинг суҳбатимиз тамом бўлмасданок етиб келдилар. Меҳмонларни уйга таклиф қилдик. Овқатим доим тайёр турарди. Томорқадан помидор, бодринг, кўкат олиб келиб салат қилинди. Жўракулнинг хотини барак қилган экан, олиб келиб қолди. Меҳмонлар йўлдан жуда очиқишиб кирган эканлар, миннатдор бўлишди.

- Кеннойи, сиз ҳам хўжайинингизга ўхшаш мард хотинсиз-да. Шунча меҳмонни яхши кутиб олдингиз. Беш юлдузли ресторанларда ҳам бунақа тезликда овқат олиб келишмайди. Сиз бизни келишимизни билгандай ҳаммасини тайёрлаб қўйгандай-а?... деди кулиб Набижон ака.

- Мени танидингизми? – деди бошқаси, - Худойберди Тўхтабоев – дея ўзини таништирди.

- Ҳа, танимай бўладими, китобингиз “Беш болали йигитча”ни ўқиганмиз. Таъсирли китоб.

Улар чой ичиб, анча чакчақлашиб ўтиришди. Сўнг раҳматлар айтиб кетишди. Ўша куни улар педагогика институти фаолиятини, пахта компаниясининг ташкил этилишини ўрганиш учун келган эканлар. Институтга уйимиз яқин бўлганлиги сабабли улар йўлдан ўтаётиб Асил Рашидов райҳонларни кўриб

машиналарни шу томонга буришни ва бу райҳонларни ким экканлигини билиш учун тўхтаган экан.

## **ФИДОЙИЛИК УНИНГ ҚОНИДА**

Ўзбекистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт институти академги Ғани Абдурахмонов дадажонимнинг 70 йиллик юбилейида шундай фикрларни айтган эди:

Бозорбой Ўринбоевнинг хусусиятлари кўп. Унинг икки хусусиятига тўхталмоқчиман. Биринчи хусусияти – у киши катта жамоат арбоби. У - олий таълимни ташкил этувчилардан бири. Бундан ташқари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, яъни олий таълимни ҳужжатларини тайёрлаган ва уни амалга оширган, айрим институтларни ташкил қилган олим ҳисобланади. Иккинчи хусусияти бу киши олим. Тор маънодаги олим эмас, балки кенг кўламдаги олимдир. Унинг нафақат тилшунос, балки адабиётшунос, педагогика бўйича ажойиб асарлар ёзган олимдир. Бу киши “Мен катта олимман”, - деб мақтаниб юрмайдилар. Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек:

Илмдан лоф урмоқ нодонлик

Ана шу нодонликни билмоқ донолик. Бу киши ана шундай доно, фидойи одам.

Улуғ устоз Ғанижон Абдурахмоновнинг фикрини давом эттириб филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Нематов ҳам шундай деган эди:

Ректор бўлиб Жиззахга тайинланган кунидан 1 хафта ўтгач, СССРнинг марказий шаҳарлари бўйлаб сайёҳатга чиқди. Бу сайёҳат эмас эди, балки янги институт учун кадр танлаш ва янги институт учун кадр тайёрлаш учун эди. У киши билан биринчи учрашувим айнан Ленинград шаҳрининг «Европейский» меҳмонхонасида, энг буюк тилшунослар даврасида бўлди. Бу одам ўзини ўйлайдиган одам эмас, бу одамга вазифани юклагинизми, балки у ўзини шу вазифага шундай сингдирадими, вазифа билан у ўртасида фарқ қолмайди. Буни тасаввуфда “тавфид” - дейди. Инсон ўзини ишга ёки ишни ўзига сингдиради. Масалан, Алишер Навоийни шахс сифатида билмаймиз, у ўз асарларига шундай синганки, у зотни биз асарларидан биламиз. Бозорбой ака ҳам ана шундай фидойи инсон эди. Буларни халқ фидойи дейди, ёки ҳаққа етган.

60 йилларда тил тарихи бўйича ҳеч нарса ўрганилмас эди. Ҳамма асарлар диний, ислом мафкурасига таянган эди. Чунки уларни ўрганиш ман этилган эди. Тил тарихи ўқитилмас ва ўрганилмас эди. Ана ўша даврларда Ғани Абдурахмонов, Соли Муталлибовнинг айрим китобларда тил тарихи ҳақида лавҳалар бор эди. Аммо қўлланма йўқ эди. Ана шу оғир даврда Улуғ Турсунов ва Бозорбой Ўринбоев билан бирга ёзган “Ўзбек адабий тили тарихи” қўлланмасининг қўлёзмаси Ленинградга тақдим этилди. Бу юк унинг елкасида эди. У марказда югуриб елиб нашр эттиришга рухсатни олди. Бу ҳам катта фидойилик эди.

### **НУРАФШОН ҲАЁТ**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси, келинимиз Юлдуз Ўринбаева Тошкент шаҳрига малака оширишга борган вақтида эссе ёзиш топширилганда, дадажоним ҳақида ёзган эканлар:

Инсон дунёга бир бора келади. Умр эса мазмунли ўтиши керак. Ҳаёт давомийлиги ҳам менимча, шунда. Бу дунёни бевафо, дейдилар. Шу бевафо дунёда бирор арзғулик из қолдириб кетиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Дунё сахнасида ўзига тириклигида яхшилик қилиб, эзгу ишларни амалга ошириб кетган инсонларни халқ ҳар доим меҳр билан эсга олади. Уларнинг порлоқ хотирасинти унутмайди. Булар қандай одамлар, деган табиий савол туғилади. Булар меҳнатсевар, ўз манфаатини халқ манфаати билан узвий боғловчи, фидойи ва, албатта, ташаббускор одамлардир. Улар ўзларининг самарали меҳнатлари, ноёб кашфиётлари билан жамият ривожига муносиб ҳисса қўшадилар, жамият тараққиётида улкан бурилишлар ясайдилар. Ана шу ноёб қобилиятлари туфайли эл назарига тушадилар. Бундай бағри кенг, оқил одамлар ўз билим ва малакаларини бошқаларга ҳам улашишдан роҳат қиладилар ва буни ўзларининг олий бурчлари, деб биладилар. Ана шундай олийжаноб инсонлар туфайли ҳаёт янада нурафшон бўлади.

Мен юқоридаги барча сифатларни ўзида мужассамлаштирган табаррук бир инсон ҳақида фикр юритишни лозим деб топдим. У инсон филология фанлари доктори, профессор Бозорбой Ўринбаевдир. Қайнотам ҳам устозим меҳнатсевар, самимий, инсонпарвар ва шогирдларига, оиласига меҳрибон инсон эдилар. У киши доимо ҳар жойда, ҳар ишда ташаббус кўрсатиб шуҳрат қозонганлар. Айниқса, илм-маърифатга қўшган ҳиссалари

чексиздир. Уларнинг илмий изланишлари, фидойиликлари ўзбек тили ва адабиётининг тараққиётида ўзига хос ўринга, мавқега эга. Айнан уларнинг тинимсиз изланишлари натижасида юзлаб илмий асарлар, мақола ва тезислар чоп этилиб, сайқал топди.

Бир неча олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиб, фан докторлари, фан номзодларининг камол топишларига раҳнамолик қилдилар. Устознинг айтган ибратли сўзлари бор: “Ҳаётда яшаш билан яшашнинг фарқи бор. Умр давомингда сенга раҳм қилувчилар эмас, балким ҳавас қилувчилар кўп бўлсин”. Бу жумлаларнинг асл мазмунини энди англаб етгандайман. Чунки инсон фақат меҳнат, интилиш ва изланиш билан яшаса, у албатта, юқори чўққиларга эришиб, фаровон яшаш имкониятига эга бўлади. Ана шунда умр мазмунан бойийди, сермахсул бўлади. Бундайларга эса, яхшилар ҳавас билан қарайди.

Раҳматли қайнотам кўп йиллар Жиззах педагогика институтида, Самарқанд давлат университетиде профессор лавозимида ишланганлар. Шогирдларининг айтишларича: устоз билим бериш борасида ўта маҳоратли ва матонатли инсон эканлар. Уларнинг маърузаларига қатнашганлар илм-фан, маданият-маънавият борасида бир олам таассуротларга эга бўлиб, ҳам хоҳ талаба, хоҳ олим бўлсин, уларнинг маърузаларини интиқлик билан кутишар экан.

Келин бўлиб тушганимдан буён у кишини бирор марта бекор ўтирганларини кўрмаганман. Доимо кутубхонада ниманидир ёзиб, ниманидир ўқиб ўтирарди. Бир куни, ўша пайтда мен аспирантурада ўқир ва институтда энди иш бошлаган эдим, чой устида суҳбатлашиб ўтирганимизда, шундай дедилар:

-Мана, қизим, ишни бошладинг. Энди педагог бўлиш учун, авваламбор, **инсоний хислатларга** - ўз касбингни ва ўқувчиларни яхши кўриш, ақл-фаросатли, меҳнатсевар, ҳамма ишларда фаол, меҳрибон, камтар, дилкаш, ўз ўрнида уддабурон, мустаҳкам характерга эга бўлиш, ўз устида доимий ишлаш керак бўлади. Ишдан қочишга бир марта ўргандингми, кейин шундай ўрганасан. Ҳақиқий педагог бўлиш учун эса, ташкилотчи, масъулиятли, билимдон, ўқишда сабр-тоқатли, маданиятли, ижодкор, нотик, миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамиятини билиш, кузатувчан, ўз диққат-эътиборингни тўғри таксимлай олишинг, ўзингга танқидий муносабатда бўлиш, ўзини

тута билиш, нутқнинг эмоционал ифодаланишини таъминлай олишинг керак бўлади. Нутқнинг чиройли бўлса, ўқувчиларни ўзингга қарата олиш осон кечади. Инсон педагог ҳам бўлиши мумкин, аммо маҳоратли бўлиш учун яна захмат чекиш лозим. Бунда педагогик қобилият, техника, ички хоҳиш бўлиши зарур. Хоҳиш йўқолдими, ишинг ўнмайди. Сен истаган натижа бермайди. Маҳоратли педагогнинг машаққатли нурафшон йўлини босиб ўтиш ҳамманинг ҳам кўлидан келмайди.

Қайнотам нафақат олим ва мураббий, балки садоқатли умр йўлдоши, ибратли ота, донишманд бобо, маҳалла кўйда доно маслаҳатчи инсон ҳам эдилар.

Мен мана шундай табаррук инсон хонадонига келин бўлиб уларнинг авлодларини давомчиси бўлганимдан Оллоҳга беадад шукурлар айтаман. Уларнинг насиҳатлари ва дуоларини олиш бахтига муяссар бўлиш мен учун шарафдур.

## СЎЗ АЙТИШ – ДУР СОЧИШ

*Кўп гапириш билан кўп фикр айтиш  
бошқа-бошқа нарса.*

*Софокл*

*Бир кун Хитой, Ҳинд, Эрон ва Рум подшоҳлари бир ерга йиғилиб: “Ҳар биримиз шундай сўз айтайликки, дунё тургунча турсин”, деб шартлашибди. Хитой шоҳи дебди: “Мен айтган сўзимни қайтариб олишдан кўра, айтмаган сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиламан”. Ҳинд шоҳи дебди: “Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қилган одамга ҳайрон қоламан”. Эрон шоҳи дебди: “Оғзимдан чиқмаган сўзим қулимдир, айтганим эса хожамдир”. Рум шоҳи дебди: “Мен айтмаган сўзимдан ҳеч пушаймон бўлмаганман, айтганимдан эса тез-тез пушаймон бўламан. Шоҳларнинг индамаслиги фойдасиз ва бемаъни суҳбатлардан кўра яхшидир. Инсон ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ўз тили туфайли балога йўлиқади”.*

“Акам муомалада ўзгача эди, - деб гап бошлади Малоҳат аммам,- шарқона вазминлик ва такаллуфлик, донолик аломатлари бор эди акамнинг ҳаракатларидан. Бирор тўй, бирор марака акамсиз ўтмасди. Биринчи доим йиғинларни акам очиб берардилар. Сўзларни териб-териб гапирардилар. Айрим тўйларда суҳандонлар мазмунсиз, узук-юлуқ гапларни,

далилларни ноўрин айтиб, қўшиб-чатиб, такрор-такрор айтиб, ёки бақириб гапириб, келин-куёв эздан чиқиб, мулкдор отасини соатлаб мақтаб, вақтни инобатга олмай узундан узун гапириб ўтирганларни гашига тегади. Давра аҳлининг асаблари таранглашиб, тўйнинг савиясини туширади. Акажоним тўйни сухандони бўладими, табрикловчиси бўладими, ҳар бир сўзи ўша хонадон эгасига мос, ўша хонадон эгасининг авлодига хос қилиб гапирарди. Уларнинг бобо, бобокалонларининг яхши жиҳатларини мисол қилиб келтирарди. Хотиралари кучли бўлгани учун хонадон фарзандларининг ҳам қилган яхшиликларини айтиб ўшандай бўлишга чақирардилар. Шовқин-сурон бўлиб бир-бирини тингламай, бақир-чақир қилиб ётган тўй аҳлига ҳам шундай ўринли мисол келтирардики, ҳамма тинчиб бутун вужуди билан акамни эшитарди.

Ҳинд ёзувчиси Р.Тагорнинг бир фикри айнан акам учун ёзилгандай: ***“Кўп одамлар яхши гапларни сўйлаши мумкин, бироқ камдан-кам одам тинглай билади, чунки тинглаш ақл ишлатишни талаб қилади”***.

Акажоним яхши сўзлашни ҳам, яхши тинглашни ҳам билардилар. Бирор маслаҳатли иш билан келсам, олдин обдон эшитардилар. Ҳар бир нозик томонларини ўрганардилар. Ундан сўнг маслаҳат берардилар.

Хушмуомалалиги билан фарзандларига, қариндошлари-ю атрофдаги кўни-қўшниларга ўрнак эди. Ҳамма билан самимий муомалада бўларди”.

Дадажонимнинг қизиқиш доираси жуда кенг эди. Турли соҳа эгалари билан гаплашишни, ҳар бир нарса ҳақида билишни истардилар. Қоғозларига кўз югуртириб бир хатни топиб олди:

“Ҳурматли Бозор Ўринбоевич!

Ферула –сумбал *Ferula moschata* (F.Sambul). “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби”га киритилган ўтсимон, кўп йиллик ўсимлик. Асосан, Ўзбекистоннинг жанубида ўсади. Туркистон тизмасидан Тожикистон билан чегара ҳудудларида сийрак учрайди.

Сумбул асосан, халқ табобатида қувват берувчи восита сифатида ишлатилади. Менинг ўзим унинг илдизини тозалаб, қуришиб, майдалаб кукун (порошок) қилинганидан ўрик донагидек катталиқдаги миқдорда олиб, ўсимлик илдизи тахир бўлганлиги учун бир қошиқ асалга аралаштириб эрталаб наҳорда

бир мартадан 10-15-кун ичаман. Ковракларнинг (ферулалар) 50 дан ортиқ тури Помир-Олой тоғларида учраганлиги учун кўпчилик бошқа ковракларни “сумбул ковраги” деб сотишади. Шунинг учун уни ишончли одамлардан олиш зарур. Сизга саломатлик тилаб Умаркул Раҳмонқулов”.

Гулнора опам айтиб бердилар: “1990 йиллардан сўнг дадажонимнинг соғлигида баъзи бир муаммолар: (1976 йилдаги автохалокат асоратлари) синган оёқда узок ўтириш натижасида шишлар, юрак ишемияси, қандли диабет ташҳиси билан кўпгина шифохоналарда даволана бошладилар. Ўз соғликларини тиклашда фақат фармацевтик дори-дармонларга суянмасдан, шарқ табобати йўналишида ўсимликлардан фойдаланардилар. Аяжоним Бодом ая оналаридан шарқ табобати сирларини ўрганганлари учун таом тайёрлаётганларида доим бирор ўсимликдан кўшардилар. Масалан, ширчой қилаётганларида беҳи, ялпизнинг чўпи ёки баргини обдон қайнатиб сўнг сут солардилар. Унга ёнғоқнинг майдалангани ва сариқ ёғ солардилар. “Беҳи ва ялпиз юракка қувват” – дердилар. Шунинг учун ҳам дадажоним бирор жойга борсалар, доимо бирор доривор ўсимликнинг уруғи ёки қуруғини олиб келардилар. Биз уларга қоғоз халтачалар ясаб берардик. Дадажоним ҳар бирининг устига чиройли дастхатлари билан номини ёзиб уруғни ёки ўсимлик қуруғини солиб кўярдик.

Дадажоним ва аяжоним Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган ўсимликларни ўрганиш бўйича дастур ва рисоаларни излаб топиб, ҳар куни янги рецепт топардилар, мен эса уларни амалиётда қўлловчи оилавий шифокорга айланиб қолганимни ўзим сезмабман. Бундан ташқари, ҳар хил малҳам, суртки, кукун тайёрлашни ҳам ўргандим. Яқинларим, танишларга шифокор маслаҳат беришда айнан шарқ табобати йўналишида тавсиялар берардим. Натижалари аъло даражада бўлганини эшитган дадажонимлар жуда қувонардилар. Шунинг натижасида дадажонимнинг насихатлари, дуолари билан мен биологик фаол кўшимчаларни ўргана бошладим.

1998 йил октябрь ойларида Самарқанд шаҳар Офицерлар уйида биологик фаол кўшимчалар билан шуғулланадилар ҳамкасблар билан семинар ўтказдик. Йиғилишда иштирокчилар орасида фойда кўрган истеъмолчилар, касаллар, ишонқирамаган

иккиланиб юрган кишилар кўп эди. Йиғилиш рус тилида ўтаётганди.

Дадажонимни фойда кўрган фаол истеъмолчи меҳмонлар қаторида таклиф қилдим, келдилар. Маърузачилар олдинма кетин рус тилида сўзга чиқдилар. Йиғилиш охирида дадажоним сўзга чиқдилар. Сўз бошида равон рус тилида сўзладилар, сўнг фикрларини ўзбек тилида яқунладилар. Ҳеч эсимдан чиқмайди, баъзи бир чиқиб кетмоқчи бўлиб турган кишилар, дадамни нутқини эшитиб қайтиб кириб ўтиришди ва нутқни охиригача эшитиб гулдурос қарсақлар билан олқишладилар. Шу куни иккиланган кишилар ҳаммаси залдан хурсанд бўлиб чиқиб кетишди. Шунда сўз қудратини сезганман.

### УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

Аяжоним айтиб берадилар: Эҳ, болам! Бизнинг хонадонга кимлар келиб, кимлар кетмаган. Улар Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Грузия, Озарбайжондан ҳам келишган.

1970 йиллар, ёз кунлари эди. Уйимизга Жирмунский Виктор Максимович хотини ва ўғли билан келишганди. Уларни куни билан даданг Самарқанднинг тарихий обидаларини айлантирдилар. Кечга томон мен тайёрлаган таомлардан еб, дам олишмоқчи бўлдилар. Шунда даданг: Бодомой, уйимизда каравот битта. Улар учта қандай қиламиз? Улар ерда ётишмайди, - деб ўйланиб турганди. Мен: - Хавотир олманг, - дедимда, уйдаги барча катта кўрпаларни устма-уст солиб иккита каравот ясадим. Улар ўшанда ухлашди. Эрталаб турганда эса, даданг қаймоқ ва нишолда олиб келгандилар. Улар ўзбек ширинликлари ва таомларини еб раҳматлар айтиб, жуда хурсанд бўлиб кетишган эди. Сўнг Жиззахга кўчиб борганимизда ҳам яна бир бор келган эдилар. Даданг уларни жуда ҳурмат қилардилар. Устоз, - деб еру кўкка ишонмас эдилар. Улар ҳам дадангни “Базар Уринбаевич! Базар Уринбаевич!” деб ҳурмат қиларди. Ҳатто В.М.Жирмунский вафот этганларида ҳам даданг 1971 йил Москвага бориб келган эдилар.

Ўша пайтларда таниқли рус тилшуноси Андрей Николаевич Кононов ҳам келган эдилар. Ўшанда даданг Москва давлат университетиде докторантурада ўқиб, докторлик диссертацияси устида ишлаётган эди. Бир куни даданг юмолоқ юзли, қисик кўзли, оқ-сарикдан келган ўрта бўйли мулойим бир кишини



эргаштириб келди. Дарров дастурхон тузадим, меҳмон қилдик. Суҳбат пайтида у киши Андрей Николаевич Кононов эканлигини билдим.

Улар кун бўйи кутубхонада ишлашди. Сўнг икки кунга Зомин тоғларига кетишди. Икки кун дам олиб келишгач, Сиёб бозорига бордик. Шунда чиройли қилиб нон ёпган эдим. Нонушта пайтида нонларни қўлига олди-ю:

-Как вкусно, и так красиво. Только в Узбекистане такие прелестные лепешки, вкусная вода, солнце и зрелая пшеница, - дея ўзбекнинг нонини, қуёши-ю, сувини мақтаб кетди.

Сиёб бозорига боргандан сўнг у ердаги нонларни бирма-бир қўлига олиб завқланиб қарарди. Бозордан писта, бодом, шўрданак, майиз, нўхат ва нон олиб у кишини жўнатдик.

## ТАРЖИМОНЛИК

Мени лол қолдирган ва мен учун қилган энг катта ишларидан бири – оммабоп рисоаларни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб берганлари, - деб эслайди Гулнора опам. Охирги пайтлар соғликларини тиклаш мақсадида биологик фаол қўшимчаларни келтириб бердим. Дадажоним унчалик ичишни хоҳламадилар. Қачон борсам токчада турарди. “Нега ичмаяпсиз, десам. Истар-истамас ичаяпман, дер эдилар. Шунда мен дадажонимни усулини қўлладим. Шу БФҚ ҳақидаги русча рисоаларни ўзбек тилига таржима қилиб беришларини сўрадим. Рози бўлдилар ва мен иккита рисола бири Доктор Уоллокни “Марҳум докторлар алдамайди”, иккинчиси Доктор Ф.А.Тешевнинг “Парҳезлар” китобини олиб келиб бердим.

Дадажоним китоблардан тўлқинланиб, икки кунда таржимани тайёр қилганларидан ҳайрон қолдим. Яна ҳайрон қоларлиси, баъзан бирор нарсани йиллар давомида кутасан, аммо ҳеч бўлмайди. Аммо бу китоб икки кунда таржима қилиниб, бирдан босмахонага тиражга берилганини, қанча маблағ кетганлигини айтгандилар. Мен бу тезкор ҳаракатдан эсанкираб қолган эдим. Шундан сўнг дадажоним мен улуғ иш бошлаганимдан жуда хурсанд бўлганларини дуолар қилганида сезганман. Ҳаёт тажрибамдан шунга иқроп бўлдимки, инсонларнинг соғлиғи ўз қўлида. Аммо нима учундир буни тан олмайдилар. Уларни фикрича, шифокор даволаши, ўқитувчи ўқитиши, курувчи куриши керакдай.....

## АСРЛАРДЕК БАРҲАЁТ НОМЛАР

Дадажонимнинг умрининг охириги кунлари яқинлашган экан. Мен эса, билмабман. Доим институтдаги воқеалар, тингловчилар ҳақида тинмай гапирардим. Ўша куни ҳам Самарқанд вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 2014 йил 21-22-ноябрь кунлари **“Ўқитувчилар касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг узлуксизлиги муаммолари ва ечимлари”** мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилганлиги, анжуманни Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори А.Курахмедов кириш сўзи билан очиб берганлиги, Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А.Умаров, СамДЧТИ маънавий-маърифий ишлар проректори Ҳ.Норқулов **“Ўқитувчининг маънавий педагогик маҳорати ва талаблари”** мавзусида, СамДАҚИ маънавий-маърифий ишлар проректори Ғ.Яхшибоев **“Таълимни ахборотлаштириш йўналишлари”** мавзусида, СамДУ Педагогика факультети декани Т.Қурбонов **“Касбий маҳорат жараёнида педагогик назокат ва педагогик одоб-ахлоқнинг ўрни”** мавзусида маърузалар қилганликлари ҳақида гапириб берардим. - Дадажон, анжуманда Жиззах ВПКҚТМОИ ассистенти Ғ.Сиддиқова **“Муסיқа дарсларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиш”** мавзусида маърузалар қилди. У киши Сиз ишлаган пайтда ўқиган экан. Сизга салом айтиб юборди, - дедим.

Дадажоним индамай эшитдилар-да, анжуман материаллари жамланган тўпламни кўлига олиб: - Ўх-ху, анча меҳнат қилибсизлар. Катта материал. Ким сўраган бўлса, соғ бўлсин!

Мен эса гапимни давом эттириб, “Дадажон, биласизми, сиз айтиб турган маълумотларни тўғирлаб иккита мақола қилдим. Иккаласини ҳам киритдик. Биттаси 13-бетда 1-шўбада, иккинчиси 59-бетда 2-шўбада, қаранг.” Индамадилар. Сўнг, - Дадажон, тингловчилардан бири сизга хат ёзибди, ўқиб берайми? Эшитинг! Эшитаяпсизми? Яна индамай бош қимирлатдилар.

“Ассалому алайкум, устоз! Соғлиқларингиз яхшими? Мен, Аззамова Фароғат 1990-1995-йиллари Жиззах давлат педагогика олийгоҳида таҳсил олганман. Мен сизнинг собиқ талабангизман. Ҳозирда мен Оқдарё туман 20-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан дарс бериб келмоқдаман. Ўринбоев домла

сизни “Асрлардек барҳаёт номлар” китобингизни Дилбар опадан олиб ўқидим. Домла қишлоқларнинг номлари ҳақида керакли маълумотлар берилган. Домлажон шу қишлоқлар ичида “Тулак”нинг келиб чиқиши тарихи йўқ экан. Сиздан илтимос шу ҳақида маълумот берсангиз. Бу ҳақида 90 ёшга кирган қайнотам ҳам қизиқиб сўраб илтимос қилган эди.

Домла, доимо соғ бўлинг! 2014 йил ноябрь.”

Дадажоним индамай эшитдиларда, “Раҳмат!” дедилар. Сўнг бироздан сўнг “Тулак – тепа кал дегани”. Шунда гапга аям аралашдилар: - Дилбар, қўй, дадангни чарчатма, маъносини кутубхонага тушиб китобларни кўргинда, билиб сўраган кишига айтгин. Шундай қолдирма!

Шунда дадажоним: “Севортян “Этимологический словарь тюркского языка”, “Шева сўзларнинг луғати” ва яна қайсидир китобнинг номини айтдилар. Китоблар турадиган жавоннинг нечани қатори ва қайси томонда турганини ҳам айтдилар. Дадамлар китобларни жуда ардоқлардилар, бирор ери йиртилиб қолса, елимлаб, “сен китобларни палапартиш тутасан, қара!” деб койиб ҳам қўярдилар. Чунки олган китобимни жойига қўймасдан, кўп ҳолларда аяжонимга ташлаб кетардим.

## **ИНСОН ДЕГАН ЮКСАК УНВОНГА ЛОЙИҚ**

Дадажонимнинг яқин дўстларидан бири филология фанлари номзоди, доцент Амир Хазратқулов айтиб бердилар: Даданг, она кизим, буюк инсон эди. Буюклиги шунда эдики, ҳамманинг ҳожатини чиқарар эди. Бирор киши қолмасди. Нима масала юзасидан мурожаат қилсак, доим йўлини топар эди. Дўстим, дунёга фақат яхшилик қилиш учун келган эди. У бу эзгу ва савобли юмушни аъло даражада адо этарди, илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Ҳам дили пок, ҳам иши пок устоз бўлиш учун инсонда худо берган қобилиятдан ташқари ўзини халқи, юртига бағишлаш хислатлари ҳам бўлиш керак. Б.Ўринбоев худди шундай инсон эди.

Катта акамнинг куёви Отабек Абдуллаев: Паустовскийнинг бир фикри бор: “Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у Инсон деган юксак унвонга лойиқдир”. Бобом Бозор Ўринбоев ҳам ана шундай инсонлардан эди. Мен устоз Бозор Ўринбоевни биринчи бор 1997 йил Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультети

талабаси бўлган вақтда таниганман. Мен у пайтларда ҳам ўқир, ҳам факультет деканатида ишлаб юрардим. Шунинг учун доим факультет устозлари билан у-бу масалалар юзасидан гаплашишга тўғри келарди. Устоз ўзгача эди. Ўта салобатли, босиқ, жиддий. Шу сабабли талабалар, нафақат талабалар, ҳатто бошқа домлалар ҳам салобатидан ҳайиқар эди. Мен ҳам устоздан ҳам жуда кўрқар эдим ва ҳам ҳурмат қилар эдим. Кўпинча факультет юмушлари билан бўлиб дарсга кирмаган чоғларимда кўзларига кўринмасдан қочиб қолардим. Шундай бўлса-да, агар юзма-юз келиб қолсак, мени койийдиларми, деб ўйласам, бир кун учрашиб қолдик. – Ассалому алайкум, устоз!

-Ваалейкум ассалом, хўш тулпор, ишларинг қандай? Соғ-саломатмисан? Дарсларда кўринмайсан. Ишинг кўпайиб кетибди-да, ҳа....

-Устоз, энди... бир-икки марта киролмадим. Хизмат бўлса, айтинг.

-Хизмат, бор!

Мен бирор юмуш юкласалар керак, деган хаёлда қўл қовуштириб турдим. Бироқ устоз менга қараб:

-Тулпор, мана мавзулар. Шуларнинг ҳаммасига реферат ёзиб келасан. Келишдикми?

Мен ҳеч нарса дея олмадим. То ана шу рефератларни ёзиб бермагунимча имтиҳонга киритмадилар. Мен ўшанда жуда қийналиб кетдим. Бундан ташқари, айрим ишқал ишларимни билиб бир неча бор танбеҳ берган эдилар. Энди мени талабалар сафидан чиқариб юборса керак, деб ўйлагандим. Кейин билсам, менга имтиҳон баллари қўйилган экан. Устоз мени ўқисин, ҳаракат қилсин, деб реферат ёзишга мажбур қилган эканлар.

Ўқишни яхши тугатиб, ТАТУда ишлай бошладим. Ҳаёт тақозоси билан бир қизни танлаб унга совчи қўймоқчи бўлдим. Қизнинг онаси мени кўришни истади. Мен бордим. Қизнинг уйига кирар эканман, деворда илиниб турган катта портретни кўриб жойимда тош қотдим. Не кўз билан кўрайки, портретдаги устоз Ўринбоев эди. Мен у кишига неvara куёв бўлдим.

### **КУЧ АДОЛАТДАДИР**

Мен, Нафасов Тўйчи, Пастдарғом туманидаги 29-умумий ўрта мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлайман. 1997 йилда Жиззах педагогика институтини тамомлаганман.

Умримда биринчи марта хотира ёзаяпман. Хотира ёзиш анча мушкул иш экан. Айниқса, ўзинг учун жуда ҳурматли, ўзбек тилшунослигининг забардаст олими ҳақида нимадир ёзиш оғир экан.

2016 йил январь ойида Самарқанд шахрига бир ойлик малака ошириш курсига ўқишга боришимга тўғри келди. Яқинда Салим деган ўқитувчи малака ошириб қайтган эди. Ўқишга жўнашдан бир кун олдин у билан учрашиб суҳбатлашдим: - Эртага малака ошириш курсига кетаяпман. Ўқитувчилардан кимлар бор? Домла Ўринбоев ишляптиларми? Ўша ерда деб эшитган эдим, яна лекцияларини тинглаш насиб этар экан-да, - десам.

Салим: - Йўқ, афсуски, домла оламдан ўтибди, - деб қолди.

Ўқишга келдим, шаҳар яқин бўлганлиги сабабли ётоқхонага жойлашмадим, катнаб ўқийдиган бўлдим. Бир куни ўқишдан келиб кечки овқатга тараддуд қилаётганларида укам Илҳом келиб қолди. Иккаламиз ҳам Жиззах давлат институтида ўқиганлигимиз сабаблими, бирга ўтириб қолсак, гурунг институт ҳақида, домлалар ҳақида кетади. Бугун ҳам шундай бўлди.

Илҳом: - Малакадамисиз... Анча ўзгаришлар бўлган деб эшитдим. Домла Ўринбоев ҳам шу ерда эканми?

Мен: - Йўқ! Менга алам қилиб ётибди, эшитмабман, оламдан ўтибдилар. Охиратлари обод бўлсин!

Илҳом ҳам эшитмаган экан, бу хабарни эшитиб бирдан бошқача бўлиб кетди. Бир қошиқ луқмаси ҳам бўғизига тикилди.

-Эҳ, эҳ, эҳ! Шундай одам ҳам оламдан ўтадимми-а?! – кўзларига ёш қалқиди. Мен ҳам ҳеч нима деёлмай, овқатни ҳам еёлмай қолдик. Хотиним олдимизга қирганда на овқат, на чой ичилганди. Унинг: - Ҳа, тинчликми? Бирор гап бўлдими? – деган саволи бизни ўзимизга келтирди.

-Мен, дўстим Собир, унинг укаси Салим, укам Илҳом ва яна нечтадир ҳозирда ўқитувчи, директор бўлиб ишлаб келаётган ҳамқишлоқларим устоз Ўринбоев ректорлиги даврида Жиззах педагогика институтида ўқиган бўлиб ҳар бирининг хотирласа арзигулик гапи бор.

-1991 йилда шу институтга ҳужжат топширдим. Ўша пайтларда фақат ўз вилоятларида ўқишлари шарт эди. ҳужжатларимни энди топшираётган эдим, бир барваста киши келди-ю, ҳужжат қабул қилаётган домла менинг ҳужжатларимни ўша кишига кўрсатиб: - Қабул қилсак бўладими? - деб сўради.

Барваста киши ҳужжатларимни кўздан кечирди-ю: - Менга қара, жўра, сен яшайдиган жойдан 20 километр берида жойлашган “Айний” бор. Ўша ерга бориб ўқи, хўпми?! – деб ҳужжатларимни қўлимга берди. Бу ким деб сўриштираман, институт ректори вазифасида фаолият юритаётган Б.Ўринбоев экан. Мен уйга қайтдим. Орадан бир йил ўтиб яна ҳужжатларимни кўтариб ўша даргоҳга бордим. Бу йил ҳужжатларимни топширдим. Биринчи имтиҳонга тайёргарлик кўриб, имтиҳонга кирдим. Жавоб бериш навбати менга етганда, ректор Б.Ўринбоев кириб келиб қолдилар.

- Оббо, бу йил ҳам омадим чопмади, яна қайтадиган бўлдим, - деб тушкин аҳволда столга яқинлашдим. Домла Ўринбоев доим кулимсираб юрардилар. Мени кўриши билан: - Яна келибсан-ку, Тўйчибой, - дедилар.

Домланинг хотираси ўта кучли эканлигини ўшанда билган эдим. Кейин ҳам бунинг бир неча гувоҳи бўлганман. Бошқа кишилардан ҳам эшитгандим. Бир кўрган одамни йигирма йилдан кейин кўрса ҳам аниқ эслайди, деганига унча ишонмаган эдим. Мени эса сақлаб қолганлари учун ташвишландимми, баланд гавдасини кўриб чўчидимми, савлатлари босдимми, чўрткесарлиги олдида ўзимни йўқотиб қўйдимми, билмайман, ўша зумда ёзган жавобларимни ҳам ўқиб беришга кучим етмади. Лом-мим демай қараб туравердим. Ўша кезларда араб имлосига эътибор кучайган эди. Анкетада “Ўқувчиларга араб имлоси бўйича фаолият юрита оласизми?” деган савол бор эди. унга “Ҳа” деб жавоб ёзилган эди. Домла Ўринбоев анкетани қўлга олиб менга кулимсираб, ишонқирамай: - сен араб алифбосини биласанми? – деб сўрадилар. “Ҳа” жавобини олгач, “Қани, исми фамилиянгни ёзиб бер-чи!” – дедилар.

Мен ёзиб бергач: - Домла бирор матнни диктовка қилинг, ёзиб бераман...- дедим.

- Яхши-ку, - деб ўрнидан туриб эшикка қараб йўнала бошлади, эшикни очаётиб, кескин оҳанг билан: - Бу йигитни зачисление қилинглар! – дея чиқиб кетди. Домланинг бир оғиз гапи билан мен ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўқишга кирдим. Шундай қилиб мен Жиззах педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаси бўлдим.

Ўқиш пайтида институтдаги тартиб-қоида жуда кучли эди. Қаттиққўллик билан ишлар эдилар. Ҳеч ким дарсга кеч қолмасди. Айниқса, Ўринбоевнинг параларига.... Мабодо, бирор талаба

баъзи сабабларга кўра кеч қоладиган бўлса, институт олдида ректор бўлса, узокдан пойлаб турар, ректор киргач, амаллаб дарсга кириб олардилар. Биз ректордан ҳам кўрқардик, ҳам ҳурмат қилардик. Бизнинг бирор ножўя ишимиз у кишини ранжитишидан кўрқар эдик. Ҳар бир нарсага оқилона ёндашардилар. Кези келганда, институт домлаларини ҳам аяб ўтирмасдилар.

Мени доим учратиб қолганларида, “Ҳа, чандир, ўқиш яхши кетаяптими? Араб қандай? Мактабда ишляптими?” – деб сўраб кўярдилар. Мен ўзим Пастдарғомнинг Чандир қишлоғидан бўлганлигим сабабли шундай дердилар. Араб эса, қишлоғимиздан Собир деган йигит (хасталикдан вафот этди).

Собир ҳам шу институтни тамомлаган. У хушмуомала, ҳар қандай одам билан тил топишиб кета оладиган, қобилиятли йигит бўлиб, сочлари жуда ҳам қалин ва жингалак, ўзининг қоралигидан тишлари ва кўзлари дурдай оқ бўлиб кўринарди. Бундай олганда, ҳеч ким уни негрдан ажрата олмас эди. Домлаларни айтишича, Собир ҳеч қачон дарсдан ҳам, пахтадан ҳам қолмас, доим яхши ўқир, ташкилотчи йигит бўлгани учунми, ҳамма яхши кўраркан. Собир ака билан кўп ҳамсухбат бўлганмиз. Бир кун бир воқеани айтиб берган эди: Ўшанда Тошкентда вилоят институтлариаро фестиваль ўтказилган эди. мен ҳам фестивалда иштирок этадиган бўлдим. Бизга алоҳида “Икарус” автомашинаси ташкил қилинди. Кетиш олдида ректор бизни кузатишга чиқди ва бизни йиғиб, омад тилади. Биз билан Ф.Бойназаров устоз кетиши керак эди. ҳаммамиз автобусга чиқаётган эдик, ректорнинг кескин оҳанги эшитилди: “Агар ҳеч бўлмаса учинчи ўринни олиб келмасаларинг, сизлар учун институтни эшиги ёпиқ!” - деб жўнатди. Жўнаб кетдик. Биз ютуқ билан келишга ишончимиз комил эди. Аммо Тошкентга бориб фестиваль тартибини ўқиб кўргач, тарвузимиз кўлтиғимиздан тушди. Биз тайёрлаган тадбир фестиваль шартларига умуман, мос келмас экан. Тўрт тарафга чопсак-да, додимизни ҳеч ким тингламади. Жиззахга қайтиб кетиш ҳақида ўйлаб кўришга кўрқамиз. Домла Бойназаров ҳам нима қиларини билмай турганда, Теша Мўминовни кўриб қолдим.

-Ассалому алайкум, Тешавой ака! Сиз билан бироз суҳбатлашсам, майлими? – деб ҳол-аҳвол сўрагандай бўлдим. У эса менга томоша қилгандай қилиб қараб:

- Сиз, ўзбекми? Ё .....?

- Ўзбекман, Тешабой ака, ўзбекман.

- Ё, алҳазар, ўзбек ҳам шунақа бўладими? – деди ҳазилга йўйиб.

- Ҳа, энди, ака... Бизга маслаҳатингиз керак. Иложи бўлса ёрдам бериб юборинг, - деб вазиятни тушунтирдим.

У кишининг маслаҳати билан биз Шекспирнинг “Отелло” трагедиясини тайёрлайдиган бўлдик. Вақт кам. Атиги ярим кун. Бор кучимизни ишга солиб тайёрландик. Саҳна кўринишимиз кўнгилдагидек бўлмади. Саҳнани намойиш қилдигу, натижасини кутмасдан автобусга ўтириб Жиззахга жўнавордик. Ҳамма жим. Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Кайфият йўқ. Жиззахга яқинлашган сайин ҳаммани оғир юк босаётгандек эди. Айниқса, домла Бойназаров тушкун аҳволда эди. Ранглари Жиззахга яқинлашган сайин сарғайиб борарди. Автобус йўлдан институт майдони томон бурилаётганда ҳамма йўлбарсдан кўрққан охудай бурчак-бурчакларга паналай бошлади. Не кўз билан кўрайликки, ректор қоядай бўлиб майдон ўртасида турарди. Автобус тўхтади. Ноилож бирма-бир туша бошладик. Ректор биз томон кулимсираб кела бошлади. Домла Бойназаров автобусдан тушиб индамайгина четроқда турди. Ректор:

- Э, яшанглар, азаматлар, яшанглар, - деб ҳаммага кўл бериб кўришиб кетди. Биз эса, ректор пичинг қилаяпти, кўришиб бўлгач, ҳаммамизни дўппослашга тушса-я, - деб ўйлагандик. Аммо биз иккинчи ўринни олганимиз ҳақидаги хабар ректорга етиб келганлигини эшитганимиздан кейин ҳамма эркин нафас олди. Домланинг сарғайган ранги ҳам бирдан ёришиб кетди. Ҳамма ўзида йўқ хурсанд эди.

Эртаси саҳна кўринишини биз институт актив залида кўйиб берадиган бўлдик. Институт домлалари, студентлар ҳамма, ҳаммаси залда. Олдинги қаторда ўрта ўриндикда ректор Ўринбоев ҳам ўтирарди. Мен қоралигим учун Отелло ролида, Яго ролида домла Бойназаровнинг ўзи. Отелло ва Яго ўртасидаги мунозара жойига келганда мен Яго (Ф.Бойназаров)ни ғиппа бўғиб бир чил бериб полга гурсиллатиб йиқитдим. Ҳамма қарсақ чалиб юборди. Қарасам, ректор тиззаларига ўриб хохолаб куляяптилар. Шундан сўнг доим мени кўрсалар, “Ҳа, Араб!” деб қўярдилар.



## ОЛАМНИ АНГЛАШИЛМОВЧИЛИКЛАРНИНГ ЯРМИДАН ХАЛОС ҚИЛГАН ИНСОН

Бир кун ишдан келсам, дадажоним газета ўқиб ўтирган эканлар. Ишларим ҳақида сўрадилар. Ўшанда мен ЎЗРФА Самарқанд бўлимида илмий котиб бўлиб ишлардим. Биология бўлимимиз ходимлари Зарафшон кўриқхонасидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг рўйхатини ўрганиш учун борганлиги ҳақида гап кетганда дадажоним бир дақиқа ўйланиб қолдиларда, сўнг “Бу яхши фикр, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти учун бу қизиқ!” – дедилар. Шундан бир оз вақт ўтгач, газетада “Зарафшон-Ургут кўриқхоналари топонимлари” номли мақола чиқди:

Маълумки, яқинда Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек мадрасасида БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) «Буюк ипак йўли» лойиҳасининг иштирокчи мамлакатлари миллий сайёҳлик маъмуриятлари вакилларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда «Буюк ипак йўли» туризми ва уни ривожлантиришда Самарқанднинг ўз ўрни борлиги таъкидланди. Чунки Самарқандда «Ўзбек туризм» ишлаб чиққан классик, археологик, экстремал, диний, экологик, туристик йўналишлар турлари объектлар мавжудлиги тилга олинди. Ўзбекистон экотуризми йўналишлари тарикбида Зарафшон-Ургут кўриқхонаси ҳам мавжуд. Ушбу экотуризм ҳақида тўлиқ маълумот беришда топонимларнинг роли ва ўрни каттадир.

Топонимлар маъносини тўғри изоҳлаш ва тушуниш орқали объектдаги у ёки буж ой номини, табиат ҳодисасини, инсон фаолиятининг ишлаб чиқариш шароитлари, турли қабила, уруғ ва халқларга тегишли кишиларнинг ҳаракат йўналишларини аниқлашга кўмаклашади. Юз ва минг йиллар давомида табиий, тарихий, мафкуравий шароит тақозоси билан ҳукмрон тилларнинг ўзгариши натижасида янги халқлар, уруғларнинг шаклланиши, маҳаллий уруғ-халқларнинг сингиш жараёни кечади. Шунинг учун Зарафшон – Ургут кўриқхонаси ҳудудида топонимларнинг шаклланишида турли-туман мотивлар мавжуд. Бу ҳудудда 2626 топонимик объектлар номи бордир. Уларнинг 531 таси гидронимлар, 593 таси оронимлар, 228 таси этнотопонимлар, 390 таси ойконимлар, 96 таси дромонимлар, 322 таси теонимлар, 143 таси фитотопонимлардан иборатдир.

Ушбу ҳудуд топонимлари таркибида Испанза, Чағизмон каби суғд тилига; Гузни, Камардон, Пудари, Сатанг, Ғўзна, Сариосиё каби форс-тожик тилига; Ғўсс каби араб тилига; Бешкал, Бойдавул, Сарой каби туркий тилларга; Барлос, Баҳрин, Найман каби мўғул тилига; Шитоб каби рус тилига хос жой номларини учратамиз.

Зарафшон-Ургут кўриқхонаси харитасидаги жой номлари ниҳоятда турли-туман, ажойиб ва ғаройиб. Бу маҳаллий жой номларининг этимологияси билан сайёҳларни, қолаверса, кенг халқ оммасини таништириш, биринчидан, жуғрофий комларнинг эсда қолишига ёрдам берса, иккинчидан, тарихий сўз ясалиши ҳақида маълумот беради. Энг муҳими халқимиз ўтмишига ҳурмат ўйғотади, ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамлайди. Шуларни ҳисобга олиб, Зарафшон-Ургут кўриқхонаси ҳудудида мавжуд бўлган 2626 та топонимларни изоҳлашга ҳаракат қилганмиз.

**Алохотун** – бу топонимни айрим олимлар **ало** – арабча сўз бўлиб, у «юксаклик, олий даража» маъносида, **хотун** – қадимги туркий тилда «ойим, хоним» деган маънодаги сўз деб талқин этадилар. Лекин аллохтон деб аталган жуғрофик атама мавжуд. **Аллохтон** (юнонча аллос – бошқа, хтонг – ер, тупроқ) – тоғ жинслари, фойдали қазилмалар ва моддаларнинг пайдо бўлган ўринларидан маълум геологик жараёнлар сабабли янги ўринга силжиши ва улар ётқизикларининг қайтадан пайдо бўлиши. Шунинг учун аллохтон атамаси ўзбек тили талаффузига мослашиб **Алохотун** тарзида ўзгарган бўлиши мумкин.

**Барлос** – қадимги туркий қабилалардан бири, мўғулларнинг барулос қабиласи. **Барлос** – мўғулча «семиз, кучли», туркий тилда «лашкарбоши, йўлбошчи, ботир жангчи» маъноларида қўлланилгани таъкидланади. Барлос сўзининг луғавий маъносида ҳам юқоридаги маънолар бор. Этнонимнинг биринчи қисми «бар» - йўлбарс, шер, арслон, бургут, ботир лашкарбоши демак. Сўнгги қисми -илос, -улос, -лос, -лас, -га, - гут, -кут, -лаг. Ўзбеклардаги **барқут**, мўғуллардаги **барга**, **барланг** деган қабилалар номлари ҳам юқорида шарҳланган маънолар билан боғлиқ. Ҳозирги ёкут тилида **барқул бургут**, **йўлбарс** маъносини билдиради.

Барлос тарихан ҳам ясама сўз бўлиб, у ҳам йўлбарс, ҳам бургут маъносини билдирган. Ана шу тотем номидан уруғ, қабила номи юзага келгандир. Этноним топонимга ўтган.

**Лаққон** топоними **лаққа** ва **он** қисмларидан иборат. Яғноб тилида **лака-лаққа**-майдон, жой; **-он** кўплик қўшимчаси. **Лаққон** – майдонлар, қисмларга ажратилган жойлар.

**Пударри** топонимининг таркиби пуда+ри+ридак қисмларидан иборат. Ҳар иккала қисми ҳам тожикча бўлган бу сўзнинг пуда қисми мевасиз дарахт, куриган, чириган ўтин; тутантириқ учун ишлатиладиган ўтин; қуруқ параха. Ри-ридак-қул, ёш қул. **Пударри** – мевасиз дарахтлардан ўтин тайёрлайдиган қул демак.

**Сатанг** топонимининг олифта, башанг деган маънога алоқаси йўқ. Сатанг топонимии тожикча сатранг сўзидан келиб чиққан бўлиб, у инсон қаддича келадиган оқ гули, барги анжир баргига ўхшаш ўсимлик; меҳригиёҳ. **Сатранг** – сатанг фитоним бўлиб, у ойконимга ўтган.

**Чағизмон** топонимининг таркиби чағиз-чақир+мон+Майин қисмларидан иборат. Туркий тиллардан чуваш тилида з ундоши ўрнида **р** ундоши ишлатилишини инобатга олсак, чағир қўнғирот қабиласига кирган бир уруғ номи. Сўғдча мон-ман-майин-гузар, овул, кишлоқ демак. Чағизмон – этноойконимдир.

**Ғўсс** топонимии аслида арабча **ғўсн** бўлиб, у «дарахт шохи, дарахт шохлари» маъносини билдиради. Ўзбек халқ шеваларида ғуз-ғусс сўзи «ёнғоқ» демакдир.

Юқоридаги каби изоҳлар билан Декартнинг қуйидаги фикрига амал қилдик, деб ҳисоблаймиз: *«Сўзларнинг маъноларини тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз».*

## БУЮК ВА МЕҲРИБОН УСТОЗ

2015 йил малака ошириш курсида ўқиган тингловчилардан Мавлуда Ўринбоевна Мамадалиева бир куни қўлимга бир варақ қоғоз берди. Унда шундай сатрлар ёзилган эди:

Устозим Б.Ўринбоевни таниганлар албатта мендек таърифласалар керак. Мен олий даргоҳга келганимданок, дадамлар мени биринчи бўлиб устоз билан таништирдилар. Шунда устоз:

-Қани, қизим, нималарни биласан? Бирор шеър айтиб бер, - дедилар. Мен эндигина мактабни тугатиб келган даврим эди, ўшанда. Ҳаяжон билан “Ойгул билан Бахтиёр” поэмасини қандай айтиб берганимни сезмабман. Шу пайт дадамга қараб: -

Қизингизни она тили ва ададбиёт факультетига лаёқати кучли экан. Шундай қилиб мен филология факультетини тугатиб, она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлдим.

Университетда ўқиш пайтида туркий тилдан дарс ўтаётган ўқитувчи дарс жараёнида ёзув ҳақида фикр юритиб араб ёзувида мисол келтирдилар. Мен эса, ёзувни тўғридан-тўғри араб ёзувидаги хатни ўқий бошладим. Ўқитувчи, “Сен бу ёзувни ўқишни қаердан биласан”, - деб сўрадилар. Мен бундан ғурурланиб, “Мен эшон қизиман, бизга ёшлигимиздан араб ёзувини ўргатадилар”, деб мақтанибман. Бола эканман-да, мақтанибман-у балого қоламан, деб сира ўйламабман.

Ўша пайтда “Илмий атеизм” фани ўтилар эди. Ўша фан ўқитувчисининг қулоғига бу суҳбат етиб борибди. Атеизм дарсида бутун курс олдида мени ўртага чиқариб, шарманда қилди:

- Мана буни кўриб қўйинглар, биз атеизмдан дарс ўтиб, ҳаммани тўғри йўлга бошқараётган вақтда, бу билағонлар, араб ёзувини ўрганишади, “Қуръон” ўқишади. Булар “халқ душмани!”, - деди.

Ер ёрилмади-ю, мен кириб кетмадим. Шундан сўнг мени дарсга қўймай қўйди. Имтиҳонларга киритмадилар. Мен жуда қийналдим. Ҳеч ким додимни эшитмади, ўшанда... Шундай тушкунликка тушиб, осмонни булут қоплаган бир вақт устоз Б.Ўринбоев куёшдек порлаб булутларни бир томонга суриб ташлади.

-Қизим, сен ҳеч хафа бўлма, сен ҳеч қанақа “халқ душмани” эмассан. Ҳали шундай замонлар келади-ки, эшонлар ўз обрўларини тиклайдилар, халқ ўз миллийлиги, эътиқоди, иймонини англай бошлайди. Ҳозир эса, кел бундай қиламиз. Сен ўқитувчингни олдига бориб аввал, кечирим сўрайсан. Сўнг айтганларини қиласан.

Мен атеизм ўқитувчиси билан учрашдим, кечирим сўрадим. Ўқитувчи эса:

-Худо йўқ деган маънода битта деворий газета чиқариб кел! – деди.

Мен нима қиларимни билмай яна устоз Б.Ўринбоевга учрадим. У киши ўйланиб турдилар-да:

- Қизим, сен худо йўқ, деганининг билан йўқ бўлиб қолмайди. Шундай экан, ўйлаб кўргин-да, шунга яқинроқ қилиб, деворий газета чиқариб кел – деб маслаҳатларини бердилар.

Мен устоз маслаҳатлари билан деворий газетани чиқардим ва атеизм ўқитувчисига бериб, имтиҳонларга кириш учун рухсат олдим.

Вақт ўтиши билан курсдошларимнинг ҳам муносабати яхши бўла бошлади. Ўқишни тугатдим, турмушга чиқдим, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошладим.

Малака ошириш учун азим Самарқандга келдим-у, устозни кўрдим. Йигирма йилдан ошган бўлса-да, устоз мени танибдилар. Биринчи жуфтлик дарс устознинг дарси экан. Дарсни бошлашдан аввал:

- Ораларингда отнинг калласидек юраги бор аёл ўтирибди, у менинг қизим – деганларида ким ҳақида гап эканлигини тушунмаган эдим. Кейин қисқача менинг ҳикоямни айтиб берганларида ўзимни ноқулай сездим. Чунки устоз мени таниган эдилар.

- Мана қизим, сенинг давринг келди, энди яша! – деб менга ўша меҳр тўла кўзлари порлаб қараганлари ҳали ҳам кўз олдимда турибди.

Мана мен яна малака оширишга келдим. Лекин минг афсуслар бўлсинки, устозни излаб тополмадим. Оллоҳга шукурлар бўлсинки, мен устозим нигоҳини, устозим чехрасини бошқа инсондан, яъни у кишининг қизларида кўрдим.

Устозимнинг яна бир катта яхшилиги ота томондан қариндошларимизни топиб беришда ёрдам берганлар. Менинг дадам туғилмасдан олдин оталари ўлиб кетган экан. Устоз ана шу муаммони ечишда бизга ёрдам қўлини чўзган эдилар.

Устозим ўтган бўлсаларда, доимо юрагим тўрида яшайдилар. Оллоҳ у кишининг жойларини жаннатнинг тўридан берганларига ишонаман. Нур таратувчи эдингиз, қабрингиздан нур таралиб турсин, устоз – деб ҳақингизга дуо қилиб турувчи қизингиз Мавлуда Ўринбоевна Мамадалиева.

## **МИННАТДОРЧИЛИК АЙТАЙ**

### **Ҳурматли Дилбар Бозоровна!**

Мен Каттақўрғон туман 58-мактаб ўқитувчиси Саидова Ноила Каримовна бўламан. Хат қоғозга битилган кўнгил

дейдилар. Мен Самарқанд педагогика билим юртини 1985 йилда имтиёзли диплом билан тугатганман. Сўнгра Самарқанд давлат университетининг филология факультетига 1988 йил ўқишга топширганман. Ҳаяжонда эркин мавзуда иншо ёзганман. Иншомга Ўринбоев фамилияли домла “4” баҳо қўйган экан. Бундан жуда хурсанд бўлиб, кейинги имтиҳонларга тайёргарлик қўриб, ҳеч қанақа таниш-билишларсиз ўқишга кирганман. Доим Ўринбоев фамилияли домлани излардим. Охири домла бизга дарсга кирди. У кишининг салобати одамни босар экан... Мен кўрқиб, раҳматимни айта олмай, ўқишни битириб кетдим...

Хуллас, 2007 йил ноябрь ойида малака оширишга келсак, домла тингловчиларга дарс ўтар эканлар. Пайтдан фойдаланиб, миннатдорчилигимни ўзига айта олмай, хат орқали айтдим. Устимдан тоғ ағдарилгандай бўлди...

2011 йил келсак домла ишламас экан. Мана бу йил ўқишга келсак, сизни домланинг қизи дедилар. Сизнинг дарс ўтишингиз, ўзингизга бўлган ишонч отангизга ўхшаб кетар экан. Сиздаги отангиздагидек қатъийятликни кўриб ҳавасим келди. Отангиз менинг ғойибона устозим эди. Инсон кимгадир кераклигини ҳис қилиб яшаш – бу бахт. Сиз ҳам худди отангиздай, кимларнингдир қалбида ўчмас из қолдириб яшашингизни чин қалбдан истайман. Сизга омад, оилавий бахт ҳамиша ёр бўлсин! – деб ҳурмат билан малака ошириш тингловчиси Ноила Саидова Каримовна. 2014 йил июнь.

Жиззах педагогика институти доценти Боходир Файзуллаев шундай деб айтиб бердилар: - Мен Бозорбой Ўринбоевни 1975 йилдан буён биламан. Ўшанда Ўринбоев докторлик диссертациясини ёқлаш билан банд эди. Жиззах педагогика институти энди ташкил этилган эди. Уларга кадр керак бўлганлиги учун Тошкент педагогика институти ректори академик Р.Шоабдурахмоновга мурожаат қилиб: “Бизга кадрлардан ёрдам беринг”, - деганди. Мен ўшанда аспирантурани битирган эдим. Ш.Шоабдурахмонов: “Мана кадр!”, - деди. Шундан кейин Б.Ўринбоев қаттиқ туриб олди. Мен: “Устоз, мен Тошкентда ишлайман” - десам, у киши “Жиззах бундан ҳам зўр бўлади. Унинг келажаги бор”, деди. У киши нотик инсон эди. Кишини кўнгилини топа оладиган инсон эди. Шунинг учун 1976 йил Жиззахга келдим ва у кишининг ҳар томонлама раҳнамолиги

остида шу даражага етдим. Ўринбоев нафақат раҳбар, ҳақиқий инсон эди. Шу билан биргаликда ўта талабчан эди. Ўша пайтлар институт энди ташкил қилинганди. Ҳаттоки эрталаб саккиздан кеч соат 10 гача ишларди. Ишни тўғри ташкил қиларди ва ўқитувчиларни рағбатлантиришни эсдан чиқармасди. Рухини кўтарарди: “Биз янги вилоятда янги институтни қураяпмиз. Бу сиз билан бизни номимиз билан боғлиқ бўлади ва уни ташкилотчилари деган номингиз қолади”, - дерди. Дарҳақиқат, йўқ жойдан барпо қилиш машаққатни ташкил этади. Мана шу мухташам бинони барпо этилишини эсга олганда, биринчи ўринда Б.Ўринбоевнинг номи тилга олинади. У киши фақат раҳбар эмас, кучли тилшунос олим ҳамдир. Ҳам раҳбарликни, ҳам илмий ишни олиб бориш машаққат. Аммо у киши бунини уддасидан чиқди. То умрини охиригача ижодини тўхтатгани йўқ.

Ғаллаороллик Олтиной она билан суҳбатда у киши тўлқинланиб сўз бошлади: “Менинг 14 фарзандим бор, 7 ўғил, 7 қиз. Хўжайиним оддий ишчи.

Ўтмиш мутафаккирларидан бири – Суқротнинг фикрича, “Дунёдаги барча адашишларнинг асосий сабаби илмсизликдир”. Ўз фарзандингизга берган тарбия келгуси авлодларингиз – набира, эвараларингизга ҳам нечоғлиқ таъсир қилиши сизнинг тарбия соҳасидаги билимларингизга боғлиқ. Болаларимни ўқитаман, деб ўйламаган эдим. Биздай оддий, ишчи оиланинг болалари ўқимаса керак, деб ўйлардим. Худога шукурки, фарзандларимнинг ҳаммаси ўқимишли, ҳаммаси жамиятда ўз ўрнини топишди. Бунга сабаб саҳий, бағрикенг, ҳақиқий инсон Бозорбой Ўринбоевдир. Нега дейсизми? Бир фарзандим Давурбаева Бибисора химияни, бири - Жиззах давлат педагогика институти жисмоний тарбия ва спорт кафедрасининг ўқитувчиси, енгил атлетика бўйича спорт устаси Давурбаева Рисолат, бири Давурбаев Эрназар ҳам шу институтни битирган.

Оилада аёл билимли бўлиши шарт, онанинг дунёқараши боланинг дунёқарашидир. Илмнинг катта-кичиги йўқ, катта ўқиш бўлмаса, кичигида ўқисин, -дер эдилар Бозорбой Ўринбаевич. Шунинг учун ҳам қўлидан келганча бизга ёрдам бердилар.

## УСТОЗЛАР САБОҒИ БИСЁР

Мен дадажонимнинг илм дарёларидан сув ичиб, панд-насихатларини эшитиб улғайганимдан фахрланиб юраман. Фан юзасидан, касб юзасидан озми-кўпми мувафакқиятларга эришувимда устознинг кўмаги ва ўғитлари мадад бўлган, деб ўйлайман. Дадажоним кундалик тутишларини билар эдим. Дунёдан кўз юмганларидан сўнг уларни варақлар эканман, менинг фаолиятим учун зарур бўлган жумлаларни ўқидим.

### **Қуйидагиларга диққат қилиш керак!!!**

- ходимларнинг келиш-кетишни назоратини йўлга қўйиш.  
Бунинг учун факультетдан бир киши тайинланиб, доимий равишда назорат қилиш;

- ахборот соатларининг режасини тузиш ва ҳар шанба кунлари ўтказиш;

- кафедрадаги ҳар бир ўқитувчининг йиғма жилдини ташкил қилиш ва ҳар ойлик ҳисоботларини олиш;

- ҳисоботларни А3 форматда чиқариб, тикиш;

- илмий-услубий ва назарий семинарларни ташкил этиш;

- турли таниқли кишилар билан тадбир ва учрашувлар ташкил этиш;

- ўзаро дарсларни кузатишни ташкил этиш;

- гуруҳ талабаларининг яшаш жойи, манзили ва машғулотини ифода этувчи журнал ташкил этиш;

- мустақил ишлашни ва ўз-ўзини малакасини оширишни ташкил этиш;

- ўқув материаллари ва институт фаолиятини акс эттирувчи кинофильмларни тушириш ва дарс жараёнида қўллаш.

### **Ҳужжатлар:**

- қишки сессияда тадбирлар режасини тузиш;

- имтиҳонлар режасини тузиш;

- илмий-услубий анжуманлар режасини тузиш;

- “Байналминал дўстлик” клубининг режасини тузиш;

- “Тилшунос” клубининг режасини тузиш;

- “Атеистлар” клубининг режасини тузиш;

- институтнинг доимий деворий газетасини ташкил этиш ва редколлегияни тайинлаш;

- мактабга кўмак беришни назорат қилиш;

- кейинги фаолиятни ўрганиш;

- олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик;



- ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш;

- педагогик тажрибалар бўйича маърузалар ташкил этиш;

- фанлар йўналишида услубий бирлашмаларнинг иш фаолияти;

- ўқув жараёнини илмий ташкиллаштириш;

- педагогик ўқиш шўъбаларининг иш режаларини ишлаб чиқиш.

#### **Овқатланиш:**

- ошхонанинг тозалигини сақлаш;

- таомномани қайта кўриб чиқиш ва таомларнинг сифатини яхшилаш;

- ошхона идиш-товоқларини яроқли ҳолга келтириш;

- янги буфет ва чойхоналарни ташкил этиш;

- ўқитувчиларга алоҳида хизмат кўрсатиш масаласини ўйлаб кўриш;

- сутли ва колбаса маҳсулотларини ташкил этиш;

- ширинликлар ва сомса цехини йўлга қўйиш;

- идиш-товоқларни ювиш ва канализация масаласини кўриб чиқиш.

#### **Хотин-қизлар масаласи:**

- хотин-қизлар бошланғич ташкилотининг режасини тузиш;

- ўзбек қизлари ўртасида ўқув-тарбиявий ишларни ташкил этиш;

- хотин-қизлар клубини ташкил этиш;

- хотин-қизлар газетасини ташкил этиш;

- оилавий учрашувларни ташкил этиш;

- тикиш ва тўқиш тўғарагини ташкил этиш.

Ушбу фикрлар, унинг катта ҳаёт тажрибаси, қимматли маслаҳатлари, хузурбахш суҳбатлари бизни янги илм зафарига илҳомлантиради. Кўп сонли асарлари жамиятимизнинг интеллектуал мулки бўлиб қолди.

Яқинда китоб дўконига кириб бир қанча китобларни сотиб олдим. Чунки кўпчилик шу китоблар билан қизиқаётганлиги сабабли менга ҳам қизиқ туюлди ва ўқиб чиқдим. Бу китоблар муваффақиятли ҳаёт ҳақида - Р.Шарманинг “Монах, который продал свой Феррари”, Н.Козловнинг “Философия жизни”, А.Свияшнинг “Как быть, когда все не так, как хочется”, Ж.Роннинг “Бахт ва бойликка эришишнинг етти йўли”, “Ақл

витаминологи”. Ҳар бирини ўқиб чиқар эканман, савол туғилди: “Дадажоним шу китобларни ўқиганмикан?”. Чунки шу китобларда ёзилган нарсаларга дадажоним ҳаёти давомида амал қилганлар. Ҳаёти давомида амалга оширган ишларни агар бир ипга чизсак, чексиз ип даркор бўларди. Бу ишларни вақтни тўғри ва аниқ тақсимлашни билган одам бажара олади.

Р.Шарманинг “Монах, которий продал свой Феррари” китобида бир ривоят келтирилган. Унда айтилишича, баҳор нафаси уфуриб турган, турфа гуллар ва анвойи дарахтлар гуллаб ётган, жуда катта, чиройли боғ. Боғ ёввойи гулларнинг хушбуй хидлари билан суғорилган, шунчалар чиройли, шунчалар хузурбахшки, инсоннинг баҳри дили очилади. Боғнинг бир четида катта қизил маёқ. Маёқнинг эскириб кетган эшиги ёғирлаб очилади-да, ундан катта баҳайбат, кўзлари қисик, япон сумо курашчиси чиқиб келади. У боғнинг марказига келиб турганда, унинг фақат белидан пастки қисми пушти ранг белбоғ билан бойланганини кўради. Сумо курашчиси атрофга назар ташлайди ва ўтлар орасида ётган олтиндан ясалган вақт ўлчагични кўлига олади. Аммо уни кўлига олган заҳоти тушириб юборади. Вақт ўлчагич шундай қулоқни қоматга келтирувчи овоз билан ерга тушар экан, сумо курашчиси бундан хушидан кетади ва бир неча пайт қимирламай ётади. Унинг ёнидан сариқ атиргул ўсиб чиқади. Шу пайт сумо курашчиси ўзига келади ва жойидан сакраб туриб, атрофга аланглайди ва олмослар сепилган чиройли ҳаворанг йўлакдан кетади.

Бу ривоятда бир-бирига боғлиқ бўлмаган бир неча образлар келтирилган. Китобни ўқиб чиқар эканман, боғ – тафаккур, маёқ – мақсад, сумо курашчиси – ўз-ўзини ривожлантириш, пушти ранг белбоғ – ўз-ўзини назорат қила олиш, вақт ўлчагич – вақт, сариқ атиргул – тафаккур, олмос ҳаворанг йўлак – ҳаёт йўли эканлигини билдим. Хулоса, шундай бўлдики, инсон ўз онгини доимий равишда тўйинтириб, худди боғни ёввойи ўтлардан тозалагандай тозалаб туриш керак. Бунинг учун интизом, онгни назорат қила олиш лозим. Буларни амалга ошириш учун эса, мақсад керак. Мақсадсиз инсон яшай олмайди. Мақсадга эришиш учун эса, инсон ўз-ўзини доимий равишда ҳам ақлий, ҳам жисмоний томондан ривожлантириб бориши ва ўзини назорат қила олиши керак. Бунда эса, вақт олий ҳакам. Айтилганларни ўз

ўрнида қўлласа, инсон тафаккурини ривожлантириши ва муваффақиятли ҳаёт йўлини тўғри тузади.

### ДУНЁ ЙИҒЛАСИН

Дадажонимнинг вафотидан сўнг аяжоним ўзига кела олмаяптилар. Орадан бир йил ўтди. Шу китобни тугаллай деб, кўп кишилар билан суҳбатлашдим. Ҳар бир суҳбатда дадажонимни кашф қилардим. Бир куни аяжоним – Бодомой опа билан суҳбатлашиб, дадажонимни яна бир бор кашф қилдим.

“Биласанми, айтишларича, чақалоқ дунёга келганда йиғлаб туғиларкан. Дунё эса куларкан. Яна бир инсон дунёга келди, деб хурсанд бўларкан. Инсон шундай яшаши керак эканки, дунёни тарк этаётганда кулишинг керак, дунё эса йиғлаши керак экан. Буни мағзини чақа оласанми?”

2014 йил октябрь-ноябрь ойлари кўп гаплашдик. Нимагадир олдимдан кетма, қўлимни ушлаб ўтир, иш қилма болалар қилсин, аптекага борсам, сен борма болаларга айт, деб олдидан кетишимни истамас эдилар. Мен билмабман, менинг юрагим сиқилганидан қандайдир ишларни топиб қилар, дори бахона аптекага бориб йўлда ул-бул киши билан суҳбатлашар эдим. Хўжайин буни истамас, олдидан кетмаслигимни хоҳларди. Мен билмабманки, умри охирлашиб бораётган менга айтадиган гапи кўп эканлигини сезмабман.

Домла, касал эмас эди, фақат юролмай қолди. Оёғи шишиб кетди. Биласан, 1976 йилда даданг бир ўлимдан қолган.

Ўшанда, яъни 1976 йил 29 август куни эди. Биз даданг билан Сочига дам олишга кетган эдик. Дадангнинг аспиранти Собиров Тўйчи ўйланаётган экан, унинг амакиси Шахобиддиндан телеграмма келди. Биз тўйга таклиф қилингандик. У киши шогирдларининг тўйи борми, маракаси борми қаердан бўлса ҳам етиб келарди. Ўшанда ҳам мен, уканглар Ҳикмат ва Исмат биргаликда Сочидан Фарғонага келдик. У ерда бизни Шахобиддин икки машинада келиб кутиб олди. Тўйчи Ўшдан бўлганлиги сабабли биз у ерга йўл олдик. Бизга йўлда дадангнинг дўсти Наби Ўралов, институт хўжалик ишлар бўйича муовини Раим Шавалиев, унинг ўғли Умар, аканглар Суннат ва Неъмат қўшилишди. Тўй жуда яхши ўтди. Сўнг бир кеча уларникида меҳмон бўлдик. Ўшанда йўлдан чарчаганмиз, “Кетайлик”, десам ҳам улар кеч соат 6 ларгача ўтиришди. Сўнг қайтиш учун йўлга отландик. 3 та машинага бўлиндик. 1 машинада даданг, Наби

Ўралов орқа ўриндикда, олдинда Раим Шавалиев ва шофёр ўтиришди. 2 машинага мен, аканглар Суннат ва Неъмат, уканглар Ҳикмат ва Исмат, Умар Тошболта шофёрлигида ўрнашдик. 3 машина ҳам тўла эди. Биринчи бўлиб улар, сўнг биз машиналарни ҳайдадик. Нимадандир кўнглим ғаш эди. Биз биринчи кетмоқчи бўлганимизда улар “Биздан сўнг ҳайданглар!” деб қўймади. Сўнг улар шунчалар тез кетишдики, Тошболтага “Тезроқ ҳайда, улар кўринмаяпти, етиб ол!” дедим. Кўнглимнинг ғашлиги кўпайди. Кун ботар пайти эди, уфқ ботиш пайтида нимадир ярақлаб кетди. Юрагим тез ура бошлади. “Тошболта тезроқ ҳайда!”. Кўқонга киришда мазор ёнидаги йўл четида турган комбайнга бориб урилган эди. Шунда дунё бошимга ағдарилиб тушгандай бўлди. Машинадан тушиб югуриб борар эканман, кўзим дадангни излади. Қарасам, икки оёғи шофернинг ўриндиғининг тагига кириб қолган эшик очилиб бир ён бўлиб ағанаб ётибди. Ўриндикдан оёқ чиқмай қолгани учун машинадан тушиб қолмаган, аммо оёқлар синган. Бошининг чап томонидан, пешонасидан тирқираб қон оқаяпти. Бутун ҳаммаёқ ботаётган қуёшнинг нуридан чарақлаб кўзни қамаштирарди, чунки машинанинг ойналари миллионлаб майда бўлакчаларга бўлиниб атрофда дур каби сочилиб ётарди.

- Тошболта, машинадан сумкамни олиб кел! Суннатни чақир!

Суннат ва Неъмат ёнгинамда оғзини очганча анграйиб турарди. Тўрт киши бўлиб амаллаб дадангни чиқариб олдик ва йўл четига ётқаздик. Сумкадаги рўмол, сочиқ билан йўл четида ўсиб ётган отқулоқларни олиб келиб қўйиб боғладим. Сўнг Шавалиевни олишга ҳаракат қилдик. У киши олди ўриндикда ўтиргани сабабли олдинги ойнани боши билан синдириб капотга ётиб қолган экан. У кишини ҳам чиқариб ётқиздик ва қон оқаётган жойларини бойладик. Анча ўринишлардан сўнг шофёрни олдик. Машинанинг рули бир метрча юқорига чиқиб кетганда, пастки қисми олдинга силжиб худо раҳматликни сиқиб қолган экан. У ўша заҳотиёқ вафот этган экан. Кейин Наби акани изладик. У киши йўқ. Излаб икки чакрим нарида қўлларини керганича чалқанча ётган ҳолда топдик. Қўлининг билагидан томир узилиб кетиб худди шлангдан сув кетаётгандай қон оқиб ётган эди. Яна отқулоқлардан териб келиб кесилган жойларига қўйиб боғлай бошладим. Суннат ёнимда гоҳ рўмол, гоҳ ўт, гоҳ сочиқ топиб келиб турди. Неъмат болаларга қараяпти, шекилли.

Тошболта машина тўхтатиш билан овора. Ҳаммасини боғлаб йўл четига ётқаздик. Бирорта машина тўхтамаяпти, машина йўлга кўндаланг туриб қолган бўлса-да, ҳаммаси айланиб ўтиб кетаяпти. Тошболтани яқинроқдаги касалхонага жўнатдим. Ўзим кўлимга катта тош олдим-да, йўлнинг ўртасига туриб олдим. Бир машина тўхтади:

- Илтимос, шулардан бирортасини олиб кетинг!

Инсофли одам экан, Наби акани жўнатиб юбордим. Яна йўлга турдим. Бир қора “Волга” русумли машинани тўхтатдим.

- Илтимос, Шулардан бирортасини олиб кетинг!

- Йўк, чехолим расво бўлади, хали янги олган эдим.

- Э, менга қара, агар ана шу одамлар тирик қолса, сенга 10 та энг зўр чехол олиб беради. Ол!

- Йўк, ололмайман.

- Илойим, топганинг ўзингга ярамасин!

Ярим соатча вақт ўтди. Бирорта машина кўринмади. Лекин тез ёрдам машинаси етиб келди ва ҳаммани машинага солиб олиб кетди. Мен болалар билан қолдим. Кейин Умар қаердалигини изладим. У ҳеч нарсани англамай тош қотган эди. Уларни қаерга олиб кетди, ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Тошболтанинг машинасига миниб яқин касалхоналардан бирига бордик. Лекин уларни у ерда олиб қолмаган экан, Қўқон шаҳар касалхонасига олиб кетишибди. Бордик. Эшик олдидаги истарали татар хотин болаларимни ўтқазиб чой берди.

- Киришим керак!

- Нима қиласиз, ўзлари қарашади.

- Йўк, киришим керак. Тошболта болалар билан ўтириб тур!

Ўша хотин менга халат берди. Кийиб ичкарига кирдим. Кирсам, дадангни девор тагига четга ётқизиб қўйишган, Шавалиев бир четда “вой-вой”лаб ётибди, Наби ака ҳам бир томонда хушсиз ётибди. Шофёрда хаёт аломатлари йўқолган. Врачлардан бири костюм чўнтақларидаги пулларни олиб санаётган, бири дадангни ечинтирмоқчи бўлаётган экан.

- Пул санамай, касалларга қаранг!

- Сиз ким? Ким киритди? Протоколь қилишим керак. Чиқинг.

- Йўк. Сиз протоколингизни қилаверинг.....

Шу пайт дадангни ечинтирмоқчи бўлган медсестрани даданг тепиб юборди, шекилли, гурсиллаб йиқилди. Мен бордим-да

кўлидаги кийимларни олиб “ўзим” деб дадангни олдига яқинлашдим:

- Хўжайинжон, бу мен! Келинг, нарсаларингизни алмаштирай.

Мен бойлаган рўмолларни ечиб, яхшилаб малҳам сўртиб қайта боғланган экан. Сочлари, юзлари ойна синиқлари билан тўлиб кетибди. Боя сезмаган эканман. Ўтириб териб олдим, кийимини ечаётганда, спорт кийимининг молниясининг темирчаси кўкрагига қадалиб қолган экан. Тишим билан сўғуриб олдим. Ҳамшира кўриб “Так нельзя! Дай помогу” деди-да, спирт билан артиб боғлаб кўйди. Кийимларини алмаштирдик. Қон бўлган жойларини артдим ва бирин-кетин палаталарга жойлаштиришди. Раим акани ҳам кийимларини алмаштираётганда:

- Келинжон, мен тамом бўлдим, тамом! – деди.

- Йўқ, ундай деманг, хали кўп яшайсиз! Бўксаси синиб катта суяк жигарни иккига бўлиб юборган экан. Оғзидан қон келиб турибди. Врачларга илтимос қилиб, ўғли Умарни ўтказдим: - Ўғлим, қара, дадангга яхшилаб қара!

Пул санаётган врач келди-да: - Опа, энди кетинг! Эртага эрталаб келинг, мен сизга кириб-чиқиш учун прописка ёзиб бераман, - деди.

Чиқсам, болаларим ухлаб қолибди. Бояги татар хотин уларни устини ёпиб қараб ўтирган экан.

- Синглим, устингизни алмаштириб олсангиз бўларди. Шундай тўғри борсангиз, меҳмонхона бор.

Эгнимда чиройли фаранг кўйлагим бор эди. Кўйлакни олд қисми, енгларим худди атайлаб кесилгандай бўлак-бўлак бўлиб кетибди. Кўлларим, юзларим кесилган, ҳаммаёғим қон эди. Меҳмонхонани топиб бордик, унча узоқ эмас экан. Болаларни ётқиздим. Туфлимни ечаётгандим у ҳам кесилиб кетганини сездим. Буни хўжайин ўтган йили туғилган кунимга совға қилган эди. Кўнглим ачиди. “Келган бало шунга урсин!” дедим-да, ҳаммасини халтага солиб ахлат челақка улоқтирдим.

Эрталаб Тошболтага тайинлаб болаларни уйга жўнатдим-да, ўзим пиёда касалхона томон йўл олдим. Йўл четида турли дўконлар, тамаддихоналар кўп экан. Бирига кириб тамадди қилиб олдим. Касалхонага борсам, Жиззахдан анча одам келибди. Шавалиев Раим ака эрталаб вафот этди. Раим аканинг,

шофёрнинг қариндошлари келишибди. Бундан ташқари, милиция босиб кетди. Аввал Қўқон, сўнг Жиззах, сўнг Тошкент ички ишлари ва яна мен билмайдиган алламбало ташкилот одамлари келиб суриштирув ишлари бошланиб кетди. Эрталаб мен, кечкурун Шахобиддин навбат билан бир ой қарадик. Сўнг уларни носилкага солиб поездда Жиззахга жўнатишди. Жиззах СОФПАРКТИВ шифохонасида ётишди. Сўнг Тошкентга.... Тошкентда Юнусобод туманининг касалхонасида ётди. Мен Алишер ака Зариповникида туриб қарадим. Дадангнинг елка, кўкрак қовурғаси, оёғи синган, боши ёрилган экан. Ҳали ҳам, худо деган экан, омон қолди. Наби ака Уралов ҳам ўша ажал домидан тирик қолди. Шунинг учун ҳам мени “синглим” деб чақирарди. Ўшанда жон ҳолатда отқулоқларни териб у кишининг қон оқиб ётган жойларини бойлаб тўхтатганим учун, умри сақланиб қолибди. Врачлар шундай деганига, у киши “Сиз мени халоскорим, мени қондошим, синглим бўласиз” дебди. Бир йил касалхонама-касалхона ётди. Бир йил деганда, ишга чиқди. Ўшанда ғаламис одамлар дадангнинг устидан нималарнидир тўқиб ёзишди. Ишидан бўшатиб юбормоқчи бўлишди. Давлатимизда адолат бор, қизим, қонун бор, касал одамни бўшатмади. Яна ўзининг ишига қайтди. Даданг, бағри кенг одам эди. Одамлар у кишига ёмонлик қилса ҳам, “Кўй, кечирайлик!” деб уларнинг кўнглини оларди.

Мана, чолим 80 дан ошиб оёғининг ўша фожиани эслатувчи чандиқлари яна кўзғағанди. Келиш-кетиш кўплигидан айрим пайтлар чарчаб қоларди.

Бир куни суҳбатлашиб ўтириб ёшлигимизни эслашдик.

Ёшлик субҳидамга ўхшайди. Тонгдек тиниқ, эртақдек гўзал, ҳамма нарса сеҳрли эди. Ёз палласи чўмиладиган турнанинг кўзидек кўллар ҳам... Даштда кўзиқорин териб юришганида тўсатдан гумбурлаб қоладиган момақалдиروқлар-у азамат садалар япроғини шатирлатиб қуйиб берадиган жалалар ҳам... Зомин ва Фориш ўрмонларида маймунжон териб юрган пайтдаги шудринглар ҳам... Ҳаммаси сеҳрли...

Биз хўжайин билан 5 йил ўқидик. 5 йил ўқиш... Одамлар фақат бирор муддат ўқийдилар... Мен бир умр яшаган инсон бир умр ўқиди. Уйдаими, пахтадаими, йўлдаими, дам олишдаими, машинадаими қаерда бўлишидан қатъий назар ё ўқирди, ё ёзарди... Қайси шаҳар, қишлоққа борса, ўша ернинг оби ҳавоси, нима

билан шуғулланиши, жой номларининг тарихи билан қизиқар эди ва ёзиб борарди.

Кейин хотиралари шунчалик кучли эдики, ўша борган жойимизга 10 йилдан кейин қайтиб борса, ўшанда гапирилган гапларгача эсида сақлаб қоларди.

5 йил ўқидик. Ўспиринлик даврини дадангнинг жўраси Абдивой Раҳим “Изтироб” (Тошкент, 2009) китобида айнан тасвирлабди: “Самарқандда қиш. Баъзи йиллари бу ернинг киши анча совуқ келади. Ўралмаган вайиш токлари ҳамда кўмилмаган анжиру анорларни совуқ олиб кетади. Кечаси машинасининг радиаторида сув қолиб кетган шофёрлар ғафлатда қолади.

Февраль ойининг ўрталари эди. Тушдан кейин ёмғир аралаш майда қор ёғди. Кечга бориб, осмонни оқ-қора булут қоплади. Майда қор бир пасда лайлак қорга айланди. Туни билан гупиллаб, парча-парча сувли қор ёғиб чиқди.

Эрталаб катта шаҳар осуда. Дов-дарахтлар ва иморатларни қалин қор босган. Истироҳат боғидаги мажнунтоллар юмшоқ қор курпаси остида ерга бош кўйганича ухлаб ётарди. Хиёбонлардаги арчага ўхшаш дарахтларга худди пахта ёпиб кўйганидек. Электр симлари арғамчидек йўғонлашган. Айниқса, Регистон мажмуи бу кун ажойиб манзара кашф этган. Бу ердаги мадрасаларнинг осмонўпар миноралари баҳайбат оппоқ салла ўрагандек. бибиҳоним мадрасаси гумбазининг устидаги уюм-уюм қор тўдалари гўё оқ булутлар кўниб тургандек кўринишни эслатади.

Талабалар филология факультетида икки пара дарс тинглаб, университет бош биносининг 20-аудиториясида домла Бердиёровнинг тарихий материализмдан навбатдаги лекциясини тинглашга йўлга чиқишди. Икки бино ораси чамаси 500 метр. Кеча ёққан бўлиқ қор дарахтлардан сирғалиб тушиб турибди. Дарахтни бир силкитса борми, шовуллаб қор тўкилади. Қизларга тегажоғлик қилиб юрадиган шўх, новча бўйли Бозорбой чинор баргидан ушлаб, силкитиб юборган эди, хиёбон ичидан келаётган қизларнинг елка-бошига қор тушиб кетди.

-Ҳа, Гулливерга ўхшамай кетгур, - курсдоши Ойзода Валиева Бозорбойни қилмишига яраша бошлади. Бошқа қизлар ҳам Бозорнинг “ҳақини” беришди. Талабалар бора-боргунча бир-бирларига қор отишиб, ҳазиллашиб бордилар.

Ташқарида қор бўлса ҳам ичкари баҳор эди. Аудиториялар иссиқ, мўътадил. Ҳамма хоналарда машғулотлар бир меъёрда



давом этмоқда. Семинар ва баҳслар олиб борилмоқда, техника воситалари ишлаб турибди.

Мавсум айланиб келаверади. Қиш кетидан яна кўклам бошланди. Баҳорда Самарқанд осмони биллурдек мусаффо, ҳавоси ўзгача тоза, дардларга даво бўлади” (16-17 бетлар).

“Ўзги имтиҳонлар бошланди. Соя-салқин жойлар, “Қора парк” деб аталувчи дов-дарахтлар ораси китоб-дафтар ва одеял кўтарган талабалар билан яна тўлиб кетди. Ўқув залларида бўш ўрин топилмайди. Талабалар тўда-тўда бўлишиб, синов ва имтоҳонларга тайёрланишни одат қилиб олишди. Бозорбой, Эрнест, Бобожон, Обиджон, Раъно ва Ойзода сингари аълочи талабалар ўз курсдошларига сўзлаб беришар эди. Пухта тайёргарлик кўрганликлари туфайли гуруҳ талабалари энг янги тарих, қардош халқлар адабиёти, психология ҳамда дефектология фанлари бўйича бўлган имтиҳонларни муваффақиятли топширдилар” (109-бет).

Беш йил давомида пахтада бўладими, дарсдан кейин бульвардами, қачон қарасанг бир китобни кўлтиқлаб юрарди. Пахтада йўқотиб қўйсак, бирор дарахтни тагида китоб ўқиб ўтирганини топардик.

1965 йилда даданг СамДУда лаборант бўлиб ишларди. Шижоатли, ғайратли бўлганлиги учундир университет ректори Ориф Икромов доим иш буюриб турарди. У киши Қаршига кетгандан сўнг дадангни ҳам Ҳамид Олимжон номли Қарши Давлат педагогика институтига олиб кетди. Олдин ўқитувчи, кейин партком бўлди. Қаршида аввал Кенжа Усмон деган ўқитувчининг эски ҳовлисида яшадик. Сўнг эски шаҳардаги Обод кўчасида, ҳарбий шаҳарчада 2 қаватда 3 хонали уйга кўчдик. Мен “Дом пионеро”да рубобдан ва 5-мактабда она тилидан дарс берардим.

Дадангни Москвага ўқишга жўнатишди. Жомбойнинг Қўлбости деган жойидан Қамариддин, Шамсиддин деган йигитлар ўқирди. Улар даданг хизматга кетган пайтида менга ёрдам бериб туришди. Бир куни эрталаб соат 9 ларда институт ректори Ориф Икромов кўнғироқ қилиб қолди:

-Келин, Бозорбойга телефон қилинг. Немедленно, Самарқандга қайтсин. Мени Самарқандга ректор қилиб тайинлашди. Бозорбой менга керак, ташкилий ишларга бош-қош бўлади. Сен то отпуссага чиққунча шу ерда яшаб тур. Ишни

бироз юритиб олганимиздан кейин Бозорбой сени келиб олиб кетади. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтма.

Мен августгача ишларимни битириб, нарсаларимни кўчишга тайёрлаб қўйдим. Бир кун катта машина билан келди-да, ҳамма нарсани ортиб Самарқандга кўчиб келдик. Эрта-ю кеч тиним билмай ишлади. Ёзда имтиҳон комиссиясига раис, факультет фирқа кўмитаси котиби, институт касаба уюшмаси раиси муовини бўлиб ишлади. Устига устак резерв курслар бўларди. Унда кечки пайт талабаларни ўқитарди. Бир куни кечки пайт ишдан қайтаётганда, бир йигит тўхтатибди:

- Мени отим Сайфулло, бухороданман. Уйланганман, 2 қизим бор. Ахмоқлик қилиб бир ёш қиз билан ўралашиб қолганим учун хотиним ҳайдаб юборди. Менга ёрдам беринг. Мен ҳамма ишни қиламан, усталик дейсизми, ошпазлик дейсизми.... Ўқишим керак.

Шундай қилиб, Сайфуллони эргаштириб келиб қолди. Самарқандга кўчиб келиб, домло Нуриддин Шукуровнинг уйини сотиб олган эканлар. Шу ҳовлининг ремонтини Сайфулло қилди. Бизникида яшади, ўқиди, ремонтини қилди.

Даданг ректор ёрдамчиси бўлиб ишларди, ёзги имтиҳонларни тугатгандан сўнг Волга бўйлаб сайёҳатга дам олишга кетди. Уй юмушлари билан юргандим. Обрўй Эшмуродов телефон қилиб қолди:

- Бозорбойга айтинг тез етиб келсин. Ориф Икромов вафот этди.

Ўша куни кечгача етиб келдилар ва институтга янги ректор сайлангунча ишни юритиб турдилар. Номзодини ректорликка тавсия этишди. Самарқандга Ғани Икромов, Жиззахга дадангни тайинлашди.

Шундай қилиб, даданг Жиззахга кетдилар. Бир йил институт ётоғида туриб институтни барпо қилди. Атрофига дўстлари - Мухтор Тўйчиев, Худойберди Қарабоев, Тангиберди Қурбоновни чақирди. Бахмалдан Раим Шавалиевни хўжалик ишлари бўйича муовин, жаззахдан Файзулло ака Неъматиллаев, Мустафакул ака, Мели читтак, Соатов, Наби ака Уралов, Суннат ака Имомов, Абай ака ва бошқа кўпгина кишилар ёрдам беришди. 1974 йилда мен ҳам бордим. Ётоқхонанинг 2 қаватида икки хонали уйда яшардик. У ерда ҳам ҳамма ерни обод қилдилар. Ишни кўзини

биларди. Қаердан кимни топиб ишлатишни, қаердан нимани олиб келишни, жой-жойига қўйишни биларди.

Жиззахликлардан миннатдорман. Ҳаммаси бизни қўллаб-қувватлади.

Даданг ана шундай олийжаноб, фидойи, дўстларига кўмакдош, шогирдларига маслакдош, фарзандларига меҳрибон, оилапарвар инсон эди. Ҳаётдан кетаётганда кулиб хотиржам кетди. Аммо яқинларини, у киши кўнглидан шундай жой олган инсонларни, дунёни йиғлатиб кетди.

## ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА

---

---

*Н.А.Баскаков – профессор, Россия АФ Тилшунослик  
институтини Туркология бўлимининг  
етакчи илмий ходими*

Ҳар бир тилнинг стилистик, структурал ва функционал таракқиётини ўрганиш муаммоси сўзлашув нутқи масаласини ўрганиш билан алоқадор.

Сўзлашув нутқи масаласини ўрганиш фақат ўзбек тилидагина эмас, балки туркологияда ҳам махсус ўрганилмаган. Ушбу муаммони туркологияда биринчилар қатори ўрганишга киришган киши Б.Ўринбоев деб биламан. У сўзлашув нутқи муаммосини ўзига хос усулда ёритиб беришга қўл урган ҳамда бунинг уддасидан чиққан.

*В.А.Абдуллаев – профессор,  
Ўзбекистон ФА академиги*

Ўзбек сўзлашув нутқига хос вокатив шаклдаги сўзлардан кундалик турмушимизда кўп фойдаланамиз, лекин уларнинг ўзига хос хусусиятлари хануз ўрганилмаган эди. Ушбу муаммони ўрганиб Бозорбой Ўринбоев савоб иш қилган.

*Ш.Шоабдурахмонов – профессор,  
Ўзбекистон ФА академиги*

Сўзлашув нутқи муаммоларини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Чунки сўзлашув муаммоси адабий тил ва нутқ маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Адабий тил ва нутқ маданиятининг ривожини тилнинг функционал ва структурал жиҳатдан ривожланишига боғлиқ. Шу сабабли сўзлашув нутқини ўрганиш билан алоқадор бўлган долзарб муаммолар анчадан бери тилшунослар диққатини ўзига тортиб келади.

Сўзлашув нутқининг диалогик, эмоционаллик, ситуативлик билан алоқадор ўзига хос синтактик хусусиятлари бўлиб, бу хусусиятлар ёзма нутқ хусусиятларига мос келмайди. Ана шу

ўзига хослик ва фарқли томонлар Б.Ўринбоев ишларида ишонарли баён этилган.

***Д.М.Насилов – профессор, Россия ФА  
Москва бўлими илмий ходими***

Сўзлашув нутқида тилнинг алоқа воситаси функцияси аниқ ўз ифодасини топади. Сўзлашув нутқида хос қонуниятларни ёритишга бағишланган Б.Ўринбоевнинг ишлари ўзбек тилшунослигида новаторликдир.

***И.А.Андреев – профессор,  
Чебоксари давлат униветситети***

Сўзлашув нутқи хусусиятларини ўрганиш 50-йиллардан сўнг бошланди. Уни туркий тиллар материаллари асосида тадқиқ қилиш эндигина бошланди. Бу соҳада биринчилардан бўлиб Б.Ўринбоев ҳам қўл урди ва ушбу муаммони ўрганишда катта ютуқларни қўлга киритди.

***С.Н.Иванов – профессор,  
Санкт-Петербург университети***

Тилшунослар жонли тилга, сўзлашув нутқида эътиборсизликда айблаб келадилар. Ушбу мавзуда бажарилган ҳар қандай иш жуда катта илмий қийматга эга.

Туркологияда сўзлашув нутқи муаммолари ҳозиргача амалий жиҳатдангина ўрганилиб келинмоқда эди. Б.Ўринбоев ишларида ушбу муаммо ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўрганилганлиги билан ажралиб туради.

***З.Н.Вердиева – профессор,  
Озарбайжон давлат чет тиллари  
институтини ректори***

Сўзлашув нутқининг моҳиятини очиш, унинг тил ва нутқ ходисаларига муносабатини белгилаш кўп ҳолда ушбу нутқий тизимнинг, нутқнинг функционал усуллари билан, адабий тил билан, адабий тилнинг меъёрлашган оғзаки шакли билан, нутқ типлари алоқаси ва фарқларини ўрганишга боғлиқ. Бу муаммоларни ўрганишда Б.Ўринбоевнинг салмоқли улуши бор.

***М.Н.Хидиров – профессор,  
Туркменистон ФА мухбир аъзоси***

Сўзлашув нутқи бевосита, тўғридан тўғри, махсус тайёргарлик кўрилмай сўзланган нутқдир. Унга хос бундай ўзига хос томонлари ўзбек тили материали асосида Б.Ўринбоев ишларида пухта ўрганилган. У тавсия этган усулни туркман тилига ҳам тадбиқ этиб ўрганилса, бундан фақат ютамыз.

***Ф.С.Сафиуллина – доцент,  
Қозон давлат университети***

Мен сизнинг “Сўзлашув нутқи синтаксиси қурилиши” номли китобингизни олган эдим. Шу асарни асос қилиб олиб татар тили сўзлашув нутқи хусусиятларини ўргандим, илмий ишимни яқунладим ва докторлик диссертациямни ёқладим. Сизнинг ҳам ҳиссангиз бор, деб ҳисоблайман.

***Сам Шулуу Чиргалолович – профессор,  
Тувин давлат педагогика институти***

Сўзлашув нутқининг ҳақиқий ва тўлақонли моҳиятини чуқур илмий асосларда белгилаш ушбу тизимнинг барча яруслар бўйича хусусиятларини атрофлича ўрганиб чиқишга боғлиқ. Чунки сўзлашув нутқи ҳам ўз лингвистик нормасига эга. Б.Ўринбоев ўз ишларида турколог ва рус тилшуносларининг ишларини методологик асос қилиб олиб, сўзлашув нутқи хусусиятлари ҳақида фикр юритган.

***М.Асқарова – профессор,  
Тошкент ДПУ***

Сўзлашув нутқи ёзма нутқдан фарқлангани каби, диалектдан ҳам фарқ қилади. Сўзлашув нутқи ўз характери, стилистик меъёрлари билан диалектга нисбатан каттароқ ҳудудни қамраб олганлиги билан фарқланади.

Сўзлашув нутқи ёзма нутқ билан диалект ўртасидаги оралик шаклдир. Чунки сўзлашув нутқида ёзма нутққа ва диалектга хос ҳодисаларни учратамыз. Шу хусусиятлар ҳақида Б.Ўринбоев қизиқарли баён этишга ҳаракат қилади.

**Ж.Шарипов – профессор,  
таржимашунос олим,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

Сиздай олийжаноб инсон билан, мушоҳидаси фавқуллода зўр олим билан, ниҳоятда меҳрибон инсон билан яқиндан танишганим учун ўзимни бир умр бахтиёр деб сезаман.

## **СЎЗЛАШУВ НУТҚИ СИНТАКСИСИ СИРЛАРИНИ СЕЗА ОЛГАН АЛЛОМА**

**Э.Бегматов  
ЎзФА ТАИ**

1954 йилнинг ёз фаслида Туркистон туманининг Қарноқ қишлоғидан ўқишни давом эттириш мақсадида Самарқанд сари йўл олдим ва Ўзбек Давлат университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетига хужжат топширдим. Имтиҳонларни аъло ва яхши баҳоларга топширган бўлсам-да, мени ўқишга қабул қилишмади. Адолат ахтариб қилган ҳаракатларимдан натижа чиқмади. Қариндошларимдан бири кўмагида ўша баҳолар билан мени педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетига эркин тингловчи қилиб қабул қилишди. Қишки сессия имтиҳонларининг ҳаммасини аъло баҳога топширганим туфайли мени ҳақиқий талабалikka ўтказишди. Баъзан ўйлаб қоламан, юқоридаги кўнгилсизликлар бўлмаганида мен Бозорбой Ўринбоев, кейинчалик унинг умр йўлдоши бўлган Бодомхон Эшмуродова билан бир гуруҳда ўқмасмидим, Бозоржондек ажойиб, фахрланиб юришга арзийдиган дўстни орттирмасмидим, илмнинг улуғ кошонасида бир умр бирга маслакдош бўлиб меҳнат қилмасмидим.

Бозоржон ҳам, мен ҳам беш йил давомида бирор марта “4” баҳо олмаганмиз, фақат “аъло” баҳо учун интилардик, расмимиз аълочилар доскасида мустаҳкам жой олган эди. Бозоржон ёшлигидан узун бўйли, қотмадан келган, босиқ, шошмасдан сўзловчи ва қадам ташловчи йигит эди. У ўзича алоҳида хаёл суриб юришни, дарс тайёрлашни яхши кўрарди. У вақтлар ким ўйлабди дейсиз, мана шу йигит келгусида машҳур тилшунос, билимдон педагог, моҳир ташкилотчи, кўпларнинг ғамхўр устози, раҳнамози, саҳоватли ва содиқ дўсти бўлади деб! Аммо шундай бўлиб чиқди.

Такдир уни она тилини улуғлашдек муқаддас касбга ундади, бутун умрини мана шу тилни тадқиқ қилишга бағишлади. Маълумки, тил табиий равишда ривож топган ва инсоннинг онгли аралашуви туфайли юзага келган шаклларга эга. Тилнинг энг қадимий, табиий ва энг оммавий шакли халқ оғзаки нутқидир. Одатда, ҳеч ким ўзича гапириб юрмайди, балки ким биландир мулоқотда бўлади ва ушбу жараёнда тилдан фойдаланади. Икки шахс мулоқотда бўлар экан, сўзловчи шахс тингловчининг диққатини бир ушлаб туриш, уни нимагадир ундаш, рағбатлантириш учун маълум лисоний тизим, сўзлар, сўз бирикмалари ёки иборалар, махсус гап шаклларидан фойдаланади. Нутқ жараёнида бу ҳол жуда кўп учрайдиган ва таъкидланадиган ҳодисадир. Б.Ўринбоев ўзининг илк изланишларини мана шу лисоний-нутқий ҳодисанинг ўзига хос қонуниятларини ўрганишдан бошлади. 1963 йилда унинг ушбу муаммога оид илк мақоласи эълон қилинди (Ҳозирги замон ўзбек тилидаги вокатив сўзларнинг баъзи бир хусусиятлари // СамДУ асарлари. Янги серия, 129-нашр. 192-195-бетлар).

Тилшуносликда ундаш категорияси, яъни вокатив категория деб юритилувчи ҳодисанинг табиатини, бу категориянинг ифодаланиш усулларини, ушбу ҳодиса нутқий коммуникацияда бажарадиган семантик, услубий вазифаларни Б.Ўринбоев чуқур таҳлил қилди ва ўша асосда бир қатор мақолалар эълон қилди. Ушбу изланишлар 1964 йилда “Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория” мавзуида ёзилган номзодлик диссертацияси учун асос бўлди. Ушбу қизиқарли ва мураккаб мавзу билан кейинчалик ҳам шуғулланди ва ўзининг кўп йиллик таҳлилларини монографик тарзда умумлаштиради. Б.Ўринбоев ниҳоятда меҳнаткаш ва қирра тадқиқотчидир. Тилшуносликнинг у шуғулланмаган соҳаларини санаб кўрсатишдан, унинг қалам тебратмаган соҳаларини санаб кўрсатиш осонроқдир. Мана унинг илмий қизиқиши доираси кенглигидан дарак берувчи муаммолар, мавзулар ҳамда соҳалар: ўзбек тили тарихи, Алишер Навоий ва Бобур асарлари тили, уларнинг лингвистик мероси, умумий тилшунослик ва тилларнинг қиёсий ўрганиш масалалари, тилларнинг ўзаро алоқаси ва таъсири, туркий тиллар филологиясига кириш, ўзбек адабий тили ва унинг тараққиёти тарихи, ўзбек фольклори асарлари тилининг лисоний таҳлили ва ўзбек шева ва диалектларига оид кузатишлар, матнларнинг



лингвистик таҳлили, нутқ маданияти ва нотиқликка оид тадқиқотлар, ўзбек тили услубияти ва ўзбек тили таълим методикаси ҳамда методик тавсиялар, дастурлар, ўзбек тили лексикаси ривожининг баъзи хусусиятлари, ўзбек алифбоси ва имлоси масалалари, ўзбек топонимияси, баъзи топонимларнинг этимологияси, топонимларнинг изоҳли луғатлари, яна тилни тарғиб қилиш ва улуғлашга оид мақолалар, ўзбек тилшунослигида яратилган тадқиқотларга муносабат билдириб ёзилган кўп сонли танқидий-таҳлилий тақризлар ва бошқалар.

Ҳар қандай олимнинг уни маълум ва машҳур қилган марказий мавзуи, етакчи соҳаси ва тадқиқоти бўлади. Проф.Б.Ўринбоев илмий салоҳиятини, истеъдодини белгилловчи, уни маълум ва машҳур қилган мавзу - бу ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси мавзудир. Б. Ўринбоев ўзининг асосий кучи ва ғайратини мана шу мавзунини тадқиқ қилишга, яъни сўзлашув нутқи синтаксиси қонуниятларини очишга бағишлади.

Вокатив категорияни тадқиқ қилиш Б.Ўринбоевни сўзлашув нутқи мавзуида иш олиб боришга ундаши қонуний ҳол эди. Чунки вокативлик ва вокатив лисоний воситалар сўзлашув нутқи услубининг таркибий қисми, компонентларидан бирини диалогик нутқ шаклининг амалга ошиши кўринишларини ўзида мужассам қилган услубга мансуб ҳодисалардир. Унинг сўзлашув нутқ муаммосига бағишланган дастлабки мақоласи “Ўзбек тили сўзлашув нутқида умумий характеристика” деб номланди (Ўзбек тили сўзлашув нутқида умумий характеристика // СамДПИ профессор-ўқитувчиларининг биринчи илмий-назарий конференцияси материаллари. 1968). Шу пайтдан бошлаб унинг сўзлашув синтаксиси муаммоларига алоқадор илмий изланишлари бирин-кетин эълон қилина бошлади. “Содда гапларда лексик-грамматик паралеллар” (1968), “Ҳозирги ўзбек адабий тилида реплика-такрорлар” (1970), “Сўзлашув нутқи ҳақида” (1971), “Ҳозирги ўзбек тилида диалогик репликанинг типлари” (1971), “Диалогик репликанинг коммуникатив йўналиши” (1971), “Ўзбек нутқнинг баъзи масалалари” (1973), “Диалогик реплика ва унинг хусусиятлари” (1973), “Илова конструкциялари ҳақида” (1973), “Сўзлашув нутқида гап бўлаклари тартиби” (1976), “Репликанинг структурал типлари” (1976) ва бошқалар.

Проф. Б.Ўринбоевнинг сўзлашув нутқи мавзуида ёзган ишларини кўздан кечирар эканмиз, у ушбу мураккаб муаммони комплекс равишда тадқиқ қилганини кўраемиз. Натижада ўзбек сўзлашув нутқи ўзига хос лисоний ҳодиса, коммуникатив тизим, нутқий тил ва услуб сифатида бутун хусусияти билан намоён бўлди.

Б.Ўринбоевнинг сўзлашув нутқи синтаксисига оид тадқиқотларида қуйидаги илмий муаммолар чуқур таҳлил қилинганини таъкидлаш мумкин:

- ўзбек тилидаги нутқ, типлари, улар орасида сўзлашув нутқининг ўрни ва аҳамияти;

- сўзлашув нутқининг лисоний ҳодиса сифатидаги моҳияти ва сўзлашув нутқи тушунчасини таърифлаш масалалари;

- нутқнинг сўзлашув шаклини юзага келтирувчи эҳтиёжи, бунинг ижтимоий, коммуникатив асослари;

- сўзлашув нутқининг вазиятбоп (ситуатив), жадаллашган, тезкор (автоматлашган), махсус тайёргарликсиз (спонтан) юзага чиқадиган нутқ кўриниши эканлиги;

- сўзлашув нутқи содда, халқона, мажбурланмайдиган нутқ эканлиги;

- сўзлашув нуқининг кундалик турмуш нутқи, лаҳжавий, ҳамда адабий сўзлашув кўринишларига эгалиги ва уларнинг ўзаро муносабати ҳамда фарқлари;

- сўзлашув нутқи асосини диалогик нутқ бирдан ортиқ шахснинг ўзаро оғзаки мулоқоти ташкил қилишлиги ва унинг инсонлар нутқий фаолиятида энг оммавий кенг тарқалган, миқдоран чексиз ҳодиса эканлиги;

- диалогнинг функционал моҳияти, тузилиши, унда нутқий репликаларнинг роли ва аҳамияти, репликаларнинг типлари, нутқнинг давомийлиги ва ранг-баранглигини таъминлашдаги аҳамияти;

- сўзлашув нутқининг нутқ типи, нутқ шаклларида бири, нутқий услуб сифатидаги хусусиятлари ва уни нутқнинг бошқа кўринишларидан фарқлаб турувчи асосий лисоний ва нолисоний белгилари, меъёрлар;

- сўзлашув нуқининг синтактик тузилиши, унинг таркибидаги тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар, шаклан тўлиқ ёки қисқарган лексемалар, сўз бирикмалари, бўғинлар, турғун ва

ўзгарувчан фонемалар, уларнинг тилнинг нутқий иқдисод қонунига муносабати;

- сўзлашув нутқи тизимида қўлланадиган лаҳжавий ва содда тил лексемалари, эвфемизм ва фразеологизмлар, эмоционал-экспрессив лексема, улар ушбу нутқ типиди ўзига хос тарзда қўлланиши ва улар адо қилувчи услубий вазифалар;

- сўзлашув нутқи синтактик структурасида сўзлар, сўз бирикмалари, илова конструкцияларининг ўзига хос тарзда тартибланиши, инверсия, парцелляция ходисалари, уларни юзага келтирувчи сабаблар;

- сўзлашув нутқи ва услубининг бадиий адабиёт тилидаги ўрни ва роли, образлар тилини индивидуаллаштиришдаги, ёзувчининг бадиий маҳоратини қилишдаги аҳамияти ва бошқалар.

Проф.Б.Ўринбоевнинг тадқиқотларида юқорида тилга олинган мураккаб, серкиррали, ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга молик муаммолар ўзбек бадиий адабиёти, кишиларининг оғзаки суҳбатлари ҳамда нутқнинг лаҳжавий кўринишларидан олинган бой материалларга таянгани ҳолда чуқур таҳлил қилинган. Ушбу таҳлиллар натижасида у ўзбек сўзлашув нуқи ўзига хос нутқий система, нутқий услуб типидеган хулосага келган.

Проф. Б.Ўринбоевнинг сўзлашув нутқи услубининг лисоний хусусиятларига оид кенг кўламда, чуқур ва зукколик билан амалга оширган илмий таҳлилларининг асосий натижалари унинг “Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари” (Тошкент: Фан, 1974), “Синтаксический строй узбекской разговорной речи” (Тошкент: Фан, 1978), “Сўзлашув нутқи” (Тошкент: Фан, 1979), “Ўзбек сўзлашув нутқи” (Тошкент: Фан, 1982), “Ҳозирги тилининг сўзлашув услуби” (Д.Ўринбоева, Тошкент: Фан, 1991) каби фундаментал монографик тадқиқотларида ўз мужассамини топган.

Б.Ўринбоев ўзбек тили функционал услубларидан бири бўлган сўзлашув нутқи, унинг синтактик табиатини тадқиқ қилиш билан ўзбек тилшунослигига, айниқса унинг синтаксиси соҳасига улкан ҳисса қўшди. Ушбу нутқий услубни ўрганиш ўзбек тилининг бошқа услублари учун ҳам хос бўлган хусусиятларни пайқаш имкониятини берди. Чунки сўзлашув нутқида суҳбатдошлар - мулоқот эгалари гап юритаётган мавзунинг талабига кўра бадиий услуб, илмий услуб, расмий

услугларнинг унсурлари иштирок этади. Шунга кўра сўзлашув услубида унинг ўз туғма лисоний табиатидан ташқари бошқа нутқ типлари, услубларининг ҳам баъзи бир томонлари мужассамлашган бўлади. Қайд қилинган хусусиятлар асосан, сўзлашув услубининг синтаксисида ўз ифодасини топади. Синтаксис, энг аввало, унинг асосий нутқий бирлиги бўлган гаплардир. Мана шу гаплар ҳосил бўладиган ҳамда ўз вазифасини ўтайдиган ва яшайдиган “лисоний макон - бу нутқдир, нутқнинг чексиз кўринишларидир”. Мана шу чексизлик, энг аввало, сўзлашув нуқи тизими учун хосдир. Сўзлашув нутқининг энг оммабоп ва ҳаммабоплиги, кундалик турмушда барча учун ҳар он, ҳар дақиқа, зарурий эҳтиёж эканлиги ҳамда у инсонларнинг индивидуал нутқий қобилиятида вақт ва миқдор жиҳатдан чегара билмаслиги сўзлашув нутқини ниҳоятда хилма-хил, бетакрор ҳамда оригинал бўлишига замин ҳозирлайди. Проф.Б.Ўринбоев мана шундай мураккаб мавзунинг иқтидорли тадқиқотчисидир. У сўзлашув нутқи синтаксиси сирларини сеза олган, уларни теран ва моҳирона тадқиқ қилиб тилшунослик фанини илмий меросига айлантирган улкан алломадир.

## **ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ**

***Б.Йўлдошев***  
***СамДУ профессори***

Таниқли ўзбек тилшунос олими, филология фанлари доктори, профессор Бозорбой Ўринбоев бугун ҳаёт бўлганида 80 ёшга қадам қўйган бўларди. У 1936 йил июнь ойида Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги Ғазира қишлоғида туғилган. Тўлиқсиз ўрта маълумотни Ғазира қишлоғидаги Алишер Навоий номи 11-мактабда олди. 1950 йилда Самарқанд шаҳар эрлар педагогика билим юртига, 1954 йилда Алишер Навоий номи Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига имтиҳонсиз қабул қилинди. Университетнинг ўзбек филологияси факультетини 1959 йили тугатиб, Жомбой тумани мактабларида ўқитувчи, илмий бўлим мудирини ва директор (1959-1961), СамДУ аспиранти ва катта лаборанти (1961-1965), Қарши давлат педагогика институти доценти (1965-1967), Самарқанд давлат педагогика институти доценти, кафедра мудирини, декан, проректори ва ректори (1967-1974), Жиззах

давлат педагогика институти ташкилотчиси, ректори (1974-1992), СамДУ профессори (1986-1990), Самарқанд кооператив институти кафедра мудир (1992-1995), Самарқанд чет тиллар институти кафедра мудир (1995-1997), 1997-2000-йилларда Самарқанд давлат университетиде Матншунослик маркази, кейинчалик ахборот-ресурс маркази (илмий кутубхонаси) бош директори, 2000-йилдан умрининг охиригача (2014 йил 25 ноябргача) ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори вазифасида самарали фаолият кўрсатган эди. Эътиборли томони шундаки, илм захматкаши бўлган Б.Ўринбоев 28 ёшида номзодлик, 40 ёшида эса докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилган эди.

Б.Ўринбоев фан ташкилотчиси сифатида СамДПИда, кейинчалик ЖиззахДПИда ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси, умумий тилшунослик, эски ўзбек ёзуви ва Шарқ тиллари каби кафедраларнинг ташкил этилиши ташаббускори бўлди. СамДУда унинг ташаббуси билан матншунослик илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилди, ана шу лаборатория сайъ ҳаракати билан “Суфизм атамалари изоҳли луғати”, “Алпомиш” достонида фразеологизмлар таъбири” каби асарлар нашр этилганди.

“Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория” (1964) мавзусидаги номзодлик иши ҳам, “Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари” (1976) номли докторлик иши ҳам сўзлашув нутқи муаммолари таҳлилига бағишланган эди. Олимнинг назарида, сўзлашув нутқи ҳар бир мукамал тилнинг пойдевори бўлиб, ҳеч бир грамматик қоидаларга сиғмайди. Олим ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб бу муаммоларни тадқиқ этишга қўл урди ҳамда бу соҳада салмоқли натижаларга эришган ва, айтиш мумкинки, мамлакатимизда сўзлашув нутқини тадқиқ этишнинг ўзига хос илмий мактабини асослашга муваффақ бўлган эди.

Б.Ўринбоев сўзлашув нутқи муаммолари билан дастлаб ўзбек тилидаги вокатив формаларни ўрганиш жараёнида дуч келди. Ўз номзодлик иши (1964) ва шу асосда яратилган “Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория” номли монографияси (1972)да олим сўзлашув нутқиға тегишли бўлган вокатив формада келувчи сўзларнинг қисқарган ҳолда, ҳеч қандай қўшимчасиз қўлланиш хусусиятларини, вокатив формаларнинг ҳосил қилинишида

интонациянинг ролини, оила-қариндошлик атамаларининг вокатив асосини, вокатив формаларнинг синтактик функцияларини чуқур тадқиқ этди. Шу ишнинг охириги боби вокатив гаплар таҳлилига бағишланган эди. Бу эса Б.Ўринбоевга сўзлашув нутқи синтаксиси муаммоларини тадқиқ этишга дебоча вазифасини бажарди, чунки вокатив гаплар асосан сўзлашув нутқи ходисаси бўлиб, улар ўзбек тилшунослигида жиддий таҳлил объекти бўлмай келарди. Б.Ўринбоев вокатив гапларнинг таркиби, уларнинг ундалмалардан фарқи, ўзига хос грамматик хусусиятлари ва таснифини ўрганар экан, сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари билан жиддий шуғулланиш лозимлигини чуқур ҳис этди. Шундан кейин олимнинг “Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари” номли монографияси (1974) юзага келди. Бу ишда сўзлашув нутқида фаол қўлланувчи диалогик репликалар, параллелизмлар, иловали қурилмалар ва сўз-гапларнинг характерли функционал-семантик ва структурал-синтактик белгилари халқ оғзаки ижоди ва драматик асарлардан олинган характерли мисоллар асосида ёритиб берилган эди. У 1976 йилда худди шу номдаги докторлик ишини ҳимоя қилди ва шу билан ўзбек тилшунослигида сўзлашув нутқи муаммоларини комплекс тадқиқ этишга кенг йўл очганди. Шундан кейинги қирқ йил давомида проф.Б.Ўринбоевнинг шу муаммога оид қирқдан ортиқ ишлари юзага келди. Бу ишларнинг айримларини келтиришнинг ўзиёқ сўзлашув нутқи тилшунослик илмида нақадар серқирра ва долзарб муаммо эканлигини тўла тасаввур этишга имкон беради: “Сўзлашув нутқида гап бўлаклари тартиби” (1976), “Синтаксический строй узбекский разговорной речи” (1978), “Сўзлашув нутқи” (1979), “Сўзлашув нутқи ва эвфемизм” (1979), “Специфика разговорной речи и территориального диалекта” (1980), “Ўзбек сўзлашув нутқи” (1982), “Ўзбек сўзлашув нутқи фонетикаси” (1984), “Ўзбек сўзлашув нутқи – ўзига хос нутқий система сифатида” (1984), “Ўзбек сўзлашув нутқида эллипсис ходисасининг ўрни” (1988), “Бадиий текстда сўзлашув нутқи лексикасининг қўлланиши” (1989), “Сўзлашув нутқида парцелляция” (1990), “Сўзлашув нутқининг табиати ҳақида” (1991), “Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби” (1991), “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикасида сўзларнинг стилистик бўёғи” (1991), “Бадиий матнда сўзлашув нутқи синтактик бирликларининг қўлланилиши” (1993),

“Сўзлашув нутқида савол-жавоб репликалар” (1993), “Сўзлашув нутқида монолог шакли, унинг кўринишлари” (1994), “Ўзбек сўзлашув нутқида фразеологизмлар” (1995), “Сўзлашув нутқида от шакллари унинг ишлатилиши” (1995), “Ўзбек сўзлашув нутқида сўзлар тартиби” (1996), “Сўзлашув нутқи лексикаси ва унинг қўлланиш даражасига кўра фарқлари” (1996), “Сўзлашув нутқида отларнинг грамматик шакллари” (1997), “Сўзлашув нутқида интонацион конструкциялар” (1999), “Сўзлашув нутқида келишиқ қўшимчаларнинг алмашилиқ қўлланиши” (2002) ва бошқалар.

Шуниси муҳимки, проф.Б.Ўринбоев сўзлашув нутқининг кичик бир муаммосини бирор мақоладаги кўтариқ чиқади-ю, худди шу масалани кенгроқ таҳлил қилишга шогирдларини даъват этади. Масалан, домларнинг бир шогирди ўзбек сўзлашув нутқи лексикасини тадқиқ этган бўлса (М.Турсунпўлатов), яна бир шогирди бадий матннинг сўзлашув нутқи хусусиятларини ўрганди (Х.Усмонов). Б.Ўринбоевнинг бир шогирди сўзлашув нутқи услубидаги гап бўлақлари тартибини тадқиқ этган бўлса (А.Мусаев), яна бир шогирди сўзлашув нутқи фразеологизмларини жиддий ўрганди (К.Бозорбоев).

Профессор Б.Ўринбоевнинг сўзлашув нутқи масалалари билан атрофлича шуғулланиши уни стилистика муаммолари сирлари сари етаклаган эди. Натижада олимнинг “Ўзбек сўзлашув нутқи стилистикаси” (1983), “Навоий асарларида тасвирий воситалар” (1990), “Функционал услубият ва унинг моҳияти” (1992), “Ғафур Ғулом асарларида афоризмлар” (2002), “Ғафур Ғулом асарларининг лингвопоэтикаси” (2003) сингари ўнлаб ишлари эълон қилинди.

Проф.Б.Ўринбоевнинг сўзлашув нутқи ва стилистика муаммолари билан жиддий шуғулланиши уни нутқ маданияти ва нотиклик санъати муаммоларини тадқиқ этишга ундаганди. Олимнинг тасавурида тил маданияти, нотиклик санъати тарихий ҳодиса, ўзини филолог деб ҳисоблаган ҳар бир киши бу билим сирларидан хабардор бўлмоғи лозим. “Нутқ ва нотик” (1973), “Оғзаки сиёсий агитация ва нутқ маданияти” (1977), “Нутқ маданияти ва уни шакллантиришда мактабнинг роли” (1980), “Нотиклик маҳорати” (ўқув қўлланма,1984), “Нутқ маданияти кўникмасини шакллантириш омиллари” (2002), “Ўзбек нутқи маданияти асослари” (2005) каби илмий мақола, монография ва

қўлланмалар Б.Ўринбоевнинг илмий иқтидори нақадар теран бўлганлигидан далолат беради.

Маълумки, ҳар бир тилга хос нутқ маданияти меъёрини белгилашда диалект ва шеваларнинг ўрни борлигини сезмаслик мумкин эмас. Шунга биноан, ҳассос олим Б.Ўринбоевнинг илмий изланишларида шевашунослик масалалари ҳам алоҳида ўрин тутарди. “Ўзбек тили турк-калтатой шевасининг грамматик хусусиятлари” (1985), “Ўзбек сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар ва уларни халқ шевалари билан қиёсий ўрганишдан тажрибалар” (1991), “Ёзувчи Садриддин Айнийнинг диалектизмларга муносабати” (2003) каби бир қатор ишлар шулар жумласидандир.

Проф.Б.Ўринбоев ўзининг қарийб ярим асрлик илмий-педагогик фаолияти давомида тилимиз тарихи билан ҳам жиддий шуғулланиб, устози профессор У.Турсунов билан ҳамкорликда “Ўзбек адабий тили тарихи” дарслиги (1982; 1995) ни яратган эди. Синчков олим кейинчалик бу масаладаги изланишларини янада чуқурлаштириб, такомиллаштириб борди: Натижада “Ўзбек адабий тили тарихи очерклари” (1969), “Навоий ва ўзбек адабий тили (1975), “Тилшунослик тарихи” (1985), “Ўзбек тилшунослиги тарихи” (1999), “Бобур-тилшунос олим” (1993), “Қадимги туркий битиклар” (2001) сингари қатор ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар ўзбек тилшунослиги тарихида алоҳида ўрин тутади.

Проф. Б.Ўринбоевнинг илмий изланишларида ўзбек тили этимологияси ва топонимияси масалаларига ҳам катта эътибор берилганлигини мамнуният билан таъкидламоқчимиз. Домла “*Созарж*”, “*Сурдарё*”, “*Жомбой*”, “*Ғазира*” каби топонимларнинг этимологиясига оид махсус илмий мақолалар яратди, Жиззах, кейинчалик Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳли луғатини нашр эттирди, шогирди О.Ҳолиқов билан ҳамкорликда мамлакатимизда илк бор “Мақтаб топонимик луғати”ни тузиб нашр эттирган новатор лексикограф олим эди (2004).

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик туфайли диний эътиқодга муносабат кескин ўзгарди. Натижада ўзбек адабий тилида исломий лексиканинг қўлланиш доираси кенгайди. Бу эса заҳматқаш тилшунос Б.Ўринбоевга сўфизм атамаларини тўплаб, алоҳида луғат сифатида нашр этиш имконини берганди (1998).



Кейинчалик бу луғат яна тўлдирилиб, “Комиллик истилоҳлари” номи билан қайта нашр этилди (2002). Шунингдек, олим тасаввуф илмининг билимдони Бобо Худододи Вали ҳаёти ва ижодий меросига оид янги маълумотларни тўплаш ҳамда уларни кенг оммалаштиришга муваффақ бўлган эди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси масалалари ҳам проф. Б.Ўринбоев эътиборидан четда қолмади. Бу масалага бағишлаб, бир дарслик ва ўттиздан ортиқ ўқув қўлланмалари, маърузалар матни, илмий мақолалар яратди. Булар қаторига “Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан лекциялар” (сўз бирикмаси ва содда гап, 1990), “Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маърузалар” (қўшма гаплар, 1991), “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (синтаксис, 2001), “Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар” (2003), “Синтактик муносабатлар” (2005) каби салмоқли ишларни киритиш мумкин.

Мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг филологик факультетларида туркий филология муаммолари ўрганилади. Шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб проф.Б.Ўринбоев кўп йиллардан буён “Туркий филологияга кириш”, “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси” сингари ўқув предметларидан ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари яратиш ишига ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Олимнинг “Туркий филологияга кириш” (1989, 2002), “Қадимги туркий битиклар” (2001), “Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси” (2004), “Лингвистик структуралар” (2009), “Тилшунослик назарияси” (2011) каби ишлари ана шундай изланишлар қаторига киради.

Маълумки, ҳозирги пайтда мактаб дарсликлари мустақил республикамизнинг таълим дастури ва стандарти талаблари асосида қайта ишланмоқда. Проф.Б.Ўринбоев ана шу эзгу ишда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Натижада у таълим тожик тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2- ва 3-синфлари учун “Ўзбек тили” дарслигини яратди... Ҳозирги пайтда ана шу дарсликлар мамлакатимиздаги барча тожик мактабларида кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, олим мактабда тил ўқитиш методикаси билан алоқадор қўйидаги ишларни эълон қилди: “Ўзбек тилини ўқитишнинг айрим муаммолари” (1993), “Она тили таълими жараёнида ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш масалалари” (ўқитувчлар учун қўлланма, 2001), “Она тили ва адабиётидан синф ва мактабдан ташқари ишлар

“(2002) кабилар. Проф.Б.Ўринбоев узоқ йиллардан буён Самарқанд вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. У институт тингловчиларига “Она тили ўқитишни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари”, “Она тили ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий этиш”, “Комил инсон тарбиясида она тили предметининг ўрни” каби мавзуларда мароқли маърузалар ўқимокда, айрим институт ходимлари билан ҳамкорликда илмий-услубий ишлар яратмоқда, уларнинг илмий тадқиқотларига раҳбарлик қилмоқда. Жумладан, Б.Ўринбоев 90-йилларда лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини жорий этиш, шу соҳада институт тингловчиларининг саводхонлигини ошириш мақсадида “Алифбе” (1993), “Совға” (1995) сингари ўқув қўлланмаларини нашр эттирди. Институт ходими Р.Жўрақулов билан ҳамкорликда тожик мактабларининг бошланғич синфлари учун “Ўзбек тили” предметидан ўқув қўлланмалари яратди. Домла республикамизда 1991-йилдан буён ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган “Ўзбек тили” доимий анжуманининг ташкилотчиларидан бири ва фаол иштирокчиси саналади. Шу кунгача бу доимий анжуманнинг ўн уч йиғилиши ўтказилган бўлса, домла уларнинг кўпчилигида бевосита иштирок этиб, она тили таълимига оид долзарб мавзудаги илмий-услубий маърузалар қилганди.

Проф.Б.Ўринбоев шахримизнинг энг фаол зиёлиларидан бири эди. У салкам чорак аср давомида Самарқанд шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги топонимик объектларга ном қўйиш комиссиясининг фаол аъзоси сифатида жуда кўплаб кўчаларнинг номларини давр талабларига мос равишда миллийлаштириш ишига катта ҳисса қўшган эди. Шунингдек, домла радио ва телевидение орқали саломлашиш одоби, кийиниш маданияти ва нутқ сўзлаш одоби, устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида мароқли суҳбатлар, мулоқотлар ўтказиб турарди.

Домланинг XXI асрда ўзбек тилшунослиги ривожини билан алоқадор орзу-умидлари кўп эди. Унинг таъкидлашича, шу кунгача сўзлашув нутқи муаммолари, асосан, бадий ва публицистик асарлардан тўпланган фактлар асосида ўрганилган. Эндиликда ўзбек сўзлашув нутқини магнит тасмаларига туширилган ҳолда шаҳар аҳолиси нутқи, қишлоқ аҳолиси нутқи, турли соҳа вакиллари нутқи кўринишлари қиёсий-

социолингвистик йўналишда тадқиқ этилиши лозим. Ана шундай қилинганда ўзбекча сўзлашув шаклини аниқлаш, шу асосда оғзаки сўзлашув нутқида йўл қўйилаётган нуқсонларни бартараф этишга доир зарур тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Домланинг бундай эзгу орзу-ниятлари келгусида кўп сонли шогирдлари томонидан амалга оширилади, деб умид қиламиз.

Замонавий ўзбек тилшунослигининг йирик вакили бўлган, мохир мураббий, талабчан устоз, проф. Бозорбой Ўринбоевнинг номини бугунги кунда фахр ва ғурур билан тилга оламиз. Домланинг серқирра илмий-педагогик фаолияти, шогирдпарварлиги, камтарин ва камсуқумлиги ёшлар учун доимо ибрат намунаси бўлиб хизмат қилаверади.

## **ПРОФЕССОР БОЗОР ЎРИНБОЕВ ИБРАТИ**

*С.А.Каримов*

*СамДУ профессори*

Биз бугун табаррук номларини чуқур хурмат ва эҳтиром билан тилга олаётган филология фанлари доктори, профессор Бозорбой Ўринбоевич Ўринбоев республикамизда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига жуда катта ҳисса қўшган олим ва мураббий, педагог ва маърифатпарвар инсон, олий таълим ташкилотчиси ва жамоат арбоби эдилар.

Устознинг порлоқ хотираси олдида бош эгиб, алломанинг ҳаёти ва фаолиятига оид баъзи бир фикрларни айтмоққа журъат қилдим.

Б.Ўринбоевнинг ҳаётида таълим-тарбияга оид фаолият зарҳал саҳифаларни ташкил этади. Мактабни тугатиш, педагогика билим юртига ўқишга кириш, педагогика йўналишида олий маълумотга эга бўлиш ва бутун тақдирини таълим-тарбия билан боғлаш. Ўрта мактабда ўқитувчи, илмий бўлим мудир, директор. Олий таълим муассасаларида эса лаборант, ўқитувчи, доцент, профессор, 3 марта кафедра мудир, факультет декани, проректор, 2 институтда 3 марта ректор. Унинг бор-йўғи бир неча сатрларга жо бўлган ташкилотчилик ва педагогик фаолияти замирида бир инсоннинг умри, ҳаётининг мазмуни, кадр-қиммати ётибди. 50 йилдан ортиқ умрни бу вазифаларни адо этишга бағишлаш масъулиятининг нақадар оғирлигини таълим-тарбия жараёни билан шуғулланганлар, айниқса, раҳбарлик лавозимида ишлаганлар яхши тушунишади.

Бу вазифаларда ишлаш учун биргина билим ёки фидойиликнинг ўзи етарли эмас. Раҳбардан, айниқса, педагог раҳбардан бағри кенг, кечиримли бўлишликни, ҳаммага баравар муносабатда бўлишликни, жамоанинг салоҳияти ва уқувига таяниб иш кўришликни, талабами ёки ўқитувчими, бундан қатъий назар, уларнинг ҳар бирига эътиборли ва ғамхўр бўлишликни талаб этади. Амалда шундай бўлди. Ана шу хусусиятларнинг барчаси Бозорбой Ўринбоев тимсолида мужассамланди. Бунинг сабаблари нимада? Назаримда, Самарқандда ва СамДУда мавжуд бўлган маънавий-маърифий ва илмий-педагогик муҳит бунинг бош сабаблардан бири деб биламан. 17 йил давомида ректорлик лавозимида ишлаганлигининг ўзиёқ фикримизнинг исботидир.

Б.Ўринбоев раҳбарлик ва педагогик фаолияти билан баб-баравар кенг кўламдаги жамоатчилик ишларини ҳам бажариб борди. Уларни ҳеч бўлмаганда санаб ўтиш жоиздир: факультет партия кўмитаси котиби, институт касаба уюшмаси раиси муовини, институт партия ташкилоти котиби. Самарқанд шаҳри «Билим» жамияти раиси, икки марта халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати, маданият ва халқ таълими доимий комиссияси район, халқ назорати кўмитаси аъзоси, халқ университети ректори, ижроия кўмита аъзоси ва кузатув комиссияси раиси. Самарқанд вилояти партия кўмитаси пленуми аъзоси, педагогика жамияти раиси, болалар жамғармаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, хушёрлик учун кураш кўнгиллилар жамияти раиси. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўқув-методика Кенгаши (УМС) аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ва СамДУ қошидаги докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоясига Ихтисослаштирилган кенгашлар аъзоси. Биргина инсоннинг елкасига тушган бу жамоатчилик ишларининг кўлами унинг қанчалик вақтини олганлигини, чидам ва бардошини синовдан ўтказганлигини тасаввур қилиш қийин.

Б.Ўринбоев педагогик, ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолиятини илмий фаолият билан биргаликда олиб борди. 1964 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Улуғ Турсуновнинг илмий раҳбарлигида «Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория» мавзусида номзодлик, 1976 йилда

«Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаб, ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларини ҳал қилишга ва шу билан она тилимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Б.Ўринбоев 800 га яқин турли характердаги ишлар эълон қилган эди. Адабиётшунослик, тилшунослик, педагогика масалаларини қамраб олган, ўзбек, рус ва тожик тилларида чоп этилган ушбу асарлар орасида алоҳида нашрлар сони 100 га яқин бўлиб, улар 7 та монография, 4 та дарслик, 52 та ўқув ва ўқув-методик қўлланма, 16 та рисола, 4 та луғат, 10 та дастурдан иборат ва 7200 варақни ташкил этади. Бундан ташқари олим 168 та номзодлик ва докторлик диссертациялар ҳамда унинг авторефератларига тақризлар ёзган. Бу тақризларда рус, қирғиз, тожик, озарбайжон, татар ва умуман туркологияга оид тадқиқотларга ўз муносабатини билдирган. 9 та номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик, 10 номзодлик ва 13 докторлик диссертацияларига расмий оппонентлик, 51 та турли характердаги алоҳида нашрларга масъул муҳаррирлик қилган.

Шунинг учун ҳам алоҳида китоблар, мақолалар, тақризлар характеридаги 113 нашрда Б.Ўринбоевнинг илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти ҳақида махсус сўз боради.

Ушбу фактлар ва рақамларни кўз олдидан ўтказган ҳар бир инсон Б.Ўринбоев бундай улкан ҳажмдаги ишларни амалга оширишга куч ва ғайратни, вақт ва кайфиятни қаердан олган экан, деган савол туғилиши табиий. Менинг ожиз фикримча, бу имкониятлар, авваламбор, Оллоҳ берган иқтидору, ота-оналар ва устозларнинг дуолари билан пайдо бўлган. Иккинчидан, оилада ижодий ва самарали меҳрат учун муҳит шаклланган. Учинчидан, устоз ўзларига умрни беҳуда ўтказмасликни шиор қилиб олган. У кишидаги феъли кенглик, хотиржамлик, чуқур мушоҳада юритиш қобилияти бунга кўмаклашган.

Устоз мақомига етмоқ бир азоб бўлса, унга лойиқ бўлмоқ икки азобдир. Шунга чидаган, бағри кенг инсонларнинггина атрофига одамлар бирлашади, улардан маслаҳат олишади. Б.Ўринбоев ана шундай устоз. У зот билан неча йил бирга ишлаган бўлсак, бирорта талабанинг домладан қониқарсиз баҳо олганлигини ёки нолиганини эшитган эмасман. Аксинча, танаффус пайтларида ҳам у кишининг атрофи шогирдлари билан гавжум. Кафедрамизда мўътадилликнинг сақланиб туришида, энг

катта устозимиз Улуғ Турсунов анъаналарининг давом этишида у зотнинг хизматлари беқиёс эди. Кафедра йиғилишларида ҳам, бирор бир жиддий масала пайдо бўлса, уни ҳал қилишда ҳам домланинг фикрларига қараб иш тутиларди. Бир сўз билан айтганда, устоз кафедрамиз кайвониси, бош маслаҳатчиси эдилар.

Ўзининг онгли фаолияти давомида Б.Ўринбоев ҳамиша фидокорлик намунасини кўрсатиб меҳнат қилган бўлса-да, мустақллик йиллари унинг тақдирида алоҳида аҳамият касб этди. Давр билан ҳамнафас олим таълим тизимидаги ислохотларни қувонч билан қарши олди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши мустақил фикрлай оладиган, малакали кадрларни тарбиялаб вояга етказишда деб билди ва бутун куч ва ғайратини ана шу олийжаноб вазифага сафарбар этди. Бунинг натижаси ўлароқ, кейинги йилларда янги Давлат таълим стандартлари асосида мураббий томонидан ёзилган ва чоп этилган кўплаб асарлари орасида мустақиллик ва миллий истиқлол ғояси руҳи билан йўғрилган, республикамиздаги тожик мактабларининг 2-3-синфлари учун «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиққан «Ўзбек тили» дарсликларини, олий филологик таълим тизимида киритилган янги фанлар ўқув режаси асосида ёзилган «Тилшунослик асослари», «Тилшунослик назарияси», «Илмий тадқиқот асослари», «Махсус фанларни ўқитиш методикаси», «Истиқлол ва лотин алифбоси муаммолари», «Ўзбек тилининг структурал грамматикаси», «Синтактик муносабатлар» каби ўқув қўлланмаларини, «Комиллик истилоҳлари», «Асрлардек барҳаёт номлар» каби луғатларни алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Ҳукуматимиз ва университетимиз ҳам, факультетимиз ва кафедрамиз ҳам устознинг ҳурматини жойига қўйди. У сазовор бўлган катор орден ва медаллар, СамДУда хизмат кўрсатган профессор на «Мустақиллик» эсдалик нишонлари бунинг яққол исботидир. Айни пайтда домла Халқаро Antique World илмий академиясининг академиги ҳам бўлган.

Домланинг қилган яхшиликлари олдида таъзим қилишга Оллоҳ берган имкониятга шукур қиламан. Устознинг охиратлари обод бўлсин!

## БОЗОРБОЙ ЎРИНБОЕВ ВА ЖИЗЗАХ ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБИ

*М.Турсунпўлатов*  
*ЖДПИ доценти*

Ўзбек тилшунослигининг ривожига ўзига хос из қолдирган, Жиззах тилшунослик мактаби асосчиси, йирик олим Бозорбой Ўринбоев 1959-1961 йилларда Жомбой туманидаги 28, 2-ўрта мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, илмий бўлим мудири, мактаб директори лавозимларида ишлади. 1961-1964-йилларда СамДУ аспиранти, 1964-1965-йилларда ўзбек тилшунослиги кафедраси лаборант ва ўқитувчи, Қарши давлат педагогика институтида ўқитувчи, доцент сифатида фаолият кўрсатди. 1967-1974-йиллар давомида Самарқанд давлат педагогика институтида кафедра мудири, факультет декани, ўқув ишлари проректори, институт ректори вазифаларида ишлади.

1973 йилда Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати билан 1974 йилда Жиззах давлат педагогика институти ташкил этилди. Шу институтнинг биринчи ректори сифатида 1974 йилдан 1992 йилга қадар фаолият кўрсатди.

Б.Ўринбоев ректорлик фаолияти давомида институтнинг эски биносини қайта қуришди ва айниқса ҳозирда Жиззах шаҳрида узукка кўзқўйгандек ярашиб турган янги биносини қуришда қайта хизмат қилди.

Жиззах вилояти эндигина ташкил топган. Иш шунчалик кўпки, на ўқитувчида, на студентда, на ректорда тиним бор. Ўрда боғида ободонлаштириш ишлари бошланган. Кеча-ю кундуз бир маромда иш. Май ойидан бошлаб пахта чопиғи бошланди. Сентябрдан (эътиброн) декабрга қадар пахта терими, қанчадан қанча бошқа ишлар. Шунини қарамай Б.Ўринбоев Жиззах давлат педагогика институтига ректор бўлиб ишлаб юрган пайтида институтнинг илмий салоҳиятини кўтаришга алоҳида эътибор берди. Ўнлаб тилчи, педагог, филолог, физик ва математиклар Москва, Украина, Ленинград, Баку шаҳарларининг нуфузли институт ва университетларида фанлар академияларида таҳсил олдилар ва номзодлик ишларини ҳимоя қилдилар.

Б.Ўринбоев “Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория” мавзусида проф. У.Турсунов раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1976 йилда проф.Н.А.Басаков илмий маслаҳатчилигида “Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси”

мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу ишлар билан бир қаторда илм билан шуғулланиш учун кишида катта куч катта ирода, сабр матонат бўлиши керак. Б.Ўринбоевда буларнинг барчаси бор эди.

Б.Ўринбоев 1977-1990-йиллар давомида “Ўзбек сўзлашув нутқи муаммолари бўйича ўзига хос илмий мактаб яратди. Домланинг ўзи биринчилардан бўлиб сўзлашув нутқи ўзбек тилшунослигида долзарб масалалардан бири эканлигини дастлабки мақолаларида эълон қилди ва 1976 йилда “Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шундан сўнг олим Жиззах давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетида фаолият юритаётган ёш илмий ходимларга нутқнинг барча соҳаларини ўрганиш бўйича мавзулар берди.

Жиззах тилшунослари XX асрнинг 80 йилларига келиб сўзлашув нутқининг фонетикаси, лексикаси, морфологияси, синтаксиси бўйича ўзига хос йўналишдаги мактаб шаклланди. Жумладан, М.Турсунпўлатов шу мактабнинг дастлабки вакилларидан. Проф Б.Ўринбоев раҳбарлигида “Ўзбек сўзлашув нутқи лексикаси” мавзусида (1982) номзодлик ишини ҳимоя қилди. 1986 йилда “Сўзлашув нутқи лексикаси”, “Ўзбек сўзлашув услуби нима?” услубий қўлланма, “Ўқувчилар нутқидаги хатоларни бартараф этиш йўллари” (услубий қўлланма), “Она тили дарсларининг самарадорлиги учун” (услубий қўлланма), “Ўзбек сўзлашув нутқи маданияти очерки (Э.Бегматов билан ҳамкор Тошкент: Ўқитувчи) (ўқув қўлланма) юқоридагилардан ташқари сўзлашув нутқи масаласига бағишланган эллиқдан ортиқ мақоллар тилшуносликнинг бошқа масалалари бўйича юзга яқин мақолалар эълон қилди. 1993 йилда тилшуносликдаги илмий фаолияти учун унга институт илмий кенгаши профессор унвонини берди.

С.Турсунов 1985-1988-йилларда ЎзФА Тил ва адабиёт институтида стажировка ўтади. 1984-1984-1988-йиллар Тошкент давлат педагогика институтида аспирантурада ўқиди ва 1990 йилда проф.Б.Ўринбоев раҳбарлигида “Алпомиш достонининг лексик хусусиятлари” номли мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

С.Турсунов фаолияти давомида достонларда сўзлашув нутқида хос сўзларнинг қўлланилиши масаласи ва



тилшуносликнинг бошқа масалалари юзасидан 30 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган.

Маматқул Мамаюсупов 1974-1977-йиллар Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти аспирантурасида тахсил олди. 1981 йили проф.Б.Ўринбоев раҳбарлигида “Ўзбек мактабларининг I-III синфларида она тилидаги қийин ўзлаштириладиган фонемалар асосида ўқувчиларнинг имловий кўникмаларини шакиллантириш” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилади. Ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқидаги хатоларни бартараф этиш йўллари ва тилшуносликнинг бошқа муаммолари юзасидан 46 дан зиёроқ мақолалар эълон қилди.

Ҳ.Усмонов 1978-1983 йиллар давомида Жиззах давлат педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1983-1986 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика (ҳозирги педагогика университетида) институтида аспирантурасида ўқиди. 1988 йил проф. Б.Ўринбоев раҳбарлигида “Бадиий матнда сўзлашув хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Марҳум Ҳ.Усмонов ўз фаолияти давомида сўзлашув нутқини турли соҳаларини ўз ичига қамраб олган ўндан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди. Усмонов Собир 1974-1979-йилларда Самарқанд давлат университетида ўқиган. 1979-1983-йилларда Жиззах давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишлаган. 1983-1986-йиллар Низомий номидаги педагогика институтида аспирантурада ўқиган. 1988 йили Б.Ўринбоев раҳбарлигида номзодлик ишини ҳимоя қилган. Шу соҳанинг мутахасиси сифатида 40 ортиқ илмий мақолалар эълон қилган.

З.Узоқова проф.Б.Ўринбоев раҳбарлигида “Сўзлашув нутқи фонетикаси” мавзуси бўйича илмий тадқиқот иши олиб борган ва мавзу юзасидан ўттиздан ортиқ илмий мақолалар эълон қилган.

А.Мусаев проф. Б.Ўринбоев раҳбарлигида “Ўзбек сўзлашув нутқи услубида гап бўлаклари тартиби” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. А.Мусаев ўз фаолияти давомида сўзлашув нутқи муаммолари бўйича ўттиздан ортиқ мақолалар эълон қилди.

Юқорида қайд этилганлардан ташқари Туробов Абдурайим, Бозорбоев Келдибек, Бобоёров Маҳмудлар ҳам Б.Ўринбоев раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганлар.

Ҳозирги кунда Ҳ.Ўроқов Б.Ўринбоевнинг сўнги шогирди сифатида мавзусидаги ишини якунлаш арафасида. Б.Ўринбоев том маънода Жиззах давлат педагогика институтида ишлаб юрган пайтларида том маънода Жиззах тилшуносликнинг сўзлашув нутқи соҳаси бўйича ўзига хос мактаб яратди. Б.Ўринбоев раҳбарлигида камол топганлар Ўринбоев анъанасига биноан шу мактабнинг ишини давом этирмоқдалар. Агар эътибор берадиган бўлсак нафақат филологлар 1990 йилларга қадар Жиззах давлат педагогика институтида ишлаб фан номзоди, фан доктори илмий даражасини олган ҳар бир олимнинг фаолиятида Б.Ўринбоевнинг беминнат хизмати борлигини алоҳида қайд этмасдан иложимиз йўқ.

## **ЎЗБЕК ТИЛИ СИНТАКСИСИ МУАММОЛАРИ ЭЪТИБОРДА**

*Х.Х. Холиёров  
Термиз ДУ*

Олим ва педагог Б.Ўринбоев ўзбек тилшунослигининг мураккаб соҳаларидан бири бўлган синтаксис масалалари билан ҳам шуғулланган ва ҳозирда ҳам шуғулланиб келмоқда.

Олимнинг бу борадаги ишлари илмий мақола, ўқув қўлланма, услубий қўлланма ва дарслик сифатида эълон қилинган.

Б.Ўринбоев XX асрнинг 60-йилларида вокатив гапларининг эволюцияси ҳақида, ундаш гаплар, содда гаплар таркиби, вокатив гапларнинг маънолари тўғрисида илмий мақолаларини чоп этди. Уларда ўзбек тили синтаксисида янги ҳодиса ҳисобланган вокатив, ундаш гаплар, содда гаплардаги лексик-грамматик параллеллар ҳақида фикр юритган.

Б.Ўринбоевнинг 1987 йилда нашр этган "Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан методик тавсиялар" деб номланган ўқув қўлланмаси давр талабларидан келиб чиқиб ёзилган ва унда синтаксиснинг барча бўлимларини ўрганишга кўмаклашувчи таблицалар берилган. Шундан сўнг Б.Ўринбоев синтаксисдан филология факультети талабалари учун маърузалар матни яратиб, нашрдан чиқарди. Ушбу қўлланмалар Ўзбекистан Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган.

Қўлланмаларнинг афзаллиги шундаки, уларда ҳар бир мавзунини мустақил ўрганиш учун қўшимча саволлар ва қўшимча

адабиётлар рўйхати берилган. Бундан ташқари, синтаксисга доир терминларнинг изоҳли луғати келтирилган. Қўлланмада ўқув материали ана шу тартибда берилган. Кейинчалик ушбу қўлланмаларни қайта ишлаб, уни Давлат таълим стандартлари ва дастурига мослаб нашр этди.

Б.Ўринбоевнинг ўзбек тили синтаксисини мукаммал ўрганишга оид фаолиятини кўздан кечирсак, кейинги йилларда, синтактик муносабатлар масаласига алоҳида урғу берган. Натижада олимнинг “Систем ёндашув ва синтаксиснинг баъзи масалалари”, “Ҳозирги ўзбек адабий тилида субъектив муносабат ва унинг хусусиятлари”, “Парадигматик қамровига кўра синтактик муносабатлар”, “Ҳозирги ўзбек тилида синтактик муносабатлар ва уларнинг турлари”, “Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар” каби мақолалари майдонга келди.

Эълон қилинган илмий мақола ва ўқув-услубий қўлланмалар асосида “Синтактик муносабатлар” ўқув қўлланмаси нашр этилди. Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ўқув юртлари илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан нашрга тавсия этилган.

Б.Ўринбоевнинг ўзбек тили синтаксисини такомиллаштиришга оид фаолияти унинг ушбу долзарб масала билан мунтазам ва сидқидилдан шуғулланиб келганлигини кўрсатади. Олим ҳамisha замон билан ҳамнафас бўлиб, у “Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси” дарслигини яратган. Бу дарслик университет, педагогика институтининг ўзбек филологияси факультети талабалари учун мўлжалланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги илмий-услубий кенгашида муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган. Дарсликнинг мақсади ўзбек адабий тили синтактик қурилишининг ҳозирги ҳолатини ва шу ҳодисаларнинг ўзгариш жараёнини кўрсатишдир.

Хуллас, проф. Б.Ўринбоев томонидан ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисига бағишлаб ёзилган ишлари тилшунослигимиздаги маълум бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилди.

## ОЛИМНИ ОЛАМ ТИНГЛАЙДИ

*Э. Шодмонов*

*Қарши,*

*А. Долимов, У. Нурмухаммедов*

*Тошкент*

Бозорбой Ўринбоевич Ўринбоевниг илмий-педагогик фаолиятига қайдларда қуйидагилар акс этган: 18 та илмий ва илмий-методик ишлар, 30 дан ортиқ раҳбарлик ва ҳакамлик қилган кандидатлик ва докторлик диссертациялари.

Олимнинг ҳаёт йўли босқичларини ифодалаган хужжатлардаги қуйидаги сатрлар диққатимизни тортди: 1974 йилда кўриқ Жиззах вилоятининг ташкил топиши муносабати билан Ўзбекистон ССЖ Маориф вазирлигининг фармонига асосан Б.Ўринбоев Жиззах давлат педагогика институти ректори вазифасига тайинланди ва ана шу масъулиятли ишда 1986 йилнинг февраль ойига қадар фаолият кўрсатди. Шундан сўнг ҳам у мазкур институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори бўлиб ҳалол ва сидқидилдан меҳнат қилди".

Ўн икки йил катта бир олий илмгоҳни бошқаришнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига илмий-педагогик фаолият. Устига-устак ректор қаноти остида қанот қоқиб, кечаси қаламини қиличга айлантирмоқчи бўлган бир гуруҳ қора юракларнинг зимдан ўтказган тазйиқларичи! Ҳа, қандай кунлар ўтмади? Не-не уддабурон, ишбилармон, зукко инсонларнинг бошини қотирмади у кунлар.

Яна қоғозларни варақлашни давом эттирамиз: қайта куриш шамоллари Б.Ўринбоевни яна узоқ йиллар меҳнат қилган ижодий педагогик жамоа томон қайтишга ундади. Чунки кадрлар танлаш масаласи, куннинг долзарб мавзуси бўлиб қолганди. Раҳбарсиз қолган Жиззах давлат педагогика институтига халқ таълими вазирлигининг талабига мувофиқ ректорликка танлов эълон қилинди. 1990 йил июнь-июль ойларида, ўтказилган ректор сайлаш танловида етти нафар фан докторлари, профессорлар орасида Б.Ўринбоев кўп овоз олиб, бир овоздан ректор этиб сайланди ва Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 1990 йил 10 август буйруғига мувофиқ институт ректори этиб тайинланди. Ҳа, ҳақиқат қарор топибди. Беғубор қалблар қувончда. Онаизор эгилиб турган ўғлининг кенг, ярақлаган пешонасидан туйиб-туйиб ўпди ва “ҳақиқат бор экан-э!”, деди қувонч ёшларини

артиб. Эҳтимол, онанинг бу беғубор қалб садоси мадад бергандир.

Эҳтимол, А.Қодирий қалами, унинг руҳи ҳам мадад бўлган, қўллаб-қувватлагандир. Биз эса бу зукко, беғараз олим ва раҳбар ҳақида нимадир дейишга ўзимизни бурчдор ҳисобладик.

Б.Ўринбоев 1950 йилда Жомбой туманидаги Алишер Навоий номи мактабни тугатди. Ақлини таний бошлабдики, ўқитувчилик касбига меҳр уни Самарқандга етаклади. У Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртида таҳсил кўрди. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида илм сирларини ўрганди. В.Абдуллаев, У.Турсунов, О.Икромов, Ж.Мухторов каби устозларнинг илми, одоби, юриш-туришлари бўлажак олимни бутунлай сеҳрлаб қўйган эди. Зеро, бўлажак олим ўз келажагини фақат илмдан кўра олган эди. Икки йил Жомбой туманидаги 28 ва 2-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти муаллими, кейин илмий бўлим мудири ва директори вазифаларида фаоллик кўрсатди. Шундан сўнг 1961 йилда сеvimли университетига-аспирантурага ўқишга кирди.

1964 йил Б.Ўринбоев филология илми номзодлиги учун "Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория" мавзуида диссертация ҳимоя қилиш билан аспирантурани якунлади.

Олимнинг вокатив категория-ўзбек нутқига хос бой лисоний қатлам доирасидаги изланишлари уни диплом билан сийлади ва катта илмга кенг йўл очиб берди. Илмнинг кенг йўлидан бориб, ёш олим сўзлашув нутқи сирлари билан сирдош бўла борди.

Б.Ўринбоевнинг назарида, сўзлашув нутқи - ҳар бир мукамал тилнинг пойдевори, у ҳеч бир грамматик қоидаларга сиғмайди, яъни сўзлашув нутқи грамматикани бошқаради, унда тил бутун имкониятларини ишга солади, намойиш этади. Мана шу муаммолар унга ўн йиллар тинчлик бермади ва натижаси 1976 йилда "Ўзбек сўзлашуви нутқи синтаксиси масалалари" мавзуида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилиш билан якунланди. Бу 20 дан ортиқ илмий мақола ва китобларнинг илмий-амалий хулосаси эди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки, Б.Ўринбоев биринчи бўлиб бу муаммога қўл урди, унинг сирли нуқталари ҳақида илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлди, "Синтаксический строй узбекской разговорной речи" китоби билан эса ўз қарашларини Иттифоқ миқёсида ёйди.

Ўзбек сўзлашув нутқи масалалари — катта муаммо, мен ўз изланишларимда унинг айрим қирраларинигина талқин этишга улгурганман. Уни кенг кўламда ўрганиш — келажакнинг иши, — дейди биз билан суҳбатда. Кандидатлик ишингизга сўзлашув нутқи компонентларидан бири бўлган мурожаат сўзларнинг маълум нутқий жараёнида бир составли ундаш гаплар сифати шаклланишини илмий-назарий исботлайсиз, лекин "сўз-гаплар" қаторига киритасиз. "Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория", "Ўзбек тили сўзлашув нуқи синтактик масалалари" китобларингизда эса унинг "сўз гап"лигига бефарқ қарайсиз. Ҳатто "вокатив гаплар", "сўз-гаплар"нинг махсус кўриниши ҳақидаги фикрингизни қувватлаган ҳолда, уни "бир составли гаплар" сифатида баҳолашингизга қўшилмаган айрим тадқиқотчилар билан мунозара қиласиз. Бунинг боиси нимада?

- Мен вокатив категория ҳақида фикр юритган кезларда "сўз-гап"лар ҳақида аниқ хулосалар йўқ эди, мавжудларида ҳам у "бир составли гаплар"нинг бир кўриниши сифатида эътироф этилган. Кейинчалик эса унга бошқача ёндошилди: унинг бўлакларга бўлинмаслиги ёки бошқа сўзлар билан кенгаймаслиги эътироф этила бошланди. Бу синтактик бутунликнинг "сўз-гап"лик ҳолатига бефарқ қарашимга сабаб — шу. Сиз айтган мунозарага келсак, вокатив гапларни "бир составли гаплар" сирасидан чиқариб бўлмайди, чунки унда маълум нутқ оқимида кенгайиш хусусияти бор. "Сўз-гаплар" нинг табиати эса буни кўтармайди.

- Сўзлашув нутқи доирасидаги ишларингизда диалектологик нутққа алоҳида эътибор бериш, яъни ҳар бир диалогик компонентда конкрет шахс, унинг моддий оламга муносабати, қай даражада идрок этиши ўз ифодасини топганлигини исботлашга ҳаракат қилишингизнинг боиси нимада?

- Ҳа, тўғри. Сўзлашув нутқини экстралингвистика, психоллингвистика, паралингвистика тушунчалари талабларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин булар катта илмий тушунчалар. Уларнинг ҳар бири тилшуносликнинг алоҳида бир бўлими. Қолаверса, бу тушунчалар эндигина ўзбек тилшунослигига кириб келаётир. Сўзлашув нутқини бу талаблар доирасида кузатиш мураккаб ва келажакнинг иши.

Профессор Б.Ўринбоевнинг тасаввурида тил маданияти, нотиклик санъати тарихий ходиса, ҳар бир филолог эса бу илм сирларидан хабардор бўлмоғи лозим.

Саводхонлигимиз, нотиклик санъатимиз посбонлари бўлмиш тил ва адабиёт муаллимларининг кўпчилиги намунали иншо ёзолмаслиги, бирон-бир иш қоғозини кўнгилдагидек тўлдиролмаслиги, ўзбек нуқнининг истаган шаклида бир маттни ифодали ўқий олмаслиги ошкор бўлиб қолмоқда.

Бу жумбоқнинг сирини сўраб яна олимга мурожаат қиламиз:

— Сиз шу масаланинг илм сирларини ўрганган, юқорида таъкидланганидек, кўпгина илмий-методик ишларни кенг оммага, қолаверса, мутасадди ўртоқларга тақдим этгансиз. Лекин шу меҳнатларингиз натижасидан кўнглингиз тўладими?

— Йўқ, ҳозирги шароитда она тилига, нотиклик санъати у ёқда турсин, нутқимиз кўркига муносабат қалбимизни тирнайди. Чунки иқтисодий қашшоқликдан маънавий нотавонлик ёмон. Кишиларимизнинг, айниқса, айрим ёшларимизнинг маънавияти ночор, уларнинг кўпчилиги ўзбек нутқий муомала одобидан, шарқона мурожаат одобидан, ўзбекона китобхонлик, шеърхонлик, ғазалхонлик малакасидан махрум бўлиб қолган.

— Бунинг сабаби нимада деб биласиз? Эҳтимол, байт-барак ўйинларимизни мавлоно, тақсир, мулла, отин ойи, уста, устоз, тасаддук, қоқиндиқ каби мурожаат одобимизни, ҳорманг, бор бўлинг, хуш кўрдик, хушвақт бўлинг, тасанно, офарин, баракалло, оғзингга шакар каби нутқий ифодаларни тиклайдиган, эгасига қайтарадиган чора-тадбир зарурдир.

Бу айтишга осон. Сабабини иқтисодга боғлашмоқда-ку. Бу тўғри. Лекин ҳар қандай иқтисодий таназзулнинг моҳияти маънавиятга бориб тақалади. Японлар бир вақтлар иқтисодий таназзулга дучор бўлганларида, барча имкониятларини маънавиятга-ўқитиш ишларига қаратган. Ҳозир иқтисодий жиҳатдан етакчи ўрин японларда эканлигини дунё тан олиб турибди. Шундай экан, иқтисодни рўқач қилиб, қўл қовуштириб ўтирадиган замон эмас. Акс ҳолда қолган маънавий бисотимизни ҳам қўлдан бой беришимиз ҳеч гап эмас. Фикрингизни ойдинлаштиринг, дейсизми? Менимча, таълим-тарбия ишларимизни қайта қуришимиз лозим. Ахир ҳар қандай тарбия ҳам, одоб ҳам тилда зуҳр этади-да!

Қолаверса, мактаб ва олий таълим тил, адабиёт муаллимларида пайдо бўлган лоқайдлик касаллигини, ҳар қандай чоралар билан бўлса ҳам, "даволаш" керак. Агар 50-60-йилларни эсласак, улар иқтисодий жиҳатдан ҳозиргига нисбатан анча ночор

эди, лекин уларда келажакка ишонч туйғуси барқ уриб турарди: қанчадан-қанча бадий матнларни ёд билар, уларни шогирдларига беминнат ўргатардилар. Ана шу эътиқодни тиклашимиз керак. Буни олий ўқув юртларидан - ўзимиздан бошлаш жоиз. Бунинг учун филолог домлаларимиз ўз режаларини қайта кўриб чиқишлари керак. Улар ҳеч бўлмаганда ўқув режасидаги адиблар ижодидан икки-уч бадий матнни ёд билиши, нотиклик санъати сирлари асосида ифодали ўқий олиш ва шогирдларини ҳам шу руҳда тарбиялаши даркор. Ана шунда шогирдлар мактабда нафақат бўлажак филологларни, балки бўлажак муҳандису мусиқачи, доктору агрономни ҳам ўзидаги ана шу жавахирлардан бахраманд эта олади.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, профессор Б.Ўринбоевнинг илмий тақдири адабиёт билан бевосита боғланган. У ҳаётни ҳам, илмни ҳам бадий адабиётсиз тасаввур эта олмайди. Шунинг учун олим бу соҳада қалам тебратиб, ўзбек, рус ва чет эл адабиётини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида ҳам қатор ишлар эълон қилган.

Б.Ўринбоев адабий тил тарихи атрофида чуқур илмий изланишлар олиб бориб, ўзбек тили тарихи тараққиёти, генезиси, унинг ҳозирги ўзбек адабий тилининг асоси эканлигини илмий қатъийлаштиради, "ўзбек" номининг тарихий илдизини белгилаш ва "кўхна тарих шодасида битта маржон..." (Э.Воҳидов) эканлигига шубҳа қолдирмаслик борасида проф. У.Турсунов билан ишлар ёзди. Шу ниятнинг самараси сифатида 1995 йилда "Ўзбек адабий тили тарихи" дарслиги қайта ишланиб, тўлдирилиб чоп этилди.

Профессор Бозорбой Ўринбоевнинг серқирра ҳаёти, устозлари ва сафдошларсиз тасаввур этолмайди киши. Дарвоқе, академик Воҳид Абдулло, профессорлар Улуғ домла, Ориф Икромовлар саховатли кўллари билан унинг бошини силаб, беминнат меҳрлари билан ардоқлаганда, қанчадан-қанча маслакдошлари мурувватидан озиқланмаганда, ким билади, дейсиз, Бозорбой Ўринбоевнинг камолоти қандай кечарди. Ривоят қилишларича, бобокалонимиз Амир Темурдан сўраган эканлар:

- Ғалабаларингизни калити нимада - аскарларингиз кўплигидами, ёки қурол-яроқда?



-Йўқ,— деб жавоб берган Амир, — Ғалабанинг калити аскарларнинг қандай ўргатилганлигида.

Худди шундай, профессор Б.Ўринбоев муваффақиятларининг калити ҳам унинг устозларидан, ҳаётдан қандай таълим олганлигида, нимани қандай ўрганганлиги-ю, қандай тадбиқ этганлигида. Зеро:

*"Кимки ҳаётдан олмас таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим"* деганлар.

Б.Ўринбоев илмий-методик фаолиятида муҳаррирлик катта ўрин тутди. У бу йўналишда 36 тадан ошиқ устозлару тенгдошлари, дўстлару шогирдлари монографияси, илмий тўпламларига муҳаррирлик қилди. Бу холис хизматлари билан улар қалбига йўл топди, иззат-ҳурматиға сазовор бўлди.

Заҳматкаш олим саховатидан қанчадан-қанча илм шайдолари баҳраманд бўлаётганлигини айтиш янада мароқли. Унинг бевосита раҳбарлигида беш нафар шогирди филология фанлари номзоди илмий даражасини олишға муяссар бўлди, яна беш нафари ўзбек тилшунослигининг муҳим муаммолари устида илмий иш қилмоқдалар.

## **СЎЗЛАШУВ НУТҚИ УСЛУБИ МУАММОЛАРИ**

*С.Усмонов  
Самарқанд,  
С.Турсунов  
Жиззах*

Тилшуносликнинг бошқа соҳалари қатори ўзбек тили стилистикасида ҳам кейинги йилларда бир қанча тадқиқотлар, илмий мақолалар яратилди. “Ўзбек тили илмий услуби” (М.Мукаррамов), “Ўзбек тилининг публицистик услуби” (Т.Қурбонов), “Ўзбек тилининг расмий услуби” (Д.Бобохонова), “Ўзбек тилининг бадиий услуби” (С.Каримов), “Ҳозирги ўзбек адабий тилида эпистоляр жанрининг тил ва услубий хусусиятлари” (Т.Жўраев) маълум даражада тадқиқ этилиб, кўплаб диссертациялар, мақола ва монографиялар вужудға келди. Бу билан мазкур мавзу қиёмиға етиб ўрганилди, деб бўлмайди. Ҳали қилинадиган ишлар, баҳсли томонлар бисёр.

Функционал услубият ва унинг моҳиятини тилшунослик ютуқлари асосида очиб бериш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Функционал услубиятнинг анъанавий

услугиятга муносабати, функционал услублар тараққиётининг умумий йўналиши, функционал услубнинг характерли белгилари, уни шакллантирувчи омиллар, услублар таснифини ёритиш ва бунда сўзлашув услубининг ўрнини белгилаш лозим. Сўзлашув нутқининг нутқий тизимлар ўртасидаги, нутқ услубларидаги, адабий тил тизими ва кундалик нутқий жараёндаги ўрни ҳамда ролини кўрсатиш энг муҳим масаладир.

Сўзлашув нутқи услуби тилнинг бошқа функционал кўринишларидан биридир. Сўзлашув нутқи услуби ўзига хос фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва интонацион хусусиятларга эгадир.

Сўзлашув услубида нутқ товушларининг комбинатор ва позицион ўзгаришлари мавжуд. Сўзлашув жараёнида ассимиляция, диссимиляция, спирантизация, диэрез, протеза, эпентеза, синкопа, апокопа, синерезис, элизия каби фонетик ҳодисалар рўй берадики, уларни ўринли мисоллар орқали ёритиб бериш билан сўзлашув услубининг талаффуз нормаларини белгилаш лозим бўлади. Бундан ташқари, интонациянинг сўзлашув услубига оид характерли белгиларини ёрқин фактлар асосида атрофлича таҳлил этиш даркор.

Сўзлашув услубининг лексик хусусиятлари лексик стилистиканинг марказий муаммоларидан биридир, чунки сўзни ўринли қўллаш, сўз маъноси, сўзнинг эмоционал буёғи, сўзнинг стилистик тавсифи, сўзнинг грамматик шаклланиши, антоним, синоним ва омонимлардан стилистик мақсадларда фойдаланиш масалалари лексик стилистикада ўрганилади.

Сўзлашув услуби луғат таркибининг ўзгаришига хизмат қилувчи эскирган сўзлар, неологизмлар, ўзлашган сўзлар, жаргонлар, канцеляризм ва профессионализм, фразеологизмлар роли ҳамда ўрнини ёритиб бериши керак. Сўзлашув услубида троплардан фойдаланишнинг чегарасини белгилаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бундан ташқари, троплар таснифига янгича ёндашиш лозим бўлади.

Сўзлашув услубининг ўзига хос морфологик хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар от, сифат, олмош, феъл, равиш шакллари ва ёрдамчи сўзларни нутқда фойдаланиш жараёнида намоён бўлади. Масалан, сўзлашув жараёнида киши номларини қисқартган ҳолда ишлатиш Хикой, Шохи, Мамад каби. Бу нарса

нутқ эмоционаллигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Сўзлашув жараёнида гап таркибидаги сўзларнинг тушиб холиши, такрор, илова конструкцияларини қўллаш, гапдаги сўзларнинг тўғри тартибни ўзгартириш сўзлашув услубининг ўзига хос синтактик хусусиятлари ҳисобланади.

Санаб ўтилган муаммоларга оидинлик киритишда Б.Ўринбоевнинг "Ўзбек сўзлашув нутқи стилистикаси" (1983), "Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби"(1991), "Функционал услубият ва унинг моҳияти"(1992) каби асарлари диққатга моликдир. Уларда ҳозиргача атрофлича ўрганилмаган сўзлашув услубининг ўзига хос фонетик, интонацион, лексик, фразеологик, морфологик ва синтактик хусусиятлари ўринли мисоллар орқали чуқур таҳлил қилиб берилган.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган ҳозирги кунда ушбу ишларнинг илмий ходимлар, ўқитувчилар, суҳандонларга нафи тегади, деган умиддамиз.

## **БАДИИЙ МАТННИНГ ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ**

*М.Болтаев, М.Тошмаматова*  
*Самарқанд*

Маълумки, олий ўқув юртлари филология факультетлари талабаларининг ўз мутахассисликлари бўйича савия ва малакаларини ошириш ҳамда ихтисос йўналишларига оид билимларини кучайтириш мақсадида "Бадиий матннинг лингвистик таҳлили" махсус курси ўқув дастурига киритилган. Бу махсус курснинг мақсади ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассис бўлиб етишувчи талабаларга бадиий асарнинг лингвистик таҳлили орқали муайян асарнинг ғоявий мағзини, эстетик қийматини, бадиий тасвир воситаларини, жанр хусусиятларини чуқур англаб етишларига яқиндан ёрдам бериш ва уларни илмий таҳлилга ўргатишдан иборатдир. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, текстшунослик (тексто – ведение – матншунослик эмас, буларнинг вазифалари турличадир) умумтилушунослигимизда кенжа соҳалардан бири ҳисобланиб, унга бағишланган ишлар олтмишинчи йиллардан бошлаб юзага кела бошлаган бўлса, ўзбек тилшунослигида эса бу масала лани ўрганиш эндигина бошланиб, ҳали эпизодик характердаги санокли ишларгина яратилгандир. Шунинг ҳисобга олганда,

профессор Б.Ўринбоевнинг матнни шакллантириш омиллари, бадий матннинг лингвистик таҳлилига бағишлаб чиқарган дастур, методик тавсия ва ўқув қўлланмаси катта аҳамият касб этади.

Бадий матннинг лингвистик таҳлилига бағишланган бу ишлар бир неча мустақил мавзулардан иборат бўлиб, унинг дастлабкиси "Матн — лингвистик таҳлил объекти" деб аталади. Унда матннинг нима эканлигини, у ҳақда яратилган илмий тадқиқотлар, матнга берилган илмий таърифлар, матнни ўз ўрганиш объекти сифатида тадқиқ этаётган поэтика, стилистика, матншунослик соҳалари ҳақида маълумот беради. Муаллиф мавзу сўнгида "текстлар ҳақидаги кенг маънодаги фанни текстшунослик (текстоведение) атамаси билан аташ мақсадга мувофиқдир", деган хулосага келади.

"Матннинг типлари ва уларнинг умумий ҳамда ўзига хос белгиларига бағишланган ишларида муаллиф матнлар кичик ҳажмли (минимал), катта ҳажмли (максимал) турларга, улар ҳам яна бадий, публицистик, илмий ва расмий матнларга бўлинган. Матн ўз тузилишларига кўра, гап, мураккаб синктактик бутунлик, абзац, бўлим, қисм, боб ва параграфлардан ташкил топиб, улар шу матнни ҳосил этиш ва шакллантиришда муҳим роль ўйнашлари ҳам тадқиқотчи назаридан четда қолмаган.

Олим ишларида матнни лингвистик таҳлил қилишнинг методологик мезонлари ҳам ўз ифодасини топган. Бадий матнни таҳлиллашда матн қисмларини ўзаро алоқдорлигига, бир мазмунни ифодалаб, маълум шаклга эга бўлишига, аниқ тарихийликка амал қилишга, поэтик тилнинг воқеликни эстетик ўзлаштириш шакли ва бадий умушлашма яратиш воситаси эканлигини тушунишга, шарҳловчининг даражаси мезонига алоҳида эътибор бериш лозимлигини уқдирар экан, турли типдаги матнларни мана шу каби бир хил қолипда таҳлил этиб бўлмаслигини, матнни таҳлил этишда унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ижодий ёндошиш лозимлигини ҳам эътироф этади.

Муаллиф ишларида матнни яратиш муаммолари, матн қурилишининг шаклланиши, матнни тушуниш масалалари бадий матн типологияси, тил ифода воситаларининг матндаги роли, бадий матндаги тасвирий воситалар таҳлили, таҳлил жараёнида луғат устида ишлаш ҳамда таҳлил типлари ёртишга

бағишланган ишлар ҳам бадиий матн таҳлилини ўрганаётган талабаларнинг методик ва методологик мезонлар билан пухта куролланишларига яқиндан ёрдам беради. Бу масалалар бой ўзбек адабиёти хазинасининг “Қутадғу билиг”, “Фарҳод ва Ширин”, “Маймун ва Нажжор”, “Танобчилар”, “Гимназия”, “Салом айтинг”, “сен етим эмассан”, “Меҳробдан чаён”, “Бектемир ва Зина”, “Синчалак” каби дурдона асарлари мисолида талабаларга тушунарли тарзда ёритиб берилганлиги билан ажралиб туради. Чунки бадиий матнни таҳлил қилиш фақат ўқувчиларнинггина эмас, хатто баъзи бир ўқитувчиларнинг ҳам қўлидан келавермаслиги турган гап.

Профессор Б.Ўринбоевнинг бадиий матн таҳлилига бағишланган ишларнинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, уларда бўлғуси ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг бадиий асар таҳлили билан мустақил шуғулланишларида қўл келади.

## **ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ МУАММОЛАРИ**

*Х. Жўраев*

*Жиззах ДПИ*

Устоз ва мураббий Б.Ўринбоев ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири бўлган диалектология масалалари билан шуғулланишни эътибордан четда қолдирмаган. Бу борада олимнинг ўнга яқин илмий, илмий-оммабоп ишлари нашр этилган.

Б.Ўринбоев 1962 йили матбуотда чоп этилган “Диалектология тўғараги” номли мақоласида ўзбек диалектологиясининг амалий масалаларини кўтариб чиққан эди.

Мактаб ўқувчилари нутқида маҳаллий шева элементлари хилма-хил шаклларда учрайди. Бу уларнинг саводхонлигига, билим асосларини пухта эгаллашларига салбий таъсир этади.

Ўқувчиларга адабий тил нормаларини сингдириш учун диалектология тўғарагини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу тўғаракнинг асосий вазифаси ўқувчиларни адабий тил нормаларига риоя қилган ҳолда тўғри гапиришга ўргатиш, улар нутқидаги маҳаллий шева элементларини тугатиш, ўзи яшайдиган жойнинг тарихи ва этнографияси билан таништиришдан иборат.

Б.Ўринбоев тадқиқотларидан диалектология масалалари муҳим ўрин тутганлигини масаланинг моҳиятини нечоғлик чуқур англаганлигида деб тушунамиз. Бу нарсани Н.Ражабовнинг “Ўзбек диалектологиясидан очерклар”(1973), Б.Тўйчибоев, С.Ширинов, Ж.Қашқирлиларнинг “Туганмас бойликлар булоғи” (1992) номли ўқув қўлланмаларига ёзган тақризларида кўриш мумкин. Бу ўқув қўлланмаларини кўздан кечириш жараёнида муаллиф шундай хулосага келади: “Қўлланмаларнинг чоп этилиши ўзбек шеваларини пухта ўрганиш учун тўрткидир. Унут бўлаётган маънавий бойлигимиз тикланади ёки сақланади” [1].

Олимнинг бу соҳадаги қарашлари унинг кейинги тадқиқотларида ҳам давом эттирилади. Улар орасида Б.Ўринбоевнинг Х.Жўраев билан ҳамкорликда ёзилган “Ўзбек тили турк-калтатой шевасининг грамматик хусусиятлари” монографияси алоҳида ўрин тутди. Муаллифлар турк-калтатой шевасининг грамматик хусусиятлари ҳақида фикр юритишга киришар эканлар шундай ёзишади: “Турк-калтатой шеваси кўп жиҳатдан й-ланувчи шаҳар тип қишлоқ шевалари билан ҳам ўзаро ўхшашликларга эга. Лекин турк-калтатой шевасида ўзига хос грамматик хусусиятлар ҳам мавжуд” [2,5].

Шундан сўнг муаллифлар турк-калтатой шевасининг морфологик хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтишади. Бунда турк-калтатой шевасига хос кўплик, эгалик, келишик шакллари, сифат ва унинг ясалиши, сон, олмош, равиш, феъл шакллари, ёрдамчи (кўмакчк, боғловчи, юклама) сўзлар ҳақида маълумот берилади [2. 5-41].

Монографиянинг “Турк-калтатой шевасининг синтактик хусусиятлари” бўлимида сўз бирикмалари, семантик эллипсислар, содда гапнинг турлари, тўлиқсиз гаплар, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган қўшма гаплар, кўчирма гаплар, сўз тартиби каби масалалар ҳақида фикр билдирилади [2, 41-76].

Монографиянинг афзаллиги шундаки, унда морфология ва синтаксисга оид аниқ саволлар ўртага қўйилиб, уларга бир вақтнинг ўзида жавоблар ҳам берилади.

Хуллас, профессор Б.Ўринбоев диалектологияга доир ишлари билан ўзбек шеваларини ўрганишда билимдон эканлигини намоён этган.

*Адабиётлар:*

1. Ўринбоев Б., Т.Алматматов Т. Тил маънавият хазинаси // Жиззах ҳақиқати. 1992 йил 8 август.

2. Ўринбоев Б., Жўраев Х. Ўзбек тили турк-калтатой шевасининг грамматик хусусиятлари. - Тошкент: Фан 1985, 5-бет.

## ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРИХИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ

*Т.Курбонов  
СамДУ*

Тил ижтимоий ҳодисадир. Шунинг учун ҳам у бевосита халқнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, бойиб боради, имкониятлари доирасини кенгайтириб, ижтимоий функцияси ортиб боради. Тилнинг жамиятда тутган мавқеига боғлиқ ҳолда ўзбек халқининг мавқеи ҳам ўрин топади.

Тил, унинг пайдо бўлиши, жамиятда тутган ўрни, тараққиёти, тилнинг ижтимоий функцияси, тилнинг структураси, табиати сингари масалалар ва уларни ўрганиш яқинда пайдо бўлган эмас. Шунингдек, шу проблемаларни ўрганадиган ўзбек тилшунослиги фан сифатида шаклланиши ҳам яқин йиллар маҳсули эмас. Ўзбек тилшунослиги ва унинг тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Тарихда дастлаб тилшуносликнинг фалсафий масалалари ўрганилган.

Ўтмиш аجدодларимиз яратган бой маданий меросни тадқиқ этиш, уларнинг жаҳон тилшунослиги муаммоларини ечишга доир илмий кашфиётларини баён қилиш, тил ва тилшунослик борасидаги янгича ёндашишларни рўй-рост айтиш ҳозирги кунда ўзбек тилшунослиги тарихи фанининг муҳим масаласи саналади.

Ўзбек тилшунослиги тарихи фан сифатида ўтган асрнинг 90-йилларигача айнан шундай номланган ҳолда ўрганилмаган бўлса-да, у умумий бир ном - “Лингвистик таълимотлар тарихи”, “Лингвистик таълимотлар тарихи ва унинг ўрганиш методлари” фанлари ичида ўқитилган эди. Бу фанлар дастури анча кенг бўлиб, ўзбек тилшунослиги айнан шундай ном билан эмас, балки “Ўрта Осиёда тилшунослик”, “Шарқ тилшунослик мактаблари” ичида умумпланда ўрганилар ва ўқтилар эди.

“История лингвистических учений”, “История изучения тюркских языков в России” номли асарларда туркология масалалари, жумладан, ўзбек тилшунослиги тарихи масалалари

ҳақида фикрлар баён этилган. Бу асарларда, албатта, ўзбек тилшунослиги ўз мавзу доирасининг анча торлиги, фан тарихини батафсил очиб бера олмаслиги, ўзбек тилшунослиги тарихи фанининг диахроник планда барча даврлари ва масалалари қамраб олинмаганлиги кўриниб туради.

Ўзбек тилшунослиги тарихи фан сифатида олий ўқув юртлари филология факультетлари ўқув режасига киритилгандан сўнг биринчилар қаторида профессор Б.Ўринбоевнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” ўқув қўлланмаси яратилди. Орадан уч йил ўтгандан кейин А.Нурмоновнинг “Ўзбек тилшунослиги тарихи” номли ўқув қўлланмаси майдонга келди. Бир фанга бағишланган икки китобнинг икки олим томонидан яратилганлиги ушбу фандаги муаммоларни тадқиқ этишда республикамиз олимлари жуда катта иш олиб борганликларидан далолат беради.

Хўш, бу ўқув қўлланмаларининг мавзу доираси, тузилиши, масалалар ечимдаги ёндашиш, муаммоларни таҳлил этиш, фикрлар баёнидаги ўхшашлик-ноўхшашлик, яқинлик-узоқлик, ҳамфикрлик, фан проблемаларини ўрганишдаги системалиликда қандай фарқлар бор?

Бемалол айтиш мумкинки, фан дастури ва унинг мазмунини қамраб олишда ҳар иккала яратилган асар талабаларга жавоб беради. Профессор Б.Ўринбоев китобида фан мавзулари ва уларни ёритишда соддалик, ихчамлик, фикрни лунда қилиб баён этиш устунроқ. Профессор А.Нурмонов китобида ҳар бир масалани ёритишга кенг ўрин берилган. Мавзуларнинг номланиши икки китобда икки хилдир. Б.Ўринбоевнинг ўқув қўлланмасида қадимги тилшунослик, классик тилшунослик, тилшунослик мактаблари (ҳинд тилшунослиги, араб тилшунослиги, Марказий Осиё тилшунослиги) ва унинг намоёндалари алоҳида тарзда ўрганилади. А.Нурмонов ўқув қўлланмасида Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Синолар “Халифалик даврида тилшунослик” мавзуси остида ўрганилган. Бу олимнинг китобида тилшунослик тарихи даврларга бўлиб ўрганилган:

- Халифалик даврида тилшунослик.
- Қорахонийлар даврида тилшунослик.
- Муғуллар даврида ўзбек тили ва тилшунослиги.
- Темурийлар даврида ўзбек тилшунослиги.
- Ўрта аср ўзбек лексикографияси.



- Хонликлар даврида ўзбек тилшунослиги.
- Чоризм ва шўролар даврида ўзбек тилшунослиги.
- Ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиш ва ривожланиш даври.

– Мустақиллик даври ўзбек тилшунослиги.

Б у китобда тилшунослик тарихи даврлар ичида берилган ҳолда, феъл ва унинг грамматик хусусиятлари, ёрдамчи сўзлар, ундовлар, сўз ясалиши, тил ва нутқ, тил ва унинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашлар, фонетик қарашлар, лексик, морфологик қарашлар, синтактик қарашлар, алифбонинг юзага келиши, сўзларни туркумларга ажратиш ҳақидаги ёндашишлар, графика ва имло масалалари, услубшунослик, нутқ маданияти ва бошқа шу сингари тилшунослик соҳалари ўрганилади. Давлат тили, давлат тили ҳақидаги Қонун ва унинг тарихий аҳамияти, мустақиллик даврида ўзбек тилшунослиги эришган ютуқлар таҳлил қилинади.

Профессор Б.Ўринбоевнинг “Қўлланма”сида проф. А.Нурмоновнинг “Қўлланма”сидан фарқли улароқ ўзбек тилшунослиги тарихида катта ўрин эгаллаган, тил ва тилшунослик масалаларини яхши ўрганган бир қатор олимлар Саккокий (1159-1228), Ёқут Ҳамавий (1179-1229), Абу Ҳайён ал-Андалусий (1256-1345), Жамолiddин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Туркий (XIV-XV), Захириддин Муҳаммад Бобур (1487-1530), Исоҳхон Ибрат (1862-1923), XIX-XX аср Самарқанд тилшунослик мактаби ва унинг намояндalари Ғози Олим Юнусов (1889-1939), Улуғ Турсунов (1905-1971), Тошкент тилшунослик мактаби вакиллари Евгений Поливанов (1891-1938), Қаям Рамазон (1900-1938), Фахри Камолов (1907-1966), Айюб Ғуломов (1914-1985), Виктор Решетов (1910-1979)лар ҳақида батафсил маълумот берилган. Шунингдек, Самарқанд ва Тошкент тилшунослик мактабларининг издошлари ҳақида ҳам анча кенг фикрлар баён қилинган. “Қўлланма”даги бу усул ва изчиллик ўзбек тилшунослиги масалаларини ўрганишнинг қарийиб 1000 йиллик тарихини кўз олдимизда намоён қилади.

Профессор Б.Ўринбоев ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишда бошқачароқ ёндашади. Биз давримизнинг кўзга кўринган тилшунос олими профессор А.Нурмоновнинг китобидаги масалани ёритиш соҳасидаги усули ва услубини қўллаб-қувватлаган ҳолда, профессор Б.Ўринбоевнинг

тилшунослик тарихини ўрганишдаги хизматлари ҳақида кенгроқ тўхталмоқчимиз.

Маълумки, тилшунослик тарихида аниқланган тил фактларини, ўртага қўйилаётган илмий масалаларни ҳамда қўлланилаётган методларни хилма-хил баҳолаш, уларга турлича ёндашиш мавжуд. Бундай баҳолар даврлар ўтиши ўзгариб туради. Ўтган асрнинг 90-йилларидаги ёндашиш ва баҳолашлар билан ҳозирги даврдаги ёндашиш ва баҳолашда катта фарқ бор. Ижтимоий фан масаласида энг ишончли нарса, асосий тарихий боғланишни унутмасликдир. Ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай асосий босқичларни босиб ўтганлиги нуқтаи назаридан қараб, бу нарсанинг ана шу ривожланиши нуқтаи назаридан ҳозир қандай бўлиб қолганига қарашдир. Олим ана шу тамойилга таянган ҳолда фикрини фақатгина “Ўзбек тилшунослиги тарихи” ўқув қўлланмасида эмас, балки бундай усулни тил ва унинг тарихини ўрганишга бағишланган асарларида ҳам қўллаган.

Профессор Б.Ўринбоевнинг ўзбек тилшунослиги тарихини ўрганишга бағишланган илмий ишлари ўтган асрнинг 60-йилларида олимлар ва мутахассислар ҳукмига ҳавола қилинган эди. “Ўзбек адабий тилининг 60-йиллар тараққиётига бир назар”, “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили тарихи” номли мақола ва ўқув қўлланмасида тилшунослик тарихи масалалари тадқиқ этила бошланган эди.

Олимнинг тилшунослик тарихига бағишланган илмий тадқиқотларида жаҳон ва Марказий Осиё тилшунослигининг тараққиёт тарихини кўздан кечириш, ўтмишнинг энг яхши лингвистик анъаналарини ривожлантириш муайян сабаблар билан боғлиқ. Тадқиқотларда анъанавий тилшунослик ютуқларига нисбатан бўлган турлича муносабатларга барҳам бериш, структурализм ва унинг кўринишларига маълум даражада ижобий ёндашиш вужудга келиши, тилнинг жуда мураккаб ҳодиса эканлиги, ҳозирги замон тилшунослигининг кўпгина ҳал қилинмаган проблемаларини ўрганиш учун ўтмиш тилшунослиги ютуқларини кенгроқ кўздан кечириш зарурлиги амалий жиҳатдан исботлаб берилган.

Тилшунослик тарихи шундан далолат берадики, лингвистик назариялар тараққиёти энг муҳим фалсафий оқимлар ривожига антик даврдан то шу кунгача асосан мос келади. Шунга кўра

тилшунослик проблемаларининг такомилени фалсафий нуқтаи назардан - УМИС (умумийлик, моҳият, имконият, сабаб) ва ЯХВО (яккалик/алоҳидалик, ҳодиса, воқеа, оқибат/натижа) категориялари нуқтаи назардан ўрганиш фан тарихидаги турлича қарашларни чуқур тушунишга олиб келади. Мутахассисларни ғайри-илмий, нофанний, ноўрин қарашларга кўр-кўрона эргашишдан сақлайди. Бундай таҳлилда лингвистик ғоялар тараққиётининг нисбий мустақилигини ва ўзаро алоқадорлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Олимнинг илмий тадқиқотларида масаланинг ечимига ана шундай ёндашишни кузатиш мумкин.

Тил ва тилшунослик тарихини мукамал ўрганган олим Б.Ўринбоевнинг илмий тадқиқотлари ва уларда баён қилинган фикр- мулоҳазаларни, хулоса ва таклифларни изчил ўрганганда, ўзбек тилшунослиги фани олдида қатор ечимини кутаётган масалаларни қўйганлигини кузатамиз. Булар:

1. Давлат тили - ўзбек тилининг ҳозирги аҳволини ўрганиш, тил тарихи ва унинг тараққиёт босқичларини чуқур текшириш, ўзбек тили ва унинг шевалари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, ўзбек диалектал атласини яратиш, ўрта ва олий мактабаларда ўзбек тили ўқитишнинг аҳволини янада яхшилаш.

2. Сўзтуркумларининг табиати ва таснифлаш асослари, сўз ясалишига доир баъзи масалалар, ўзбек тилининг фонетик қонун-қоидалари ва нормалари ўзбек тили тарихий тараққиётини даврлаштириш масаласи, сўз бирикмалари, бир таркибли гаплар, мураккаблашган содда гаплар, қўшма гапларнинг янгича таснифи, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари тили ва услуби каби қатор масалаларни назарий жиҳатдан тўлиқ ишланишини таъминлаш.

3. Матнни ўрганишга эътиборни қаратиш ва шу асосда синтаксис ҳамда услубият муаммоларини атрофлича ўрганиш.

4. Тилларни қиёсий ўрганиш. Бунда қиёсий-тарихий методга янгича ёндашиш.

Бу сингари масалаларни ўрганиш жараёнида ўзбек тилшунослиги тарихида қўлга киритилган анъана ва ютуқларга таяниш лозим. Масаланинг қўйилиши ва унинг ўрганилиши ўтмиш маданий меросимизни синчиклаб ўрганиш, аجدодларимизнинг дунё тилшунослиги тараққиётига қўшган

хизматларини кўрсатиш, тарғиб ва ташвиқ қилиш имконини беради.

## **ЖОЙ НОМЛАРИ - ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИК**

***Б.Файзуллаев  
Жиззах,  
Н.Бегалиев  
Самарканд***

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, Ватанимиз жой номлари (топонимлари)нинг шўролар давридаги ҳолатига дарз кета бошладики, бу миллий топонимларнинг қайтадан тикланиши учун кенг имконият яратиб берди.

Натижада кишиларимиз ва илм аҳллари жой номларини тўплаш дастурлари, қишлоқлар номи гўзал бўлиши ҳақида ўйлай бошладилар. Бунинг натижаси ўлароқ Жиззах, Самарканд топонимлари ҳақида илмий мақола, рисола ва қўлланмалар вужудга келди. Улар проф. Б.Ўринбоев қаламига мансуб.

Топонимлар маълум даражада жойининг тарихий ёдгорлиги ҳисобланади. Биз жой номлари орқали халқимизнинг ўтмиши, ҳозир ҳақида тушунчага эга бўламиз, қадриятларимизни чуқурроқ тушунишга, ўзлигимизни яхшироқ англашга ўрганамиз. Зеро, тарих бизни ўз қадр-қимматимизни ҳис қилишга ўргатади ҳам.

Жуғрофий номлар маълум бир (қонуниятларга буйсунадик, ундан мафкуравий мақсадларда фойдаланиш ҳамма вақт ҳам кўзланган мақсадни бермаслигини сўнгги йиллардаги воқеалар кўрсатиб турибди. Республикамиз вилоятлари мисолида бу нарса яққол аён бўлмоқда. Чунки кечагина "Коммуна", "Большевик", "Ленинизм", "Коммунизм", "Социализм" деб юритилган кўпгина номлар бугун аллақачон ўз умрини тугатган. Улар ўрнини миллий топонимлар эгаллади. Ишларда ушбу масалалар кенг қамраб олинган ҳолда ёритиб берилган. Тилга олинган умумтуркий номлар республикамиз топонимлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу жиҳатдан санаб ўтилган асарлар маълум илмий аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда кенг тарқалган Қорасув, Қорасой, Қора кўса, Кўр булоқ, Кориз сингари номларнинг жуғрофий тарқалиш чегараси катталигини кўрсатувчи ҳодисадир.

Олим ишларида берилган жой номларининг асосий қисмини этнонимлар ташкил қилади. Маълумки, ўзбек халқи тўқсон икки бовли уруғдан ташкил топган бўлиб, улар тарихан жуда қадимийдир. Мазкур уруғларнинг номлари асосан ҳар хил жой номларида сақланиб қолган ва бунда улар турли хил фонетик ўзгаришларга учраган бўлиши, лексик маъносида силжишлар рўй бериш табиийдир. Муаллиф кўпгина уруғ номлар турли майда шаҳобчаларга бўлиниб кетиши, уларнинг келиб чиқиши ва жой номи сифатида қатъийлашиб қолганлигини ўрганишга алоҳида эътибор қилади. Маълум ўринларда муаллифнинг ўз фикри исботи учун тарихий асарларга, халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам мурожаат қилиши ишларнинг илмий аҳамиятини янада оширган. Ишларда қайд қилинган Барлос, Бешбола, Бешкал, Жалойир, Солин, Калтатой, Уймовут, Уяс, Қипчоқ, Манғит, Найман, Куччи, Довул сингари бир қатор номлар ҳам берилганки, улар мазкур жойларда қайси уруққа тегишли кишилар яшашини кўрсатувчи атамалардир.

Шунингдек, олим ишларида қадимги туркий тилда қўлланган Аржа, Ардақшон, Асров, Байрам, Гараша, Тоғай; форс-тожик тилига оид бўлган Боятар, Буржшон, Бўстон, Деристон, Дукат, Дуоба, Костахон, Мавтан, Михин, Паймарт, Тағоб, Чортанг; муғулча Ахтахона, Дарғат, Нурак; арабча Талли, Харомсой; суғдча Вадиган, Моргузар, Нуширавон, Сармон, Фориш каби атамаларнинг кенг изоҳи берилган. Арнасой, Бахшача, Занжирбоғ каби номлар қадимги санскрит тилида ҳам учраши ҳақида қизиқарли маълумотлар баён қилинган.

Умуман, олимнинг жой номларига бағишланган ишларидан ўқувчилар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топа олади. Чунки бу ишларнинг ҳозирги ўзбек топонимияси равнақи йўлида муносиб ўрни бордир.

## **ТОЖИК ТИЛШУНОСЛИГИ ҲАМ ЭЪТИБОРДА**

***Н. Шаронов***

***Самарқанд***

Мен проф. Б.Ўринбоевни серқирра ижодкор, олим, толмас тадқиқотчи сифатида 30 йилдан бери биламан. Унинг сўзлашув нуқти грамматикаси, шевашунослик, ўзбек тили тарихи, луғатшунослик, нутқ маданияти, услубшунослик сингари қатор масалаларга бағишланган йирик илмий асарлари бой фактлар

асосида ёзилган. Шу билан бирга, Б.Ўринбоев қардош халқлар тилшунослиги, жумладан тожик тилшунослиги соҳасида ҳам илмий изланишлар олиб борган. Унинг бу соҳадаги фаолиятига Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртида ўқигани, СамДУ да талабалик йиллариданоқ тожик тилини яхши ўзлаштиргани, таржимонлик соҳасидаги изланишлари кўмаклашган.

Б.Ўринбоевнинг бу соҳадаги илмий ва илмий-оммабоп асарлари "Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши", "Сирдарё гидроними тўғрисида", "Ўзбек тили лексикада юз берган ўзгаришлар", "Ўзбек тили лексикологияси", "Тилимизнинг лексик таҳлили", "Навоий асарларининг изоҳли луғати", "Тил тараққиёти йўлида", "Истикболга интилиб", "Қишлоқлар номи гўзал бўлсин" кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу мақолаларнинг айримлари "Овози тожик", "Ҳақиқати Ўзбекистон", "Совет Тожикистони" газеталари саҳифаларида тожик тилида эълон қилинган.

Б.Ўринбоев серқирра мутахассис сифатида тожик тилшунослиги бўйича илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчиларга яқиндан кўмаклашган. Масалан, у айти вақтда Жиззах Давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси Абдурахмон Абдувалиевнинг "Тожик-ўзбек тиллари лексик алоқалари ва уларнинг сўз ясалишидаги аҳамияти" номли номзодлик диссертациясига илмий маслаҳатчи сифатида яқиндан кўмаклашган. Олим тожик тилшунослиги бўйича ҳимоя қилинган ўндан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияларининг авторефератларига тақризлар ёзган.

Шуниси муҳимки, тожик тилшунослиги бўйича бир қанча дастур ва ўқув қўлланмаларининг яратилишига Б.Ўринбоев ҳаммуаллиф сифатида иштирок этган. Жумладан Б. Ўринбоев республикамиз тожик мактабларининг 5-10 синфлари учун ўзбек тили ўқитиш бўйича дастур тайёрлаб нашрга берган. Олим тожик мактаблари ўқувчилари учун "Ўзбек тили" дарслигини яратиш билан шуғулланган. 1993 йилда Б.Ўринбоев ҳамкорликда "Ўзбек тилини ўрганамиз" ("Забони узбекиро меомузем") қўлланмасини нашр эттирган. Бу қўлланма тожикзабон аҳолига ўзбек тилини ўрганишнинг бошланғич даврида катта ёрдам беради. Қўлланма муаллифлари ўзбек тилидаги сўз ва сўз бирикмаларининг луғавий маъноларини очишда энг ишончли луғатларга манба сифатида мурожаат қилганлар. Қўлланмада

келтирилган сўзлар, асосан, от, сифат, сон, феъл туркумларига тегишлидир. Масалан, қўлланмада от сўз туркумининг қоидаси келтирилади, шундан кейин отга бағишланган кичик ҳикоялар (одам, одамнинг ёши, одам исмлари, оила, аҳил ака-ука ва опасингиллар, ўсимликлар оламида, ҳайвонот боғида ва бошқлар), диологлар, шарҳлар, кўп қўлланадиган ифодалар рўйхати берилган, "Ўзингизни синаб кўринг" каби машқлар ва айрим сўзларнинг таржимаси келтирилган.

Мазкур қўлланмада ҳар бир бўлим боғланишли матн билан яқунланади. Бу матнларнинг ўзбек тилида ўқиш, талаффуз меъёрини ўзлаштиришда ёрдами каттадир. Бу матнлар тожик тилига таржима қилиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Қўлланма охирида қисқача ўзбекча-тожикча луғат ҳам берилган.

Умуман олганда, ушбу қўлланма тожикзабон аҳолининг ўзбек тилини ўрганишда, кундалик муомаладаги лисоний тўсиқларни енгишда ёрдамлашади. Бу эса ўз навбатида республикамизда ўзбекча-тожикча ва тожикча-ўзбекча икки тиллиликнинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Булардан ташқари, проф. Б.Ўринбоевнинг тожикча матнлар ўзбек тилига таржима қилишда ҳам хизматлари бор. Хуллас, Б.Ўринбоев тожик тилшунослиги соҳасида ҳам толмас тадқиқотчи сифатида муваффақият билан хизмат қилди.

## ТОЖИК ТИЛИНИНГ БИЛИМДОНИ

*А.Воҳидов*

*СамДУ*

Мен Бозорбой Ўринбоевични 1950 йилдан бери биламан. Университетни тугатгач, мен Душанбега эмас, дўстим Б.Ўринбоев билан Жомбойга равона бўлдим. Ана шу даврдан буён дўстлигимиз риштаси мустаҳкам боғланган, чунки иккимизнинг мулоқот тилимиз – тожик тилидир. У тожик тилини мукамал биларди. Шунинг учун тожик тилидаги матбуотда ҳам қатнашиб турарди.

Б.Ўринбоевнинг тожик тилини билишини газета ва журналларда эълон қилинган мақолалари далолат беради. "Мувофиқи талаби давр" ("Ҳақиқати Ўзбекистан", 1973 йил, 23 май), "Ба института мо марҳамат" ("Ҳақиқати Ўзбекистон", 1974 йил, 28 май), "Алифбои лотиниро меомузем" ("Овози Самарқанд" 2000 йил, 20 март), "Дарси алифбои лотини" ("Овози

Самарқанд”, 2001 йил, 1 сентябрь), “Дарси дуоми алифбои лотини” (“Овози Самарқанд”, 2001 йил, 29 октябрь), “Мавқеи Махмуди Қошғарий дар маданияти халқҳои Осиёи маркази” (“Овози Самарқанд”, 2002, 22 ноябрь) каби мақолалар фикримиз далилидир. Б.Ўринбоев тожик тилшунослиги соҳасида ҳам илмий изланиш олиб бормокда. Буни унинг куйидаги изланишларида кузатиш мумкин. “Тожик тили лексикасига доир муҳим асар” (“Масъалаҳои филологи”, Самарқанд, 2003, 20-22-бетлар), “Садриддин Айнийнинг диалектализмларга муносабати” (“Садриддин Айнийнинг адабий ижоди”, Самарқанд, 2003, 131-134-бетлар) каби ишлар эълон қилган.

Шуниси маълумки, таълим тожик тилида олиб бориладиган мактаблар ва педагогика институтларининг тожик гуруҳлари талабалари учун бир қанча дастур ва ўқув-қўлланмалари яратилишига Б.Ўринбоев ҳаммуаллиф сифатида иштирок этган. Жумладан, “Ўзбек тили ва адабиётидан дастур” (Тожик мактабларининг V синфлари ва педагогика олийгоҳлари тожик гуруҳи талабалари учун. - Т., 1992, 14 б). 1993 йилда проф. Н. Шаропов ва ўқитувчи А.Абдувалиевлар ҳамкорликда “Ўзбек тилини ўрганамиз” (“Забони узбекиро меомузем”, Самарқанд, 1993, 96 б) қўлланмасини нашрдан чиқарди. Ушбу қўлланма ўзбек тилини ўрганишнинг бошланғич даврида ёрдами тегади. Мазкур қўлланма муаллифлари ўзбек тилидаги айрим сўз ва сўз бирикмаларининг лексик маъноларини очишда луғатдан фойдаланишган. Қўлланмада келтирилган сўзлар асосан, от, сифат, сон, феъл сўз туркумларига тегишли. Ўзбекча сўзларнинг мавзуй гуруҳларда ажратиб берилиши ва уларнинг турли сўз бирикмаси ҳамда гапларда қўлланилишини фаоллаштиради.

Қўлланманинг ҳар бир бўлимида аввал муайян мавзуга доир сўзлар келтирилади. Ўзбекча сўзлар маъносини эслаб қолиш ва уларни нутқда тўғри ишлатиш учун суҳбат берилган. Улар ўрганилаётган сўзларнинг гап таркибида қўлланилишини мустаҳкамлаш вазифасини ўтайди. Муаллифлар қўлланмада лексик-грамматик изоҳ беришган, бу нарса грамматик материални шаклан ўрганмасдан уларнинг аҳамиятини тушуниш имконини беради. Машқларни бажариш жараёнида ўрганилганларни мустаҳкамлайди ва ўз-ўзини текшириб кўради.

Ҳар бир бўлим боғланиши матн билан яқунланади. Улар ўқиш, талаффуз меъерини ўзлаштиришда ёрдам беради. Бу



матнлар тожик тилига таржима қилиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Қўлланма охирида қисқача ўзбекча-тожича луғат берилган.

Умуман, ушбу қўлланма тожик забон аҳолини ўзбек тилини ўрганишда кундалик муомаладаги лисоний тўсиқларни енгишда ёрдамлашмоқда. Бу эса, ўз навбатида Республикамизда ўзбекча-тожикча ва тожикча-ўзбекча икки тиллиликнинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази “Таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларнинг 2-11 синфлари учун ўзбек тили ва адабиётидан ўқув-дастури” (Тошкент, 1996) ни эълон қилди. Ана шу дастур асосида Б.Ўринбоев доцент Р.Жўрақулов билан ҳамкорликда таълим тожик тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2- синфи учун ўқув-қўлланма нашр этилар (Самарқанд, 1997). Ушбу қўлланма лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосини ўрганиш учун мўлжалланган.

Айни вақтда олим Б.Ўринбоев тожик мактаблари ўқувчилари учун “Ўзбек тили” дарслигини яратишга киришди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази “Таълим тожик тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактабларининг II-IX синфлари учун “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича синов дастури” (Тошкент, 1998) ни эълон қилди”.

Мазкур дастур асосида Б.Ўринбоев “Ўзбек тили” дарслигини яратди. Ўқишлар тожик тилида олиб бориладиган мактабларнинг 2-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, дарслик алифбо ва алифбодан кейинги даврларни ўз ичига олади. Ушбу дарслик давр синовидан яхши ўтганлиги учун қайта нашр этилди. Кўп ўтмай Б.Ўринбоев 3-синф учун ҳам “Ўзбек тили” дарслигини нашрдан чиқаришга эришди. Ушбу дарслик дастур талабларига тўла жавоб беради.

Юқорида санаб ўтилган ишлар дўстим Б.Ўринбоев номини Ўзбекистондагина эмас, балки Тожикистонда ҳам маълум ва машҳур қилди. Б.Ўринбоев томонидан яратилган дастур, қўлланма ва дарсликлар уни тожик тилининг билимдони эканлигидан далолат беради.

## НОТИҚЛИК САНЪАТИ МУАММОЛАРИ

*Ф.Бойназаров  
Жиззах,  
А.Туропов  
Самарқанд*

Президентимиз И.Каримов маданият ва маърифат, маънавият ва илм аҳли олдига “Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак” дея вазифа қўйган эди. Бу, хусусан, тарғиботчилар, нотиклар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Ҳозирги кунда нотиклик санъатини ривожлантириш ва унга эътиборни кучайтириш даврнинг талаблари асосида юзага келади. Шу маънода тадқиқотчилар нотиклик санъатига алоҳида фан сифатида ёндошмоқдалар, унинг тарихи ва тараққиёт босқичларини назарий ва амалий аҳамиятини чуқур ўрганмоқдалар. Шу жиҳатдан проф. Б.Ўринбоевнинг қуйидаги ишлари нотиклик санъати муаммоларининг ечишга қисман бўлса-да хизмат қилади: “Нотиклик санъати асослари дастури”, “Нотиклик маҳорати”, “Нутқ ва нотик”, “Нотиклик ва нутқ маданияти”, “Нотиклик санъати”, “Нутқ ва нотиклик санъати”, “Лектор ва аудитория”, “Оғзаки агитация ва нутқ маданияти”, “Пропаганда ва агитациянинг ҳужумкорлигига эришайлик” кабилар.

Ушбу ишларда таъкидланганидек, нотиклик санъатида фақат мазмун асосий аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки уни амалга етказиш шакли ҳам катта роль ўйнайди. Бу ўринда шакл маъноси бевосита нотиклик маҳорати билан боғлиқ масаладир. Тарғибот ва ташвиқот ишида аниқ мавзунинг мазмуни оммага етказиш шакли жуда мураккаб жараён. Мавзу аниқ, мазмунан бой, бироқ уни тингловчига қайси йўл билан етказиш, тингловчиларнинг бутун диққат-эътиборини муҳрлаб қўйгандек ўзига жалб қилиш нотикнинг маҳоратига боғлиқ.

Ишларда нотиклик санъатининг назарий асосларига кенг ва батафсил тўхталар экан, амалий-ҳаётий аҳамиятга эга бўлган қатор илмий-назарий хулосаларни ўртага ташлайди. Бу илмий хулосалар эса кўп йиллик кузатиш ва изланишлар самараси бўлган ҳаётий тажрибаларга асослангандир.

Ишлар мундарижаси жуда бой ва ранг-баранг мавзулар асосига қурилган. Нотиқлик маҳорати предмети ва унинг вазифаси, нотиқлик санъати тарихидан антик нотиқлик, қадимги шарқда нотиқлик санъати, машҳур нотиқлар, нотиқлик санъатининг асосий илмий қоидалари, илмий билимларни тарғиб қилишининг педагогик ва психологик маданияти, маъруза тайёрлаш усуллари, маърузаларни тинглаш ва тақриз қилиш услуги. Бу мавзуларнинг ҳар бири чуқур мазмунга эгалиги, шу билан бирга ўқимишли, қизиқарли ва таъсирчанлиги билан эътиборни ўзига тортади.

Қўлланма ва мақолаларни варақлар эканмиз, кўплаб тарихий сана, ҳаётий факт ва жонли мушоҳадалар орқали олим ўз фикрларини изчил ва илмий асослаб беришга ҳаракат қилаётганини кўрамиз. Айниқса, нотиқлик санъати тарихидан, антик нотиқлик, қадимги шарқда нотиқлик санъати масалаларини ўқир эканмиз, ҳар бир даврда нотиқлик санъатига хос талаб билан ёндошганлигини, ҳатто антик даврда ҳам нотиқликка кучли эҳтиёж сезганлигини, ҳар қайси замонанинг ўз нотиқлари бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Қадимги Греция ва Рим нотиқлари бўлмиш Квинтилциан, Демосфен, Марк Партиус Като, М.Цицерон каби ажойиб сўз санъаткорларининг нотиқлик санъати тарихида қолдирган ўчмас излари ҳаяжонли лавҳаларда баён қилинади. Қадимги шарқ маданияти, унинг нотиқлик санъатидан ҳикоя қилувчи ишларда машҳур сўз санъаткорлари Ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мавлоно Риёзий, Хусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воизларнинг фаолияти билан яқиндан танишамиз. Олим айниқса, Алишер Навоийнинг нотиқлик маҳоратига, сўзамоллиги ва теран фикрларига ўз даврининг маданий ва маърифий юксаклигини белгиловчи асосий омил сифатида қарайди. Ўз навбатида Навоий ҳам замондошлари бўлмиш қатор нотиқлар ишини юксак баҳоланганлиги, уларга чуқур ҳурмат ва эътиқод билан қараганлиги муфассал ифодалаб берилган.

Нотиқлик санъатининг ҳозирги даврдаги қиммати, унга бўлган талаб атрофлича баён этилади. Шу билан бирга маъруза тайёрлаш, ёзиб олишнинг асосий қоидалари, нотиқ ва тингловчи, маърузани тинглаш ва тақриз Ўзиш усуллари ҳақидаги қимматли фикрлар Б.Ўринбоев ишларида ўз ифодасини топган.

Умуман олганда, проф.Б.Ўринбоевнинг нотиклик санъатига бағишланган ишлари ўзининг оммавийлиги, ўқимишлилиги ва бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларига бағишланганлиги билан эътиборга лойиқдир.

## **БОЗОР ЎРИНБОЕВ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ**

*Д. Ўринбоева*

*СамВХТХҚТУМОИ доценти*

Тилшунос олим Ҳамид Неъматов таъбири билан айтганда, тилшуносликнинг забардаст олимларидан бири, профессор Бозор Ўринбоев ўзининг бутун умрини республикамизда тилшунослик илмининг ривожланишига, халқ маорифининг янада равнақ топишига, юқори ихтисосли филолог кадрлар тайёрлаш ишига бағишлади.

Бозор Ўринбоев оддий мактаб ўқитувчисидан профессор деган фахрли унвонгача бўлган йўлни сабот билан босиб ўтган олим ва меҳнаткаш мураббийдир. У фаннинг машаққатли йўлидан дадил одим ташлаб тилшунослик соҳасининг ҳозирги тараққиётимиз талаб этаётган муҳим муаммоларига кўл урди ва маҳсулдорлик билан қалам тебратди. Олимнинг илмий меросида тилшунослик фанининг турли масалаларига бағишланган мақола ва асарларини кўриш мумкин.

**1. Сўзлашув нутқи масалалари.** Б.Ўринбоев биринчилардан бўлиб бу муаммога кўл урди, илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлди. Бу соҳага оид бой лисоний қатлам доирасига кирувчи вокатив категория хусусидаги «Ҳозирги замон ўзбек тилида вокатив сўзларнинг баъзи бир хусусиятлари» (1963), «Вокатив гаплар ҳақида баъзи мулоҳазалар» (1964), «Ҳозирги замон ўзбек тилида ундаш гаплар», «Ҳозирги замон ўзбек тилидаги мурожаат сўзлари ҳақида» (1967), «Вокатив гапларнинг тарихий тараққиёти ва уларнинг маънолари» (1969), «Ҳозирги ўзбек адабий тилида мурожаат сўзлари» (1971) каби илмий мақолалар, «Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория» (1972) номли монографиялари сўзлашув нутқи сирларини кенг кўламда очишга бағишланган. Олим “сўзлашув нутқи – ҳар бир мукамал тилнинг пойдевори, у ҳеч бир грамматик қоидаларга сиғмайди. Яъни сўзлашув нутқи грамматикани бошқаради, унда тил бутун имкониятларини ишга солади, намойиш этади”, деб сўзлашув нутқиға хос сирли ҳилқатни ёрита олди. Сўзлашув нутқи

масаласини билишини олимнинг бу соҳада ёзган илмий асарлари рўйхатини келтириш билан исботлаш мумкин: «Ўзбек сўзлашув нуткига умумий характеристика» (1968), «Сўзлашув нутқи ҳақида», «Диалогик репликанинг коммуникатив йўналиши» (1971), «Сўзлашув нутқи муаммолари» (1973), «Синтаксический строй узбекской разговорной речи» (1978), «Сўзлашув нутқи» (1982), «Ўзбек сўзлашув нутқи стилистикаси» (1983), «Ўзбек сўзлашув нутқи фонетикаси» (1984), «Ўзбек сўзлашув нутқи – ўзига хос нутқий система» (1984), «Ўзбек сўзлашув нутқида эллипсис» (1989), «Сўзлашув нутқида парцелляция» (1990), «Ўзбек сўзлашув нутқи лексикасида сўзларнинг стилистик бўёғи» (1991), «Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуги» (1991), «Ўзбек сўзлашув нутқида сўзлар тартиби» (1995), «Сўзлашув нутқи лексикаси ва унинг қўлланиш даражасига кўра фарқлари» (1996), «Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи (фонетика, интонация, лексика ва фразеология)», «Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи (морфология ва синтаксис)» (2006), «Сўзлашув нутқи синтаксиси», «Ўзбек сўзлашув нутқи синтаксиси» (2009).

**2. Ўзбек тили тарихи муаммоси.** Б.Ўринбоевнинг тилимиз тарихи билан жиддий шуғулланган бўлиб, унинг «Ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар», «Ўзбек тили морфологиясидаги янгиликлар» (1967), «Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили» (1968), «Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик нормаларнинг белгиланиши» (1971), «Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили тарихи» (1982), «Навоий асарлари изохли луғати» (1983), «Навоий ижодининг чўққиси» (1985), «Туркий филологияга кириш» (1989-2003), « «Фарход ва Ширин» достонидаги изохли сўзлар», «Алишер Навоий асарларида тасвирий воситалар», «Бобур – тилшунос олим» (1991), «Тарихни ўрганиш – ўзликни англаш» (1992), «Ўзбек адабий тили тарихи» (1995), «Темурийлар даври меъморчилик атамалари» (1997), «Алишер Навоий асарлари матнида сўфизм атамалари» (1999), «Тўнюкүк битигтоши» (1999), «Имом Бухорий сабоқлари» (2000), «Қадимги туркий битиклар» (2001), «Маҳмуд Қошғарий: библиографик кўрсаткич» (2002), «Бобурнома» тилида жуғрофий атамалар» (2003) каби илмий ишлари катта меҳнат самарасидир.

Проф. Б.Ўринбоевнинг ўзбек тили тарихини ўрганиш соҳасидаги асосий қарашлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбек адабий тилини даврлаштиришнинг янги схемасини берди.

2. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бошқа қардош ва ноқардош тилларнинг иштирокини тавсифлади.

3. Ўзбек адабий тили тараққиётида ёзма обидалар ва сўз санъаткорларининг ўрнини алоҳида таъкидлади.

Бундан ташқари, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ўзбек адабиёти, маданияти ва тили тараққиётида тутган ўрни, қўшган ҳиссаси борасидаги кузатишлар Бозор Ўринбоев илмий ижодида салмоқлидир. «Навоий – олим ва мураббий» (1971), «Алишер Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлар ҳақида» (1991), «Алишер Навоий ва она тилимиз» (1992), «Камолот чўққисининг нурли қуёши» (1995), «Навоий мероси – туганмас бойлигимиз» (1996), «Ойбек ижодиёти ва Навоий сиймоси» (1997), «Устоз-у шогирд «Хамса» ижодкорлари» (2001) каби асарлари ана шу мавзунини ёритишга бағишланган. Бу асарларнинг мазмунида муҳим бир ғоя – XV аср ўзбек адабий тили тараққиётига Алишер Навоийнинг қўшган ғоятда улкан ҳиссасини темурийлар даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудида ҳукмрон бўлган тилларнинг умумий фонида холисона ва илмий ҳақиқатга таянган ҳолда ёритиб бериш ётади.

**3. Ҳозирги ўзбек адабий тили масалалари.** Олим тилшуносликнинг деярли барча йўналишларига оид асарлар ёзган бўлса-да, унинг синтактик қарашларга оид сара асарлари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу соҳага бағишланган ишлари жуда кўп бўлиб, фақат алоҳида нашрларининг айримларини санаб ўтиш мумкин: «Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксисидан маърузалар (Қўшма гаплар)» (1991), «Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар. Ўқув-услубий қўлланма» (2005), «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Дарслик» (2006) кабилар. Санаб ўтилган асарларда ўзбек тилининг синтаксиси, грамматик қурилишининг ўзига хос хусусиятлари баён этилади.

**4. Тилшунослик назарияси.** Тилшуносликнинг умумназарий масалалари, жумладан, тил тизими, тил ва нутқ, тил ва тафаккур, тилшунослик тармоқлари ва аспекти, тилнинг пайдо бўлишидаги назариялар, тил белгилар тизими эканлиги, лисоний бирликлардаги умумийлик ва хусусийлик, парадигматик ва синтагматик муносабатлар каби назарий масалалар олим назаридан четда қолмади. Айниқса, унинг «Тилшуносликка

кириш. Маърузалар матни» (2007), «Умумий тилшунослик. Маъруза матни» (2008), «Тилшунослик назарияси. Ўқув-услубий қўлланма» (2010), «Лингвистик структуралар. Маъруза матни» (2009), «Лингвистик структуралар фанидан ўқув-услубий қўлланма» (2009) каби асарлари университет ва педагогика институтлари ўзбек филологияси таълим йўналиши бакалавр ва магистр талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилиб келинмоқда.

**5. Матншунослик масалалари.** Матн, матншунослик ва матннинг филологик таҳлили масалалари ҳам Б.Ўринбоевнинг диққат марказидан кўтарилмаган. У бу муаммога бағишлаб бир қатор илмий ишларини эълон қилган: «Бадий текстнинг лингвистик анализи курсидан программа» (1985), «Бадий текстнинг лингвистик анализи курсидан методик тавсиялар» (1989), «Бадий текстда сўзлашув нутқи лексикасининг қўлланиши» (1989), «Бадий матнда жой номлари ва уларнинг типологик таҳлили» (1996), «Матн ва филологик таҳлил» (1998), «Матншуносликнинг долзарб муаммолари» (1999), «Матн ва унинг лисоний таҳлиliga оид тадқиқотлар» (1999), «Матн таҳлилида умумийлик ва хусусийликни ўргатиш» (2000), «Матн прагматик талқинининг мохир тадқиқотчиси» (2002) кабилар.

**5. Топонимика масалалари.** Ўз фаолияти даврида сўзлар этимологияси билан қизиқиб: «Топонимлар маъносини тўғри изоҳлаш ва тушуниш орқали объектдаги у ёки бу жой номини, табиат ҳодисасини, инсон фаолиятининг ишлаб чиқариш шароитлари, турли қабила, уруғ ва халқларга тегишли кишиларнинг ҳаракат йўналишларини аниқлашга кўмаклашади, – деб ёзади профессор Б.Ўринбоев. Шу қизиқиши сабабли бир неча мақолалар ва луғатлар нашр этган: «Жиззах вилояти топонимлари» (1992), «Бадий матнларда жой номлари ва уларнинг типологик таҳлили» (1996), «Самарқанд вилоят топонимларининг изоҳи» (1997), «Номлардаги қирқ қандай сўз» (1998), «Топонимлар изоҳи орқали ўқувчилар ижодий тафаккурини ўстириш» (2001), «Жой номларининг Бобурога талқини» (2002), «Асрлардек барҳаёт номлар» (2003), «Мактаб топонимик луғати» (2004).

Олимнинг таъкидлашича, «Жой номлари тарих, этнография, география ва тилнинг қимматбаҳо ёдгорликлари бўлиб, жамият ва маданият тараққиётининг барча босқичлари ҳақида хилма-хил

маълумот беради ҳамда аجدодларнинг тарихий хотирасини сақлаш бўйича муҳим вазифани бажаради [Б.Ўринбоев. Жиззах топонимларининг таъбири.- Самарқанд, 2007]”. Шундай экан, олим Самарқанд, Жиззах вилоятларидаги “тилнинг қимматбаҳо ёдгорликлари” - топонимларда рўй берган ўзгаришларни ўрганиб, уларнинг таъбирини беришга ҳаракат қилган.

**6. Нутқ маданияти масалалари.** Унинг тасаввурида тил маданияти, нотиклик санъати тарихий ходиса, ҳар бир филолог бу билим сирларидан хабардор бўлмоғи керак. «Нотиклик санъати ҳақида», «Нотиклик ва нутқ» (1972), «Нутқ ва нотиклик санъати», «Ўзбек нутқининг баъзи бир масалалари» (1973), «Нутқ маданияти масаласи ва уни шакллантиришда мактабнинг роли» (1990), «Нотиклик маҳорати» (1984), «Ўзбек филологиясидан маърузалар» (1997), «Нутқда қайси маъқул: кокофемизмми, эвфемизмми?» (1995), «Нутқ маданияти кўникмасини шакллантириш омиллари» (2002), «Она тили таълими ва нутқ ўстириш омиллари» (2003) каби илмий мақола, монография ва қўлланмалари унинг бу соҳага қўшган улкан ҳиссасидир.

**7. Ўзбек диалектологияси масалалари.** Б.Ўринбоевнинг илмий изланишларида диалектология масалалари фактик материаллар асосида талқин этилган. Мазкур масаланинг таҳлили олимнинг қуйидаги илмий изланишларида ўз ифодасини топган: «Диалектология тўғараги» (1962), «Диалектологияга оид тадқиқот» (1973), «Сўзлашув нутқи ва территориал диалектларнинг ўзига хос хусусиятлари» (1980), «Ўзбек тили турк-калтатой шевасининг грамматик хусусиятлари» (1985), «Ўзбек сўзлашув нутқида ўзгармайдиган сўзлар ва уларнинг халқ шевалари билан боғлаб ўрганишдан тажрибалар» (1991).

**8. Адабиётшунослик масалалари.** Профессор Б.Ўринбоевнинг тилшуносликдаги илмий тадқиқотлари адабиёт билан бевосита боғланган. У ҳаётни ҳам илмни ҳам адабиётсиз тасаввур эта олмайди. У тил каби адабиётни ҳам инсон маънавий оламининг «гуҳари шарифи» (А.Навоий) деб билади. Шунинг учун киши фақат ўзбек адабиётини эмас, балки чет эл адабиётини ўрганиш ва уларнинг таниқли вакиллари тарғиб қилиш борасида ҳам баракали меҳнат қилди. Ушбу йўналишда у кишининг қуйидаги ижод маҳсуллари чоп этилган: «Рус халқининг буюк маърифатпарвари» (1966), «Халқ шоири» (1972), «Бош қахрамоннинг ўзи ким?» (1973), «Талантли шоира» (1975),



«Олмос киррали истеъдод», «Ижод чўққилари сари», «Поэзия ва фан», «Адабиётимизнинг асосий ғояси» (1975), «Буюк қалб соҳиби», «Шоирнинг буюклиги» (1976), «Нафосат куйчиси», «Инқилобни куйлаб», «Оловли сатрлар», «Инқилобдан нур олган ижод» (1978), «Қардошлик куйчиси», «Эрк деганнинг тилагида яшайман» (1979), «Ҳаётбахш сатрлар», «Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан» (1979), «Характер, экран, тасвир», «Теран туйғулар», «Реалист ёзувчи» (1981), «Ўқитувчи – асарларимиз қахрамонлари» (1982), «Серқирра қалам соҳиби», «Шоир болалиги ҳақида қисса» (1983), «Бурчга садоқат» (1984), «Яхши шоир, яхши журналист», «Чекист қиссаси» (1984), «Халқ ҳаётининг туйғун куйчиси» (1987), «Нурмон шоир ва унинг «Намоз» асари» (1988), «А.Твардовский ижоди» (1991), «Шароф Рашидов» (1992), «Аҳли донишлар сардори» (1997), «Шайх Худойдоди Вали адабий мероси» (2001), «Жадид адабиёти тараққиётида Хожи Муиннинг ўрни» (2002).

Хуллас, проф. Б.Ўринбоевнинг асарлари рўйхатига кўз ташласак улар ичида бадиий асар тили, услубшунослик, нутқ маданияти, лотин алифбоси асосидаги ёзув тарғиботи, фразеология муаммоларига бағишланган ишлар ҳам мавжуд. Бугун проф.Б.Ўринбоев орамизда йўқ, аммо у ҳеч қачон биздан узоқлашмайди, у ҳар доим биз билан бирга, бизнинг ишларимизда, қалбимиздадир. Унинг энг гўзал ва муҳим суврати асарларидир. Ана шу асарлар орқали тилшунослик илмининг ютуғида Б.Ўринбоевнинг ҳиссаси борлигини сезамиз.

## **Б. ЎРИНБОЕВ ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАДҚИҚОТЧИСИ**

*проф. Б. Йўлдошев,  
М. Исроилова  
СамДУ*

Маълумки, ўзбек тили кўчма маънода қўлланувчи турғун бирикмалар – иборалар ёки фразеологизмларга ғоят бой тиллардан биридир. Даврлар ўтиши билан *бўйнига қўймоқ, гапига кирмоқ, ваҳимага тушмоқ, гап қотмоқ, доғда қолмоқ, думи хуржунда, етти номусини ерга букмоқ, ер тагида илон қимирлаганини билмоқ, жонига оро кирмоқ, куракда турмайдиган, кўз олдига келтирмоқ, кўнгли кенг, кўнглини бўлмаслик, терисига сигмай кетмоқ, чучварани хом санамоқ*

каби фразеологизмлар ўзгариб, ривожланиб боради, улар таркибига “*номери ўтмайди*”, “*мустақиллик шамоли эсмоқ*”, “*тарих гилдирагига осилмоқ*”, “*бир винти кам*” сингари янгилари келиб қўшилади. Бундай ибораларни оғзаки ва ёзма нутқ таркибида қўллаш нутқнинг таъсирчанлигини, образлилигини оширишга катта ёрдам беради. Шунга мувофиқ тилшуносликда фразеологизмларнинг лексик-семантик, структурал-типологик, грамматик ва услубий хусусиятларини ўрганишга, фразеологияга доир луғатлар, дарслик ва қўлланмалар яратишга кейинги йилларда алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Проф.Б.Ўринбоев (1936-2014) ҳам ўз илмий ишлари билан бу соҳанинг ривожига салмоқли улуш қўшган олимларимиздан бири эди.

Масалан, Б.Ўринбоев “Сўзлашув нутқи ва эвфемизм” номли мақоласида эвфемизмларни тузилишига кўра бир сўзли, эркин сўз бирикмали ва фразеологик эвфемизмларга ажратган ҳамда “*бошини иккита қилмоқ*”, “*балозатга етмоқ*”, “*бўйга етмоқ*”, “*қўли эгри*”, “*огиз солмоқ*”, “*ўзини олдириб қўймоқ*”, “*паттасини қўлига тутқазмоқ*” каби ибораларни фразеологик эвфемизмлар таркибига киритган эди. Умуман, ўзбек тилшунослигида сўзлашув нутқи фразеологизмларининг кенг миқёсда тадқиқ этилиши Б.Ўринбоевнинг илмий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бу жиҳатдан олимнинг “Ўзбек сўзлашув нутқи” номли монографияси алоҳида эътиборга молик.

Бу монографияда олим ўзбек сўзлашув нутқининг лексикаси ҳақида сўз юритар экан, “Сўзлашув нутқиға хос иборалар” сарлавҳаси остида фразеологизмлар таҳлилиға ҳам эътиборни қаратганди. Бу ишда сўзлашув нутқиға хос иборалар таркибидаги сўзлар грамматик шаклларини сақлаган ҳолда ибора таркибида ўз лексик маъносини йўқотиши, ибора таркибидаги сўзлар ўз маъноларидан бошқа бутунлай ўзгача маънони касб этиши (“*боши айланди*”, “*тепса-тебранмас*” кабилар), кўпчилик ибораларнинг асосий қисми феъл билан ифодаланиши, бундай иборалар таъсирчанлиги, компонентларининг ўзаро зич боғлиқлиги, ҳамма учун тушунарлилиги каби масалалар асосли таҳлил этилган эди.

Мазкур монографияда сўзлашув нутқиға хос ибораларнинг айримлари маъно жиҳатдан бир сўзға эквивалент бўлиши тўғри

кўрсатиб берилган: “*бел боғламоқ*” - отланмоқ, “*оёғи осмондан келмоқ*” - йиқилмоқ, “*димоғи шишмоқ*” - кибрланмоқ кабилар.

Шу билан бирга тадқиқотда сўзлашув нутқида хос айрим иборалар таркибида ҳозирги тил нуқтаи назаридан эскирган сўз-компонентлар бўлиши (“*алмисоқдан қолган*”, “*анқонинг тухуми*”, “*тупконинг тубида*” кабилар), бундай ибораларнинг компонент таркибини ўзгартириш кўпинча мумкин эмаслиги (“*кўнгли сув ичмайди*”, “*бир оғиз*” кабилар), бундай ибораларнинг кўп маънолик хусусияти яхши ёритиб берилганлиги билан ўзбек фразеологияси тарихида муҳим ўрин тутади.

Б.Ўринбоев олимлар билан ҳамкорликда яратган “Бадийий текстнинг лингвистик таҳлили” номли асарида Юсуф хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин каби сўз санъаткорларининг асарларида қўлланилган фразеологизмлар таҳлиliga ҳам эътиборни қаратганди. Жумладан, бу китобда Ойбекнинг “Қуёш қораймас” романидан олинган “Бектемир ва Зина” матни таҳлил қилинар экан, бу матндаги *адабий уйқу, баданига дармон югурмоқ, жон асари йўқ, кўзи тушмоқ, тупроқ тортмоқ, юракдан билгирлик кўтарилмоқ, юраги хун бўлмоқ, юраги шувилламоқ, ўт очмоқ, қовоқ солмоқ, қораси ўчгунча, қорни таталамоқ, қўлга тушмоқ* сингари фраземаларнинг маъноси, қўлланиш хусусиятлари ҳақида асосли фикр-мулоҳазалар билдирилганди. Худди ана шундай мулоҳазаларга таяниб келгусида ҳозирги ўзбек адабиётининг Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик, Баҳодир Худойберганов сингари таниқли вакиллари томонидан яратилган детектив асарлардаги фраземаларнинг функционал-услубий хусусиятларини тадқиқ этиш мумкин.

Ўзбек фразеологияси муаммоларини тадқиқ этишда Б.Ўринбоевнинг “Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби” номли монографияси ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу асарнинг махсус боби “Сўзлашув услубининг фразеологик хусусиятлари”ни ёритишга бағишланган. Бу қисмда олим дастлаб фразеология фани, унинг ҳажми, вазифаси, фразеологик стилистика соҳасининг ўрганиш объекти сингари долзарб масалаларга доир ўз қарашларини баён этади. Асарда тўғри таъкидланишича, “фразеологизмларнинг услубий имкониятлари,

бадий образлиликни яратишдаги роли ва нутқ кўринишларига қараб вазифасининг ўзгаришини ўрганиш фразеологик стилистиканинг асосий мазмунини ташкил этади”. Шундан кейин монографияда фразеологизмларни нутқда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари бирма-бир ёритиб берилган. Жумладан, асарда фразеологизмлар грамматик қурилишининг турғунлиги билан характерланиши, уларда сўзларнинг грамматик шакли кўпинча ўзгармаслиги каби масалалар ишонарли далиллар асосида ёритиб берилган.

Монографиянинг кейинги қисмларида фразеологизмларнинг услубий бўёғи, фразеологик полисемия, фразеологик синонимия, фразеологик антонимия ва фразеологик омонимия ҳодисалари ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар юритилади. Шу ўринда тадқиқотда фразеологик синонимияга берилган қуйидаги таъриф ўзининг ҳаққонийлиги, аниқлиги билан эътиборга молик: “бирлаштирувчи маъноси бир хил бўлган, кўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланилиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган иборалар фразеологик синонимия дейилади”.

Тадқиқотда шоир ва ёзувчилар ижодида кўзга ташланадиган фразеологик новаторлик муаммолари ҳам олим эътиборидан четда қолмаган. Айниқса, асарда моҳир ёзувчи Абдулла Қаҳҳор томонидан яратилган “ўлчагани гази эскилик қилмоқ”, “осмон яқин, ер юмшоқ”, “эшакни яширсанг ҳанграб шарманда қилади”, “тилини тишлаб олган одам тишини сузуриб ташламайди”, “ерда туриб ойда чорвачилик қилмоқ” сингари бадий нутқ услубига хос индивидуал иборалар таҳлили жуда жонли ва ишонарли чиққан.

Проф. Б.Ўринбоев “Фразеологиянинг долзарб муаммолари” мавзусида Самарқандда ўтказилган республика илмий-назарий анжуманида “Ўзбек сўзлашув нутқида фразеологизмлар” деган қизиқарли мавзудаги маъруза билан иштирок этган эди (1998).

Б.Ўринбоев мамлакатимизда етук фразеолог кадрлар тайёрлаш ишида ҳам бевосита иштирок этиб келмоқда. Жумладан, С.Турсунов домланинг илмий раҳбарлигида “Алпомиш” достонининг лексик-фразеологик хусусиятлари” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Эътиборли томони шундаки, шогирднинг бевақт вафотидан

кейин устоз бу ишни қайта ишлаб, тўлдириб, рус тилида монография сифатида нашр этишга муваффақ бўлди.

К.Бозоробоев томонидан ҳимоя қилинган “Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари” мавзуидаги номзодлик диссертациясининг илмий раҳбари ҳам проф.Б.Ўринбоев эди. Мазкур тадқиқот икки бобдан иборат бўлиб, унинг дастлабки боби сўзлашув нутқи фразеологизмларининг пайдо бўлиш манбалари, қатламлари ва уларнинг хусусиятлари таҳлилига бағишланган. Ишнинг кейинги бобида эса сўзлашув нутқи фразеологизмларининг грамматик ва семантик таснифи ёритиб берилганди. Шунингдек, Б.Ўринбоев мазкур сатрлар муаллифларидан бирининг ўзбек фразеологиясига доир ҳимоя қилинган докторлик диссертациясига ҳам расмий ҳакамлардан бири бўлганди.

Шуниси муҳимки, проф.Б.Ўринбоев ўз ҳаёти давомида “Алпомиш” достонидаги фразеологизмлар таҳлили соҳасида қатор ишларни амалга оширган. Масалан, олим “Алпомиш” достонининг минг йиллиги муносабати билан бу асарда қўлланган фразеологизмларнинг бир қисмини тўплаб, уларни изоҳлаган ҳамда кичик луғат шаклида нашр эттирганди. Кейинчалик олимнинг “Алпомиш” достонидаги фразеологизмларни ўрганишга бағишланган ҳамкорликдаги мақоласи “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида эълон қилиниб, унда дoston айтувчи Фозил Йўлдошнинг умумтил фразеологизмлари модели асосида янги иборалар яратиш соҳасидаги маҳорати очиб берилган эди.

Умуман олганда, проф.Б.Ўринбоев ўзининг сермазмун ҳаёти давомида тилшуносликнинг бошқа соҳалари қатори ўзбек фразеологияси соҳасининг ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган серқирра олимларимиздан бири эди.

## **ТИЛШУНОСЛИКНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ Б.ЎРИНБОЕВ ТАЛҚИНИДА**

***Б.Йўлдошев***  
***СамДУ профессори,***  
***А. Ғаффоров***  
***СамДУ доценти***

Маълумки, талаба ёшларни тилшуносликнинг назарий муаммолари билан атрофлича таништиришда, уларга тилнинг

моҳияти ва системалик характери, тил ва тафаккур, тил ва нутқ, тилларнинг генеалогик ва типологик таснифи, тилнинг жамиятдаги ўрни, тил структураси ва системалик характери ҳақидаги методологик муаммоларни сингдиришда “Тилшуносликка кириш”, “Тилшунослик назарияси”, “Тилшунослик тарихи”, “Умумий тилшунослик”, “Лингвистик таълимотлар тарихи”, “Ўзбек тилшунослиги тарихи” сингари ўқув предметларининг аҳамияти беқиёсдир. Бу предметларнинг дастлабкиси “Тилшунослик назарияси” (“Тилшуносликка кириш”) деб номланиб, бу фан талаба ёшларни тилшунослик оламига олиб кириб, уларни тилшуносликка доир атамалар, тушунчалар билан таништиради, талабаларнинг лингвистик дунёқарашини шакллантиришга асос бўлади. Проф.Б.Ўринбоев (1936-2014) ана шу муҳим ўқув предметдан талабаларга юксак савияда дарс бериб келган эди. Олим ўз фаолияти давомида ана шу предмет бўйича дастур, қўлланма, услубий тавсиялар яратишга, шу билан олий ўқув юртларида бу предметни ўқитиш савиясини яхшилаш ишига алоҳида эътибор бериб келганди. Ана шундай ишлардан бири 1986 йилда нашр этилган эди. Бу ишда “Тилшуносликка кириш” курсининг ҳар бир мавзусини чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдамлашиш мақсадида улар кичик-кичик мавзучаларга ажратилган, ҳар бир мавзуча юзасидан саволлар тузилган ҳамда ўша саволларни ўзлаштириш савиясини текшириш учун хизмат қилувчи амалий топшириқлар берилган. Жумладан, китобда “Ёзув ва унинг аҳамияти” мавзуси бўйича фикр юритилар экан, “*график ёзув*”, “*пиктография*”, “*идеография*”, “*фонография*”, “*ҳарф*”, “*алфавит*”, “*транскрипция*”, “*транслитерация*”, “*орфография*”, “*морфема*” каби мавзучаларни ўзлаштириш билан боғлиқ саволлар қўйилади, шу муҳим мавзунини амалий жиҳатдан ўзлаштириш билан алоқадор зарур топшириқлар берилади.

Б.Ўринбоев “Тилшуносликка кириш” предмети бўйича тайёрлаган бу ўқув-услубий ишини янада такомиллаштириб, “Тилшуносликка кириш” курсидан методик тавсиялар” номи билан 1988 йилда нашр эттирган эди. Бу иш “Сўз боши” билан бошланади, унда муаллиф “Тилшуносликка кириш” курси, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида фикр юритади. Шуниси муҳимки, мазкур иш талабалар учун “Тилшуносликка кириш” курси бўйича тайёрланган услубий тавсиялар ва қисқача конспектив курс

саналади. Бунда тилшунослик фанининг асосий муаммолари “Тилшуносликка кириш” курси дастури асосида қисқа ва ихчам шаклда баён қилинган. Буларнинг барчаси 1-курс бакалавр талабаларнинг тил ҳақидаги фанга доир асосий тушунчаларни эгаллашларида, илмий-лингвистик жиҳатдан фикрлаш қобилиятларини ўстиришда, бу масалалар бўйича нашр қилинган адабиётлардан фойдалана олишларида асос бўлади.

Асарнинг муҳим жиҳати шундаки, тилшуносликка доир мавжуд илмий адабиётларда лексема, семема, фонема, аллофон, синтагма, фразема, морфема, гапнинг актуал бўлиши, синекдоха, метонимия, функционал кўчиш, морфологик қайта бўлиши, афикс, суффикс, фузия, флексия, инкорпорация, суплетивизм сингари бир қанча тил ҳодисаларининг, атамаларининг ёритилишида ҳозирча бир хилликка эришилмагани инобатга олиниб, бундай мунозарали масалаларни ёритишда умумназарий тилшунослик, ўзбек ва рус тилшунослигининг сўнги, илғор ютуқларига таяниб иш кўрилган.

Б.Ўринбоев ХХ асрнинг 90-йилларидан бошлаб “Тилшунослик тарихи” курсига доир қўлланмалар, дастурлар яратишдек олийжаноб ишга ҳам қўл уриб келмоқда. Тўғри, олимнинг тилшунослик тарихига оид илмий мақолалари, фикр-мулоҳазалари устози “Ўзбек адабий тили тарихи очерклари” (1969), “Ўзбек адабий тили тарихи” (1982), “Туркий филологияга кириш” (1989, 2003) сингари асарларда у ёки бу тарзда баён қилинган эди. Жумладан, Б.Ўринбоевнинг Алишер Навоийнинг тилшунос олим сифатидаги фаолиятини ёритишга бағишланган илмий ишлари 60-70-йиллардан буён мутахассисларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Мисол учун Б.Ўринбоев Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асари ҳақида фикр юритар экан, бу асарда Навоийнинг тилшунос олим сифатидаги фаолиятини таҳлил этиб ёзади: “Муҳокаматул луғатайн”да эски ўзбек тили билан форс-тожик тили бир-бирига чоғиштирилади. Бу билан Алишер Навоий ноқардош тилларни қиёсий ўрганиш усулини бошлаб берди. У ўзбек тилини форс-тожик билан чоғиштирар экан, ўзбек тилининг ҳам бой имкониятлари мавжудлигини кўрсатади”.

Б.Ўринбоевнинг “Бобур – тилшунос олим” номли рисоласи нашр этилгунга қадар республикада Бобурнинг тилшунослик

соҳасидаги улкан меросини тадқиқ этишга бағишланган бирор бир махсус иш эълон қилинмаган эди. Б.Ўринбоевнинг асари эса Бобурнинг тилшуносликка доир қарашларини яхлит умумлаштириш соҳасидаги дастлабки тажриба сифатида қимматлидир. Асарда Бобурнинг киши номлари, жой номлари, жуғрофий атамалар, ўсимликлар ва гуллар номлари, ҳайвонот олами, масофа бирликлари номи, этнографик атамалар талқини соҳасидаги хизматлари, ёзув системасини такомиллаштириш соҳасидаги ҳаракати асосли тадқиқ этилган. Жумладан, Б.Ўринбоевнинг рисоласида таъкидланишича, “Бобурнома”да 1539 та шахснинг номи тилга олинади. Улар шоҳлар, ҳокимлар, амир-у амалдорлар, аскар бошлиқлари, дин ва шариат намоеਂдалари, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари, деҳқонлар, ҳунармандлар, қуллар ва бошқа ижтимоий гуруҳдаги кишилардир. “Бобурнома”да, айниқса, жой номлари (топонимлар)ни изоҳлашга кенг ўрин берилганлиги рисолада яхши ёритиб берилган. Масалан, рисолада “Мотрид” топоними қуйидагича изоҳланган: “Мотрид – Самарқанд яқинидаги қишлоқ. Бобур Мотридни Самарқанд шаҳрининг маҳалласи деб атаган. Кўпчилик Мотридни Амир Темур Испания пойтахти Мадридга нисбат бериб шундай атаган, дейдилар. Ҳақиқатан, Мотрид қадимий қишлоқ сифатида тарихчи Самъаний (XII аср), араб сайёҳи Ёқут Ҳамавий (XIII аср) асарларида ҳам учрайди”.

Шунингдек, рисолада Бобурнинг кожу (қарағай), қайла (банан) каби ўсимлик номлари, канир, кинора, жосун каби гул номлари, хотий (фил), олақарға, сор (қизил калхат) каби ҳайвон номлари, йиғоч, қурух, аршин, арғамчи каби масофа бирликлари номи, туғ кўтариш каби этнографик атамалар изоҳи ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалари таҳлил этилган. Рисолада Бобурнинг араб ёзувини ислоҳ қилиш, “Хатти Бобурий” алифбесини яратиш соҳасидаги хизматлари ҳам кўрсатиб берилган эди.

Проф.Б.Ўринбоевнинг “Тилшунослик тарихи” деб номланувчи асари талаба ёшларни қадимги тилшунослик мактаблари, Ўрта Осиёда тилшуносликнинг тараққиёти, XIX асргача бўлган Ғарбий Европа ва Россияда тилшунослик назариялари, қиёсий-тарихий тилшунослик (компаративистика)нинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳамда тилшуносликдаги натурализм, социологизм, психологизм,



структурализм, этнолингвистика, дескрептив лингвистика, глоссематика каби оқимлари билан қисқача таништиради. Бу асарнинг яратилиши билан қадимий ва бой тилшунослик фани тарихи ютуқлари ҳақида талабалар яхлит тасаввурга эга бўлдилар.

Б.Ўринбоевнинг кейинги йилларда яратилган қатор ишлари нашр этилдики, улар ҳам бевосита тилшуносликнинг умумназарий муаммоларига бағишланганлиги, олий ўқув юртларида ўқув жараёнини яхшилашга қаратилганлиги билан алоҳида эътиборга моликдир.

Умуман, проф.Б.Ўринбоев ўзининг сермазмун ҳаёти давомида умумназарий тилшунослик масалаларини тадқиқ этиш, тилшунослик фани тарихи ютуқларини талабалар орасида кенг тарғиб этиш соҳасида ҳам самарали фаолият кўрсатиб келган эди. Олимнинг бу соҳадаги илмий-назарий қарашлари келгусида махсус илмий кузатишлар учун асос бўлади, деб ишонч билан айта оламиз.

## **ПРОФЕССОР Б.ЎРИНБОВЕВ ВА ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**

*М.Мамаюсупов, С.Мамаюсупова  
Жиззах ДПИ*

Таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Б.Ўринбоевнинг ўзбек тилшунослиги фанига оид тадқиқотлари илмий грамматикамизни бойитибгина қолмасдан, умумтаълим мактабларидаги она тили машғулотларида ўқувчилар нутқни ривожлантиришда назарий-услубий қўлланма сифатида ҳам қимматлидир.

Олим ўзбек тилшунослигининг назарий масалаларидан ташқари она тили таълими методикасига доир ҳам бир қатор ишлар ёзган. Жумладан, “Мактабда она тили етакчи предмет” (1971), “Она тили дарси ва меҳнатсеварлик” (1971), “Ёшларни гўзаллик асосида тарбиялайлик” (1978), “Нутқ маданияти ва уни шакллантиришда мактабнинг роли” (1980), “Она тили ва таълими жараёнида ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш масалалари” (2001), “Она тили ва адабиётдан синф ва мактабдан ташқари ишлар” (2002), “Она тили таълими ва нутқ ўстириш омиллари” (2003), “Тил-миллий истиқлол ғоясини

сингдиришнинг асосий омили” (2003), “Муқаддас она тилимизни эъзозлайлик” (2004) каби рисола, қўлланмалар яратган.

Олимнинг “Асрга тенгдош мактаб” номли тарихий-педагогик очеркида она тили ўқитишнинг тарихига доир фикрлар ёритилган [1].

Профессор Б.Ўринбоев, проф. Р.Қўнғуров ва доцент Ж.Лапасовлар ҳамкорликда ўрта мактаб дарслиklarига киритилган матнларнинг лингвистик таҳлилини берганлар [2]. Мазкур таълимнинг пировард натижаси она тили ўқитиш орқали ўқувчилар ижодий тафаккурини ўстиришдир. Олим ушбу долзарб масалага бағишлаб ўқитувчилар учун услубий қўлланма ёзди [3].

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви она тилининг ижтимоий ҳаётидаги ролини кучайтириб юборди. Республика миқёсида жой номлари ўзгартирилди. Ҳатто “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури”да ҳам бу ўзгаришлар аксини топди. Шунини ҳисобга олиб, проф.Б.Ўринбоев ва О.Холиқовлар “Мактаб топонимик луғати”ни яратдилар [4]. Ушбу луғатда V-IX синфлар она тили дарслиklarида учровчи жой номларининг изоҳи берилган.

Ўқитувчилар саводхонлигини ошириш лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси ва имлосини пухта ўзлаштиришга боғлиқ. У ўқувчилар нутқини ўстиришга ҳам туртки бўлади. Ана шу долзарб масалаларни ҳисобга олиб у ўқитувчилар малакасини оширишга кўмаги тегадиган маърузалар матнини нашр этди [5]. Унда нутқ ўстиришга қўйилган талаблар, нутқ ўстириш режаси, ўқувчилар нутқини ўстиришда сўз бойлигини ошириш, луғат билан ишлаш, гап, матн устида ишлаш, матн яратиш, иншо ёзиш, иш қоғозлари ёзишга ўргатиш жараёнлари ҳақида фикр юритилади.

Ўқувчилар нутқининг ривожланиш жараёни ўз вақтида тўғри кечиши учун махсус шароитлар: болани руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом тарбиялаш; унинг эшитиш ва кўриш қобилиятини ривожлантириш; етарли даражада ақлий қобилиятини фаоллаштириш; нутқ органларини ривожлантиришга оид гимнастик машқлар ўтказиш; нутқда кун сайин янги сўзлардан фойдаланиб луғат таркибини бойитиш; кузатиш, суҳбат, баҳс-мунозара ва муҳокама, техник воситаларидан кенг фойдаланиш; тўғри нутқ муҳитини яратиш зарурдир.

Хуллас, ўқувчи нутқнинг оғзаки хусусиятларига эътибор бериш - уларнинг нутқ маданияти ва тафаккурининг ривожланишига, комил инсон фазилатларини руёбга чиқаришга хизмат қилади.

### **Адабиётлар:**

1. Ўринбоев Б., Рашидов А., Ҳайдаров Ҳ. Асрга тенгдош мактаб. Тарихий-педагогик очерк. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 87 б.
2. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 216 б.
3. Ўринбоев Б. Она тили таълими жараёнида ўқувчилар ижобий тафаккурини шакллантириш масалалари (Ўқитувчилар билан услубий кўлланма). – Тошкент, 2001. 40 б.
4. Ўринбоев Б., Холиқов О. Мактаб топонимик луғати. – Самарқанд, 2000. 91 б.
5. Ўринбоев Б. Ўзбек тилининг янги имло қоидалари ва ўқувчилар нутқини ўстиришнинг долзарб муаммолари. (Маърузалар матни). – Самарқанд, 2004. 66 б.

## **АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗ ЖОНКУЯРИ**

*О.Жўраев*

*Жиззах ДПИ*

Профессор Б.Ўринбоевнинг адабиётшунослик соҳасидаги ишлари илмий фаолиятининг бир қисмини ташкил этади. Олимнинг 100 га яқин адабий-танқидий мавқолалари, тақризлари, буклетлари адабиётшунослигимизга ката ҳисса бўлиб қўшилган. Унинг адабиёт илми соҳасидаги қизиқиш доираси ғоят кенгдир. Буни муаллифнинг ўзбек, форс-тожик ва чет эл адабиёти ҳақидаги ишларидан ҳам кўриш мумкин.

Олим яратган мақолалар орасида халқ оғзаки ижоди дурдоналари, халқ бахшилари ижодини ўрганишга бағишланганлари анчагинадир: “Ўзбек халқ поэти ижоди”, “Нурмон Шоир ва унинг “Намоз” асари”, “Халқ шоири”, “Халқ ҳаётининг туйғун куйчиси”, “Халқ мадҳиясини куйлаган шоир” каби мақолалар шулар жумласига киритиш мумкин.

Профессор Б.Ўринбоев ўзбек адабиётининг кўзга кўринган ижодкорларидан Ҳ.Олимжон, Уйғун, Зулфия, С.Айний, О.Икромов, К.Имомов, Ш.рашидовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида “Бадиий сўз устаси”, “Олмос қиррали истеъдод”, “Буюк қалб

сохиби”, “Шоирнинг буюклиги”, “Адабиётимиз жонкуяри”, “Умр мазмуни”, “Сатрлар қатида умр мазмуни”, “Нафосат куйчиси”, “Инқилобни куйлаб”, “Оловли сатрлар”, “Эрк деганнинг тилагида яшайсан”, “Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан”, “Саодат инсоннинг ўз хунаридир”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Теран туйғулар куйчиси”, “Шароф Рашидов” каби мақолалар ва буклетлар яратди. Уларда ижодкорлар ҳаёти ва ижодининг адабиётшунослик назаридан четда қолаётган айрим қирраларини ёритиб беради.

Б.Ўринбоев адабий ҳаракатнинг фаол иштирокчиси сифатида адабий янгиликларни ўз вақтида пайқар, янги-янги изланишларни қўллаб-қувватлар эди. Унинг О.Ёкубов, О.Икромов, С.Шермухаммедов, С.Мирзаев, Х.Тўхтабоев, Н.Нарзуллаев, А.Рашидов, А.Мухаммадқулов, М.Норматов каби ёзувчи ва танқидчилар, уларнинг асарлари ҳақидаги мақолалари фикримизнинг исботидир.

Бадиий адабиётни ва адабий тилни ўрганиш бир-бири билан узвий боғлиқ. Адабиётнинг биринчи элементи бўлган тилни таҳлил қилмасдан туриб, бадиий адабиётнинг ғоявий ва бадиий қийматини белгилаш қийин бўлади. Бадиий асар матнига хос лингвистик воситаларни таҳлил қилиш маълум бир асар мазмунини, унинг ғоявий моҳиятини, ёзувчининг ижодий маҳоратини ва ғоявий позициясини чуқур ўзлаштириш имконини беради. Ўқувчи ёки талабада ўз билимини амалда мустақил синаб кўриш кўникмаларини ҳосил қилади. Шу жиҳатдан қараганда проф. Б.Ўринбоев, Р.Қўнғуров, Ж.Лапасовлар томонидан тайёрланган “Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили” номли ўқув қўлланмаси ўрта мактабларда адабиёт дарсларининг ўқитилишига бирмунча қулайлик туғдиради.

Ўрта мактабларнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда келажак ёш ўқитувчилар учун мўлжалланган мазкур иш бирмунча оригинал характери да бўлиб, у кўпроқ амалий қийматга эгаллиги жиҳатдан муҳим ишлар сирасига киради. Қўлланмада ўрта мактабларнинг V-X синф адабиёт мажмуаларига киритилган Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билиг”, А.Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, Гулханийнинг “Маймун билан Нажжор”, “Туя билан Буталоқ”, Муқимийнинг “Танобчилар”, “Масковчи бой таърифида”, Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд”, “Гимназия”, “Суворов ҳақида”, Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг

“Ишчилар, уйғон”, “Яша шўро”, “Салом айтинг”, Ҳ.Олимжоннинг “Бахтлар водийси”, “Ўзбекистон”, Ғафур Ғуломнинг “Турксиб йўлларида”, “Сен етим эмассан”, Уйғуннинг “Ватан ҳақида кўшиқ”, Зулфиянинг “Юртимни куйлаймиз” каби поэтик асарлари; А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён”, С.Айнийнинг “Қуллар”, Ойбекнинг “Қуёш қораймас” романи, Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повестидан парчалар, Максуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган.

Маълумки, ўрта мактаб ўқитувчилари ва ҳатто олий ўқув юрти талабалари маълум бир бадиий асарни ўқир экан, ундаги қатор маъноси қийин сўзларга дуч келиши табиий. Бундай ҳолатда улар асар мазмунини тўлиқ тушуниш имконига эга бўлмайдилар. Ўқувчи ва талабалар мазкур қўлланма асосида маъноси қийин сўзларни асл ва кўчма маънолари, шу сўзнинг қайси тил элементи эканлиги билан яқиндан танишадилар ва натижада уларнинг сўз бойлиги кўпайиб, оғзаки ва ёзма маҳоратлари оша боради. Ўқитувчи таҳлил қилинаётган асарнинг грамматик хусусиятлари билан танишгани ҳолда она тили дарслари учун тайёр материал ва мисоллар танлаб олиш имконига эга бўладилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, “Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили” номли ўқув қўлланмасида бадиий асар тили ва услубига доир янги фикрлар айтилган. Бу хилдаги ишлар қанча кўпайса, ўрта мактабларда она тили ва адабиёт фанини ўқитиш шунчалик яхшилана боради, чунки унда филологик таҳлилнинг намуналари берилган.

Олим ўзининг адабиётшуносликка доир ишлари ва адабий-танқидий мақолаларини жамлаб “Саҳифалар қатида умр мазмуни” номли китобини нашрдан чиқарди. Бундан ташқари, О.Икромовнинг “Ўзбек романларида ижобий қаҳрамон”, О.Жўраевнинг “Ўзбек классик адабиётида фалсафий-дидактик дстончилик” каби монографиялари Б.Ўринбоев муҳаррирлигида нашр этилгандир.

Хуллас, устознинг адабиётшунослик мероси ҳақида дастлабки фикрларини яқунлар эканмиз, уларда Б.Ўринбоевнинг иқтидорини, таҳлил санъатини яққол кўрамиз. Бу нарса адабиёт, нафосатни тушуниш ва тарғиб этишда биз учун намуна вазифасини ўтайди.

## МАТН ЛИНГВИСТИКАСИ МУАММОЛАРИ ПРОФ. Б.ЎРИНБОЕВ ТАЛҚИНИДА

*Р.Сувонова*  
*СамДУ*

Профессор Б.Ўринбоев ўзининг ўзбек тилшунослигига оид кўпқиррали илмий-педагогик фаолиятида матн устида ишлаш ва уни ўқитишни такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин тутади. Чунки ҳар қандай тил ҳам нутқ жараёнидагина, яъни матнга тушгандан кейингина маълум ижтимоий аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун олим ўзининг асосий тадқиқотларини тилнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил этганда тил ва нутқ дихотомиясига алоҳида эътибор бериб келди. Тилнинг амалда бўлиш қонуниятларини тадқиқ этишда матннинг аҳамиятини бир лаҳза бўлса ҳам четда қолдирмади. Унинг қаламига мансуб турли характердаги нашрлар ўзбек тилшунослиги учун долзарб бўлган ушбу масаланинг айрим қирраларига аниқликлар киритишга, матн устида ишлашнинг методик жиҳатларини ишлаб чиқишга бағишланган [1,2,3,4,5,6,7,8,9,10].

Маълумки, турли характердаги матнлар орасида бадий матн тил материалининг камрови ҳамда улардаги маъно оттенкаларининг кенг доирада намоён бўлиши, бошқача айтганда, тилнинг функционал имкониятларини кенглиги билан ажралиб туради. Адабий матнлардан таълимнинг барча тизимларида тилнинг функционал-стилистик, бадий-эстетик салоҳияти кўрсата олувчи материал сифатида фойдаланиб келинади. Аммо ундан фойдаланиш ва тадқиқ этишдан маълум мақсадлар кўзда тутилади. Ўз мақсадларидан келиб чиқиб, матнни тилшунослар, матншунослар, мантиқшунослар, психологлар (психоллингвистлар), кибернетиклар, педагоглар, ҳатто ҳуқуқшунослар ўрганадилар. Ана шу турли мақсадлардан келиб чиқиб матнни ўрганиш методикасини ишлаб чиқишга ҳам зарурият пайдо бўлади. Б.Ўринбоевнинг Р.Қўнғуров ва Ж.Лапасовлар билан ҳамкорликда яратган “Бадий текстнинг

лингвистик таҳлили” асари худди ана шу мақсадларни кўзда тутиб ёзилган эди. Бу асар 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида талабаларга матн лингвистикасини ўргатишда асосий манба вазифасини бажариб келмоқда.

Бадиий матнни лингвистик таҳлил этиш бизни кўпроқ қизиқтиради. Бунда ҳам матн назариясидаги асосий қарашларга, таҳлил этишнинг умумий принципларига риоя этиш лозим бўлади. Айни пайтда тилшуносликнинг ўзигагина тегишли бўлган таҳлил методларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Тилни ягона тизим сифатида ўрганиш бадиий матнга мурожат қилиш тилнинг семасиологик, грамматик ва стилистик жиҳатларини яхлитликда олиб ўрганишни тақозо этади. Ана шундагина адабий матн таҳлили бир услуб доирасида бирмунча мукамал бўлади. Матнни яратиш қанчалик даража қийин бўлса, уни идрок этиш ҳам шу даражада мураккаб вазифадир.

“Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили” асарида кўрсатиб ўтилишича, тадқиқотчилар томонидан бадиий матнни идрок қилишнинг бир неча йўллари тавсия этилган. Биринчи йўналишда матннинг формал-грамматик ва маъно қурилишига эътибор бериш, иккинчи йўналишда матн қурилишининг формал ва концептуал хусусиятларини таҳлил қилиш, учинчи йўналишда матн ўзини идрок этиш тавсия этилади [1,7].

Ҳарқалай, матн нутқнинг оғзаки ёки ёзма кўриниши бўлиб, коммуникация жараёнида гап ва гаплар йиғиндиси мураккаб синтактик бутунлик шаклида намоён бўлади. Унинг таҳлилида мазмун ва шакл диалектикасини, лингвистик ва экстралингвистик омилларни ҳисобга олиш барча тадқиқотчилар учун умумийдир. Бадиий матннинг лингвистик, стилистик ва поэтик таҳлиллари ҳам муштаракликка эга. Чунки мақсадлар умумий бўлиб, бу умумийлик тилнинг лингвостилистик маъно оттенкаларини ҳамда ёзувчи ёки унинг муайян асари тили ва услубини ўрганишда намоён бўлади. Демак эндиликда матнни, хусусан бадиий матнни умумфилологик йўналишда ўрганиш методлари ишлаб чиқилиши ва таълим тизимининг барча бўғинларида, гарчи умумий йўналишда бўлса-да, тадқиқот ва таълим жараёнига жорий этилиши лозим бўлади.

Уларнинг маълум қисми эса Б.Ўринбоев ва ҳаммуаллифларнинг юқорида тилга олганимиз “Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили” асарида баён этилган. Жумладан

улар куйидагиларни айтишган: “Бадиий матнни таҳлил қилишнинг ўзига хос методологик принциплари мавжуд. Бунда мазмун ва шакл бирлиги, тарихийлик, умумийлик ва хусусийликнинг уйғунлиги, воқеликни эстетик ўзлаштириш шакли эканлиги, шарҳловчининг активлиги принципларини ҳисобга олиш керак” [1.14].

Б.Ўринбоевнинг матн назариясига оид қарашлари унинг “Матнни шакллантириш омиллари ва унинг турлари” [3], “Матн ва филологик таҳлил” [5], “Матншуносликнинг долзарб муаммолари” [6] ва бошқа асарларида давом эттирилган. Жумладан, “Тилнинг нутқий қўлланилишининг синтактик бирликлари” мақоласида асосий эътиборни нутқнинг марказий фигураси саналган гапга қаратган олим боғланишли нутқ таркибидаги грамматик гап матн билан боғлиқ бўлишлиги, сўзловчининг мураккаб ижодий фикр ифода қилишга бўлган эҳтиёжи икки ёки ундан ортиқ гапларни мазмун ва грамматик жиҳатдан боғлаб, йирик синтактик бирликлар ҳосил қилишини қайд этади [10,168].

Йирик грамматик тузилма жиҳатдан уюшган жумлалар матн саналишини, матнлар макро- ва микроматнларга бўлинишини, макро-матн тўлиқ асар, мақолалар шаклида, микро-матн эса абзац, мураккаб синтактик бутунлик, периодлар шаклида намоён бўлишлигини ҳам шу мақоласида кўрсатган ва уларнинг ҳар бирининг қамров доираси, бўлинишлари хусусида шарҳлар берган. Жумладан, мураккаб синтактик бутунликларнинг *статик мураккаб синтактик бутунлик, динамик мураккаб синтактик бутунлик, аралаш типли мураккаб синтактик бутунликлар* каби бўлинишлари мавжудлиги, абзац эса мураккаб синтактик бутунликдан стилистик-композицион бирлик сифатида фарқланиши, периоднинг интонацион тугаллик характериға эға эканлиги тўғрисида билдирилган мулоҳазалари матн таҳлилиға, аниқса бадиий матн бўлган қарашлар ва муносабат кўламнинг кенглигини тасаввур этишимизға ҳамда буни талабаларға ҳам босқичма-босқич ўргатишимизға кўмаклашади.

### Адабиётлар

1. Ўринбоев Б., Қўнгулов Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 216 б.



2. Ўринбоев Б. Бадиий матнда сўзлашув нутқи синтактик бирликларининг ишлатилиши // Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари. – Самарқанд, 1993, 34-36-бетлар.

3. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Матнни шакллантириш омиллари ва унинг турлари // Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари. – Самарқанд, 1993, 117-бет.

4. Ўринбоев Б. Бадиий матнда жой номлари ва уларнинг типологик таҳлили // Бадиий матнда ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари. - Самарқанд, 1996, 48-51-бетлар.

5. Ўринбоев Б. Матн ва филологик таҳлил. Лингвистическая интерпретация социального текста и активизация обучения иноязычному общению. - Самарқанд. 1998. с. 206-208.

6. Ўринбоев Б. Матншуносликнинг долзарб муаммолари. Матн ва унинг лисоний таҳлиliga оид тадқиқотлар. - Самарқанд. 1999, 4-8-бетлар.

7. Ўринбоев Б. Бадиий матнда тасаввуф атамалари ва уларни тўғри шарҳлашга ўргатиш. Замонавий тилшунослик ва хорижий тилларга ўргатиш методлари. - Самарқанд. 1999, 322-329-бетлар.

8. Ўринбоев Б. Матн таҳлилида умумийлик ва хусусийликни ўргатиш. Матн ва унинг талқини. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. Самарқанд, 2000, 92-195-бетлар.

9. Ўринбоев Б., Каримов С. Матн прагматик талқинининг моҳир тадқиқотчиси // Тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари. Илмий амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2002, 118-121 -бетлар,

10. Ўринбоев Б. Тилнинг нутқий қўлланилишининг синтактик бирликлари // Нутқ лингвистикаси. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2006. 168-169-бетлар.

## ФИДОЙИ ДЎСТ

*Х. Жўраев*

*ЖДПИ профессори*

Бозорбой Ўринбоевни 1956 йилдан бери танийман. Ўша йили Самарқанд давлат педагогика институти Алишер Навоий номи Самарқанд давлат университетига бирлашган эди. Мени ўзбек филологияси 3-курсида ўқир эдим. Бозорбой Ўринбоев ҳам ўзбек

тили ва адабиёти факультетида ўқир экан. Биз бирлашдик ва бир факультетда ўқий бошладик. У ўз группасининг аълочи, жамоатчи талабаси экан мен талабалар касаба уюшмасининг раисиман. Шунда яқиндан танишиб қолдик. 1959 йил университетни тугатдик. Бозорбой Ўринбоевни Жомбой туманига ўқитувчи қилиб юрарди. Мен Тожикистондаги Ленинобод пединститутига юборди. 1962 йили Бозорбой Ўринбоев СамДУ аспирантурасига ўқишга кирди. Уни битказиб олиб, аспирантурага киришимга сабабчи бўлди. Ҳар иккимизни ҳам илмий раҳбаримиз профессор У.Турсунов бўлди. 1975 йил 25 майда Ашхабодда Туркманистонла номзодлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Бу даврда ҳар иккимиз ҳам А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтида ишлар эдик. Б.Ўринбоев ректор мен эса ўзбек тили ва адабиёти факультети декани эдим. Шундай қилиб 2006 йилгача бирга ишладик сўнг у киши СамДУга ишга кетди. Мен Жиззахда қолдим ва ўзбек тилшунослик кафедрасининг профессори бўлиб ҳозиргача ишлаб келмоқдаман. Бозорбой Ўринбоевнинг ижоди гуллаб яшнади бу тубандагидай:

Ўринбоев Бозор – (1936.3.6. Самарқанд вилояти Жомбой тумани). Филология фанлари доктори (1977), профессор (1979), Халқаро Antiquit World илмий академияси академиги (2003), 1950-1954 йиллар Самарқанд тожик педагогика билим юртида 1954-1959 йиллар Самарқанд Давлат университетида ўқиди. 1959-1961 йиллар Жомбой туманидаги 28-2-ўрта мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, илмий бўлим мудири, директор бўлиб ишлади. 1961-1964 йиллар СамДУ аспирантурасида ўқиди. 1964-1965 йиллар СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида катта лаборант ва ўқитувчи, 1965-1967 йиллар Қарши давлат педагогика институтида катта ўқитувчи, доцент бўлиб фаолият кўрсатди. 1967-1974 йиллар Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида декан (1967-1968), кафедра мудири (1967-1971), ўқув ва илмий ишлар проректори (1971-1972), ректор (1971-1974), 1974-1992 йиллар Жиззах давлат педагогика институти ректори бўлиб ишлади. 1987-1990 йиллар СамДУ профессори, 1992-1995 йиллар Самарқанд кооператив институтида, 1995-1997 йиллар Самарқанд чет тиллар институти кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1997 йилдан ҳозиргача Самарқанд давлат

университетида матиншунослик илмий тадқиқот маркази бошлиғи (1997-1999), илмий кутубхона бош директори (1999-2001), ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори лавозимларида фаолият кўрсатди.

1964 йили профессор У.Турсунов раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. Профессор Н.А.Баскаков илмий маслаҳатчилигида “Ўзбек сўзлашув синтаксиси масалалари” мавзусида 1976 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Фаолияти даврида проф.Б.Ўринбоев 234 та илмий ва илмий-услубий ишлар чоп этган, шундан, 8 монография, 4 дарслик, 32 ўқув кўлланма, 4 та луғат, 32 услубий тавсиялар, рисоалар, 12 дарстур, 118 илмий мақолалар ёзган. Бундан ташқари 376 та илмий-оммабоп мақолалари, тақризлари вақтли матбуотда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан энг яхши маърузалар матни танловида проф. Б.Ўринбоевнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” матни совринли ўринни эгаллади (“Маърифат” газетаси, 2002 йил, 5 октябрь).

Профессор Б.Ўринбоевнинг МДХ мамлакатларидаги Москва, Қозон, Баку, Олмати, Бишкек шаҳарлари, Ўзбекистон Республикаси илмий журналлари ва тўпламларида 14 та илмий мақолалари эълон қилинган.

Профессор Б.Ўринбоев 10 та фан номзоди (М.Мамаюсупов, М.Турсунпўлатов, С.Усмонов, Ҳ.Усмонов, С.Турсунов, А.Туропов, А.Мусаев, К.Бозорбоев, М.Бобоёров), битта фан доктори (У.Санакулов тайёрланган. Бундан ташқари 20 дан ортиқ фан номзодлари ва докторлари, ишига расмий оппонент бўлган Проф.Б.Ўринбоев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг (1998 йил 12 июнда 8-рақамли қарори билан) 1998 йилги 34/98-рақамли гранти берилган. “Ўзбек мумтоз адабиётидаги сўфизм атамаларининг лингвистик тадқиқи” мавзуси асосида тадқиқот ишлари бажарилди 1998-2000 йиллар давомида 821 минг сўмлик иш бажарилган. Ушбу мавзу асосида бир луғат, икки рисола ва ўн олтига илмий мақола эълон қилинган. Илмий мавзу натижалари ўрта мактаб ўқув жараёнига татбиқ этилди (Далолатнома, 2000 йил 18 март).

Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган дастур ва ўқув режалари талабларига жавоб берадиган “Ҳозирги ўзбек адабий тили синтаксиси”, “Ўзбек адабий тили тарихи” дарсликлари, “Нотиқлик маҳорати”, “Туркий филологияга кириш”, “Бадиий матннинг лингвистик таҳлили”, “Ўзбек тили ва адабиётидан маърузалар”, “Тилшунослик тарихи”, “Ўзбек лотин алифбосини ўрганамиз”, “Ўзбек тилшунослиги тарихи”, “Қадимги туркий битиклар”, “Ўзбек тилининг структурал грамматикаси”, “Ҳозирги ўзбек тилида синтактик муносабатлар” ўқув қўлланмалари яратилган.

Профессор Б.Ўринбоев Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси Самарқанд бўлими президиуми, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти қошидаги мувофиқлаштирув кенгаши, Республика ўқув-услугий маркази она тили ва эски ўзбек ёзуви бўйича илмий кенгаши, Ўзбек тили доимий анжумани хайъати, Самарқанд вилоят ўзбек тили хайъати, “Зиёкор” ойнамасининг, СамДУ “Илмий тадқиқотлар ахборотномаси” таҳрири хайъати, “Ўзбек миллий энциклопедияси” тилшунослик хайъатининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда эди.

## **ЗИЁГА БАХШИДА УМР**

*М.Турсунова*

*ТАТУ Самарқанд филиали доценти*

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, улар билан учрашишдан, суҳбатлашишдан зерикмайсан, киши. Кейинроқ сезасан: улардаги яхши фазилатлар гўё сенга ҳам юқиб қолгандек бўлади. Ҳаётга, атрофга бошқача қараётганингни, ўзингини донороқ, маънан бойроқ ҳис этасан.

Таниқли олим, дилкаш инсон, меҳрибон устоз Бозорбой Ўринбоев билан ҳар галги учрашувдан сўнг мен ана шундай ҳолатни бошдан кечирар эдим. Устоз билан илк учрашувимни яхши хотирлайман. Бу учрашув олис болалик, ўқувчилик йилларимда содир бўлган эди. Тахминан, 1959-60 йиллар бўлса керак, биз Жомбой туманидаги 28-мактабнинг 5 синфида ўқир эдик. Янги ўқув йили бошларида у кишининг турмуш ўртоғи Бодом ая Ўринбоева она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бера бошладилар. Ўқув йилининг ўрталарида фарзандли бўлдиларда, уларнинг ўрнига Бозорбой Ўринбоев дарс бера бошладилар. Эсимда, баланд бўйли, хушсурат, айна пайтда ўта салобатли

Ўқитувчимиздан жуда ҳайиқардик. Орадан йиллар ўтди. Болалик ортда қолди. 1970 йилда ТошДУнинг (ҳозирги Миллий университет) сўнгги босқич талабаси эдим. Қандайдир юмуш билан Самарқанд педагогика институтига бориб қолдим. Институт ҳовлисида устозни учратиб, болаликдаги шууримга сингиб қолган устоздаги салобатдан ҳайиқиш, дабдурустдан ўзимни таништириш имконини бермади. Бир пайтда кутилмаганда: - Ҳа, яхшимисан? Уйингдагилар омонми? – деб сўраб қолдилар. Мен шошганимдан нима деяримни билмай қолдим. Наҳотки 10-12-йил илгари бир неча бор ўқитган ўқувчисини устоз таниган бўлсалар.... Ҳа, устоз мени танидилар ва кулиб, “Ўтирардинг биринчи партада, қоп-қорагина қизча бўлиб”, - дедилар.

Мен университетни тугатаётганимни, у кишидек филолог бўлаётганимни айтдим. Жуда хурсанд бўлдилар. Сухбатга ўша пайтларда институт ректори раҳматли Ориф Икромов ҳам қўшилдилар. У киши ТошДУдаги устозларимни сўрадилар. Шундан сўнг устоз Б.Ўринбоевга қараб: - Шу ўқувчингизни институтимизга ишга таклиф қилсакчи, нима дейсиз, ҳарқалай энг нуфузли олийгоҳни тугатаётган экан, - дедилар. Устоз жуда хурсанд бўлдилар ва маъқулладилар. Устозим туфайли мен ўз меҳнат фаолиятимни Самарқанд педагогика институтида бошладим. Бир неча йил устоз билан биргаликда ишладик. Устоз иш жараёнида раҳбар сифатида жуда жиддий, ниҳоятда талабчан, айни пайтда салобатли эдилар. Давраларда эса, ўзга қиёфага кириб, бениҳоя очилиб, дилтортар сухбатлари билан давранинг гулига айланар эдилар. У кишидаги гўзал нутқ, сўзамолиги ҳар қандай сухбатдошини ром этар эди. Шу боис, устоз нотиклик санъати билан ҳам шуғулланиб, ўз тажрибасини оммалаштириб, илмий мақола, қўлланмалар яратди. Устоз раҳбар сифатида қаерда ишламасин, ўзининг ҳайрли ишлари билан, шогирдлари билан яхши ном қолдирди. Шунингдек, олим сифатида умри давомида бутун фикрини, хаёли-ўйини тилшунослик – сўз оламининг сеҳрини англашга, ўқитувчилик касбига бахшида этди. Устоз ҳар бир талабага ўқитувчилик шарафли, муқаддас касб эканлигини уқдиришга ҳаракат қилар эдилар.

Устоз яхши педагог, олим бўлиши билан бирга моҳир рухшунос ҳам эдилар. Баъзан ўз сухбатдошларининг сўзига жим кулоқ солиб, унинг юз-кўзларида намоён бўлган туйғуларини

кузата туриб, шунга муносиб жавоб қайтарар эдилар. Устознинг босиб ўтган ҳаёт йўли тилшунослик илми, маорифимиз тарихи билан билан узвий боғлиқдир. Айниқса, ёш олимларни етиштириш борасида устознинг сезиларли изи қолган. У ўз шогирдларига шижоатли бўлишни, дадилликни иродалилиқни ўқтириб борди. Баъзан ўйлаб қоламан, инсон атрофидаги устозларининг омонат эканлигини улар ҳаёт пайтида тасаввур ҳам қилмайдилар. Улар ҳамиша барҳаёт маслаҳатгўй сифатида ёнимизда юрадилар, деб ўйлайдилар. Агар бу ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини ҳис қилганда, сен учун азиз бўлган инсоннинг қалбидаги орзу-ўйларини билиб олишга қимматли ўғитларини ёзиб олишга ҳаракат қилган бўларди.

Устоз ўзига хос қомусий илм соҳиби эди. Улардаги илмий заҳира бўлажак ёш олимлар учун беқиёс хазина эди. Буни биз шогирдлар, ҳаётда учраган муаммоларни еча олмай, қоқилганимизда, устоз кўмагига муҳтож бўлганимизда ҳис қиламиз. Беихтиёр унитилмас хотиралар қатидан устознинг тирик овози, юриш-туриши, сиймоси, ҳатти-ҳаракати кўзгудагидек акс этиб туради. Ана шундай, инсон сифатида қалбимизда муҳрланган устозлардан бири Бозорбой Ўринбоев эди. Аслида инсоннинг умри икки қисмдан иборат дейишади. Биринчи умр ҳаётлик даври, иккинчи умрни мангуга муҳрлайдиган эзгу амаллардир. Устознинг иккинча умри фарзандлари, набиралари, шогирдлари қалбида давом этмоқда. Ана шунинг ўзи устоз умрининг бесамара ўтмаганлигидан далолат беради.

## УНУТИЛМАС СИЙМО

*У.Қосимов*  
*Жиззах*

Бозорбой Ўринбоев, ҳеч шубҳасиз, катта ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилиятига эга бўлган шахс ва айни пайтда, ўзига хос етук олим ва жонкуяр инсон сифатида ҳам кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборини қозонган эди. Бозорбой аканинг бундай ёрқин инсоний фазилатларига, айниқса, унинг янги ташкил топган Жиззах давлат педагогика институтига раҳбарлик қилган йилларида кўп марталаб гувоҳ бўлганмиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, Жиззах давлат педагогика институтининг расмана бир олий таълим муассаси бўлиши ва бугунги даражасига етиб келишида Бозорбой Ўринбоевнинг

қарийиб 15 йиллик раҳбарлик фаолияти ва у кишининг мислсиз ғайрати, фидоийлиги алоҳида ўрин тутди.

Хусусан, институтнинг моддий-техника базасиё ўқув биноларини замонавий талаб даражасига кўтаришда ҳам, бор-йўғи 35-36 нафар илмий даражали профессор-ўқитувчилар салоҳиятининг 100 нафардан ошишида ҳам Бозорбой Ўринбоевнинг саъй-ҳаракати, тадбиркорлик ва ғамхўрликлари катта эканлигини эътироф этиш адолатдан бўлади. Бугунги кунда институтимизда ибратли фаолият кўрсатаётган ва ўзининг жиддий илмий-тадқиқот ишлари билан республикамизда ҳам танилган бир неча ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари у кишининг беғараз ёрдамлари ва раҳнамолик қилганлигини чуқур миннатдорлик билан эсга олиши бежиз эмас.

Бозорбой Ўринбоев нафақат раҳбарлик салоҳияти ва ташкилотчилиги билан, балки ўзининг кенг билими, ҳаётни ва инсонни чуқур тушуна олиши каби фазилатлари билан ҳам жамоа ҳурматиға сазовор бўлган эди. У киши нафақат профессор-ўқитувчилар ёки лавозимдаги домлаларға, балки талабалар, оддий қоровул ё фаррошларға нисбатан ҳам эътиборли ва ғамхўр эди. Шу муносабат билан муҳим бир фактни келтирмоқчиман.

1991 йили институт ректорлигиға сайлов ўтказиладиган бўлди. Қизғин баҳс-тортишув ва адолатли курашлар билан ўтган ана шу танловда 12 номзод ичида энг юқори натижаға эришган Бозорбой Ўринбоев яна Ректор лавозимиға сайланганида, кўплаб талаба ва ўқитувчилар билан бирға қоровулу фаррошларғача адолатнинг тантана қилганидан беҳад қувонганликлари кечагидай кўз олдимизда туради.

Бозорбой Ўринбоевнинг бошқа кўпгина раҳбар ва олимлардан ажралиб турадиган яна бир фазилатини ҳавас билан тилға олиш мумкин. У кишининг дунёқараши, тафаккур ва қизиқиш олами ҳам кенг эди. Сир эмас, олий ўқув юртида ишлайдиган аксарият филолог олимлар касб тақозоси биланми кўпинча бир соҳа билан чекланиб қолишади. Яъни тилшунослик кафедрасида ишлайдиганлар адабиётшунослик билан қизиқмайди ва аксинча, адабиётшуносликдан дарс берувчи домлалар эса ўзбек тили муаммоларидан беҳаббарроқ бўлишади. Аслида, қушнинг икки қаноти бўлганидек, тил ва адабиёт ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, яхлит бир олам эканлиги офтобдек равшан ҳақиқат. Бу жиҳатдан ҳам Бозорбой Ўринбоев кўпларға

ва айниқса, бўлажак мутахассисларимизга ибратбўла олади. Домла йирик олим сифатида Тилшуносликнинг деярли барча муҳим муаммолари, ютуқ ва камчиликларини қанчалик пухта билса, Ўзбек адабиётимизнинг ҳам зукко бир билимдони эди десак, муболаға бўлмайди. Далил тариқасида биргина мисол келтирайлик.

1979 йили оташнафас шоиримиз Ҳамид Олимжон таваллудининг 70 йиллиги кенг нишонланган эди. Айниқса, Жиззах вилоятида бўлган бу тантаналар халқимизнинг катта маънавий бир байрамга айланганди. Вилоятдаги янги муסיқий драма театрида ўтказилган илмий-адабий анжуманда Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида асосий маъруза Бозорбой Ўринбоевга топширилган эди. Ўшанда домланинг шоир ижодини ва адабиётимизни қанчалик меҳр билан ўрганганлигига яна бир қарра амин бўлганмиз. Анжуманда собиқ шўро мамлакатининг барча республикаларидан ўнлаб таниқли шоиру ёзувчилари, йирик танқидчи ва адабиётшунослари қатнашганди. Мана шундай нуфузли анжуманда Бозорбой Ўринбоев Ҳамид Олимжон ижодининг энг ёрқин жиҳатларини чуқур таҳлил этиб бериш билан бирга шоирнинг дурдона шеърлари ва бетакрор дostonларидан юзлаб мисраларни ғоят моҳирона ёддан ўқиб берганлигидан барча анжуман қатнашчилари мутаассир бўлганлиги унутилмас бир воқеа бўлганди.

Дарҳақиқат, Бозорбой Ўринбоевнинг нутқ-маърузалари ҳам, энг аввало, маънодорлиги билан ва халқона ҳикматли сўз-иборалар ва образли ифодалари билан ажралиб турар ва ана шундай фазилатлари билан тингловчиларни ҳам ўзига жалб этарди. Шу билан бирга Бозорбой Ўринбоевнинг нутқ ва чиқишларида унинг ҳаётсеварлиги ва ўзбекона юмор ва шарқона лутф билан сўзлаш қобилияти ҳам яққол намоён бўлиб турарди. Чунончи, Чархий ижодидан диссертация ёзаётган Дилбар Соатованинг иши анча чўзилиб кетаётганлигини эслатиб, “Шунча чархлаганингиз етади, энди ҳимояга тезроқ тайёрлаш керак”, -деб, уни ишни яқунлашга ундаган эди. Ёки бир гал вазирликдан келган вакилларни Тошкентга олиб бориб қўйиш керак экан Бу топшириқни менга буйруқ оҳангида юкламасдан, “Усмонжон, бу меҳмонлар билан Тошкентни бир айланиб, ҳам Озод акани зиёрат қилиб келасиз!”, дея кишига малол келмайдиган тарзда айтиши ҳам ундаги муоммала маданиятининг юксаклигидан далолат



беради. Бундай ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Зеро, Бозорбой ака ўзининг ана шундай инсоний фазилатлари ва салмоқли илмий ва жамоат ишлари билан қалбимизда унутилмас таассурот қолдириб кетди. Охиратлари обод бўлсин.

## **ҚУВВАИ ҲОФИЗАСИ ЗЎР УСТОЗ ЭДИ**

*А. Турсунқулов*  
*ЖДПИ*

1971 йил сентябрь ойининг бошлари С. Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига қабул қилинган 1 курс талабалари “Тилшуносликка кириш” фани бўйича маъруза ўқийдиган домлани бироз ҳадик аралаш қизиқиш билан кутиб жимгина ўтиришибди. Талабалар бир-бирлари билан яқиндан танишиб олишмаганлиги боис аудиторияда жимлик ҳукмрон. Шу вақт эшик очилиб баланд бўйли, барваста, келишган очиқ юзли, 40 ёшларга яқинлашган домла кириб келди. Ўзини тилшунослик кафедрасининг доценти Бозорбой Ўринбоев деб таништирди ва талабаларни йўқлама қилди. Йўқлама давомида қизиқ бир ҳолат юзага келди. Биз институтга қабул қилинган кунда домла институт қабул ҳайъатининг раиси сифатида ҳар биримизга спортнинг қайси турига қизиқишимиз тўғрисида савол берган эди. Талабаларнинг аксарияти (25 талабанинг 16 таси ўғил бола эди) футбол, волейболга қизиқишларини айтганди. Навбат менга келганида, “шахматга қизиқаман”, - деб жавоб бердим. Домла қизиқиш билан бироз тикилиб туриб: “Ҳали жуда ёш экансан, талабалар ўртасида бўйинг ҳам пастлиги кўриниб турибди. Лекин шахматга қизиқишинг бизга маъқул, адабиётдан ва ўзбек тилидан имтиҳонларни “яхши” баҳога топширибсан. Сен билан ҳали кўп шахмат ўйнаймиз”, - деган эди.

Бугунги йўқламада ҳам қабулдаги суҳбатни эслаб “шахматга тайёрмисан”, - деб қўйдилар. Лекин домла билан шахмат ўйнаш менга насиб этмади. Чунки домла институт ректори сифатида ҳар бир дақиқаси ҳисобли эди. Аслида домла шахматни яхши ўйнайдими ёки йўқми, бу аҳамиятли эмас. Муҳими, эндигина институт остонасига қадам қўйган мендек ёш талабага далда бергани, ўзимга ишонч уйғотгани эди. Ҳайратланарлиси, барча

қабул қилинган талабаларнинг исмини, фамилиясини ёдда сақлаб қолган, уларнинг нималарга қизиқишларини ҳам эслаб қолганди. Домланинг эслаб қолиш қобилияти ниҳоятда кучли эканлиги, қувваи ҳофизаси беназирлигидан ҳаммамиз ҳайратга тушдик.

Домла маъруза ўқир экан, аудиторияда пашша учса сезиладиган сукунат юзага келарди, гўё талабалар сеҳрланиб қолган эди. Ҳар бир сўзни чертиб-чертиб талаффуз қилаётган, гап қурилишида бирор қусури бўлмаган жумлаларни равон нутқий оҳангдорлик билан сўзлаётган домлани ҳаммамиз ҳавас ва зўр қизиқиш билан тинглар эдик. Мен ҳам домлани завқ билан тинглар эканман, тилшунослик фани ҳақида ҳам шундай қизиқарли маъруза ўқиш мумкин экан-да, деган фикр хаёлимни банд этган эди. Кейинчалик билсам, домла “Ўзбек тилида сўзлашув нутқи” ҳақида докторлик диссертациясини тайёрлаётган давр экан. Ундан кейин талабалик, аспирантлик даврларида тилшунослик фани “мана мен” деган донгдор профессорларнинг, академикларнинг ҳам маърузаларини тингладим, лекин уларнинг бирортаси ҳам домладан тинглаган биринчи маърузачалик таассурот қолдирмади.

Институтни тамомлаб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида, Тил ва адабиёт институтида илмий ходим сифатида хизмат қилиб юрганимда ҳам турли илмий анжуманларда, конференцияларда, атоқли олимларнинг, ёзувчи, шоирларнинг юбилей тантаналарида тез-тез учрашиб турар эдик. Ҳар сафар учрашганимизда бизнинг талабалик давримизда рўй берган қизиқ воқеаларни эслаб қулишардик. Қанча вақт ўтганига қарамасдан домла ҳаётидаги минглаб (эхтимол чиндан ҳам кўпдир), талабалар билан рўй берган воқеаларни эсда сақлаб қолганлиги билан мени ҳайратга соларди, беихтиёр қалбимда домлага ҳавас билан ҳурмат туйғусини уйғотарди. Қизиғи шундаки, ҳар сафар домла хайрлашиш олдидан оиламни сўраб-суриштирар, яшаш шароитим билан қизиқиб, ўзи қандай ёрдам бера олиши мумкинлигини сўрарди. Шунда мен ҳақиқий меҳрни, самимий устоз-шоғидрлик мунособатини қалбдан туяр эдим, бежизга халқимиз “Устоз отангдек улуғ”, - деб айтмаганига иймон келтирдим.

## УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ...

*Р.Сувонова  
СамДУ доценти*

Самарқанд - халқимиз, миллатимиз доврўғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий маскандир. “Самарқанд – ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир”, деб қадимий ва тарихий шахримизга шундай таъриф берган Президентимиз И.Каримов. Шу она заминда, илм-фан масканида ўзининг салобатли ўрни билан танилган, буюк ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган, ижодининг маҳсули, қаймоғини бугун ёшлар қалбига жо айлаган, тилшунослик соҳасида ўзига хос мактаб яратган устозлардан бири, таниқли тилшунос олим филология фанлари доктори, профессор Бозорбой Ўринбоев бугун орамизда йўқлиги қалбларни ларзага келтиради.

Устоз билан мен Самарқанд давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида қарийб 20 йил бирга ишладим. Талабаларга дарс бериш жараёнида устозни кўп тажрибаларини ўрганиш билан бирга ҳаёт мактабини ҳам ўтадим.

Инсоннинг улуғлиги, аввало унинг ўз миллатини англаши, ундан фахрланиб яшашида намоён бўлади. Миллий туйғу миллат учун катта маъсулият билан яшаш, меҳнат қилиш, фидойи бўлишга ундайди. Ижод ва яратиш завқи билан яшаб, ҳаётни шу эзгулик йўлига бағишлаган олим чинакам маънавий юксакликка эришади. Шундай юксак маънавият ва фазилат устозда мужассам эканлигини кўп йиллик самарали илмий ва педагогик фаолияти ҳукуматимиз ва халқимиз томонидан юқори баҳоланганлигида, «Шавкатли меҳнати учун», «Улуғ Ватан урушида ғалабанинг 30 йиллиги», «Улуғ Ватан урушида ғалабанинг 40 йиллиги», «Меҳнат ветерани» медаллари, «Меҳнат Қизил Байроқ», «Октябрь инқилоби» орденлари, «Ўзбекистон ва Иттифоқ халқ маорифи аълочиси», «Мустақиллик» нишонлари, Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиқлари, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети «Хизмат кўрсатган профессор» унвони билан тақдирланганлигида, Antique Word Халқаро Илмий академиясининг академиги эканлигида кўрамиз.

Ўзининг чуқур илмини қолдирган, жаннати устоз - профессорлардан Б.Валихўжаев, Р.Қўнғуров, Х.Дониёров, Ҳ.Бердиёров, В.Эгамов, Н.Абдурахмонов ва Н.Ражабовлар каторида устоз Б.Ўринбоев ҳам минг-минглаб ёшларга таълим

бердилар ва уларнинг ўғитлари талаба – ёшларнинг ҳаётий қонунига айланди.

Устознинг яна бир фазилатларидан бири тарихи бой, маданий илдизи бақувват, оламга Беруний, Улуғбек, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳожи Аҳрор Валий сингари машҳур алломалари билан фахрланиши, Ўзбекистонни юракдан эъзозлаши, Ватанни севиш, она тупроқни кўзларига тўтиё қилишларига ҳавас қилардим. Бу талабаларга маърузаларида мисоллар келтириши ва ҳаётга татбиқ этишида кўринар эди. Устоз кўп изланар, ўқирди ва вақтдан унумли фойдаланиш унинг доимий шиори эди.

Ватан - оиладан бошланади дейдилар. Ҳавас қилса арзигулик умр соҳиби, етти фарзанднинг отаси, йигирма набиранинг бобоси. Устоз турмуш ўртоғи Бодом ая билан 60 йил умргузаронлик қилдилар. Доимо фарзандлари, шогирдлари ва набиралари ардоғида яшадилар. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак инсон учун.

Олим учун энг катта бойлик бу – илмий мерос қолдиришдир. Домланинг 60 йиллик илмий фаолияти давомида 800 дан ортиқ илмий изланишлар - мақолалар, дарслик, монография ва ўқув – услубий қўлланмалар чоп эттирган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида ҳозир республикмиз олий ўқув юртларида ишлаётган Мардонқул Турсунпўлатов, Маматқул Мамаюсупов, Ҳамидулла Усмонов, Собир Усмонов, Абдивали Мусаев, Келдибек Бозорбоев, Абдураим Туробов, Маҳмуд Бобоёров, Ҳаким Ўроқов каби фан номзодлари, Усмон Санақулов каби фан доктори ўзларининг илмий тадқиқот ишларини ҳимоя қилганлар.

Домлани ҳар томонлама баркамол инсон эканликлари учун ҳамма зиёрат қилар эди. Устоз ўз санъати сирларини шогирдларига ўргатдилар, ўз ўрнида шогирдлари ҳам йиллар давомида устозининг ўғитларига таяниб, етукликка эришиб келмоқдалар.

Бугун устозни хотирлар эканмиз, доимо руҳлари шод ва охиратлари обод бўлсин! – деймиз.

## КАТТА БИЛИМ ЭГАСИ

*Г. Ўринбоева*

### *Самарқанд вилоят КТШ олий тоифали педиатри*

Инсоннинг тириклиги, унинг хужайраларида тинимсиз ҳаракат қилаётган қонга боғлиқ. Томирдаги қон инсоннинг ҳар бир эзгу ишини рўёбга чиқришга сабабчи бўлади. Айрим инсонлар борки, бошқаларнинг шуури, онгига сингиб боради. Инсонийлик туйғулари билан томирларига сингиб, бошқаларни ўзига жалб қилаверади. Чунки уларнинг берган панду насиҳатлари оилада, ишда, жамиятда заруратга айланади. Ана шунда инсонлардан бири – дадажоним Бозорбой Ўринбоевдир.

Жаҳон халқларини бир-биридан ажратувчи ҳам, уларни бир – бирлари билан бирлаштириб турувчи восита ҳам тилдир. Ер юзида 2500 тилда сўзлашувчи катта-кичик халқлар бир- бирлари билан таржима туйғули муомала қиладилар. Таржима миллий адабиётларининг ўзаро алоқаси ва бир бирига таъсири жараёнини тезлаштиради; миллий адабиётларда муштарак мавзулар, умуминсоний ғоялар ранг–баранг адабий эстетик шаклларнинг туйғилишига сабаб бўлади.

Б.Ўринбоев ҳам умри давомида нафақат тил илмини ўрганганлар, балки “Доктор Х.А.Тешчев парҳезлари” (2002, қайта нашри 2012), Доктор Уологнинг “Марҳум докторлар алдамайди (Маърузалар матни)” (2006) каби тиббиётга оид асарларни рус тилидан таржима қилганлар. Биламизки, таржимачиликда услуб асарнинг умумий жаранги ва колорити, атамаларни таҳлил қилиш усули, воқеликка бўлган муносабатини кўрсатади. Таржимон услуби асар ижодкорининг дунёқараши ва яратган асарларнинг мазмуни, асосий ғоялар, муаллиф тасвирлаган воқеалар силсиласи ўзига хос индивидуал услубини ташкил этади. Услуб таржимоншуносликда ҳам лингвистик, ҳам асар яратилган фан соҳаси йўналишида тадқиқ қилинади. Таржимон икки тилни ҳам, таржима қилинадиган фан соҳасининг махсус атамаларини мукамал биладиган бўлиши керак.

“Доктор Х.А.Тешчев парҳезлари” асарининг сўз бошисида Б.Ўринбоев ёзади: “Одам организмида Д.И.Менделев жадвалидаги барча унсурлар мавжуд. Бу унсурлар эса овқат орқали организмга тушади”.

Дарҳақиқат, бугунги кунда соғлом овқатланиш хусусида фикр юритар эканмиз, соғлом овқатланишга риоя этиш кўплаб

муаммоларнинг олдини олишини ҳаммамиз биламиз. Бир қараганда қийин кўринувчи, анчагина куч, сабр ва ирода, вақт ва шароит талаб этувчи соғлом овқатланишнинг асосий қоидалари нималардан иборат? деган саволга дуч келамиз. Унутмангки, бизнинг миямиз ниманики тановвул қилсак, ўша орқали энергия олади ва озиқланади. Муҳими, миямиз учун керакли балансни топишимизда.

Яна айтиб ўтишим керакки, краснодарлик олим Х.А.Тешчев парҳезларини тайёрлашда зарур бўлган маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам Ўзбекистонда ўсмайди ёки мавжуд эмас. СамДУ профессори Б.Ўринбоев таржимага ижодий ёндашиб, Ўзбекистон ҳудудида етиштириладиган, кўп ишлатилган маҳсулотларнинг Овқатланиш Пирамидасига алтернатив сифатида киритган ва баъзи камчиликларини бартараф этган.

## **ШОГИРДЛАРИ ЭЪЗОЗЛАГАН УСТОЗНИНГ НУРЛИ ИЗЛАРИ**

*А.Абдувалиев, З.Абдувалиева  
ЖДПИ катта ўқитувчилари*

Қадимги ва ҳамиша навқирон бўлган Самарқанднинг Жомбой туманидаги Ғазира қишлоғида 1936 йил 6 июнида таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Бозорбой Ўринбоев таваллуд топди. Домланинг болалиги шу қишлоқда ўтди ва тўлиқсиз ўрта маълумотни ҳам шу ердаги 11-мактабда олди.

Устозимизнинг илмга қизиқиши, 1950 йилда Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртига, сўнг Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетига етаклади.

....Орадан йиллар ўтиб, филологияга, айниқса, тилшуносликка иштиёқи баланд бўлган устоз дастлабки меҳнат фаолиятини Жомбой тумани мактаб ларида ўқитувчи, илмий бўлим мудири, мактаб директори, СамДУ аспиранти ва катта лаборанти, Қарши давлат педагогика институти доценти, кафедра мудири, факультет декани, проректор ва ректор лавозимларида ишладилар.

Бозорбой Ўринбоев 1974 йилда Жиззах давлат педагогика институтининг ташкилотчиси сифатида жонбозлик кўрсатди ва институт ректори вазифасида иш фаолиятини бошлади. Биз ўш пайтларда Самарқанд давлат университети талабалари эдик.

1977 йилда биз университетни томонлаб, Жиззах давлат педагогика институтида ишлаш иштиёқи билан устоз қабулига кирдик. Қабулхонага кирганимизда бизда хаяжон туғилди, сабаби, катта кабинет тўрида салобатли, баланд бўйли, нурли бир инсон ўтирар эди. Товушимизда бир титроқ билан салом бердик. Устоз бизни илиқ сўзлар билан қарши олдилар ва “Институт ёш ва навқирон. Сизлар каби ёшлар бу ерда ишлаши керак. Институт равнақиға сиз каби ёшлар ҳисса қўшишларининг лозим. Мен сиз каби ёшларга суянаман...” деб кўнглимизни кўтардилар. Шу кундан бошлаб домлага меҳримиз, ҳурматимиз ортди. Домла талабчан раҳбар, меҳрибон устоз, ғамхўр ота каби институт жамоаси қалбидан жой олган.

Домла кафедрामизда дарслари борлиги учунми ёки ҳамма ишларга улгурганлиги сабаблими, билмадим бизнинг кафедрामизга тез-тез келиб турар эдилар. 1978 йил январ ёки феврал ойларининг бирида кафедрага кириб келдилар ва “Менга иккинчи жуфтликда IV курсларда “Умумий тилшунослик” фанидан менинг дарсимга кирасан, кузатасан, ўрганасан. Кейинги дарсда шу фандан дарсни ўзинг ўтасан, мен кузатаман”, дедилар. Менга катта маъсулият юкланди ва кузатишга кирдим. Домла салобат билан дарсга кириб келдилар, аудиторияда жимлик ҳукм сурди. Домла тилшунослик мактаблари хусусида жуда чиройли дарс ўтдилар. Шу тарика дарс ўтиш жараёни тўғрисида ҳам устозимдан ўқитувчи маҳорати, сир-саноатларини ўрганганман.

Талабалик йилларидаёқ интилувчанлиги, тиришқоқлиги, зукколиги туфайли устозлари меҳрини қозонган Бозорбой Ўринбоев 28 ёшида номзодлик, 40 ёшида эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Шундан кўриниб турибдики, Б.Ўринбоев педагогик, ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолиятини илмий фаолият билан бирга олиб борган. Юқорида амалга оширган илмий ишларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби проф. Улуғ Турсунов раҳбарлигида бажарган. У ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларини ҳал қилишга ва шу билан бир қаторда она тилимиз тараққиётига ҳам муносиб ҳиссасини қўшган.

Профессор Бозорбой Ўринбоев сўзлашув нутқи масалалари билан бир қаторда ситилистика муаммолари, сир-саноатларини ҳам мукамал ўрганган. Унинг натижаси ўлароқ, “Ўзбек сўзлашув нутқи ситилистикаси” (1983), “Навоий асарларида

тасвирий воситалар” (1990), “Функционал услубият ва унинг моҳияти” (1992), “Ғафур Ғулом асарларида афоризимлар” (2002), “Ғафур Ғулом асарларининг лингвопоэтикаси” (2003) сингари кўплаб китоблари нашр қилинган. Домланинг сўзлашув нутқи ва силистика муаммолари билан жиддий шуғулланиши уни нутқ маданияти ва нотиклик санъати муаммоларини ҳал қилишга ундаган.

СамДУ профессори, ҳурматли устозимиз Р.Қўнғировнинг “Ўзбек тили стилистикаси” фанидан талабалик давримиздаги ўргатганлари ва меҳнат фаолиятимиз давомида проф. Б.Ўринбоевдан “Ўзбек тили стилистикаси”га оид ўрганган фикр ва мулохазаларимизни ҳозиргача талабаларга дарс бериш жараёнида қўллаб келмоқдамиз.

Устоз шогирдларини ҳам илмий иш билан шуғулланишиниларини қатъий талаб қилди. Жиззах давлат педагогика институтида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг кўпчилиги сўзлашув нутқининг фонетикаси, лексикаси, морфологияси, синтаксиси бўйича илмий ишлар олиб боришларини тавсия қилди ва шу соҳада ўзига ҳос илмий мактаб шакллантирди. Улардан: М.Турсунпўлатов, Ҳ.Усмонов, С.Усмонов, З.Абдувалиева, А.Мусаев, Ҳ.Ўрақов, Л.Ибрагамовалар шу мактаб вакиллари дир. Улар домла раҳбарлигида камол топиб, Ўринбоев анъаналарини давом эттирмоқдалар. Улардан ташқари институтимизда 1974-1992 йиллар давомида филологиядан бошқа соҳа вакиллари нинг фан номзоди, фан доктори илмий даражасини олишларида ҳам домланинг беминнат хизматлари борлигини алоҳида эътироф этамиз.

Эъзозли устоз Бозорбой Ўринбоевнинг эккан дарахтлари, тиклаган бинолари, илм-фан, маърифат, тилшунослик соҳасида эришган ютуқлари, етиштирган шогирдлари бу мухтарам устознинг ҳаёт йўли дир. Ҳар кимга ҳам ана шундай мазмунли яшаш бахти насиб этсин.

Устозимнинг охирати обод бўлсин!



## ҚУТЛОВ

*Маҳмудхон Муҳаммадиев  
1996 йил 1 июнь*

Илму фан уммонида териб дуру жавохир  
Она тилим шуҳратин оламга қилиб машхур,  
Чекиб не-не риёзат, битдингиз юзлаб китоб  
Улар умр йўлингиз ёритувчи нур-офтоб.

Қутлаб олтмиш ёш билан, Бозорбой сизни,  
Тўн ёпар эгнингизга чин дўстингиз Маҳмудхон,  
Тилагим фарзандлару шогирдларга бўлиб бош  
Дўст-ёрлар даврасида кўринг яна олтмиш ёш.

## МУБОРАК

*Камолова Маишура  
1997 йил 1 июнь*

Файзингиздан давраимизга нурлар тўлди, домлажон,  
Қадрингиздан давраимизга гуллар тўлди, домлажон,  
Мадҳингиздан давраимизга куйлар тўлди, домлажон,  
Олтмиш йиллик тўйлариңиз муборак!  
Бахт топдик ҳаммамиз она-диёрда,  
Мақсадлар гул очсин боғу бўстонда,  
Саломат қадам ташлаб юринг қаторда,  
Олтмиш йиллик тўйлариңиз муборак!

Яхшидир қўшилса ёшингизга яна ёш,  
Умрингизга нур сочсин нурафшон куёш,  
Қўшилсин қалбингизга куч ва бардош,  
Олтмиш йиллик тўйлариңиз муборак!

## “БЎЙИ-БАСТИ БОРЛАРДАН”

*Бағишлов*

*Жумақул Каримов  
фалсафа фанлари номзоди, доцент  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
2006 йил 26 май*

Тўққиз фарзанднинг бири, ўғил Бозорбой,  
Ўзбек тилининг пири, олим Бозорбой.  
Сўзлашсанг, сўзамол, дилинг яйрайди,

Гўзал сўзи доимо, тилинг қайрайди.

Устозлардан сўзласа, кўзи қувнайди.  
Тилнинг тилини топиб, сўзи ўйнайди.  
Улуғ – атаб устозин, тилида боли,  
Турсун, - дейди эъзозла бурнида ҳоли.

Бўйи-басти борлардан, симмати полвон,  
Олимликда орлардан, ҳикмат бир норвон.  
Студент, аспирант, олимлик йўли,  
Китобга боғланди забардаст кўли.

Ўт етти йил боз эмас, раҳбарлик учун.  
Ректорлик ҳам ози эмас, камтарлик нечун.  
Педагог-мураббий, авлодлар бахти,  
Муаллиму-устознинг устундир тахти.

Шу тахтни, шу бахтни айлайин сурур,  
Бозор Ўринбойда бордир чўнг ғурур.  
Кеча олмиш эди, сизнинг ёшингиз,  
Бугун етмишдадир, сарвар бошингиз.  
Етмишлар сарасин саллона айлай,  
Юздан ҳам ошсин, мавлоно бай-бай.  
Дунёнинг бозори шунақа чексиз,  
Шу Бозор нақлида Ўрнингиз тенгсиз.

## ОЛҚИШ

*Иброҳим Дониш  
2006 йил 26 май*

Ҳар ким туғилган сўнг ақлин таниркан  
Мактаб унга бўлар қадрдон макон.  
Ҳар бир дарс ҳар китоб яқин йўлдоши,  
Ўқитувчи эса устоз – жонажон!

Мактаб илм берар, мактаб ўстирар,  
Институт бошлар орзу – умидга.  
Илмга меҳр қўйиш, уни эгаллаш  
Орзуни айлантлар чин ҳақиқатга.

“Профессор” деган муқаддас номни  
Шарафли меҳнатда оқлаган устоз.  
Бугун бош эгиб шогирдларингиз  
Қанча таъзим этса, шунча бўлар оз.

Неча ўнлаб, юзлаб бахтиёр авлод  
Сизнинг меҳрингиздан топди бахт, иқбол.  
Сиздан таълим олган азиз фарзандлар  
Халқ учун хизматда, меҳнатда ҳалол.

Менинг назаримда ҳурматли устоз,  
Дунёда энг азиз, бахтли кишисиз.  
Сиз ўз касбингизнинг моҳир устаси,  
Доим шогридларга манзур ишингиз.

Илм фан йўлида заҳматлар чекиб,  
Ҳалол меҳнат билан тополдингиз бахт.  
Тўғри йўл кўрсатиб мудом ёшларга  
Элдан олмоқдасиз олқиш ва раҳмат!

### **ЙЎҚОЛМАС**

*Ал-Раҳмонқул хожи ўғли Ёрқул Қори  
Тошкент-Жиззах, 2006 йил 26 май*

Йиллар заминида меҳнатла тўпланган бойлик  
Сарбон адашмаса карвон ила бойлик йўқолмас!  
Шогирдлар имон-этиқодлари зўр бўлса агар,  
Устозлар ўрни икки дунёда ҳеч вақт йўқолмас!  
У ва бу дунёда донишманд бобо-калонларим кўп!  
Улар ичида мўмин-мусулмон асл инсонлари кўп!  
Ватанинг, оиланг ўзинг тинч соғ бўлсанг агар,  
Устозларнинг шогирдларга қолдирган мерослари кўп!  
Илм-ҳазинага бой сирли-сирли ҳикматлари кўп!  
Шу ҳикматлардан бахраманд бўлган авлодлари кўп!  
Одил подшоҳларнинг доно султонлари кўп бўлса агар,  
Мамлақати шундай юртда олиму уломалари кўп!  
Булар бор жойда ёлғон йўқолади ростлик йўқолмас!  
Мард ўғлонлар султонлар бўлиб келаверади, кетаверади!

Номардлар ҳам шулар қаторида мен деб ўтаверади,  
Халқим доим устозлардан асл шогирдларни кутаверади,  
Номардлар йўқолар, аммо шогирду устозлар йўқолмас!  
Замин ичра садоқатли устозлар кўп бўлса агар!  
Шогирдларнинг устозларга доим меҳри йўқолмас!  
Бозор ака Ўринбой ўғли бу ҳаётда омон бўлса,  
Аллоҳ меҳри ила нури тушган шогирду устоз йўқолмас!  
Шогирдларни қобил ўстирган устоз изи йўқолмас!  
Бозор ака устоз сарбон бўлган бу ҳаётда  
Бодом ая карвон-ю нор дилбандлари ҳеч йўқолмас!  
Бу ҳаётда устоз соғлом омон бўлса гар,  
Шогирд Ёркул сўзи устоз учун ҳеч вақт йўқолмас!

## УЛКАН ОЛИМ

Профессор Бозорбой Ўринбоев домлага

*Олқор Дамин*

*Самарқанд 2006 йил 10 февраль*

Сиз улкан олимсиз камтарин, дилбар:  
Фусункор хислари булоқдек тошган.  
Сўзингиз эшитса, ғунчалар гуллар –  
Баҳралар олгандек мисли Қуёшдан.

Гўзаллик гулларин авайлаб-асраб,  
Кўнгиллар боғига эқмоқ – ишингиз.  
Билганин ўргатмоқ эмасми шараф,  
Қолганларига йўқ Сизнинг хушингиз.

Минбарда туриб Сиз ҳар бир айтган сўз  
Гул бўлиб, нур бўлиб таралар аста.  
Баландда туриб, СИЗ, домла, билмайсиз:  
Неча жон кулоқдир Сиз учун пастда!

Чарчаманг, билимлар зиёсин сочиб,  
Сизни кутиб олар Эл кучоқ очиб!

## Б.ЎРИНБОЕВ КУНДАЛИКЛАРИДАН САТРЛАР

---

---

=====

Дадажоним ҳар кунлик ишларини кундалик сифатида ёзиб борган эканлар. Ҳозир дадажоним ўтгандан кейин кундаликларни олиб ўқияпман-у, дадажонимни қайтадан кашф қилаяпман. Мен билдимки, дадажонимни мен сира ҳам билмас эканман. Менинг наздимда, дадажоним кўп гапирмайдиган, кулмайдиган, доим ниманидир ўйлаб юрадиган, жуда қаттиқ кўл, мағрур инсон эди. Ваҳоланки, бирор марта бировни урушганини, ҳатто койиганини кўрмаганман. Фақат байрамлардагина катта дастурхон атрофида, унда амакимлар, аммамлар оилалари билан келишарди, бирга ўтириб чой ичардик. Бошқа пайтлари дадажоним қачон ишдан келиб қачон кетганларини билмаганмиз. Доим ишда...

Кундаликларини варақлар эканман, куйидаги сатрлар бирин-кетин саҳифаларни қоралаганига амин бўлдим. Кундаликдаги чизгиларни айримларинигина саралаб олдим ва сизга ҳавола қилдим.

### *1971 йил 4 июль.*

Самарқанд шаҳридан чиқиб, Тошкентга соат 12.00да етиб келинди. Эрнест Бегматов (яқин ўртоқлари, бирга Самарқанд университетиде ўқишган) билан учрашиб, соат 10.00гача унинг хонадониде меҳмон бўлдим. Соат 10.00 да Тошкент-Красноярск (луғавий маъноси Қизил жар) маршрути бўйлаб парвоз қилинди. Соат кеч 12.00да Олма-отага тушилди. Соат 12.00 дан 4.00гача Красноярскка етиб борилди. Шаҳарда ҳаво континентал. Бу ерда январда ҳарорат ўртача 18 дан – 36 гача, июлда 13 дан – 20 гача бўлади. Шаҳар ҳар томонлама тараққий этган. Жумладан, 9 та олий ўқув юрти бўлиб, 4 таси университет ва Россия ФА Сибирь бўлимнинг илмий маркази фаолият кўрсатади. 5 та театр, ўлкашунослик музейи, В.И.Суриков уй-музейи, бадий галерея, ҳатто “Тош устунлар”

кўриқхонаси ҳам бор. Шаҳарларни ўзаро Енисей дарёсидаги сув йўли ва Трансибирь темир йўли магистрали боғлаб туради. Шара ва Учум дам олиш масканлари бўлиб, ҳаммаси ўлканинг ғаройиботларини кўрсатиш учун қаратилган. Ҳар бир дам олиш маскани айнан ўша ўлка урф-одатлари, машғулоти, халқининг яшаш шароитини таништириш режаси асосида ташкил этилган. Биз келган турбаза режаси ҳам шундай. Турбазадан сўнг “Близняк” теплоходига бордик.

### ***1971 йил 5 июль.***

Теплоходда бизни кутиб олишди. Бизга ўз каюталаримизни кўрсатишди. Красноярск шаҳри бўйлаб саёҳат уюштирилди. Саёҳатга Самарқанд шаҳридан борган бир машина туристлар жойлашди. Шаҳар ҳаёти билан танишдик. Аҳоли асосан, балиқчилик, овчилик, ўрмон-ёғочсозлик билан шуғулланар экан. Аҳолиси руслар, украинлар, эвенклар, долган, ненецлардан ташкил топган. Шаҳар ўзига хос гўзалликлари ва хунукликларига эгадир.

Соф ҳаво, кўклам, дарахтзор, қир, Жанубий Сибирь тоғлари шаҳар кўркига кўрк қўшади. Красноярск вақти билан соат 20.00да Енисей дарёси бўйлаб “Близняк” теплоходида саёҳатга равона бўлдик. Енисей Осиёдаги дарё бўлиб, Бий-Хем ва Ка-Хем дарёларининг қушилишидан ҳосил бўлган. Юқори оқим Тува сойлиги бўйлаб оқиб, Ғарбий Саян тоғ тизимини кесиб ўтади ва Ғарбий Сибирь чегараси бўйлаб оқади. Бу дарё асосан, қор ва ёмғир билан туйинадиган дарёлардан. Бизнинг маршрут Енисей дарёси бўйлаб бўлиб, Красноярск, Енисейск, Игарка, Дудинка каби шаҳарларни айланиб яна орқага қайтар эканмиз. Уч ярим соат юрилгач, дарё юзини оппоқ туман қоплаб олганлиги сабабли теплоходимиз дарё ўртасида тўхтаб қолди. Оқ зулмат орасида сувнинг шитирлаши, қаердадир қушнинг овози эшитилади.

Атроф туман.... Туман шу қадар қуюқ эдики, теплоходдан беш қадам нари ҳеч нарса кўринмайди. Яқин орада, ҳовлида туман ичидан бир қуш овози эшитилди, яқинроқ ерда унга жавобан яна бир неча қушлар қичқирди, биров ўтиб биринкетин қичқирган қушлар овозлари босиб кетди. Шунга қарамай,

сойнинг шовуллашидан бошқа товуш эшитилмас эди. Шундай сокинликда шу ерда ухлаб қолар эканмиз.

### **ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДАГИ ЎЙЛАР**

Ижодкор қалби тўлиб-тошиб ётади, шунинг учун у осойишта туrolмайди.

Бекорчининг қалби бўш бўлади, шунинг учун ётиб ухлайди...

#### ***1971 йил 6 июль.***

Эрталабданоқ табиат ўз тароватини кўз-кўз қилди. Дарёнинг икки қирғоғи кўм-кўк дарахтлар билан қопланган. Худди бутун дарахтлар ва дунё яшиллиги шу дарё ёқасига тўплангандай....

Дарё атрофида паст-баланд тепаликлар кўп бўлиб, тепаликларда тасодифан ўсган дарахтлар тарвақайлаб кўринади, инсон қўли уларнинг табиий гўзаллигини бузиб, даромад манбаига айлантормаган. Атроф қалин дов-дарахтга кўмилиб кетган. Каштан ва ёввойи олчазорлар орасидаги эни эллик қадамча ялангликлар яккам-дуккам кўринса-да, уларнинг ўсимликлари эркин, бошқа жойлардагига қараганда яхшироқ ўсаётганини кўриб одамнинг баҳри-дили очилади.

Пароходимиз ҳориб қолган қирчанғидай бир пишқириб соат 12.00да Енисейск шаҳрига етиб борди. Бу шаҳарда соат 16.00гача бўлди. Кичкина район маркази жойлашган шаҳарча ҳам ўз тарихига эга. Унинг ташкил топишига 1969 йил 350 йил тўлган. Бу шаҳарда Петр Золомов (Горькийнинг “Она” романидаги Павелнинг прототиби) сургунда бўлган. Свердлов ҳам шунда бўлган. Жуда яхши ўлкани ўрганиш музейи бор. Енисейскдан ўтгач, оқ тун бошланди.

#### ***1971 йил 7 июль.***

Анвар иккимиз каютадан ўтириб оқ тунни кузатдик. Кечқурун соат 10.00гача қуёш кўриниб турди-да, яна қуёш ботмагандай ёп-ёруғ. Соат 5.00да қуёш яна бир кўрингандай бўлди-да, аммо қоронғулик тушмади. Ворогово деган жойда эрталаб бироз тўхтагач, соат 12.00гача юриб Осиновый порог деган жойдан ўтиб 3 соат перевал бўлди. Тайга билан яқиндан

танишиш имкониятига эга бўлдик. Аммо пашшалар тумандай қоплаб келиб кўз очгани кўймайди. Ўт ёқиб бироз жон сақладик. Жуда эрта, соат учда турдик ва қуёш чиққунча, баъзан тонгги туман тарқалмасдан бурун, гиёҳлар ва гуллардаги шабнам кўтарилмасдан сайр қилдик. Эрталаб кофе ичиб олгач, ўтириб кундалик ёздим ва яна чиқиб кетиб далалар, ўрмонларни кезиб юрдик. Уч соат пашшалар ҳукмрон бўлган жойда бўлиб яна пороходда Труханск томон йўлга равона бўлдик.

### ***1971 йил 8 июль.***

Кечқурун Труханск поселкасига тушдик. Бу поселка революционерлар сургунда бўлган жой бўлиб, бунда И.В.Сталин, Я.М.Свердлов, Спандарянлар бўлган. Я.М.Свердлов, Спандарянларнинг уй музейида бўлдик. Ундан сўнг Курейка деган жойда теплоход тўхтади. Бу жойда И.В.Сталин кўп вақт сургунда бўлган. Курейкадан ўтишимиз билан шимолий кутб ҳудудига кирилади. Шимолий кутб ҳудудига киришни туристлар шодиёна билан нишонлашар экан. Туристлар шодиёнани жуда қизиқарли тадбирлар билан бошлар экан. Ҳамма нарса байрам тусида, тантанали, хушнуд ва гўзал эди: зарҳал тож кийган Нептун ҳам, узун, енги кенг зарбоф тўн кийган ирмоқ султонлари ҳам, ясанган ва сочларига мой суртган сув парилари ҳам, шўх-янгроқ куйлари ҳам, учта шам ўрнатилган ва гуллар билан безалган кандиллар ҳам - ҳаммаси, ҳаммаси ажойиб эди. Турфа ранг гриляндлар танца тушаётган оломоннинг боши узра ҳилпирар, шифтдан эса гуллар ёғиларди. Электр чироқлари ўчган пайтда устунларнинг бўғотларида тумонат ялтироқ куртлар милтиллар, ҳавода эса тўқай чироқлари сузиб юрарди. Денгизлар шоҳи Нептун бутун Енисейга қуйиладиган ирмоқ султонлари – Тошлоқ, Ангара, Тунгуска, Бий-Хем, Ка-Хемлардан ҳисобот олди. Маҳобатли қора Нептун ирмоқ султонларига келгуси ишларини айтиб ўтди: экологик муҳитни сақлаш, балиқларнинг тури ва сонини кўпайтириш. Бу ерда бетакаллуф хушчақчақлик ҳукм суларди. Туристларнинг айримлари қотиб-қотиб кулишганча, кийимларини ечишар, чинқиришганча дарёга шўнғирдилар. Шунда кўпикли тўлқин баландга отиларди. Кейин Нептуннинг



буйруғига биноан қолганлар ҳам бирин-кетин сувга улоқтирилди. Кимлардир айюҳаннос солишди ва ўзларини четга, устунлар панасига олиб қочишди. Сўнг турфа рангларда осмонни ёруғ қилиб, кема капитани буйруғига биноан мушаклар отилди. Мушаклар ёғдусида денгиз калити кема капитанига топширилди. Энди кема капитани денгизда истаганча сузиши, истаган томонига бориши мумкинлиги ҳақидаги ижозаатни олган ҳисобланади. Тантана мусиқага улашиб кетди. Ашула, ўйин, рақс давом этди. Шундан сўнг ҳаммага ухлаш учун команда берилди. Эрталаб соат 7.00да Игаркада бўлишимиз керак.

### ***1971 йил 9 июль.***

Кечаси билан йўл юриб теплоход эрталаб соат 7.00 да Игарка портида тўхтади. Игарка порт-шаҳарчасида ёғочни қайта ишлаш корхонаси бор экан. Шаҳарчани соат 12.00гача томоша қилдик. Ҳаммаси бўлиб битта кўчаси ва тўртта магазини бор экан. Кейинги маршрут Дудинкага...

### ***1971 йил 10 июль.***

Эрталаб соат 4.00 да Дудинка портига тўхтадик. Бу порт чет мамлакатга ёғоч чиқарувчи асосий порт ҳисобланиб, Шимолий муз океанига 450 км қолар экан. Енисей дарёсининг шу портигача денгиз кемалари кириб кела олади. Дудинка портидан мамлакатимизнинг энг шимолидаги темир йўл бошланади. У Норильск ва Таонахгача бориб қайтади. Соат 10.00 да поездга ўтириб Норильскни томоша қилишга жўнадик. Норильск ҳақиқий социалистик шаҳарча. Шаҳарни кечгача томоша айлаб кечаси соат 2.00да Дудинкага қайтдик.

Қуёш ботди. Ой нури ўрмонни ва хароба ҳолига келиб қолган уйларни борган сайин яхшироқ ёрита бошлади. Узоқда момақалдиروқ гулдуради, осмоннинг учдан бирини қора булутлар қоплади. Булбуллар ва қушлар овози тинди. Дарёда шовуллаётган сув шовқини орасида ғозларнинг ғағалагани эшитилди, кейин қишлоқ ҳовлиларидаги хўрозлар бирин-кетин қичқира бошлади. Одатда, иссиқ ва момақалдироқли тунларда хўрозлар шунақа эрта қичқирадилар. «Хўрозлар эрта қичқирса кечаларинг гаштли бўлади» деган нақл бор. Бу тун жуда

гаштли эди. Нимаси гаштли дейсизми? Бугун оилам билан гаплашдим. Кўз ўнгимда ўша маъсум йигитлик чоғида ўтказган бахтиёр ёз кунлари таассуротлар жонланди ва ҳозир ўзимни ўша вақтдагидек ҳис этдим. Ҳаётимнинг энг яхши дақиқаларида қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўзимни шундай сездим. Ўзимни ўспиринлик вақтидагидек ҳис этдим, онамнинг тиззасига бош қўйиб юлдузларни томоша қилганларим, подага чиқиб чиллак ўйнаганларим, талабалик йилларим, Бодом билан танишиб бутун умр бир-биримизни қўллаб-қувватлашга, ҳамма одамларни бахтиёр қилишга тиришишга сўз берганларимиз, фарзандларимизнинг дунёга келиши ҳаммасини эслаб ўзимни бахтиёр ҳис этдим.

### ***1971 йил 11 июль.***

Яна орқага қайтдик. Труханскда тўхтадик. Тунгуска дарёси бўйлаб саёҳат қилиб эвенклар ҳаёти билан танишдик. Сўнгра яна орқага қайтдик.

Юзлари офтобда қорайган, норғул гавдали, қошлари қалин эвенк бизни кутиб олди.

Эвенкнинг хотини кўзларини катта-катта очиб қарар ва ўзини бир оз орқага ташлаб, индамасдан номаълум бир нуқтага тикилиб тураверди. Бу ўктам, бўйдор, ёши эри билан тенг хотин эди, унинг хийла оқариб кетган қора сочлари ҳали қалин, бурнининг ўртаси бир оз кўтарилган, қотма, ёноқлари сарғайиб ичига ботган, юпка лабларидан тароват қочганди. Пешонаси баланд, лекин тор; нимкўкимтир, катта-катта кўзлари баъзан одамга жуда ҳам ғалати-ғалати қараб қўярди. Лекин жуда пазанда хотин экан. Эрининг имо-ишораси билан дарров дастурхон тузалди-да, турли таомлар ҳозир -у нозир бўлди. Қўзикориндан салат, тузланган карам, балиқни қандайдир буғда тайёрлаган.

### ***1971 йил 12 июль.***

Бу кун каютада бўлиб, дам олдик. Перевалда балиқ овладик. Катта тўрни дарёга ташлаб уни аста-аста тортганда балиқлар патирлаб чиқиши қанчалик завқли эканлигини кўрганмисиз? Кўрмаган бўлсангиз Енисей бўйлаб саёҳат қилиб кўринг. Балиқ овидан қайтиб эртароқ ухладик. Чунки эртага

барвакт туриб укто халқи турмуши билан танишиш керак. Бу ердаги уйлар бутун дунёдан ажралгандек, жунжиккан куйи рўпарасидаги зах босган ўрмонга ҳавотир аралаш маънос термўлади. Кечалари уйлар деразасида хира милтиллаган нур тун зулматига ҳадиксираб мўралайди. Қишлоқнинг итлари ҳам бунақа матални эшитгандек ин-инига кириб кетади. Бу ердаги ҳар бир уйдан моғор исига аралаш тузланган карам ва тузланган балиқ ҳиди анқиб турибди.

### ***1971 йил 13 июль.***

Эрталаб соат 4.00да туриб моторли қайиқда Сургутино кишлоғига бордик. Дарё атрофида тасодифан ўсган дарахтлар тарвақайлаб кўринади. Дарахтлар орасидаги битта-яримта уйчалар қалин дов-дарахтга кўмилиб кетган. Хув анави, баланд тепаликлардаги ёлғиз уйлар хилват ва осудалиги билан кишини ўзига шу қадар мафтун этадики, беихтиёр ўша ерга кўчиб боргинг келади. Ўша тепаликлар узра одамни ҳайратга солиб, Сибирь тоғ тизмаларининг абадий музликлар билан қопланган учли чўққилари кўзга ташланади. Бу маҳобатли манзара табиатни бўрттириб кўрсатади. Дов-дарахтлар орасига яширинган уй эшигининг ғичирлаши қалбни ҳаяжонга солади. Бу заиф садо дарё узра тарқалиб одамда қандайдир итоаткорлик, маҳзунлик кайфиятини қўзғатади. Гўё у сенга: «Умр ғанимат, ундан кўп нарса талаб қилма, бориға шукур қил, кўлингдан келганича инсонларга яхшилик қил», - деяётгандек бўлади. Дунёда тенги йўқ бу ажойиб соҳиллар таъсиридан киши ўзини ёшдек ҳис эта бошлайди. Бу ўйларни алғов-далғов қилиб, қишлоқда бизни элликка яқин ит қаршилади. Қайиқ капитанининг акаси Павел шу қишлоқда яшар экан. Биз Павелникига тушдик. У ердан кето деб аталган элат бўлиб, уларнинг уйига бордик. Лондра кампир уй эшигини очди. Қотмадан келган, кичкина, меҳнатдан қадди букилган, аммо пишиқ, чайир бу кампир етмишни қоралаган бўлса-да, ҳаракатлари чаққон. Кўринишидан нимасидир муғулларни, нимасидир украинларни эслатувчи кампир бизни қайнаган картошка, печда пишган нон, балиқ, турли кўкатлардан тайёрланган салат билан сийлади. Эшикдан киргандан рўпарада стол ва стуллар, чап томонда рус печи, печнинг ўнг ва чап

томонига куритилган саримсоқ пиёз, қўзиқорин, қандайдир кўкатлар худди маржондек ипга тизилиб илинган. Ёғоч уй деворига айиқнинг териси илинган ва унинг устига беш отар милтиқ осиб қўйилган. “Бу милтиқ кимники?” дея сўраганимизда, “Турмуш ўртоғимники, айиқ ҳам ундан ёдгорлик” деб жавоб берди. Унинг меҳр тўла мовий кўзлари, ўзига ярашган кулдиргичлари унинг мамнунлигини бидирди. Уйда балиқчилик, овчилик учун ҳамма ашёлар бор. Бундан ташқари, Лондра кампирнинг табобатдан ҳам хабари бор, шекилли...

Сўнг теплоходга қайтдик.

### ***1971 йил 14 июль.***

Бугун қайтишимизнинг бешинчи куни. Бу кун теплоходдан туриб уйга телеграмма юбордим. Теплоход капитани ўрмонда тўхташ учун команда берди.

Ўрмон ... Бу паллада, айниқса, ўрмонлар афсонавий тус олади. Тўқ яшил тус олган барглarning шитир-шитири хазин садо чиқариб, ўрмон чуқур «уф» таратаётгандек туюлади. Тонг ёришиши билан майин шабада эсиб турфа ўсимликларнинг ҳидини димоғингга уради.

Осмон юзини бир зумда булут қоплаб, ҳалигина ўрмон узра ўз заррин нуруни таратиб турган қуёш булутлар орасига яширинади. Бу ёқларда ёз бўйи ёмғир ёғади. Шовв этади-ю, бир зумда оламни яшнатиб юборади. Кетидан қуёш чарақлаб чиқади. Ёмғир томчилари марвариддек ялтираб турган ям-яшил ўрмонларда югургинг, умбалок ошиб яйрагинг келади.

Кўм—кўк майсазор ястаниб ётибди. Қушларнинг сайраши шу қадар жозибадор, шу қадар оромбахш эканини ҳеч қачон ҳозиргидек ҳис қилмаган эканман.

Соат 16.00да Вороговода тўхтадик.

### ***1971 йил 15 июль.***

Близняк Евгений Варфоламеевич 1861 йил 28 мартда туғилган. 1899 йил Могилевдаги гимназияда, 1904 йилда Санкт-Петербургда транспорт - йўл инженерлигида ўқиган. Сув ресерслари масалалри билани шуғулланган. 1904-1906-йилларда Шимолий Донецк, 1907-1914-йилларда Енисей

дарёсининг ҳавзасини ўрганган. 1920 йилларда Сибирни электрлаштириш ва ГОЭЛРО режасини амалга оширишда қатнашган. 1920-1930-йилларда гидрология ва гидротехника институтининг директори лавозимида ишлаган. 1924 йилда у профессор, етакчи гидролог даражасига эга бўлган. 1937 йилда техника фанлари доктори, 1947 йилда РСФСРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, 1944 йилда МГУ профессори, 1950 йилдан умрининг охиригача куруклик гидрологияси кафедрасининг мудири бўлиб ишлаган.

Унинг 1000 дан ортиқ илмий-услубий, ўқув ва оммабоп мақолалари, 10 та Олий таълим учун дарсликлари нашр эттирилган.

### *1972 йил 9 февраль.*

#### **Столовая:**

Работа нашей столовое немного улучшилась. Качество блюд не всегда одинаково. Оборудование и посуды ещё не заменено. Санитарное состояние не на уровне. Меню надо возобновить. Молочные продукты не хватает. Имеется очередь, надо организовать новых буфетов и чайхана. Обслуживание преподавателям. Недостаточна посуды. Засоряется трубы. Организовать мороженое, самсочный цех тоже будет организован. Надо организовать колбасные и молочные продукты.

### *1972 йил 10 февраль.*

#### **Кафедра:**

Кафедранинг иш плани мавжуд. Иш план асосида 5 мажлис ўтказилган. Ўтказилган мажлисларнинг қарорлари масъулиятсизлик билан бажарилган. Пандаги пунктлардан 6,7,16,17,32,36,40 бажарилмаган. Бажарилгани етарли эмас. План асосида ҳамма кафедра аъзоларининг лекция текстларини муҳокама қилиш планлаштирилган. Бу масала фақат бир кафедра мажлисида муҳокама қилинган.

1971-1972 ўқув йилининг 1 ярмида қилинган ишлар ҳақида берилган справка билан ишлар мос эмас. Ўқув нагрузкалари тақсимотида ҳам ҳар хиллик мавжуд. Илмий иш соҳасида кафедрада маълум иш қилинган. Аммо айримларнинг ишлари қониқарли эмас.

Камчиликлар:

Кафедрада илмий-методик назарий семинар фаолият юритмайди.

Планлаштирилган учрашувлар ўтказилмаган.

Ўқитувчиларнинг ўзаро дарсларга қатнашиши кам.

Кафедранинг тарбиявий ишлари талаб даражасида эмас.

Гуруҳ раҳбарлари ўз студентларининг нечтаси ётоқхонада, нечтаси квартирада, нечтаси ўз уйида туришини, нечтаси стипендия олишини билмайди.

Студентлар конференциясини талаб даражасида ташкил этиш ва студентларни жалб этиш.

Тарбиявий ишлар талаб даражасида эмас.

Районларга ўрганишга чиқиш.

Малака ошириш ва бошқа ВУЗлар билан ҳамкорлик шартномалари тузиш.

Педагогик тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш масаласи.

### ***1972 йил 24 февраль.***

75 лет уже применяется кино в учебном процессе. В кафедрах применяется технические средства. Магнитофоны установлены. Кино, телевидение, микрофильмы, эпидиаскопы. Были два магнитофона. У нас второй год нет лаборантов. Кто будет находить лаборантов. Нужна помещение. Инженер.

У нас имеется штатная единица, которая занята демонстрацией кинофильмов. Этим многие преподаватели и кафедры не пользуется. Кинофильмами пользуется в учебном процессе имеет свои критерии и положительные стороны. Критерии смогут оказать некоторую помощь при заказе, изготовлении и приемке учебных фильмов.

Основные критерии следующие:

1. Идеино-теоритического уровня излагаемого материала.
2. Место данного фильма в лекции на определенную тему.
3. Наличие связь с предыдущим материалом.
4. Современность материала учебной картины.
5. Соответствие количества и характера подачи информации. Важнейших задач учебного кино-ускорение процесса обучения.

6. Связанность и логичность изложения материала.
7. Оптимальная организация каждого кадра.

**1972 йил 14 март.**

Бюро научно-методической секции.

Факультетское художественное самодеятельности: “Алло, мы ищем таланты!”.

Организовать доклады студентов.

Клуб интернациональной дружбы.

Клуб атеистов.

Школа молодого лектора.

О деятельности женских советов.

Организовать кабинеты лаборатории.

Группа музыкантов и танцовщиц.

## **ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДАГИ ЎЙЛАР**

Аравамга минсанг кўшиғимни айтасан.

**1974 йил 23 сентябрь.**

Куз.... Ийманиб ўзилаётган сарғиш баргларнинг шитир-шитири хазин садо чиқариб, дарахтлар чуқур «уф» тортаётгандек туюлади. Бу— энг серташвиш, деҳқонларнинг кўли-кўлига тегмайдиган фасл. Тезроқ кузги йиғим-теримни тугаллаш зарур. Ҳадемай тинимсиз ёмғир бошлайди, қизгин ишнинг белига тепади.

2 сентябрда бошланган ўқиш бир меъёрда давом этмоқда эди. Институт рўпарасидаги дарахтзор майдонидаги дарахтларнинг шохлари бир-бирига чирмашиб кетган тераклар, чинорлар, нозик акациялар, уларни кучоқлаб, бошларини силаб турган қудратли эманларнинг қуюқ соясидаги қатор скамейкаларнинг ҳаммасини қиз-йигитлар эгаллаб олган. Ҳаммасининг кўлида китоб. Лекин менга шундай туюлдики, худди улар бу ерга дарс тайёрлаш учун эмас, чақчақлашиб ўтириш учун келганлар. Узун хиёбоннинг ўртасида, чап томондаги скамейкаларнинг бирида ўтирган иккита қиз билан ингичка мўйлов қўйган бир йигитча бир нималарни айтиб кулар ва учови хохлашиб, институтга қараб кетдилар. Ҳаммаси яхши.... аммо муаммолар жуда кўп. Аудиториялар

учун жихозлар, ўқув куроллар етишмайди. Қайсидир хонага парта, қайсидир хонага доска, қайсидир хонага стол-стул етишмайди. Бундан ташқари, фан хоналари учун жихоз, лаборатория хонаси, электрон ҳисоблаш хонасини ташкил этиш керак.

1 сентябрдан пахтага кетишимиз керак эди, лекин кутилмаганда ҳеч бир тайёргарликсиз шу бугуноқ пахтага жўнаш ҳақида фармойиш берилди.

Биринчи обком секретари Ю.Исломов кўнғироқ қилиб:

- Ўртоқ ректор! Зудлик билан пахтага жўнамаса бўлмайди!

Биринчи пара дарсдан сўнг студентларни чиқариб олиб пахтага жўнатдик.

Пахтага Мирзачўл районидаги 22 “А” совхозини “Ўзбекистон”га бордик. Бу ерларга биринчи йил пахта экилган экан.

Жиззахнинг биринчи олий ўқув юрти биринчи йил пахта экилган майдондан пахта териши шарафли ишдир.

Студентлар учта дала шийпонига жойлашди. Ўзим шахсан жойлаштириб қайтдим.

### ***1974 йил 24 сентябрь.***

Биринчи олий ўқув юртининг биринчи студентлари пахта теримига тушишди. Бугун 270 студент 21 тонна пахта терди. Жиззахнинг биринчи институтига берилган биринчи автобус КАВЗ-605 келтирилди.

Одамни қон қилиб юборадиган куз ёмғирлари бошланди. Пахта тугул подбор ҳам қолмаган, аммо ёмғир тиниши билан домлалар талабаларни далага ҳайдаш билан овора, кимдир бирдек пахтазорда тентираб юриш билан овора, кимдир ҳар қадамда этикка ботмон-ботмон лой ёпишиб, марзаларнинг у ер-бу ерида тўкилиб қолган курак аралаш кир пахтани лойдан ажратиб этакка тиқиш билан овора.

### ***1974 йил 25 сентябрь.***

Қурилишга қолдирилган студентлар билан гаплашдим. Узсельхозтехника савдосининг бошлиғи билан гаплашдим.

Турли асаббузарликларга барҳам берилди. Кимлардир огоҳлантирилди. Мана биринчи институтда биринчи жазо.



Биринчи автобус билан биринчи йўл босилди.  
“Ўзбекистон” савхозига бориб келинди.

Қаралмаган жойларга қараш топширилди. Яна асаббузарлик....

Ҳар куни бир гап кимдир “қовун тушириб” жўнаб қолган ва кимдир кимгадир жавоб бериб юборган. Яна асаббузарлик...

### **ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДАГИ ЎЙЛАР**

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Биласизми, у ким? У – ўзбек маданиятининг асаб системасидир.

#### ***1975 йил 5 январь.***

Кечкурун соат 9.00да Самарқанддан самолёт парвоз қилиб кечаси соат 1.00да Москвага кўнди. Домодедово аэропортидан Внуковога автобусда ўтиб, кечаси билан аэропортда ўтирдик. Эрталаб соат 8 дан 34 минут ўтганда Симферополга қараб учдик. ТУ-134 ва ИЛ-62 каби самолётлар жуда роҳатижон машина экан. Симферополга 6 январь соат 11.30 да келиб кўндик.

### **ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДАГИ ЎЙЛАР**

Оқил сафни бошлаб юради. Оқил бошқаларга ўхшамайди.

#### ***1975 йил 6 январь.***

Симферополь шаҳридан Ялтагача 100 км экан. “Ўзбекистон” санаторияси энг баҳаво жойга жойлашган. Тоғ ёнбағри, ҳамма томони кўм-кўк, шоир айтганидек: “жаннатда ҳам топилмайди бу боғлар”.

#### ***1975 йил 7 январь.***

Санатория Ўзбекистоннинг бир парчаси каби туйилди менга, чунки ўзбекча куй ва кўшиқлар радиодан янграб турибди. Врач кўпроқ пиёда юришни, у соғлиққа фойдали эканлигини маслаҳат берди.

Гурзуф бордик. Айтишларича, Гурзуф украинча сўздан олинган бўлиб, “тоғли худуд” деса, “ursus” яъни “айиқ”, таврча “гор дзакхъ” яъни “тоғ водийси, тоғ орасидаги водий” деган маъноларни билдиради. Бу топоним “Горзувит” кейинчалик

Курсаит, Горзовиум, Юрзуф, Гурзуф сифатида шаклланган. Қримнинг жанубий, Ялтанинг шимолий-шарқий ва Қора денгизнинг шимолий қирғоғида Авунда дарёси бўйида жойлашган.

Қадимдан Гурзуф водийсида тавр қабилалари яшаган бўлиб, Жинивез қояда топилган керамикадан ясалган турли идишлар у ерларда маданият ривожлангандан далолат беради. Жинивез қояда жойлашган қалъа қадимда византияликлар, кейин хазар ва генуэз қабилалари учун порт вазифасини ўтаган. Гурзуф Қрим сингари 300 йилдан ортиқ турк султонларининг ҳукмронлиги остида бўлган.

Гурзуфда Симфирополь-Алушта-Ялта тролейбус йўналиши ўтган.

Гурзуфда маҳлиё этган нарса, бу – боғ. Чўққилари осмон билан ўпишган тоғлар этагидан қайнаб чиққан зилол сув кўз илғамас ирмоқлар оқиб тушади-да, кенг, гўзал дарё Авунда тубларида шўх куйлаб, водийга равона бўлади. Равона бўлади-ю, далаларни кезиб боғнинг ўртасидан ўтади. Дарё ёқасига қайроқ тошлар шундай усталик билан чиройли қилиб тахлаб чиқилганки, кеча-кундуз тиним билмаган дарё тўлқинларига пояндоз бўлади. Дарё устидан бир неча бежирим кўприкчалар қўйилган. Гурзуф водийсидаги бу боғ қиш бўлса-да, кўклам либоси билан ясанган. Кўзларни қамаштирувчи, дилларни севинтирувчи турли-туман гуллар тонг шуълалари ва шабнамларини эмиб, ноз билан жилва қилади. Дарахтлар, гуллар бир-биридан гўзал, бир-биридан чиройли, бир-биридан сербарг, бир-биридан шифобахш. Жаҳонда неики, ўсимлик бўлса, шу ерда жамбулжам. Бўйи чўзилиб, сулув қизларни, қуёшли тонг латофатини эслатувчи сарв дарахтлари ўз чиройини кўз-кўз қилади. Қадимда боғда бешта фаввора қўрилган экан, ҳозирги кунда “Тун худоси” ва “Рахил” деб номланган фавворалар сақланиб қолган. Фавворалар ўзининг ҳаётбахш суви билан атрофни салқин қилган, боғнинг ҳуснига ҳусн қўшган, уни кузатган киши қалбини умид ва севинч билан тўлдирган бўлса керак.

Артекка бордик. Артек сўзининг маъносини турли таҳлил қилишади. Турли манбаларда турлича талқин қилинган: грекча

«ἀρκτος» (айик), «ορτύκια» (бедана), «ἀρτος» (нон) ёки татарча «артык» (алоҳида, ўзига хос).

Артек болаларнинг иқлимий шифохонаси бўлиб, айтишларича, меъмор А.Т.Полянский томонидан лойихаси ишлаб чиқилган экан. Артек 1925 йилда ташкил этилган ва шундан буён болалар учун хизмат қиляпти. Ўшанда Аю-Даг, яъни Айиқ тоғ этагида брезент палаткаларда биринчи пионерлар дам олганлар. Ҳозир эса Қора денгиз бўйида 20 дан ортиқ бинолар, меъморий мажмуа қад кўтарган ва улар алоҳида “Прибрежный”, “Морской”, “Полевой”, “Горный” каби номлар билан аталган. Ҳар бир бино атрофига турли ҳил арчалар, айниқса, сарв экилган.

Кўкаламзор ... Денгиз кафтдагидек кўриниб турибди. Болалар учун барча шароитлар муҳайё... Болаларимни юборишим керак (Дадажоним ўйлаганларини амалга оширган эдилар. Суннат акам, Гулнора ва Маърифат опам ва мен Артегда бир ой дам олганмиз).

Артек ҳудудида бир томонда «Космос» музейи (1967 йил Ю.А.Гагаринга бағишлаб қурилган), бир томонда «Тарих музейи» (1975 йил очилган) болаларнинг маънавиятини ривожлантирмоқда. Артектан бир неча ирмоқлар оқиб ўтади: Камак дарё, Путамиш, Суук Су.

### ***1975 йил 8 январь.***

Мисхорга бордик. Мисхор санаторийси Ялтанинг қоқ ўртасида жойлашган. 18 га майдонга эга ҳудудни эгаллаб турган, субтропик боғ ва денгиз бўйида жойлашган Мисхор ўзининг Воронцов саройи ва “Қалдирғоч уяси” («Ласточкино гнездо») кўрғони билан машҳурдир.

Инглиз ёзувчиси Джеймс Олридж бир асарида таъриф берганидек, Мисхор “Жанубий қирғоқнинг тожидаги тоза гавхар”дир. Санаторий революциягача бўлган даврда Томаков исмли савдогарнинг ёзги қароргоҳи бўлган жойда қурилган бўлиб, Ф.Шаляпин, А.Куприн, И.Бунинлар бу ерда дам олганлар. Максим Горький “На дне” пьесасини айнан мана шу ерда ёзган. 1970 йилда ёзги қароргоҳ санаторийга айланган.

**1975 йил 17 январь.**

Эрталабки процедуралардан сўнг Ливадияга бордик. Ливадияда 4-12- февраль 1945 йилда Ялта конференцияси бўлган. Бунда уч давлат бошлиқлари: И.В.Сталин, Рузвельт, У.Черчилл қатнашган. Улар мажлис ўтказган жойни кўрдик. Конференция ўтказилган жой Николай подшонинг дам олиш саройи экан.

**1975 йил 20 январь.**

Эрталабки гимнастика ва чойдан сўнг “Поляна сказок” – “Эртактлар майдони” деган жойга бордик. Бу эртакт шахри ўзининг мўъжизалари билан кишини мафтун этади. Рус халқ эртактларидаги ҳамма образлар дарахтларнинг тўнка, шохларидан ясалган. Бир соатда бутун рус халқ эртактларини ўқиб чиқасан, киши. Бу мўъжизаларни ўйлаб топган кишиларга таҳсин айтиб қайтдик.

**1975 йил 22 январь.**

Эрталабки юмушлардан сўнг Никитин боғига бордик. 76 гектардан иборат бўлган бу боғда 1900 дан ортиқ декоратив дарахтлар ва шунга яқин гулларнинг навлари бор экан. Денгиз бўйида жойлашган бу диёр, асарларда таърифланган, жаннатни эслатади. Агар уни ёз фаслида кўрсангиз янада гўзаллик касб этади. Ҳар бир ўлкада ҳам шундай табиат шифохоналари ташкил этилса, турли касалликларнинг сони бир мунча камайган бўлур эди.

**1975 йил 25 январь.**

Уйга тўғри рейс бўлмагани учун Киевга учдик. Киевга соат 14 да етиб бордик. Машинада бутун Киевни томоша қилдик. Кечқурун Киевнинг “Днепр” меҳмонхонасида дам олдик.

**1975 йил 26 январь.**

Тошкентга имкон бўлмагани учун Киев-Душанбе самолёти билан қайтишга тўғри келди. Телефонда болаларни овозини эшитиб Киевда туrolмадим. Ўрта Осиё республикаларига қанақа рейс бўлса учиб учун қасамёд қилдим ва учдим. Самолётда қўлимга тушиб қолди. Ёзиб олдим:

Исталган суюқлик, куйиларкан кўза ичига,  
Олмоққа киришар

идиш шаклини,

Сўз-да, кўнгил қаватига бўлаётиб жо.

Дарак берар унга ўз қиёфасидан.

Қоронғуликни туслантира бошлар

тунги тимсоллар,

Учқур от устида ҳорғин суворий...

доимо,

Ҳар жойда – базўр енгмоқ воқедир

Мудҳиш уйғунликнинг чегараларин.

Шундай, кираётиб дунё ботинига биз,

ўзгариш берурмиз,

У қобикдир, асос эса – биз,

Менинг оламим,

Титраб, тўлқинланиб суюқлик мисол,

Етишади сўз тафсирига.

Тутун учқунланар –

ёнаётир сўнгги тўплам...

Лек мангудир

харфлар кули узра намоён белги,

Тўшаклар ўзра, тоштахта ўзра

Фикрнинг қийшиқ андозасида букилган товуш

Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов

**1975 йил 29 январь.**

**Жиззахлик адиблар:** Аламкаш, Махмуд Коризий, Муҳаммад Ризо (1801-1877), Муаззамхон Саидхон қизи (1833-1917), Нарзулла Умурзоқ ўғли (1888-1940), Анқабой Худойбахтов, Қосимжон Хошим, Қодир Имомов, Баҳром Иброҳимов (Йўқсил), Ҳамод Олимжон, Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Сарвар Азимов, Шукур Саъдулла, Ориф Икромов, Жўра Аҳмаджон, Насрулла Охундий, Оқилжон Хусанов, Асил Рашидов, Келди Қодиров, Нурқали Қобил, Тожи Одил, Шароф Убайдуллаев, Мели Норматов, Шукурулла Файзулла, Назир Баракаев, Иброҳим Дониш, Шерлон Алиев, Нуъмон Мирзаев, Али Муҳаммад, Аброр Азимов, Эргаш Муҳаммад, Муҳаммад

Шарипов, Носир Йўлчи, Маъмур Зарипов, Мамадали Махмудов.

**Келди Қодировнинг “Мавж”** (Тошкент, 1976) номли тўплами нашр эттирилди. Бу тўпламга 27 шеъри ва “Олтин тож” достони киритилган.

1980 йилда “Ҳаётбахш шабодалар” (Тошкент) номли тўпламида Келди Қодировнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди, прозаси ва шеърияти ҳақидаги кузатишларидан намуналар қиритилган.

**Шерлон Алиев.** Адабиётимизга 70-йилларда кириб келган қаламкашлардан бири. Жиззах тупроғида яшаб унинг ўзбек, рус тилларида шеър ва очерклари матбуотда чиқиб туради. 1974 йилда шоирнинг “Умр дақиқалари” номи билан биринчи шеърлар китоби ичққан бўлса, 1981 йилда “Чайка” номли тўплами нашр қилинган, қрим-татар тилида чиққан.

**Насрулло Охундий.** 20-йилларда кўлига қалам олиб, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ҳамид олимжон, Ғафур Ғулом каби адиблар овозига жўр бўлишга интилган шоирлардан бири бўлган. У республикамизнинг кўпгина ижодий ташкилотларида масъулиятли вазифаларда ишлаб, халқимизнинг ҳаётини, интилишларини акс эттирувчи бир талай шеърлар, очерklar, поэмалар ёзган. Унинг ижодида таржимачилик ҳам катта ўрин эгаллаган. Унинг 1971 йилда “Ишқингни авайла” (Тошкент, 1971) шеърлар тўплами нашр эттирилган.

## ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДАГИ ЎЙЛАР

Тарбия билан иккинчи сменада шуғуллансанг, у буни ҳеч вақт кечирмайди. Маҳсулотинг брак бўлади.

Ҳамма тарбия воситалари ичида энг муҳим қурол сўздир, чунки қилич яраси битар, сўз яраси битмас.

*1976 йил 2 июнь.*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академисининг бирлашган Советида докторлик диссертациямни ҳимоя қилдим.

**1976 йил 2 июль.**

Ҳужжатларимни ВАКга жўнатдим.

**1976 йил 4 июль.**

Навқатдан Шаҳоб тўйга айтгани келди.

**1976 йил 5 июль.**

Икром Суяровникида Наби ака, Мамараҳим, Шаҳоб билан меҳмонда бўлдик ва Шаҳобникига боришни 28 июлга режалаштириб олдик.

**1976 йил 6 июль.**

Самарқанддан Москвага ва ундан хотин билан Самарқандга учдик.

**1976 йил 7 июль.**

Ялтадаги “Ўзбекистон” санаториясига жойлашдик.

**1976 йил 26 июль.**

Симферопольдан Фарғонага учдик ва Шаҳоб кутиб олди.

**1976 йил 27 июль.**

Ўш-Самарқанд рейсига 30 июль учун билет олдим.

**1976 йил 29 июль.**

10.00 да Наби Уралов кириб борди. Унинг орқасидан меҳмонлар Р.Шавалиев, Анвар Ропиев, Умар, Суннат, Неъмат, Тошболта кириб келишди. Ўтириб чой ичиб Абширга сайёҳатга бордик.

**1976 йил 30 июль.**

Барвақт туриб йўлга равона бўлиш учун Ўшга жўнадик. Машиналарнинг ушланиб қолиши баҳонаси биласн самолётдан қолиб кетдик. Шундан сўнг Навқатга қайтиб, Тангидаги Федоров боғига чикдик ва хайрлашиб соат 5.00да машиналарда йўлга равона бўлдик. Қуёш ботишда Қўқонга яқинлашдик. Кечқурун соат 9.00 билан 10 ларнинг ўртасида биз тушган

“Жигули” тракторга урилган. Кечаси соат 11 ларда ўзимизга келсак Қўқондаги 1-касалхонада ётибмиз.

31 июль – юзлари қоп-қора бўлиб шишиб кетган, бош зирқираб оғриydi, кўзлари ҳеч нарсани аниқ газламаydi. Бош рентген қилинди. Бошнинг пешонасида чап томони бош суяк ёрилган. Чап оёқ тиззадан пасти тилинган, аъзои бадан момоталоқ бўлган. Буруннинг бир тешигидан умуман ҳаво ўтмайди. Бошнинг тепасидан 10 смча ёрилган.

### ***1976 йил 14 август.***

Жиззахга кетиш учун тез ёрдам машинасида Андижон-Душанбе поездига врач Алижон Пўлатов кузатиб кўйди. Суннат Имомов билан иккаламизни Жиззах шифохонасига олиб бориб жойлаштиришди. Йўл азоби орқасида шу куни кечаси яхши ухлай олмадик. Бу ерда даволовчи врач Ҳасанова Дилноза Маматовна қаради. Т.Р.Назарова, Мадиёров, Х.Қарабоевлар консультация бердилар.

### ***1976 йил 13 сентябрь.***

Касалхонадан уйга жавоб беришди. Уйда бир икки кун дуруст бўлгандай кўринди-ю, аҳвол ҳали энгил эмас эди. Н.Қўшоқовнинг ёрдамида Тошкент касалхонасида даволаниш лозим топилди.

### ***1976 йил 20 сентябрь.***

Ота-онамни зиёрат қилиш учун ҳузурларига бордим. У ерда бир оқшом тунаб Жиззахга қайтдим. Анча толиққан бўлишимга қарамасдан хотин ва икки кичик ўғил билан Тошкентга етиб келдик. Клиникада эртага соат 10 етиб келишни айтишгач, Наби Ураловнинг уйига кетдик.

23 сентябрда клиниканинг нерв касалликлари бўлимининг 8 палатасига жойлашдик. Даволовчи врачимиз Нигора Наримоновна бош врачдан кўрсатмаларни олди.

### ***1976 йил 27 сентябрь.***

Республикамиз пахтаси 2 млн. тонна бўлди. Студентлар анча меҳнат қилишмоқда.



### **1976 йил 8 октябрь.**

Ўртада ёмғир ёғди. Муолажани давом эттиришни тайинлади.

Маълумки, ҳар бир китоб – битта мамлакат. Шу мамлакатлардан бештаси билан танишиб чиқдим. Ҳар бир мамлакатнинг ўз қоидалари, ўз мазмунлари мавжуд.

Оёқнинг оғриғи безовта қияпти. Бош оғриғи. Врачимиз Эшжонова таскин беради.

### **1976 йил 16 октябрь.**

Шанба куни. Уйдагилар келди. Бодом қолди.

Бугун “Союз-23” да учган Зутов қа Рождественский космосда кемани Салют станцияси билан туташтира олмади. Эксперимент тўхтатилди. Кема автоматик бошқаришга ўтказилди.

### **1976 йил 19 октябрь.**

Оиланинг асл таянчиғи хотин келиб неча кундан бери тушмаган иситма тушди. Гриппдан фориг бўлган биринчи кун. Врачимиз Эшжонова Гавҳар Раҳимовнадан уколни тўхтатишни илтимос қилдим. Илтимос инобатга олинди.

Бир инсон ҳар қанча бой ва мартаба эгаси бўлса ҳам, хотин тарбияли бўлмаса, у инсон бахтли эмас, чунки бахт оила ичида роҳатланиб умр кечиришдан иборат бўлиб, оила ичида роҳат кўрмаган инсон оиласидан ташқари ерда роҳатлана олмайди. Шунинг учун хотинларнинг тарбияли бўлишлари зарурдур. Улар учун илм ва тарбиядан мурод – ўз вазифаларини билишлари ва фазилат ўрганишлари, кейин булар билан гўзал равишда амал этишлари демакдир. Инсонларнинг саодати тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия эса хотинлар қўлидадир.

Инсон умри бир учқундай гап. Бир кўрганигда лоп этади-ю, бир неча сониядан сўнг учади. Ҳеч бир инсон учқуни бевақт ўчмасин. Шунинг учун энг аввал хотинларнинг тарбияли бўлишлари, одоб, ахлоқ, тарбия қоидаларини яхши билишлари керакдир. Шундагина хотин уй фариштаси, деган унвонга лойиқ бўлади.

**1976 йил 28 октябрь.**

Профессор Наби Мажидов кўриб жавоб берса бўлади, деди. Асаб касалликлари санаториясида даволанишни айтди.

29 октябрда Жиззахга жўнадик. Келиб болаларни кўрдик. Ҳаммаси соғ-саломат.

**1984 йил 21 ноябрь.**

Куз ёмғири бошқача бўлади. Худди шу паллада, октябрнинг ўрталаридан бошлаб йўл четида жойлашган кичик кулбалар мунғайиб қолади. Йўлларнинг аталаси чиқиб кетади. На машина юради, на арава. Уйлар тарки дунё қилгандек, жунжиккан куйи рўпарасидаги кенг, бепоён далага ҳавотир аралаш маънос термўлади. Кечалари уйлар деразасида хира милтиллаган нур тун зулматига ҳадиксираб мўралайди. Итингни кўчага чиқаришни раво кўрмайдиган ҳаво деб шуни айтадилар. Қишлоқнинг итлари ҳам бунақа матални эшитгандек ин-инига кириб кетади. Одамлар тезроқ қор ёғишини, олам тезроқ ёришиб кетишини Худодан илтижо қилади.

Биз туристик маршрут Самарқанд-Ҳисор йўналишидан кетаяпмиз:

Самарқанд, Панжакент, Сужина, Филмондар, Косатарош, Шинг, Ҳисор дарвоза (тоғ), Рашна Поён, Нежигон (кўл), Соя (кўл), Падрут (Қалаи Нофин Хаср), Хурдак (кўл), Мургузар (кўл), Моргузар, Азорчашма (кўл), Пани, Киоглы, Тавасанг (перевал), Минора (перевал), Пуштикўл (кўл), Пушкеват (перевал), Саритоғ, Мура (перевал), Ҳакими, Лабижўй, Ҳисор.

Сужина, Гусар, Урметан, Дардар, Айни, Пинён, Жижик, Искандаркўл, Хазормеч (дарё), Серидевол (дарё), Ангишт (перевал - 4094), Пайрон (кўл), Ҳакими, Қоратоғ (дарё), Лабижўй, Ҳисор.

Айни, Работ, Такфон, Шаршара (водопад), Анзоб, Анзоб чашма, Анзоб (перевал), Хазора, Зинди, Хўжаобигарм, Хушёри, Пугуз, Бигар, Варзоб, Чорбоғ, Душанба.

Денов – тожикча, “деҳ” ва “нав” сўзларидан олинган бўлиб, “янги қишлоқ” демакдир.

Шеробод – асли Шоработ бўлиб, “шо” – бош, “работ” – бекат, кўрғон демакдир.

Урал (Арал) – тюркское слова – возвышенность, бугры, холмы.

## ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДАГИ ЎЙЛАР

*Сўзларнинг маъноларини тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз!.... (Декарт).*

**Аржанг // артанг// арсанг**

1. номи китоби.

Монй, ки дорой сурат ва накшҳои гуногун будааст; нигорхонаи Монй.

2. мач. Сурат, лавҳаи наққоши.

3. номи як паҳлавони тўронй.

Ялонаш буд Аржангу Мардўи шер,

Ки ҳаргиз набуданд аз чанг сер (Фирдавсий).

4. номи як деви Мозандарон, ки Рустам ўро киштааст (ФЗТ, 1,82).

**Арт** [а:рт]. Арка, из тарап, сырт, ыз. Ала копек хасанаклап, арт аяклари билан гар тозадып, онуң өнунден чикды (Туркмен дилиниң созлуги. Ашхабад, 1962, 52-бет).

Аржанак – кон.с. эдермен, догумлы, батыр (49-бет).

**Соғар** – соғ –диал. Унг. Соғ қўл. Душман келолмасин соғу сўлима, ўзи эга бўлсин Булғор элига (Эрали ва Шерали). (ЎТИЛ, 2, 73).

Соғарж › со – арж › арғ (С.Қар, 29).

Соғ – ўнг, аржанг – турон паҳлавони.

Соға арж (Ф.Абдуллаев).

Соғар пиёлаи шаробхўрй, чом, қадах (ФЗТ, 2, 264).

**Саг** // солуң, чепиң гаршы тарапы. Анха ер хакыкатдан хем ене сага, чепе гышаряр (Б.Кербабаев, 569-бет).

Сағр I а. дандонҳои пеш.

Сағр II а. 1. Тангно, гузаргоҳи танг.

Сарв чун меҳргийе зери замин ҳисн гирифт.

Дари хиснаш ба саророни сағ(а)р бик шоед (Афзалладдин Ҳоконни Шаровни, асри XIII, Қуллийёт, чопи Ҳинд, 1908; Девон, Техрон, 1316).

2. марз, сарҳад, худуд; замини сарҳаддӣ. Як кас аз лашкариён, ки номзади фалон сағр аст, бе ичозат ин чо омадааст (Муҳаммад Авфин Бухорой, асри XII-XIII, “Чавомеч-ул-ҳикоёт”).

Ба тарчил сӯи Хуросон баяд рафт, то дар он сағри бузург халале наяфтад (“Таърихи Байҳақӣ, асри XI), чеи Техрон, 1324 (1945).

Арғо рӯдхона, чӯи калон.

Бар ду рухсораш ду арғо з-оби чашм,

Рафта аз дасти хаёлаш хоби чашм (“Фарҳанги Чаҳонгири”).  
(Фарҳанги забони тоҷик. – М. 1969, I, 87-бет).

### ***1984 йил 1 декабрь.***

Сентябрдан буён пахтадамиз. 25 сентябрда Республика пахтаси 1 млн. тоннадан ошган бўлса, 22 ноябрда 4 млн. тоннадан ошди.

Тез-тез ёмғирдан сўнг 30 ноябрда дурустгина қор ёғди.

Бугун эрталабдан студентларни қайтариш учун автобус кутяпмиз. Жиззах шаҳри 25 минутлик йўл, лекин соат 11 бўлса ҳам автобус йўқ. Хуллас, студентларни тинч-омон соат 16 гача олиб келдик.

### ***1984 йил 3 декабрь.***

Яхшигина қор ёғди. Ундан кейин ҳаво исимади. Жуда совуб кетди. Бундай совуқ 1950 йилда бўлган эди.

21 декабрда Жиззахда 27 даража совуқ, Ғаллаоролда 36 даража совуқ.

### ***1990 йил 15 декабрь.***

Муаммолар:

1. Умумий мажбурий ўрта таълимга ўтишга бироз шошилдик:

а) етуклик аттестати олганлар билимини оқламайдилар;

б) дарсликлар бепул, қайтариб олмаслик шарти билан берилиши керак. Қайтариб олиб бошқа ўқувчига бериш саломатликка зарар;

г) уч маҳал бепул овқатлантириш лозим. Ҳозир фақат 15 тийинлик нонушта бераяпмиз. Бу 63 млн. сўмни ташкил қилади.

2. Умумий мажбурий 9 йиллик таълимга ўтиш лозим, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда АҚШда халқ таълими учун 28,5 %ни, бизда 12, 4% ташкил қилади.

3. Стипендияни оширишни назорат қилиш лозим;

4. Ўқитувчиларнинг назарий савиясини ошириш лозим;

5. Малака ошириш институтларида аттестация ўтказиш керак;

6. Янги технологияларни ишлаб чиқиш;

7. Таълимни салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш;

8. Рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш;

9. Фанларни ўқитиш билан бирга чет тилини ўргатиш лозим;

10. Миллий мактаблар масаласи;

11. Дарслик ёзишда монополияни бузиш керак;

12. Тайёрлов гуруҳларини такомиллаштириш;

13. Узлуксиз практика ва битирувчи курслар практикасини кўриб чиқиш.

### ***1991 йил 1 февраль.***

Президентнинг эски ўзбек ёзуви ҳақидаги фармонларининг бажарилиши ҳақида ахборот тайёрлаш.

Эски ўзбек ёзувининг ўрганилиши ҳақида (Мактабларда пуллик ўқишларни ташкил этиш).

Эски ўзбек ёзуви бўйича қўлланма ишлаб чиқиш.

### ***1991 йил 11 декабрь.***

Худди шу кунлардаги аҳвол 1787 йил 17 сентябрида АҚШда рўй берган эди. АҚШнинг конституцияси қабул қилиниб, унинг тасдиғи ва қўллаб-қувватланиши штатларга боғлиқ эди.

Чет билан гаплашиш ва ҳар хил шартномалар тузиш учун штатлардан маблағ сўраш лозим.

“Эркинликни сақлаш учун кучли ҳукумат керак”.

Александр Гамильтон: “Начинали – демагоги, а кончали – тираны”.

Халқнинг кўзи – худонинг кўзи.

### ***1991 йил 1 январь.***

1991 йилнинг биринчи кунини оила даврасида дуруст бошладик. Опам касалхонада уни кўриб қайтдик.

Малоҳат, Маърифат ва Суннатилланикида бўлдим. Кечқурунга томон меҳмонлар келишди ва улар билан суҳбатлашиб ўтирдик.

### ***1991 йил 2 январь.***

Жиззахда ишда бўлдим. Бугун сиртки бўлим студентларининг қишки сессияси бошланди.

Институт хотин-қизларининг янги йил табриги:

Янги йилда разолат, қабохатлар йўқ бўлсин!

Тўғри сўз-у, ҳақиқат ағёрларга ўқ бўлсин.

Хушнуд кунлар қадрига етмаса гар нонкўрлар,

Фитналари фош бўлиб, адолатга зор бўлсин!

Бахтингизга, домлажон, омон бўлсин дўст-улфат,

Янги йил истагимиз: кўрманг асло ғам-кулфат.

Янги йилда янги бахт, омад Сизга ёр бўлсин,

Аёлларни эъзозлаган Ўринбоев бор бўлсин!

### ***1991 йил 11 январь.***

Шаҳар партия комитетида партия-хўжалик активининг ўқиши бўлди.

Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган конференция ўтказдик. Конференциянинг очилишида кириш сўзида маъруза қилдим.

Тил секциясида “Алишер Навоий асарларида тасвирий воситалар” темасида доклад қилдим.

Секциянинг ишини ривожлантириш керак.

Студентларни кўпроқ жалб қилиш даркор.

Студентлар пассив, жонлантириш керак.

Секциядаги докладлар мавзуларини кўриб чиқиш керак.  
Режаси ишлаб чиқилганми?  
Дастурда белгиланган маърузалар ўқилиши керак.

***1991 йил 14 январь.***

Кўшма гап ситаксиси бўйича атамалар луғатини ёзиб тугатдим.

***1992 йил 24 февраль.***

Истамбул техника университети 1773 йилда ташкил топган. Университет 1944 йиллардан бошлаб фаолият юритган.

Бепоев Қора денгизнинг бир бурчида Қрим, нариги бурчида жойлашган Истамбул шаҳри кўринганида самолётимиз пастлай бошлади. Қора денгиз ва Мармар денгизини туташтирган Босфор бўғози бўйлаб чўзилиб кетган улкан шаҳар – Истамбул самодан бир кафтга сиккудек кўринарди. Тўлқинлари соҳилни юваётган денгиз юзасида гугурт кутисидек кўринадиган кемаларни, икки соҳилни туташтирган улкан кўприкни, устидан ўтаётган турнақатор машиналарни кузатиш жуда гаштли.

Соат 7.00 да парвоз ниҳоясига етиб Истамбул аэропортига оҳиста кўндик. Бу ердан бизни меҳмонхонага олиб кетишди. Кечга томон меҳмонхона атрофини айландик.

Қизиқ, ҳар бир жойнинг ўз муҳити, ўз одамлари, ўз анъаналари бор.

Истамбул шаҳри номининг луғавий маъноси ва тарихи билан қизиқдим. Узоқ йиллар юнонча Константинополь номи билан юритилган шаҳарга ислом дини ёйилганда – Исломбўл деган ном берилган экан. Исломбўл бора-бора – Истамбулга айланибди.

Истамбулни Қора ва Мармар денгизлари ўраб туради. Улкан шаҳар ўртасида Босфор бўғози ўзгача манзара касб этади. Теварак-атрофи сув билан қопланган шаҳар дунёнинг ҳеч бир ҳудудида учрамайдиган бетакрор иқлимга эга. Баъзан бу ажиб масканда бир кунда тўрт фаслни кўриш мумкин.

Босфор бўғози шаҳарни иккига – Осиё (кичикроқ қисми) ва Европа қисмига ажратган. Европа қисми Олтин Шох қўлтиғи соҳилларида жойлашган. 1970-72 йилларда Босфор бўғози

устида Истамбулнинг ҳар иккала қисмини бирлаштирадиган улкан кўприк қурилган. Бу улкан кўприк иккига бўлиниб қолган шаҳарни боғласа, Истамбулнинг ўзи Осиё ва Европани боғловчи олтин кўприк ҳисобланади. Ҳар йили 1 миллион атрофида сайёҳлар ташриф буюрар экан.

Мафтункор Истамбул шаҳрига икки қитъа жо бўлганига яраша унда Осиё жилоларини ҳам Европа жозибасини ҳам яққол ҳис этасиз. Масжидлардан янграган азондан қалбингизга нур ёпирилиб кирса, унинг ортидан замонавий тинғир-тинғир оҳанглар қулоқларни қоматга келтиради...

### ***1992 йил 26 февраль.***

Измир шаҳрига етиб келиб меҳмонхонага жойлашгач, автомобиль заводида тушлик қилгач, университетнинг муаллимлар тайёрлаш факультетида бўлдик. Шаҳар валийлигида қабулда бўлдик. Шаҳар маданият паркида модалар залини кўрдик. “Максим” ресторанида валий чой берди.

### ***1992 йил 27 февраль.***

1923 йилдан буён Анқара Туркиянинг пойтахти саналади. Самолётда Анқарага етиб келдик. Бир томондан Анатолия ясси тоғ тизмалари,.....

Ататурк қабрини зиёрат қилдик.

Сулаймон Демирел қабулида бўлдик.

Анқара валийлигида....

Маориф вазирлигида....

Валий зиёфатида бўлдик.

### ***1992 йил 28 февраль.***

Университет бош бошқармасида учрашув.

Вазир билан учрашув.

Айтишларича, бир оилада 12 киши бор экан. Улар 2 қайикқа тушиб адашиб икки оролга тушиб қолибди. Анча йилдан сўнг улар учрашибди ва тез орада бир-бирини тушунибди. Ўзбекистон ва Туркияни шундай деб тушунаман.

Бизда ҳамма домлалар академиклар деб аталади.

Ҳукумат қарор қабул қилаверади. 980 минг талаба ариза беради. Шундан бешдан бири қабул қилинади. Компьютер ва



электроникадан 100000дан 100 киши олинади. Имтиҳонларни рус ва ўзбек тилида оламиз. Тайёрлов курсида ўқийди. Танлов маркази Олий таълим системасида 1 шахсий ва 27 давлат университетлари мавжуд.

Ҳамма мактабни тугатганлар шу марказдан ўтади. Туркиядаги қанча қабул қилиниши лозим бўлган сонни валийлик тасдиқлагач, бизга айтади. Ҳар йил октябрда келгуси йилда хохшини билдирганлар 19 апрелда ўтказилади. Бундан ўтганлар 21 июнь иккинчи босқичга ўтадилар.

2 турдан ўтганлар мутахассислиги ҳақида айтадилар. Шундан сўнг ўтган бали ҳақида хабар беради. Сентябрда ўз ҳужжатини топшириб университетга киради. Ҳар бир талаба имтиҳонлар учун пул тулайди. Давлат танлов марказига эмас.

Хориждан келганлар ҳам марказга хат билан мурожаат қилади. Улар билан биз имтиҳонларни бошқа мамалакатларда ҳам ўтказилади.

Ўзбекистондан келувчиларни синовдан ўтказишни ҳам бизнинг марказ ўтказилади. Бу йил 1 млн. абитуриент қатнашди, шундан 200 минг қабул қилинди. Тест саволларини марказ ўқитувчилари тузади. Ҳар бир тестда 50 тадан савол бор. Шундан қанчасига тўғри жавоб бермаганлар балл ҳисоблайди. 50 дан 16 салбий олди, у 16 балл. Тегишли баллга эга бўлганлар 2 турга киради.

## **ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДАГИ ЎЙЛАР**

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар: - Энг доно ким?

Айтди: - Ҳаёт қийинчиликларидан ғам чекмаган киши.

Сўрадилар: - Энг яхши бойлик нима?

Айтди: - Ақл.

Сўрадилар: - Қайси ўт ўз ёқувчисини куйдиради?

Айтди: - Ҳасад ўти.

Сўрадилар: - Қандай бино вайрон бўлмайди?

Айтди: - Адолат биноси.

Сўрадилар: - Қайси аччиқ нарсанинг сўнгги ширин.

Айтди: - Сабрнинг.

**1992 йил 15 июль.**

Туркияга бориб ўқиши лозим бўлган ўқувчилар ҳақида:

- ҳуқуқшунослик.
- турк тили ва адабиёти.

205 магистрдан 165 киши мавжуд. Кетадиган талабалар ҳар 2 йилда келиб кетишини келишдик. Бугун-эрта ташқи ишлар вазирлигига ҳужжатларни етказиш жўнатадиганларни дуруст кийинтириш лозим. Аэрофлотда 20 кг бепул. Кетадиганлар 50 долларгача алмаштириб олиши мумкин. 6 ойдан сўнг курс бўйича тестдан ўтса, ўша курсдан давом эттирадилар. Докторантлар сентябрда жўнайди. Стажёр-ўқитувчилар кейин кетади.

Туркияга борувчилар ҳақидаги Фармон 1992 йил 29 июнда қабул қилиниб, бу йилги қабул режаси тасдиқланди. Олдимизда бир қатор вазифаларни амалга ошириш керак: - чет тилини ўрганиш; - қўлланмалар яратиш; - Туркияга аспирантурага кирувчилар илмий иши лойиҳасини тайёрлаш ва ҳар беш кунда назоратга олиш; - тест тизимини ўрганиш; - тест синови учун ҳужжат қабул қилиш 31 июль куни кечқурун тўхтатилади; - 20 июлдан бошлаб телекўрсатув бўлади.

### ***1993 йил 3 март.***

Газета хабари асосида сўзлаб бериш. Талабалар “Ўзбекистон овози” газетасида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ҳақидаги мақолани шарҳлаб суҳбат ўтказдик.

Ўқитувчилар ва студентлар Ўзбекистон мадҳиясини ким ёзганлигини билиш ва матнини ёд олишини назорат қилиш.

### ***1998 йил 3 февраль.***

Ҳазрати Башир асли исми Султон Саид Аҳмад Вали бўлиб, у Китоб туманининг Косатарош қишлоғида 1373 йилда туғилган. Отаси Хўжа Амир Неъматуллоҳ Амир Темур саройида маслаҳатчи бўлган.

Саид Аҳмад туғилганда онасидан сут келмай қолади ва шундан бешир-башир лақабини олган, шунинг учун ҳам Ҳазрати Башир номи билан машҳур. У 96 йиллик умри давомида кўплаб мутасаввуфларни тарбиялаб етиштирган буюк

алломадир. Султон Саид Аҳмад Вали – Ҳазрати Башир 1469 йилда вафот этган ва ўша қишлоқдаги мақбарага қўйилгандир.

Менинг ишларим ҳақида маълумот берилибди:

Ҳожиев А., Йўлдошев Б. Ўзбек тилшунослиги равнақи йўлида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, 4-сон, 29-32-бетлар.

Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси, қидирув бўлими ходими таклифи билан “Маънавиятимиз - бойлигимиз” мавзусида маъруза қилдим.

Ёшлигимиз баҳори ўтган Самарқанд ҳақидаги рисола ни тугатиш керак.

“Кириш”нинг хатосини тузатиш учун бердим.

### ***1998 йил 18 октябрь.***

Самарқанд куни муносабати билан стадионда маъруза ўқидим.

### ***1998 йил 19 октябрь.***

“Зарафшон” газетаси таҳририятида бўлдим ва унда А.Усмонов билан учрашдим.

Кутубхонада Имом ал-Бухорий ҳақида маъруза ўқидим.

### ***1998 йил 20 октябрь.***

Ўзбек тили байрами муносабати билан А.С.Пушкин кутубхонасида “Она тилимиз муаммолари” мавзусида маъруза қилдим.

### ***1998 йил 21 октябрь.***

Тил байрами муносабати билан А.Навоий ҳайкали пойига гул қўйдик.

СТВга ўзбек тили ҳақида интервью бердим. Н.Ражабовнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” дастурига тақриз ёздим.

### ***1998 йил 22 октябрь.***

49-гимназияда Имом ал-Бухорийга бағишланган конференцияда қатнашиб, маъруза қилдим.

Салоҳиддинованинг докторлик диссертациясини ўқидим.

**1998 йил 23 октябрь.**

Салоҳиддинованиг докторлик диссертациясига тақриз ёздим.

Имом ал-Бухорий сабоқлари бўйича вилоят радиосидан “Сахий топса, бўлиб ер, бахил топса босиб ер” мавзусида чиқиш қилдим.

**2007 йил 10 сентябрь.**

Қурбонова Бахтихон Қўчқоровнанинг “Локаллик ва уинг ўзбек тилида ифодаланиши” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг муҳокамасида қатнашдим ва тақриз ёздим.

**2007 йил 14 сентябрь.**

Тошкентда бўлдим. Ўринова Олима Тоғаевнанинг “Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи” мавзусидаги номзодлик диссертациясига оппонентлик қилдим.

**2007 йил 20 сентябрь.**

Базарова Муниса Маткаримовнанинг “Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясига тақризчиман.

**2007 йил 21 сентябрь.**

“Ғазирам салоҳияти” китобимни ўқидим.

**2007 йил 23 октябрь.**

Бугун Улуғбек билан ишлаб “Умумий тилшунослик”дан маърузалар матнини чиқариб олдим.

**2007 йил 26 октябрь.**

Тошкентда Санақулов Усмоннинг докторлик диссертациясига оппонентлик қилдим. 15 совет аъзоси тўлик овоз берди.

***2007 йил 14 ноябрь.***

Тоҳириён Зебо Тошкентдан қўнғироқ қилди. 2-3-синф “Ўзбек тили” китобларим қайта нашр қилинар экан. Эртага Тошкентга боришим керак.

***2007 йил 15 ноябрь.***

Ишдан жавоб олиб Тошкент бориб келдим. “Ўзбек тили” китобини чиқариш учун шартнома имзолаб келдим. Паспорт ва пенсия дафтарчаси нусхаси юбориш лозим.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
Тилшуносликнинг забардаст вакилларида бири.....	7
Шайх Худойдод Валига ихлос қилган дадажоним.....	9
Оила шажараси.....	10
Тадбиркорлик мерос.....	12
Филолог бўлишимга сабаб.....	17
Инъом этилган энг катта бахт.....	17
Кун нимадан бошланади - тарбия.....	20
Бу ҳам қарз, ҳам фарз.....	22
Ҳаёт ўйин майдони.....	24
Анъанага айланган рағбат.....	25
Хаёлнинг энг юксак кўриниши.....	28
Зиёрат фахри.....	31
Тўй –халқ маросимларидан бири.....	32
Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан.....	34
Гўзаллик нимада?! .....	37
Табиатни ардоқлаганни ҳаёт кадрлайди.....	40
Фидойилик унинг қонида .....	42
Нурафшон ҳаёт.....	43
Сўз айтиш – дур сочиш.....	46
Устоз-шогирд анъанаси.....	49
Асрлардек барҳаёт номлар.....	51
Инсон деган юксак унвонга лойиқ.....	52
Куч адолатдадир.....	54

Оламни англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган инсон.....	58
Буюк ва меҳрибон устоз.....	61
Миннатдорчилик айтай.....	63
Устозлар сабоғи бисёр.....	66
Дунё йиғласин.....	69
Замондошлар хотирасида.....	78
Б.Ўринбоев кундаликларидан сатрлар.....	172

## **Д. ЎРИНБАЕВА**

**Яқинларнинг юрагида яшайман**  
(Таниқли тилшунос олим Бозорбой Ўринбоев хотирасига  
бағишланади)

Самарқанд, “Zarafshon” нашриёти ДК, 2016. –208 б.

Мухаррир: М. Абдурахмонов  
Мусахҳиҳ: Гулнора Холдорова  
Саҳифаловчи: Дилбар Саматова

Нашриёт лицензияси АІ №153, 14.08.2013  
Теришга берилди: 12.08.2016й.  
Босишга рухсат этилди: 26.08.2016й.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1/16</sup>.  
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашриёт т. 12,5 Шартли б.т. 14  
Адади: 100 нусха. Буюртма. 35.  
Баҳоси келишилган нархда.

“Zarafshon” нашриётида нашрга тайёрланди.  
140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.

Тел.: (+99866) 235-28-40  
e-mail: zar-nashriyot@inbox.uz

“MEHRIBON POLIGRAF SERVIS” MCHJ  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Самарқанд шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 85А-уй.

**ISBN 978-9943-5286-9-7**